

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

“Давлат ва ҳуқуқ назарияси” кафедраси

**«ҲОЗИРГИ ЗАМОН АСОСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМЛАРИ»
фанидан
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**

Тайёрлади: доц. М.К.НАЖИМОВ, доц. Ф.П.ҲАЙИТБОЕВ

ТОШКЕНТ -2010/2011 ў/й.

КИРИШ

XXI асрнинг бошларида бутун дунёда жамият ҳаётининг барча соҳалари бўйича интеграцион жараёнлар тез суръатларда ривожланиб бормоқда. Дунё халқлари ҳозирги кунда нафақат иқтисодий соҳасида, балки ҳуқуқ, ҳуқуқни тушуниш ва ҳуқуқни қўллаш борасида ҳам кенг ҳамкорлик қилишга интиломоқдалар. Ушбу жараёнларда юзага келадиган глобал вазифаларни ҳал этишда бўлғуси ҳуқуқшунослар кенг доирадаги билимларга ва дунёқарашга эга бўлишлари ҳамда бунда нафақат ўзларининг мамлакатларидаги балки, дунёдаги ҳуқуқий ривожланиш қонуниятларини чуқур эгаллашлари лозим бўлади.

Таъкидлаш жоизки, қиёсий ҳуқуқий тадқиқотлар юридик фанда ҳуқуқий ривожланишнинг умумий қонуниятларини аниқлашга ёрдам берадиган энг муҳим методлардан бири ҳисобланади. Шу боис, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб қиёсий ҳуқуқшунослик мустақил юридик фан ва ўқув курси сифатида ривожлана бошлади.

Бинобарин, бугунги кунда қиёсий ҳуқуқшунослик яъни, ҳозирги замоннинг асосий ҳуқуқий тизимлари фанини ўрганишнинг заруриятини белгилаб берувчи қуйидаги омиллар мавжуд:

Биринчидан, ҳозирги замон ҳуқуқий тизимларнинг хилма хиллиги;

Иккинчидан, ҳуқуқий ўзаро боғлиқлик ва давлатлар ўртасидаги халқаро иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳалардаги алоқаларнинг ривожланиши;

Учинчидан, жаҳон ҳуқуқий ҳаритасида янги мустақил давлатлар миллий ҳуқуқий тизимларининг вужудга келиши;

Тўртинчидан, халқаро ташкилотларнинг қиёсий асосдаги фаолиятини ривожланиши.

Ҳозирги замоннинг асосий ҳуқуқий тизимларига оид билимларни эгаллаш нафақат ўқитувчиларнинг маърузаларини тинглашни балки, талабаларнинг анча мустақил ишлашини, уларнинг хорижий давлатлар қонунчилик ҳужжатлари ва тавсия қилинган адабиётлар билан танишишини ҳам назарда тутати. Бинобарин, мазкур фан мамлакатимиз ҳуқуқшунослик олий ўқув юртларида қатор йиллардан бери талабаларга ўқитилиб келинаётган бўлишига қарамасдан, ҳалигача ушбу фандан ўзбек тилида етарли тарзда ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрланмаган. Шу жиҳатдан олганда, муаллифлар М.К. Нажимов ва Ф.Ҳайитбоевларнинг фанга тегишли адабиётлардан фойдаланган ҳолда мазкур ўқув қўлланмасини тайёрлаганликларини ижобий ҳолат сифатида баҳолаш мумкин. Ўқув қўлланмасида мавзуга оид асосий тушунчалар ва қоидалар қисқа ва лўнда берилган. Шу билан бирга, дунёдаги асосий ҳуқуқий оилаларни характерловчи мамлакатлар ҳуқуқий тизимларининг асосий элементлари муайян тизим асосида кўрсатиб ўтилган. Ушбу ҳолат талабаларни бир мунча

мураккаб бўлган мазкур юридик фанни самарали ўзлаштиришларига қулайлик туғдиради.

Ўқув қўлланмасини тайёрлашда мамлакатимиз ва хорижда эълон қилинган юридик адабиётлар атрофлича ўрганилган ҳамда таҳлил этилган. Хусусан, айрим мамлакатларнинг ҳуқуқий тизимларини ёритишда 2006 йил А.Х.Саидов масъул муҳаррирлигида чоп этилган “Жаҳон мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари” Қомусий луғатидан фойдаланилган. Албатта, бир ўқув қўлланмаси доирасида дунёдаги барча ҳуқуқий оилаларнинг ривожланиш хусусиятларини қамраб олиш мумкин эмас. Шу жиҳатдан олганда, қўлланмада кўлами жиҳатидан дунё ҳуқуқий воқеълигида кенг таъсирга эга бўлган ҳуқуқий оилаларни тавсифлашга кўпроқ эътибор берилган. Ўқув қўлланмасида баъзи камчилик ва нуқсонлар учраши ҳамда айрим масалалар тўла ёритилмаган бўлиши мумкин.

Китобхонлар ушбу ўқув қўлланмасининг сифатини янада яхшилаш борасида ўз мулоҳазаларини билдириб, унинг кейинги нашрлари мукаммал бўлиб чиқишига ёрдам берадилар деган умиддамиз.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

“Давлат ва ҳуқуқ назарияси” кафедраси

1-МАЪРУЗА МАТНИ

**ҲОЗИРГИ ЗАМОН АСОСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМЛАРИ
ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА УСЛУБЛАРИ**

Тайёрлади: доц. М.К.НАЖИМОВ, доц. Ф.П.ҲАЙИТБОЕВ

ТОШКЕНТ -2010/2011 ў/й.

1-мавзу. Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари фанининг предмети ва услублари

Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг вужудга келиши ва унинг тушунчаси.

Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари фанининг мақсади, вазифалари ва предмети.

Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари фанининг асосий функциялари.

Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари фанининг методлари.

Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари фанининг бўлғуси ҳуқуқшуносларни тайёрлашдаги аҳамияти.

Мавзу бўйича фойдаланиш тавсия этиладиган адабиётлар

1. Давид Р., Жоффре-Спинози К. Основные правовые системы современности. – М.: Междунар. отношения, 1996. – 400 с.
2. Давид Р. Основные правовые системы современности. – М.: Международные отношения, 1986. – 380с.
3. Ермолович В. И., Шелкопляс В. А. Правовые системы: история и современность: Материалы межвузовской научно–практической конференции. – Минск, 5–6 января 2001 г. – Мн.: БГЭУ, 2001. – 176 с.
4. Марченко М. Н. Правовые системы современного мира: Учеб. пособие. – М.: Зерцало, 2001. – 400 с.
5. Решетников Ф. М. Правовые системы стран мира. – М.: Юрид. лит., 1993.
6. Саидов А. Х. Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари: олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. Т.:2004. -434б.
7. Саидов А. Х. Введение в основные правовые системы современности. – Т.: Фан, 1988. – 217 с.
8. Саидов А. Х. Сравнительное правоведение: Учеб. пособие / Отв. ред. В. А. Туманов. – Т.: Адолат, 1999. – 480 с.
9. Тилле А.А., Швеков Г.В. Сравнительное правоведение. М., 1975.
10. Тихомиров Ю. А. Курс сравнительного правоведения. – М.: Норма, 1996. – 432 с.
11. Hayitboev F.P., Najimov M.K. Hozirgi zamon asosiy huquqiy tizimlari / Mas'ul muharrir: yu.f.d., prof. Z.M.Islomov. O'quv qo'llanma –Т.:TDYuI, 2010. -246 б.

Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг вужудга келиши ва унинг тушунчаси

Таъкидлаш жоизки, қиёсий ҳуқуқшунослик фанининг вужудга келиши юзасидан ҳуқуқшунос олимлар ўртасида турли хил ёндашувлар илгари сурилади. Фандаги ушбу ёндашувларни таҳлил қилиш баробарида мазкур фаннинг юзага келиши билан боғлиқ масалаларни қуйидаги йўналишлар бўйича кўриб чиқиш мумкин:

Биринчи йўналиш: Ушбу йўналиш тарафдорларининг фикрича, қиёсий ҳуқуқшунослик жамиятда давлат ва ҳуқуқ шакллана бошлаган даврдан вужудга келган. Уларнинг таъкидлаб ўтишларича, антик давр ва ўрта асрлар файласуфлари ҳамда қонуншунослари муайян ҳуқуқий муаммоларни ҳал этиш мақсадида қиёслаш методларидан самарали фойдаланганлар. Бу борада француз олими Рене Давид “географик харитада қўшни бўлган ҳуқуқий тизимларни қиёслаш ҳуқуқшунослик фани қанчалик қадимий бўлса, шунчалик қадимийдир”¹- деб ёзган эди. Дарҳақиқат, Аристотельнинг сиёсат ҳақидаги трактати асосида 153 та юнон ва варварлар шаҳарларининг конституцияларини ўрганиш ётади. Солоннинг Афина қонунларини яратишида ҳамда XII жадвал қонунларини тўпланишида юнон шаҳарларининг қонунларини чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эга бўлган. Ўрта асрларда черков ҳуқуқи билан Рим ҳуқуқи таққосланган. XVI асрларда Англияда қиёслаш методи асосида черков ва умумий ҳуқуқнинг афзалликлари муҳокама этилган, кейинчалик Францияда умумий одат ҳуқуқини, Германияда немис хусусий ҳуқуқини яратиш юзасидан изланишлар олиб борган олимлар ўша вақтда мавжуд бўлган одатларни қиёслашга ҳаракат қилганлар ва ниҳоят буюк француз мутафаккири Ш.Л.Монтескье қонунлар руҳи ва мақбул бошқарув тизими тамойилларини белгилашда қиёслаш услубларидан фойдаланишга ҳаракат қилган.

Иккинчи йўналиш: Мазкур йўналиш тарафдорлари қиёсий ҳуқуқшуносликнинг вужудга келган вақтини XIX асрнинг иккинчи ярмидан деб кўрсатадилар. 1859 йилда профессор А.Левининг инглиз савдо ҳуқуқи билан 28 та чет мамлакатларнинг савдо ҳуқуқи қиёсий таҳлил қилинган “Халқаро савдо ҳуқуқи” асари дунёга келган. Француз қиёсий қонунчилиги жамиятига 1869 йилда асос солинган. Мазкур жамият томонидан жамоатчиликни қонунлар матнлари билан таништириш ҳамда чет эл ҳуқуқи бўйича тадқиқотлар ва мақолаларни чоп этиш мақсадида 1875 йилдан бошлаб “Чет эл қонунчилиги йилномаси” ва “Француз қонунчилиги йилномаси” номли жамият бюллетенини нашр қилишга киришилган. 1861 йилда “Қадимги ҳуқуқ” китоби чоп этилган ва унинг муаллифи Г.Мен Оксфорд

¹ Қаранг: Давид Р., Жоффре-Спинози К. Основные правовые системы современности. – М.: Междунар. отношения, 1996. –С.7.

университетининг қиёсий ҳуқуқ фанлари кафедраси раҳбари этиб тайинланган. Худди шу вақтда АҚШда ҳам қиёсий ҳуқуқ бўйича тадқиқотлар олиб борилган ва Йель (1876) ҳамда Колумбия (1880) университетларида “Рим ҳуқуқи” кафедралари ташкил этилган. 1900 йилда қиёсий ҳуқуқ бўйича биринчи Халқаро Конгресс бўлиб ўтган.

Қиёсий ҳуқуқшунослик атамаси уч хил мазмунга эга бўлиб, айти пайтда у метод, фан ва ўқув соҳаси сифатида намоён бўлади.

Биринчидан, қиёсий ҳуқуқшунослик метод сифатида ҳуқуқий ҳодисаларни ўрганишнинг муҳим илмий воситаларидан бири ҳисобланади. Қиёсий методни қўллаш ёрдамида замонавий ҳуқуқий тизимлардаги умумийлик, алоҳидалик ва ягоналикни аниқлаш мумкин бўлади.

Иккинчидан, қиёсий ҳуқуқшунослик кўплаб китоблар, рисоалар, мақолалар ва илмий маърузалар кўринишида тақдим этилган замонавий ҳуқуқий тизимлар ҳақидаги илмий билимлар мажмуасидир.

Учинчидан, қиёсий ҳуқуқшунослик ўқув предмети сифатида – олий юридик ўқув юртларида таълим фани ҳисобланади.

“Қиёсий ҳуқуқшунослик” атамасининг ўзи ҳам маъно жиҳатидан муайян тафовутга эга. Бунда “Компаративизм” атамаси билан бирга бошқа номлар ҳам қўлланилади, бироқ ушбу термин турли мамлакатларда ҳар хил: французларда “Droit compare”, Буюк Британия ва АҚШда – “Comparative Law”, Германияда “Rechtsvergleichung” деб номланади. Натижада нафақат турли тиллар ўртасида, балки бир тилнинг ичида катта фарқланишлар кузатилади: “comparative law – law comparison – vergleichende Rechtswissenschaft” (“Қиёсий ҳуқуқшунослик – қиёсий ҳуқуқ – ҳуқуқий қиёслаш – ҳуқуқни қиёслаш” ва бошқалар). Шу билан бирга, илмий адабиётларда асосан “қиёсий ҳуқуқшунослик” атамаси қўлланилишини қайд этиш лозим.

Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари фанининг мақсади, вазифалари ва предмети

Мазкур ўқув курсининг мақсади - талабаларда ҳуқуқий тизимлар, уларнинг ташкил топиши ва ривожланиши, ўзига хос хусусиятлари, ҳуқуқ манбалари, уларнинг ўзаро муносабати соҳасига оид билимларни шакллантиришдан иборат. Махсус курснинг аҳамияти шундаки, у ҳар бир ҳуқуқий тизимга хос хусусиятларни очиқ бериш билан бирга, уларнинг умумий ва ўхшаш хусусиятларини ҳам намоён қилади.

Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизими ўқув курсининг вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

– ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимларининг вужудга келиши ва ривожланиши ҳамда уларнинг моҳияти юзасидан билимлар, тушунчалар ва қарашларни шакллантириш;

– курснинг мунозарали муаммоларига нисбатан мустақил ёндашувни шакллантириш.

Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари фанининг предметини ташкил қиладиган масалалар доираси қуйидагилардан иборат :

– қиёслашнинг ҳуқуқдаги методологик муаммолари (қиёсий - ҳуқуқий метод назарияси);

– ҳозирги замоннинг асосий ҳуқуқий тизимларини таққослаб ўрганиш (бунда мазкур тизимларнинг классификацияси (таснифи) тўғрисидаги масала алоҳида аҳамиятга эга);

– анъанавий “қиёсий қонунчилик”, яъни ҳуқуқ манбаларини муайян муаммолар ҳамда ҳуқуқ тармоқлари даражасида қиёслаш;

– функционал қиёслаш деб аталадиган ва қиёсий – ҳуқуқий тадқиқотларнинг социологик йўналтирилган турлари;

– ҳуқуқни тарихий - қиёсий ўрганиш.

Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари фанининг асосий функциялари

Мазкур фаннинг қуйидаги функциялари мавжуд:

– илмий;

– амалий;

– ўқув тарбиявий.

Илмий функцияси. Ушбу фаннинг илмий функцияси ҳозирги замон ҳуқуқий тизимлари ривожланишидаги ҳуқуқий тараққиётнинг асосий қонуниятларини аниқлаш, илғор хорижий ҳуқуқий манбалардан фойдаланишдаги янги ҳолатлар ва устувор йўналишларни тўлиқроқ англаб олишда намоён бўлади. Қиёсий ҳуқуқшунослик фанининг умумий назарияси юриспруденциянинг тармоқ фанларини бойитиш ҳамда ривожлантиришда, илмий дунёқарашни кенгайтириш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Амалий функцияси. Амалий - соҳавий йўналишда қиёсий ҳуқуқшунослик ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятида ҳамда халқаро - ҳуқуқий амалиётда (халқаро - ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда ва шарҳлашда) катта аҳамиятга эгадир. Ҳозирги замон қиёсий ҳуқуқшунослик фани хорижда тўпланган юридик тажрибани ўрганишда ҳам муҳим рол ўйнайди.

Қиёсий ҳуқуқшунослик фани нафақат ҳуқуқнинг умумий назарияси масалаларини, балки юриспруденциянинг тармоқ фанлари муаммоларини ҳам қамраб олади ва шу боис у тармоқлараро аҳамият касб этади. Шу билан бирга, қиёсий ҳуқуқшунослик халқаро алоқалар ривожланишининг муҳим омилдир.

Ўқув тарбиявий функцияси. Қиёсий ҳуқуқшунослик фанининг ўқув - тарбиявий аҳамияти талабаларнинг умумий маданиятини

ошириш зарурлиги билан изоҳланади. Қиёсий ҳуқуқшунослик ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва ҳуқуқий тафаккурни шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади ҳамда бўлғуси ҳуқуқшунослар фаолияти учун зарур бўлган билимларни беради.

Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари фанининг методлари

Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари фанининг предметини ўрганишда муайян услублардан фойдаланилади. Бу энг аввало, умумилмий методлар бўлиб, улар қаторига қуйидагилар киради:

- формал - мантиқий метод;
- анализ;
- синтез;
- индукция (тафаккурни хусусийликдан умумийликга қараб йўналтирилиши);
- дедукция (тафаккурни умумийликдан хусусийликга қараб йўналтирилиши);
- мавҳумликдан аниқликка қараб бориш ва аксинча;
- тизимли функционал метод - ҳар бир ўрганилаётган объектга бир қатор элементлардан ташкил топган тизим сифатида қаралиб, бошқа тизимлар билан ўзаро боғлиқликда кўрилади ҳамда уларга нисбатан муайян бир функцияларни бажаради;
- тарихийлик - ҳозирги замон асосий ҳуқуқ тизимларининг тарихий ўзаро алоқадорликдаги ривожланиши тадқиқ қилинади;
- объективлик - ҳозирги замон асосий ҳуқуқ тизимларига оид билимларни инсон онгида мавжуд реалликдан келиб чиқиб тўғри акс эттириш орқали ўрганиш;
- конкретлик (аниқлик) - ҳозирги замон асосий ҳуқуқ тизимларини билиш объекти бўлган ҳолатлар ва жараёнларни тўғри ва аниқ ҳисобга олинган ҳолда намоён бўлиши;
- плюрализм - ҳозирги замон асосий ҳуқуқ тизимларининг мазмун ва моҳиятини ўрганишда турли ҳил ёндашувларнинг мавжудлиги;
- моделлаштириш – ҳуқуқий тизимларни вужудга келиши ва ривожланишига таъсир қилувчи омиллар йиғиндисидан мавҳум модел шакллантирилади;
- прогнозлаштириш (башорат қилиш) – тадқиқ қилинаётган объектнинг келажагини олдиндан башорат қилишда намоён бўлади.

Маълумки, қиёсий ҳуқуқшунослик фанининг ўзи бошқа юридик фанлар учун метод вазифасини ўтайди. Қиёсий – ҳуқуқий метод нафақат турли тарихий типлар ва ҳуқуқий оилалар ҳуқуқий тизимининг қарама – қаршилиги, тафовутлар ва изчиллик белгиларини аниқлашга, балки (бу энг асосийси бўлиши мумкин) турли ижтимоий тузилмалар,

замонлар, мамлакатлар ҳуқуқий тизимларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга оладиган умумназарий қоидалар ва тузилмаларни ифодалашга, фаолият кўрсатиши ва ривожланиши қонуниятларини аниқлашга ҳам ёрдам беради.

Қиёслаш методининг қуйидаги турлари мавжуд:

Диахрон ва синхрон қиёслаш. Бунда, ўтмишда мавжуд бўлган ҳуқуқий тизимлар ва уларнинг таркибий қисмлари қиёслаш предмети бўлиши мумкин. Қиёслашнинг бундай шаклига диахрон қиёслаш дейилади. Шу билан бирга, амалдаги ҳуқуқий тизимлар ҳам қиёслаш предмети бўлиши мумкин. Бу орқали, дунёдаги ҳуқуқий тизимларни яқинлаштириш йўналишлари аниқланади. Қиёслашнинг бундай тури синхрон қиёслаш деб аталади. Синхрон қиёслаш ёрдамида ҳуқуқий тизимларнинг географик, аниқ тарихий ва бошқа омиллар билан боғлиқ умумий ривожланиш қонуниятлари ўрганилади. Шунингдек, ҳуқуқий тизимлардаги фарқларнинг сабаблари аниқланади, ҳуқуқий тартибга солишнинг у ёки бу шароитлари учун энг мақбул методларини топишга ва ҳуқуқ ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни тадбиқ этиш соҳасида юридик тажрибаларни ўзаро ўзлаштириш имкониятлари тўғрисидаги масалани ўрганишга имкон туғилади.

Ички ва ташқи қиёслаш. Бир давлат миқёсида (федератив ёки унитар тузилишга эга бўлган) қиёслаш ички қиёслаш сифатида қаралади. Ички қиёслаш маълум бир миллий ҳуқуқий тизимга умумий тавсиф беришга имкон туғдиради. Ички қиёслаш федератив давлатларда унинг таркибий қисмлари ҳуқуқий тизимларини таққослаш орқали амалга оширилади (Масалан, АҚШ, Ҳиндистон, Канада ва бошқалар). Ички қиёслашни нафақат федератив, балки унитар давлатларда ҳам, муайян тарихий вақт қисмида ва синхрон равишда амалга ошириш мумкин. Ташқи қиёслаш камида иккита ҳуқуқий тизимдан бошлаб то муайян минтақадаги ёки бутун дунёдаги мавжуд бўлган ҳуқуқий тизимларни қамраб олиши мумкин. Ички қиёслаш бир миллий ҳуқуқий тизимни аниқлаб олишга ёрдам берар экан, бунда у мазкур ҳуқуқий тизимни бошқаси билан таққослаш учун қиёслашга асос бўладиган манба тайёрлайди. Шу маънода, у ташқи қиёслашдан олдин туради ва унга ёрдам беради.

Микро ва макро қиёслаш. Микро қиёслашда асосан ҳуқуқий нормалар ва институтлар даражасида таққослаш амалга оширилади. Макро қиёслашда эса, ҳуқуқий тизимлар даражасида қиёслаш ўтказилади.

Норматив қиёслаш. Қиёсий ҳуқуқий тадқиқотларни норматив ва функционал методлар билан амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Норматив қиёслашда ўзаро ўхшаш ҳуқуқий нормалар, институтлар, қонунчилик ҳужжатлари таянч нуқта ҳисобланади. Норматив қиёслашни амалга ошириш қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон туғдиради: биринчидан, ташқи томондан ўхшаш юридик атамалар турли ҳуқуқий тизимларда ҳар доим ҳам бир хил

аҳамиятга эга бўлмайди; иккинчидан, ҳуқуқий нормалар ва институтлар турли ҳуқуқ оилаларда турлича функцияларни бажаришлари мумкин. Шу билан бирга, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқнинг бошқа тармоғидаги нормалар ёки ноюридик воситалар билан (масалан, ахлоқий ёки диний нормалар билан) ҳам тартибга солиш мумкин.

Функционал қиёслаш. Функционал қиёслашнинг бошланғич нуқтаси маълум ҳуқуқий норма ва институтларни эътироф этишдан эмас, балки ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши лозим бўлган маълум ижтимоий муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этишга қаратилган тегишли ҳуқуқ нормасини излашдан бошланади. Қиёслаш нормадан ижтимоий фактлар томон эмас, аксинча, ижтимоий фактдан унинг ҳуқуқий тартибга солиниши томон боради. Бинобарин, функционал қиёслашни турли ҳуқуқий тизимларнинг ўхшаш ёки бир хил ижтимоий ва ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилишдаги ҳуқуқий воситалар ва методлар тадқиқоти сифатида олиб кўриш мумкин.

Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари фанининг бўлғуси ҳуқуқшуносларни тайёрлашдаги аҳамияти

Ҳозирги кунда жаҳоннинг барча мамлакатларида қиёсий ҳуқуқий тадқиқотлар ривож топмоқда. Ушбу тадқиқотлар ҳозирги замон ҳуқуқий тизимлари ва миллий қонунчилиқни ривожлантиришнинг қонуниятларини аниқлаш ва ривожлантиришга қаратилган. Мазкур тадқиқотларнинг аҳамияти шунда кўринадик, улар нафақат ҳуқуқшуносликнинг анъанавий масалалари ечимини топишга, балки қатор янги муаммоларни аниқлашга ҳам имкон туғдиради.

Қиёсий ҳуқуқшуносликни ривожлантириш – ҳуқуқшунос-мутахассисларни тайёрлаш сифати ва уларни ўқитиш билан боғлиқ фаолиятни такомиллаштириш зарурияти билан ҳам белгиланади.

“Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари” ўқув фанининг илмий – назарий аҳамияти ҳозирги давр ҳуқуқий тизимлари ривожланишидаги тенденциялар ва янги ҳодисаларни англаб етиш, ҳуқуқий тараққиётнинг асосий қонуниятларини аниқлаш ҳамда хорижий ҳуқуқий манбаларини ўзлаштириш зарурияти билан боғлиқ. Бинобарин, қиёсий ҳуқуқшунослик – умумий ҳуқуқ назарияси ва юридик фанлар соҳаларини ривожлантириш, илмий дунёқарашни кенгайтириш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг муҳим омилидир.

“Ҳозирги замон ҳуқуқий тизимлари” ўқув фанининг ўқув – тарбиявий аҳамияти талабаларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш зарурияти билан ҳам боғлиқдир.

Бўлғуси ҳуқуқшунос мазкур юридик фанини ўрганиш орқали ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимларнинг вужудга келиши, уларнинг ривожланиш хусусиятлари ва ижтимоий ривожланишдаги роли ҳамда

аҳамияти ҳақида тасаввурга эга бўлади. Бунда талаба ҳуқуқий тизимларнинг қандай ҳаётий омиллар таъсирида шаклланиши, тегишли ҳуқуқий тизимларни ҳуқуқ манбалари, механизмларидан қандай амалий фойдаланиш йўлларини ўрганади. У шу орқали, ҳуқуқий жиҳатдан ҳал этилиши лозим бўлган муаммони мустақил баҳолаш, ҳуқуқ манбалари билан ишлаш, уларнинг юридик табиатини аниқлаш юзасидан кўникмаларга эга бўлади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

“Давлат ва ҳуқуқ назарияси” кафедраси

2-МАЪРУЗА МАТНИ

ҲОЗИРГИ ЗАМОН АСОСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМЛАРИ ВА ОИЛАЛАРИ

Тайёрлади: доц. М.К.НАЖИМОВ, доц. Ф.П.ҲАЙИТБОЕВ

ТОШКЕНТ -2010/2011 ў/й.

2-мавзу. Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари ва оилалари

Ҳуқуқий тизим тушунчаси ва унинг хусусиятлари.

Ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқ тизими.

Ҳуқуқий тизимнинг элементлари.

Ҳуқуқий тизимларни таснифлаш мезонлари.

Ҳуқуқий оила тушунчаси ва турлари.

Ҳозирги замон дунё ҳуқуқий харитаси.

Мавзу бўйича фойдаланиш тавсия этиладиган адабиётлар

1. *Алексеев С. С.* Теория права. – М., 1995. – С. 88–97.
2. Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Масъул муҳаррирлар: Ҳ. Б. Бобоев, Ҳ. Т. Одилқориев. – Т., 2000. – Б. 313.
3. *Зорченко Е. А.* Правовая культура человека как элемент правовой системы // Правовые системы: история и современность Материалы межвузовской научно-практической конференции. Минск, 5–6 января 2001 г. – Мн: БГЭУ, 2001. – С. 18–22.
4. *Карбонье Ж.* Юридическая социология. – М., 1986. – С. 175.
5. *Марченко М. Н.* Правовые системы современного мира. – М: Зерцало, 2001. – 400 с.
6. *Одилқориев Ҳ.* Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т., 2002. – 117-б.
7. *Протасов В. Н.* Теория права и государства. Проблемы теории права и государства. – М., 2001. – С. 251–252.
8. *Саидов А. Х.* Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари: олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. Т.:2004.-434б.
9. *Саидов А. Х.* Введение в основные правовые системы современности. – Т.: Фан, 1988. – 217 с.
10. *Саидов А. Х.* Сравнительное правоведение: Учеб. пособие / Отв. ред. В. А. Туманов. – Т.: Адолат, 1999. – 480 с.
11. *Синюков В. Н.* Правовые системы и правовые семьи // Теория государства и права: Курс лекций / Под ред. Н. М. Матузова и А. В. Малько. – М., 1999. – С. 17–19.
12. *Тихомиров Ю. А.* Правовая сфера общества и правовая система // Журнал российского права. – 1998. – № 4–5. – С. 9.
13. *Фридмэн Л.* Введение в американское право. – М., 1993. – С. 108.
14. *Hayitboev F.P., Najimov M.K.* Hozirgi zamon asosiy huquqiy tizimlari / Mas'ul muharrir: yu.f.d., prof. Z.M.Islomov. O'quv qo'llanma – Т.:TDYul, 2010. -246 b.

15. *Ҳайитбоев Ф. П.* Миллий ҳуқуқий тизим элементлари тўғрисида // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – 2000. – № 2. – Б. 25–26.
16. *Ҳайитбоев Ф. П.* Жамиятнинг ҳуқуқий тизимида ҳуқуқий амалиётнинг ўрни // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – 2001. – № 1. – Б. 25–29.
17. *Ҳайитбоев Ф. П.* Юридик техника миллий ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисми сифатида // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – 2003. – № 4. – Б. 18–22.

Ҳуқуқий тизим тушунчаси ва унинг хусусиятлари

“Ҳуқуқий тизим” тушунчаси давлат ва ҳуқуқ назарияси ва қиёсий ҳуқуқшунослик фанларида кенг қўлланиладиган категориялардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда муайян давлатнинг ички ҳуқуқий тизимини англатувчи “миллий ҳуқуқий тизим” тушунчаси ҳам илмий муомалада кенг қўлланилмоқда.

Миллий ҳуқуқий тизим муайян мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, тарихий ва маданий ривожланиши жараёнидаги илғор ғояларни, жамиятнинг анъаналари, маданий ва ахлоқий хусусиятларини ўзида акс эттиради. “Миллий ҳуқуқий тизим” тушунчасини тўла-тўқис ва чуқур англаб етиш учун, аввало, “ҳуқуқий тизим” тушунчасини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. “Ҳуқуқий тизим” термини “ҳуқуқ” тушунчасига нисбатан кенг қамровли ва бой маънога эга. Унга жамиятдаги барча ҳуқуқий ҳодиса ва жараёнларни тизимли алоқалар даражасида мужассамлаштирувчи категория сифатида қаралади.

“Ҳуқуқий тизим” муҳим илмий институциявий тушунчалар қаторига киради. Мазкур тушунчанинг фанда вужудга келишини ижтимоий воқеликдаги омиллар, жамиятнинг ҳуқуқий ҳаётида кечаётган интеграцион жараёнлар, ҳуқуқий воқеликдаги тузилмавий хусусиятларни инобатга олмасдан туриб тавсифлаб бўлмайди. Таъкидлаш жоизки, дунёдаги ҳуқуқий тизимлар минг йиллар давомида шаклланиб келмоқда. Ушбу тушунчанинг шаклланишидаги муҳим хусусиятлар методологик тадқиқотларда акс этган. Уларни инобатга олиш “ҳуқуқий тизим” тушунчасининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида у ёки бу омилнинг тутган ўрнини баҳолашда бир томонламаликка йўл қўймаслик имконини беради.

Ҳуқуқий тизим тушунчасининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этган методологик асослар сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

биринчидан, ҳуқуқшуносликда ҳуқуққа ва бошқа ҳуқуқий ҳодисаларга тизимли ва мақсадли ёндашувнинг кенг қўлланилиши. Айнан шундай ёндашув мазкур ҳодисаларга нафақат ички, балки ташқи алоқаларга ҳам эга бўлган тузилма сифатида қараш имконини беради;

иккинчидан, фанда ҳуқуққа нисбатан социологик ёндашувни қарор топтириш ушбу воқеликни доимий ҳаракатда эканлигини англаш ва уни реал ҳаётга татбиқ қилишни талаб қилади;

учинчидан, турли мамлакатлар ҳуқуқий тизимларини қиёслашнинг янги қирраларини очиб беришга имкон берувчи қиёсий ҳуқуқшуносликнинг ривожланиши ва дунё ҳуқуқий фани миқёсидаги ахборот алмашинуви;

тўртинчидан, юридик фанда ҳуқуқнинг моҳиятига нисбатан турли-туман ёндашувлар мавжуд бўлишини эътироф этиш ва шу асосда юридик плюрализмга эришиш.

Юридик фанда “ҳуқуқий тизим” категорияси дастлаб “ҳуқуқ тизими”, “қонунчилик тизими” каби тушунчалар билан биргаликда кўрилган. Кейинги йилларда ҳуқуқшунос олимлар томонидан “ҳуқуқ” тушунчасига оид қарашларни қайта кўриб чиқиш лозимлиги тўғрисида хилма хил фикрлар билдирилмоқда. Кўпчилик олимлар бунда ҳуқуқий тизимга норматив қарашга асосланадилар¹. Ҳуқуқий ҳодисаларни қиёсий тадқиқ этиш масаласига келганда шуни таъкидлаш жоизки, “ҳуқуқ тизими” тушунчасининг шаклланишида қиёсий ҳуқуқшуносликнинг алоҳида ўринга эканлиги олимларнинг деярли барчаси тан олинган.

Қиёсий ҳуқуқшуносликда “ҳуқуқий тизим” атамаси уч маънода қўлланилади:

биринчидан, ижтимоий-иқтисодий маънода (бунда у умуман “ҳуқуқнинг ижтимоий-иқтисодий тури” тушунчасига тўғри келади);

иккинчидан, бирор мамлакатнинг ҳуқуқий тизими маъносида;

учинчидан, турли мамлакатлар ҳуқуқий тизимларининг бирлиги маъносида.

Бинобарин, ҳуқуқий тизим деганда, бир мамлакат доирасида амал қилувчи объектив ҳуқуқ тушунилади. Бошқача айтганда, муайян мамлакатнинг ҳуқуқий тизими ушбу давлатнинг ҳудудида амал қиладиган ва жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқдир. Бугунги кунда сиёсий харитада 200 дан ортиқ давлат мавжудлигини эътиборга оладиган бўлсак, демак шунча ҳуқуқий тизим шаклланган.

Ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқ тизими

Ҳуқуқ - давлат томонидан белгиланадиган ёки рухсат этиладиган ва унинг кучи билан ҳимоя қилинадиган умуммажбурий ҳулқ-атвор қоидалари тизимидир. Ҳуқуқ ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи регулятор бўлиб, унинг ушбу хусусияти ижтимоий муносабатлар билан бўладиган мунтазам алоқадорликни таъминлайди. Шунинг учун мавжуд ижтимоий муносабатлар тизимини

¹ Қаранг: Алексеев С. С. Теория права. – М., 1995. – С. 88–97.

тадқиқ этиш билангина ҳуқуқ ва унинг ички тузилиши, таркибий қисмлари ҳақида тасаввурга эга бўлишимиз мумкин. Ижтимоий муносабатлар хилма-хил, бироқ, шунга қарамай улар маълум даражада ихтисослашади, мазмунан муайян гуруҳларга бирлашади. Биз ушбу объектив жараёни параллел равишда ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ ҳам ўз бошидан кечиришини кузатишимиз мумкин. Яъни умуммажбурий ҳуқ-атвор, юриш-туриш қоидалари ҳам тегишинча гуруҳланади, тизимланади ва яхлит ҳуқуқни ташкил этади.

Юридик адабиётларда ҳуқуқ томонидан босиб ўтиладиган бундай жараён ҳуқуқ тизими мавзусида таҳлил этилиб, атрофлича ёритилади. Тизим сўзи юнонча “systeme” терминидан олинган бўлиб, ўзбек тилида “яхлит”, “қисмлардан иборат” деган маъноларни англатади.

Ҳуқуқ тизими асосан мустақил ҳуқуқий категория сифатида талқин этилиб, унинг қатор белгилари адабиётларда чуқур таҳлил этилади. З.М.Исломовнинг фикрича, ҳуқуқ тизими бу мавжуд ижтимоий муносабатлар тизими билан объектив мутаносиб ҳуқуқнинг ички тузилиши бўлиб, у норматив материалнинг муайян кетма-кетликда жойлашуви ва бирлашуви асосида намоён бўлади¹. Ҳуқуқ тизими – миллий ҳуқуқ тузилиши бўлиб, жамиятдаги мавжуд ҳуқуқ нормаларининг маълум қисмларга бўлинишидир². Ҳуқуқ тизимини илмий категория сифатида таърифлаш барча юридик нормаларнинг тузилмавий қурилиш шаклини ифодалаш билан белгиланади. Ҳуқуқ тизимига нисбатан илмий категория сифатида ёндашиш ҳуқуқ нормаларини тартиблаштириш, алоҳида соҳа ва институтларга бириктириш ва шу йўл билан ҳуқуқ назарияси ва амалиётини ўрганиш жараёнини осонлаштириш имконини беради.

Ҳуқуқ тизими мураккаб тушунча сифатида алоҳида белги ва хусусиятларга ҳам эга бўлиб, юқоридаги умумий белгиларни аниқлаштириш мақсадаларида уларни таҳлил этиш зарур бўлади. Улар қуйидагилардир:

- Ҳуқуқ тизимини ташкил этувчи нормаларнинг ўзаро мутаносиблиги ва бирлиги;
- Ҳуқуқ тизимининг ўзаро боғлиқ соҳа ва институтларга ажралиши;
- Иерархиявийлик ва объективлик;
- Ички ўзаро мантиқий зидликнинг мавжуд эмаслиги³.

Ҳуқуқ тизимининг бирлиги деганда, ҳуқуқ тизимининг бирламчи унсури бўлмиш барча юридик нормаларнинг бутун бир ҳуқуқнинг муайян таркибий қисмлари эканлиги тушунилади. Улар бир-бири

¹ Қаранг: Исломов З.М. Общество. Государство. Право (вопросы теории). - Т.: Адолат, 2001. -С.508

² Юридик энциклопедия / У.Таджихановнинг умумий таҳрири остида. - Т.: Шарқ, 2001. -Б. 652.

³ Қаранг: Черданцев А.Ф. Теория государства и права. - М.: Юрайт, 1999. -С.235.

билан узвий боғлиқ, ўзаро мутаносиб ва алоқадор. Бу эса биринчидан, давлат томонидан ҳуқуқ ёрдамида ҳал қилинадиган мақсад ва вазифаларнинг муштараклиги; иккинчидан ҳуқуқ орқали ифодаланган давлат, халқ иродасининг ягоналиги билан изоҳланади. Бирлик ва яхлитлик ҳуқуқ тизимида турли тизимли-тузилмавий алоқаларни вужудга келтиради. Булар аввало генетик алоқалардир. Ҳуқуқ бирлигининг дастлабки шарти бу мавжуд ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ягона тизимидир. Ҳар бир давлат, халқ иродасини ҳам айнан ана шу тизим белгилаб беради.

Генетик алоқалар билан биргаликда, ҳуқуқ нормаларининг функционал алоқалари ҳам мавжуд бўлиб, улар ҳам ҳуқуқ бирлиги учун хизмат қилади. Ҳуқуқ ўзига хос мураккаб функционал тизим. Ундаги алоҳида нормаларнинг ҳар бири ҳуқуқий тартибга солиш жараёнида турлича ўрин эгаллайди. Уларнинг ҳар бири предмет ҳамда вазифаси бўйича ихтисослашиб, бу жараён эса улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни назарда тутди. Яъни субординация алоқалари (бир норманинг ундан юқори турувчи бошқасига «бўйсунуши»); ҳуқуқ нормалари ва ҳуқуқнинг асосий тамойиллари ўртасидаги алоқалар; ҳуқуқ функциялари асосида вужудга келадиган муҳофазаловчи алоқалар ушбу алоқадорлик маҳсули бўлиши мумкин. Гарчи, фуқаролик ҳуқуқининг аксарият қисми регулятив функцияни бажарувчи нормалардан иборат бўлса-да, унинг таркибида муҳофаза этувчи жавобгарлик институти мажудлигини қайд этиш жоиз. Яъни бунда, регулятив нормалар қўриқловчи нормалар билан муҳофаза этилади.

Шундай қилиб, ҳуқуқ тизими – ҳуқуқнинг объектив равишда шаклланган ички тузилиши бўлиб, у ҳаракатдаги, ўзаро бир-бири билан боғланган барча юридик унсурларни ўз ичига олади. Ички узвийлик ҳамда айни пайтда умумийлик ва алоҳидалик, мустақиллик ва боғлиқлик, ўхшашлик ва фарқланиш каби хусусиятларни умумлаштиради. Ҳуқуқ тизими тушунчасини тарихий ва тизимли-тузилмавий ёндашувлар асосида таҳлил этиш, шунингдек, ҳуқуқ тизимининг ҳулосавий аҳамият касб этувчи қуйидаги хусусиятларини келтириб ўтиш имконини беради:

- ҳуқуқ тизими – муайян жамиятда амалда бўлган ҳуқуқнинг объектив сифатидир, уни аввалдан белгиланган режа асосида шакллантириш мумкин эмас;

- ҳуқуқ тизими тўлалигича ҳуқуқ билан мустаҳкамланадиган ва тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар тизимига мувофиқ келади, ҳуқуқ ижтимоий ҳодиса сифатида нафақат ўзида, балки ички тузилиши орқали ҳам жамият хусусиятларини ифода этади;

- ҳуқуқ тизими тарихий ўзгарувчан, у жамият тараққиёти билан мутаносиб равишда эволюцион жараёнларни босиб ўтади;

- ҳуқуқ тизими таркибига кирувчи ўзаро алоқада бўлган соҳалар бир-бирини қайтармайди ва аксинча, ўзаро бир-бирини истисно этади. Буни қуйидаги фикрлар билан тушунтириш мумкин: битта норманинг

ўзи бир вақтнинг ўзида иккита турли кўринишдаги ижтимоий муносабатни тартибга солишнинг икки турли методини қамраб олиш мумкин эмас.

Ҳуқуқ тизимини тушуниш борасидаги муҳим йўналишлардан бири ушбу терминнинг бошқа ҳуқуқий тушунчалар билан ўзаро нисбатини баён этиш асосида амалга оширилади.

Ҳуқуқ тизими тушунчаси мазмуни ёритилган деярли барча адабиётларда унинг ҳуқуқий тизим тушунчаси билан ўзаро нисбати ҳақида фикр юритилади. Хусусан, З.М.Исломов ҳуқуқ тизими тушунчасини ҳуқуқий тизим тушунчасидан фарқлаш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Бундай фарқлаш ҳуқуқий тизим тушунчасини икки хил маънода тавсифлаш асосида амалга оширилади.

– ҳуқуқ тизими – муайян жамиятда амалда бўлган ҳуқуқнинг объектив сифатидир, уни аввалдан белгиланган режа асосида шакллантириш мумкин эмас;

– ҳуқуқ тизими тўлалигича ҳуқуқ билан мустаҳкамланадиган ва тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар тизимига мувофиқ келади, ҳуқуқ ижтимоий ҳодиса сифатида нафақат ўзида, балки ички тузилиши орқали ҳам жамият хусусиятларини ифода этади;

– ҳуқуқ тизими тарихий ўзгарувчан, у жамият тараққиёти билан мутаносиб равишда эволюцион жараёнларни босиб ўтади;

ҳуқуқ тизими таркибига кирувчи ўзаро алоқада бўлган соҳалар бир-бирини қайтармайди ва аксинча, ўзаро бир-бирини истисно этади. Ҳуқуқий тизим тушунчасининг кенг маънодаги талқинини ҳам ҳуқуқ тизими тушунчасидан фарқлаш лозим. Чунки ушбу маънодаги ҳуқуқий тизим ҳуқуқ назариясида айнан турли хил давлатлар, халқлар ҳуқуқ тизимларининг тарихий-ҳуқуқий ва миллий-маданий фарқларини ўрганиш мақсадаларида фойдаланилади. Бундай фарқлантирувчи жиҳатлар ҳуқуқ манбаларидан фойдаланиш, уларнинг ўзаро алоқадордлиги, ҳуқуқ прецедентларини яратиш, умуман, ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнидаги судларнинг ўрни, ҳуқуқ тизимининг шаклланиши ва ривожланиши каби қатор мезонлар таҳлили асосида кашф этилади. Ушбу маънода ҳуқуқий тизим адабиётларда бир нечта ҳуқуқий оилаларнинг йиғиндиси сифатида таърифланади.

Шундай қилиб, ҳуқуқ тизими миллий ҳуқуқий тизимнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ҳуқуқ тизими ва ҳуқуқий тизим тушунчалари ўртасидаги ўзаро нисбат масалаларини ўрганиш ўз навбатида, ушбу категорияларнинг моҳиятини англаш ҳамда дунёдаги турли хил ҳуқуқ оилалари ва ҳуқуқий тизимларига оид айрим назарий ва амалий муаммоларни ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳуқуқий тизимнинг элементлари

Ҳуқуқий тизим ҳуқуқ асосида вужудга келсада, у мазмунан ҳуқуқдан кенгрокдир. Зеро, “ҳуқуқий тизим” умумлаштирилган тушунча бўлиб, у ўзида ҳуқуқнинг барча жиҳатларини мужассамлаштиради.

Таъкидлаш жоизки, миллий ҳуқуқий тизимнинг элементлари юзасидан фанда турли хил ёндашувлар мавжуд. Хусусан, А.Х. Саидовнинг фикрича, “ҳуқуқий тизим – анча кенг тушунча. У ўз ичига ҳуқуқнинг институционал тузилиши (ҳуқуқ тизими) билан бирга, жамият ҳуқуқий ҳаётининг бошқа жиҳатларини ҳам қамраб олади”¹. Бошқа ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича, ҳуқуқий тизим ўз ичига ҳуқуқий ҳодисаларнинг қуйидаги учта гуруҳини қамраб олади: биринчидан, ҳуқуқ нормалари, принциплар ва институтлар (норматив томони); иккинчидан, ҳуқуқий ташкилотлар йиғиндиси, юридик амалиёт (ташкилий томони); учинчидан, муайян жамиятга хос бўлган ҳуқуқий қарашлар, ғоялар, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий мафкуранинг йиғиндиси². Яна бир гуруҳ олимлар “ҳуқуқий тизим” тушунчасига ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқий муносабатлар, қонунийлик каби элементларни киритадилар³.

Ҳуқуқшунос олим Ҳ. Одилқориевнинг эътироф этишича, ҳуқуқий тизим таркибига қуйидаги элементларни киритиш мумкин:

- ҳуқуқий нормалар йиғиндиси (ҳуқуқий тизимнинг ўзаги);
- ҳуқуқий принциплар (раҳбарий ғоялар);
- ҳуқуқ ижодкорлиги (ваколатли идораларнинг фаолияти);
- ҳуқуқни амалга ошириш, қўллаш жараёни;
- ҳуқуқий муносабатлар (ҳуқуқий норманинг амалга ошиш шакли);
- ҳуқуқий тартибга солиш механизми;
- юридик муассасалар тизими;
- юридик амалиёт (суд амалиёти, тергов амалиёти, адлия амалиёти ва ҳ.к.);
- ҳуқуқий онг (ҳуқуқий ҳодисаларнинг ижтимоий онгдаги инъикоси);
- ҳуқуқий сиёсат (стратегия);
- ҳуқуқий мафкура (ғоявий-маънавий жиҳат);
- ҳуқуқий маданият (ҳуқуқий маънавият ва тарбиянинг ифодаси);
- қонунийлик муҳити ва ҳуқуқий тартибот режими;
- ҳуқуқнинг манбаи (қонунчилик ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи)⁴.

¹ Қаранг: Саидов А. Х. Сравнительное правоведение. – Т.: Адолат, 1999. – С.159.

² Қаранг: Протасов В. Н. Теория права и государства. Проблемы теории права и государства. – М., 2001. – С. 251–252.

³ Қаранг: Алексеев С. С. Теория права. – М., 1995. – С. 282–285.

⁴ Қаранг: Одилқориев Ҳ. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т., 2002. – Б.117.

Ҳуқуқий тизим элементлари хусусида шунга яқинроқ бўлган қарашни америкалик ҳуқуқшунос Л. Фридмэн ўзининг “Америка ҳуқуқига кириш” китобида билдиради. Унинг фикрича, “тузилма” деб номланадиган биринчи гуруҳга ҳуқуқий тизим принциплари ва ҳуқуқий ташкилотлар киради. “Моҳият” деб номланадиган иккинчи гуруҳ кишиларнинг юриш-туришини белгиладиган нормаларни ўз ичига олади, яъни “жонли қонун” аслида кишиларнинг юриш-туришини тартибга соладиган нормалардир. Учинчи гуруҳ “ҳуқуқий маданият” деб номланиб, кишиларнинг ҳуқуққа ва ҳуқуқий тизимга муносабатлари, ҳуқуқий ғоялари ва ҳуқуқий мафкурани ўз ичига олади. Л. Фридмэннинг фикрича, ҳуқуқий маданият жамият умумий маданиятининг бир қисми бўлиб, у ўз навбатида ҳуқуқий тизимга тегишли ҳодиса ҳисобланади¹.

Ҳуқуқий тизимларни таснифлаш мезонлари

Мезонлар тизимини танлашнинг тўғрилиги, авваламбор, ҳар қандай мантикий тўғри таснифлаш олдига қўйиладиган талабларнинг бажарилиши билан белгиланади. У ёки бу ҳуқуқий оиланинг барча ҳуқуқий тизимларига хос бўлган ўзига хос белгиларнинг акс этиши улар ўртасида асосийси ҳисобланади. Бинобарин, бунда таснифлаш мезонлари хилма – хил бўлиши мумкин.

Ҳуқуқий тизимларни муайян ҳуқуқий оилаларга ажратишда қуйидаги мезонлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, яъни: ҳуқуқий тизимлар тарихи; ҳуқуқ манбалари тизими; ҳуқуқий тизим тузилиши; етакчи ҳуқуқий институтлар ва ҳуқуқ тармоқлари.

Ушбу мезонлар муайян ҳуқуқий оиланинг сифат белгиларини ажратиб кўрсатиш билан бирга, уларни синхрон ва диахрон тарзда қиёслаш имконини ҳам туғдиради.

Ҳуқуқий оила тушунчаси ва турлари

“Ҳуқуқий тизимлар оиласи” тушунчаси “ҳуқуқнинг тарихий типи”га нисбатан илмий жиҳатдан кўпроқ асосланган тушунча ҳисобланади. Мазкур категория орқали миллий ҳуқуқий тизимни ифодалаш ва уни муайян гуруҳларга ажратиш мумкин.

Бинобарин, “ҳуқуқий оила” тушунчаси баъзи ҳуқуқий тизимларнинг аниқ қиёсий – ҳуқуқий ва тарихий ривожланиши, яъни ҳуқуқ манбалари, етакчи институтлари ва тармоқлари, ҳуқуқий маданияти, анъаналари юзасидан уларнинг ўхшашлиги натижасида вужудга келадиган ўзига хос хусусиятларини ифодалайди. Хорижий ҳуқуқни ўрганишда ҳамда қиёсий методдан фойдаланишда ушбу тушунча ҳуқуқнинг маълум типларини ифодаловчи “моделларни” тавсифлаш имконини беради.

¹ Қаранг: Фридмэн Л. Введение в американское право. – М., 1993. – С. 108.

Ҳуқуқий оила баъзан муайян ҳуқуқий хусусиятларга эга бўлган миллий ҳуқуқий тизимга ҳам тааллуқли бўлиши мумкин (масалан, Қадимги Рим хусусий ҳуқуқи). Тузилмавий бирлик маълум маънода мафкуравий табиатга эга, чунки, ҳуқуқий тизимнинг таркибий тузилишини ишлаб чиқишда ва ҳуқуқий тартибга солиш механизмида мафкуравий омиллар у ёки бу кўринишда намоён бўлади.

Демак, ҳуқуқий оила деганда, ҳуқуқнинг ривожланиши, юридик фаннинг тузилиши, ҳуқуқ манбалари, унинг етакчи тармоқлари ва ҳуқуқ институтлари, ҳуқуқ нормаларининг тадбиқ этилиши, юридик тил ва юридик техниканинг умумийлиги ва бир-бирига яқинлиги асосида бирлашган миллий ҳуқуқий тизимларнинг мажмуи тушунилади.

Ҳозирги замоннинг асосий ҳуқуқий тизимларини ҳуқуқ оилаларига ажратиш юзасидан тегишли юридик адабиётларда келтириб ўтилган ёндашувларни таҳлил қилиш орқали уларнинг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатиш мумкин: роман-герман (континентал) ҳуқуқ оиласи; умумий (англо-саксон) ҳуқуқ оиласи; Скандинавия мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари; Лотин Америкаси мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари; Узоқ Шарқ мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари; диний-анъанавий ҳуқуқ оиласи; социалистик ҳуқуқ оиласи; аралаш ҳуқуқий тизимлар¹.

Дунёнинг ҳуқуқий харитаси тушунчаси

Дунёда мавжуд бўлган барча миллий ҳуқуқий тизимлар учун “жаҳон ҳуқуқий харитаси” (В.А.Туманов), “жаҳон юридик географияси” (В.Кнапп), “ҳуқуқий тизимлар уюшмаси” (Ж.Сталев) каби атамалар қўлланилади. Бинобарин, мазкур тушунчанинг қандай номланишидан қатъий назар, уларнинг барчаси миллий ҳуқуқий тизимларнинг дунё ҳуқуқий воқелигида жойлашиш тартибини кўрсатади. Шу билан бирга, жаҳон ҳуқуқий харитасини миллий ҳуқуқдан устун бўлган жаҳон ҳуқуқи сифатида ёки миллий ҳуқуқий тизимларнинг механик йиғиндиси сифатида тушунмаслик лозим. Зеро, “Жаҳон ҳуқуқий харитаси” тушунчасининг моҳиятини англашда инсоният ривожининг умумий қонуниятларидан келиб чиқиш зарур бўлади. Мазкур категорияни юқоридаги маънода тушуниш мураккаб, кўпқиррали, жуда хилма – хил йўналишлардаги қарама – қаршиликларга ва курашларга тўлиқ бўлган жаҳон юридик харитасини ўрганишнинг объектив йўлидир. Ўз ўрнида, бундай ёндашув тарихийлик тамойили алоҳида олинган ҳар бир миллий ҳуқуқий тизимни жаҳон юридик харитасида муайян ҳуқуқий оилага мансублигини белгилаш ҳамда унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш имконини беради. Зеро, ҳуқуқий харита ҳақида дунёқарашга

¹ Қаранг: Давид Р. Основные правовые системы современности. – М., 1986; Саидов А. Х. Сравнительное правоведение. – М., 2000; Марченко М. Н. Правовые системы современного мира. – М., 2001; Тихомиров Ю. А. Курс сравнительного правоведения. – М., 1996.

эга бўлиш орқали бирон-бир давлатнинг ҳуқуқий тизимини муайян ҳуқуқий оилага мансублигини аниқлаш ҳамда ушбу давлатнинг ҳуқуқий воқелиги билан муфассал танишмасдан туриб ҳам унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида хулосалар чиқариш мумкин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

“Давлат ва ҳуқуқ назарияси” кафедраси

3-МАЪРУЗА МАТНИ

РОМАН-GERMAN (КОНТИНЕНТАЛ) ҲУҚУҚ ОИЛАСИ

Тайёрлади: доц. М.К.НАЖИМОВ, доц. Ф.П.ҲАЙИТБОЕВ

ТОШКЕНТ -2010/2011 ў/й.

3-мавзу. Роман-герман (континентал) ҳуқуқ оиласи

Роман-герман ҳуқуқ оиласининг шаклланиши ва ривожланиши. Роман-герман ҳуқуқ оиласининг тарқалиш географияси. Роман-герман ҳуқуқ оиласининг тузилиши. Роман-герман ҳуқуқининг манбалари ва ўзига хос хусусиятлари. ГФР ва Франциянинг ҳуқуқий тизимлари.

Мавзу бўйича фойдаланиш тавсия этиладиган адабиётлар

1. Антонов И. П. Основы правовой системы Федеративной Республики Германия. (Теоретический и историко-правовой аспекты). – М.: Академия управления МВД России, 2003. –147 с.

2. Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Масъул муҳаррирлар: Ҳ. Б.Бобоев, Ҳ. Т. Одилқориев. – Т., 2000. – Б. 313.

3. Давид Р., Жоффре-Спинози К. Основные правовые системы современности. – М.: Междунар. отношения, 1996. – 400 с.

4. Ермолович В. И., Шелкопляс В. А. Правовые системы: история и современность: Материалы межвузовской научно–практической конференции. – Минск, 5–6 января 2001 г. – Мн.: БГЭУ, 2001. – 176 с.

5. Жаҳон мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари: Қомусий луғат / Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2006. –720 б.

6. Марченко М. Н. Правовые системы современного мира. – М: Зерцало, 2001. – 400 с.

7. Марченко М.Н. Отличительные особенности романо-германского права// Вестник.МГУ. Сер.11.Право.2000.№1.С.26-42.

8. Марченко М.Н. Закон в системе источников романо-германского права // Вестник.-МГУ. Сер.11.Право.2000.№3.С.33-43.

9. Саидов А. Х. Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари -Т., 2004.-434б.

10. Синюков В. Н. Правовые системы и правовые семьи // Теория государства и права: Курс лекций / Под ред. Н. М. Матузова и А. В. Малько. – М., 1999. – С. 17–19.

11. *Hayitboev F.P., Najimov M.K.* Hozirgi zamon asosiy huquqiy tizimlari / Mas'ul muharrir: yu.f.d., prof. Z.M.Islomov. O`quv qo`llanma – Т.:TDYuI, 2010. -246 b.

12. Ҳайитбоев Ф. П. Роман-герман ҳуқуқ “оила”си ва Ўзбекистон миллий ҳуқуқий тизими. Ёш олимлар илмий мақолалар тўплами. –Т.: ТДЮИ, -2005, № 8. -Б. 22-24.

13. International Encyclopedia of Comparative Law. Vol. I. National Reports. A–Z. – Tubingen, New–York, 1972–1987.

Роман-герман ҳуқуқ оиласининг шаклланиши ва ривожланиши

Роман-герман ҳуқуқий оиласи ўзининг ибтидосини ва генетик асосларини Қадимги Римдан, яъни рим ҳуқуқидан бошлайди. тчилар Роман-герман ҳуқуқий оиласининг шаклланиши жараёнини асосан **3та** даврга ажратилади.

Роман-герман ҳуқуқий оиласининг юзага келиши ва шаклланишининг **биринчи босқичи** XIII асргача бўлган давр ҳисобланади. Ушбу давргача роман-герман ҳуқуқий тизими юзага келиши учун зарур бўлган асослар яратилган. Бу даврда ҳуқуқ манбалари асосан одат ҳуқуқидан иборат бўлган. Шу билан бирга, кодекслар, Дигестлар ва Юстиниан инстутциялари ҳамда янги шароитларга мослаштирилган рим ҳуқуқи манбаларидан ҳам кенг фойдаланилган.

Иккинчи босқичи XIII-XVIII асрларни ўз ичига олади. Ушбу босқич аввалига Италияда кейинчалик, бутун Ғарбий Европада кенг ёйилган ренессанс (уйғониш) даври билан характерланади. Мазкур даврда “Рим ҳуқуқи рецепцияси” деб ном олган жараён юз берган. Роман-герман ҳуқуқий оиласининг асосида ётувчи ғояларни тарқатиш ва чуқурлаштиришнинг асосий воситаси сифатида Европа университетлари фаолият юритган бўлиб, уларда Қадимги Рим ҳуқуқи қайтадан тикланиб ўрганила бошланган. Ижтимоий муносабатларни тартибга солишда ҳуқуқнинг аҳамияти ва роли оша бошлаган. Уша даврда ҳуқуқшунослар ва файласуфлар ҳукмдорлардан ижтимоий муносабатларни фақат ҳуқуқ ёрдамида амалга оширишни талаб қилганлар, чунки бу давргача узоқ йиллар давомида анархия ва зўравонлик ҳукмрон бўлган. Ҳуқуқнинг университетлар концепцияси ишлаб чиқилган. Унда ҳуқуқни алоҳида ўзини эмас, балки уни бошқа “ахлоқий фанлар” - фалсафа, диншунослик каби фанлар билан биргаликда ўрганиш лозимлиги тўғрисидаги ғоя илгари сурилган. Жамият ҳаётида Рим ва “университет ҳуқуқи” билан биргаликда **каноник ҳуқуқ** ҳам қўлланила бошланган.

Каноник ҳуқуқ ўз ичига Черков йиғинларининг қарорлари билан биргаликда, Рим папаси томонидан қабул қилинган қарорлар ва бошқа актларни қамраб олган. Аввалига каноник ҳуқуқ соф черков ҳаёти билан боғлиқ бўлса, кейинчалик ушбу ҳуқуқ ёрдамида айрим оила, никоҳ ва мулкый муносабатлар ҳам тартибга солинган.

Учинчи босқичи табиий ҳуқуқ мактаби томонидан ишлаб чиқилган қоидалар асосида ривожланган бўлиб, бу давр Европа мамлакатларида қонунчиликнинг ривожланиши ва уни кодификациялаштириш билан характерланади. Таъкидлаш жоизки, ушбу босқич ҳозирги кунгача шаклланиб, давом этиб келмоқда. Мазкур ҳуқуқий тизим шаклланишининг иккинчи босқичини охири ва учинчи босқичининг дастлабки даври учун характерли хусусият бўлиб,

континентал Европа мамлакатларида юз берган буржуа инқилоблари ғалабаси натижасида феодал ҳуқуқий институтларнинг қисман ўзгариши ёки бутунлай тугатилиши ҳисобланади. Бу даврда қонун роман-герман ҳуқуқининг иккинчи даражали манбасидан асосий манбасига айланган.

Роман-герман ҳуқуқий тизимининг тарқалиш географияси

Ҳозирги кунда роман-герман ҳуқуқий оиласи бутун дунё бўйича тарқалиб кетган. У собиқ Рим империяси ҳудудлари доирасидан четга чиқиб, Лотин Америкаси, Африканинг катта қисми, Яқин Шарқ мамлакатлари, Япония, Индонезияга ёйилган. Бунинг сабаби қисман мустамлакачилик натижасида, қисман XIX асрда роман ҳуқуқий тизими томонидан қабул қилинган ҳамда шаклланган кодификациялаштириш ва Рим юридик техникасининг қайта тикланиши берган имкониятлар билан характерланади.

Роман-герман ҳуқуқий оиласига ҳозирги кунда Франция, Германия, Австрия, Бельгия, Голландия, Испания, Италия, Португалия, Люксембург, Монако, Швейцария, Финландия каби давлатлар киради. Шарқий Европа (собиқ социалистик) мамлакатлари ҳам бу тизимга қайтмоқдалар. Мазкур ҳуқуқий оилани ҳозирда тўла маънода **континентал ҳуқуқ деб номласа бўлади**. Чунки, у Англия ва Ирландиядан ташқари бутун Европа қитъаси мамлакатларини бирлаштирган. Роман-герман ҳуқуқий тизими ҳатто англо – саксон ҳуқуқий оиласига кирувчи мамлакатларда ҳам қисман мавжуд (АҚШнинг Луизиана штати, Канаданинг Квебек провинцияси).

Роман-герман ҳуқуқининг манбалари ва ўзига хос хусусиятлари

Роман-герман ҳуқуқий тизимида ҳуқуқ манбалари **2та** гуруҳга:

– **бирламчи манбалар** - норматив актлар, ҳуқуқий одатлар, ҳуқуқнинг умумий тамойиллари;

– **иккиламчи манбалар** - суд прецедентлари, машҳур ҳуқуқшунос олимларнинг илмий ишлари.

Бирламчи манбаларда ҳуқуқий тартибга солиниши лозим бўлган муайян муносабатга тегишли қоидалар тўлиқ ёки қисман бўлмаган тақдирда ёки улардаги қоидалар ноаниқ бўлсагина иккиламчи манбалар юридик аҳамиятга эга бўлади.

Роман-герман ҳуқуқий оиласига кирувчи барча ҳуқуқий тизимлар учун қуйидаги умумий ҳуқуқ манбалари ҳосдир:

- а) Норматив – ҳуқуқий актлар;
- б) Одат ҳуқуқи;
- в) Суд амалиёти, суд прецедентлари;
- г) Норматив шартномалар;
- д) Ҳуқуқнинг умумий тамойиллари;

е) Доктриналар.

Норматив – ҳуқуқий актлар. Ғарб юридик адабиётларида статут ҳуқуқи тизимини шакллантирувчи норматив ҳуқуқий актлар деганда, ёзма актлар, формал актлар ёки содда қилиб қонунлар (кенг маънодаги мазмунда) тушунилади.

Норматив – ҳуқуқий актлар қуйидаги хусусиятлар билан характерланади:

- қонунчилик ва ижро – фармойиш берувчи давлат органлари фаолиятининг натижаси ҳисобланади;
- умуммажбурий характерга эга;
- кўп марта қўллашга қаратилган;
- давлат томонидан таъминланади ва қўриқланади;
- фақат ёзма шаклда ифода этилади;
- унда кўрсатилган кўрсатмалар бузилган тақдирда, айбдор шахсларга нисбатан жиноят - ҳуқуқий, маъмурий – ҳуқуқий, фуқаролик – ҳуқуқий, интизомий – ҳуқуқий ҳамда жавобгарликнинг бошқа турларида кўрсатилган санкциялар қўлланилади.

Одат ҳуқуқи. Одат - суд ёки давлатнинг бошқа органлари томонидан тан олингандан кейингина юридик характерга эга бўлади.

Ҳуқуқий одат турлари: 3та турга ажратилади.

Биринчидан, “қонунга қўшимча” (*secundum legem*) сифатида қўлланиладиган одатлар;

Иккинчидан, “қонундан ташқари” (*consuetudo praeter legem*) ҳаракатда бўладиган ҳуқуқий одатлар;

Учинчидан, ўзининг табиати ва мазмунига кўра, “қонунга қарши” (*consuetudo adversus legem*) бўлган одатлар.

Суд амалиёти, суд прецедентлари. Кўпгина компаративист олимлар роман-герман ҳуқуқ оиласида прецедентни ҳуқуқ манбаси сифатида формал кўринишда эмас, балки амалий кўринишда тан оладилар. Шу билан бирга, прецедентни формал тан олмаслик уни фактик жиҳатдан инкор қилишни келтириб чиқармайди. Шунинг учун ҳам Франция, Германия, Швейцария, Италия каби мамлакатларда суд амалиёти қитъа ҳуқуқининг манбаси сифатида формал тан олинмаса ҳам, бугунги кунда тизимлаштирилган суд амалиёти тўпламлари сони кўпайиб бормоқда. Бу эса юқоридаги мамлакатларда суд прецедентини ҳуқуқ манбаси сифатидаги ўрнини кўрсатмаса ҳам, унинг доимий амалий аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Хусусан, ГФР ва Италия каби давлатларда Конституциявий суд қарорлари барча қуйи турувчи судлар ва бошқа давлат органлари учун мажбурий характерга эга.

Норматив шартнома. Норматив шартномалар икки ёки ундан ортиқ мустақил ҳуқуқ ижодкорлари ўртасида тузиладиган, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўрнатадиган, ўзгартирадиган ёки бекор

қиладиган битимлардир. Норматив шартноманинг муҳим тури бу – халқаро шартнома ҳисобланади.

Ҳуқуқнинг умумий тамойиллари. Ҳуқуқ тамойиллари деганда ҳуқуқнинг мазмуни, моҳияти ва жамиятдаги вазифасини таърифлаб берувчи асосий ғоялар тушунилади. Агарда ҳуқуқнинг бошқа манбаларида ҳуқуқий тартибга солиниши зарур бўлган муносабат учун тегишли нормалар бўлмаса ҳуқуқни қўлловчи ҳуқуқнинг умумий тамойилларига мурожаат қилади.

Умумҳуқуқий тамойилларга қуйидагилар киради: қонунийлик, адолат, юридик тенглик, ижтимоий эркинлик, объектив ҳақиқат, инсонпарварлик, демократизм ва бошқалар.

Доктриналар. Худди прецедент каби доктриналар ҳам ҳуқуқнинг расмий манбаси сифатида тан олинмайди, лекин у иккиламчи манба сифатида ҳуқуққа фактик ва реал таъсир ўтказади.

“доктрина” термини жуда кенг маъно ва мазмунда ифода этилади. Улар қуйидагиларда:

- таълимот, фалсафий - ҳуқуқий назария сифатида;
- ҳуқуқшунос олимларнинг турли хил юридик актларни моҳияти ва мазмунига тегишли бўлган, ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш масалаларига оид фикрлари;
- давлат ва ҳуқуқ соҳасида муайян обрўга эга бўлган тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари;
- турли хил кодекслар, алоҳида қонунлар ва бошқа норматив – ҳуқуқий актларга келтирилган шарҳлар сифатида намоён бўлади.

Роман – герман ҳуқуқий оиласининг бошқа ҳуқуқий оилалардан фарқловчи ва уни характерловчи хусусиятлар

Биринчидан, Рим ҳуқуқи билан органик боғлиқ ҳамда унинг юзага келиши ва ривожланиши кўп жиҳатдан Рим ҳуқуқига таянади;

Иккинчидан, Роман – герман ҳуқуқий оиласининг ривожланишида доктриналарнинг аҳамияти юқори;

Учинчидан, ҳуқуқ манбалари тизимида қонун алоҳида ўринга эга

Тўртинчидан, ҳуқуқ тизими оммавий ва хусусий ҳуқуққа бўлинади;

Бешинчидан, норматив – ҳуқуқий актларни тизимлаштиришга, яъни кодификациялаштиришга алоҳида ўрин берилган;

Олтинчидан, фуқаролик ва тижорат ҳуқуқи алоҳида мустақил ҳуқуқ соҳалари сифатида ривожланган;

Еттинчидан, бошқа ҳуқуқий оилалардан фарқли ўлароқ, махсус ҳуқуқ соҳаси сифатида савдо ҳуқуқи алоҳида ўринга эга.

Германия ҳуқуқий тизими

Германия Федератив Республикаси давлат тузилишига кўра Федерация бўлиб, унинг таркибида 16 та ўлка мавжуд. Федератив тузилиш миллий негиз асосида эмас балки, ҳудудий бўлиниш бўйича

ташкил этилган. Ҳар бир ўлка ўз конституцияси ва сайлаб қўйиладиган қонун чиқарувчи органи- 1-палатали Ландтагга (Баварияда Ландтаг икки палатали) ҳамда Бош Вазир бошчилигидаги ҳукуматга эга.

Давлат бошқаруви шаклига кўра ГФР парламентар республикадир. 1949 йил 23 майда Асосий қонун қабул қилинган бўлиб, унга кўра, юқори давлат органлари бўлиб Федерал Президент, Бундестаг, Бундесрат, Федерал ҳукумат ва Федерал Конституциявий суд ҳисобланади.

ГФРда давлат бошлиғи – Федерал Президент бўлиб, уни Федерал Мажлис ва Бундестаг аъзоларидан ва ўлкаларнинг ландтаглари¹ томонидан сайланадиган тенг сонли вакиллардан иборат махсус тузиладиган орган сайлайди. Федерал Мажлисга кўпинча ландтаг аъзолари бўлмаган обрўли жамоат арбоблари, олимлар, санъат арбоблари вакил этилади. Федерал Президент беш йил муддатга сайланади. ГФРнинг 40 ёшга тўлган ва Бундестагга сайланиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролари Президентликка ўз номзодларини кўрсатишлари мумкин. Бир шахс Президент бўлиб 2 муддатга сайланиш ҳуқуқига эга. У давлат бошлиғи сифатида ўз ҳаракатлари учун жавоб бермайди. Президентнинг деярли барча актлари Федерал Канцлер ёки тегишли вазир томонидан имзоланади, шу туфайли барча маъсулият вазир ёки ҳукуматга ўтади. Федерал Канцлерни тайинлаш ёки бўшатиш, Бундестагни тарқатиб юбориш ва истеъфога чиқаётган Федерал Канцлердан ўрнига янги Канцлер тайинлангунча ишларини давом эттириб туришни илтимос қилиш бундан мустасно. Бундестаг қабул қилган қонунлар Федерал Президент томонидан имзоланади ва "Федерал қонунлар хабарномаси"да эълон қилинади.

Федерал Президент халқаро ҳуқуқий муносабатларда давлатнинг вакили сифатида қатнашади. Давлат номидан бошқа давлатлар билан шартномалар имзолайди, ҳамда хорижий давлат элчиларини қабул қилади. Ташқи сиёсатда Федерал ҳукумат назорати остида фаолият юритади.

Федерал Президентнинг ваколатлари доирасига федерал судьялар, давлатнинг айрим юқори амалдорлари, офицер ҳамда унтер-офицерларни тайинлаш ва вазифасидан озод этиш кабилар киради. У шунингдек, афв этиш ҳуқуқи (амнистия)ни амалга оширади, қабул қилинаётган қонунларни конституциявийлигини текширади, шундан сўнг бу қонунлар Федерал Ахборотномада чоп этилади. Бундестагда Федерал канцлер лавозимига номзодларни тақдим этади ҳамда Федерал канцлер тавсиясига асосан федерал вазирларни лавозимга кўяди ва бўшатади.

¹ Изоҳ: Федерал ерлар парламентларининг номи.

Қонунчилик ҳокимияти. ГФРнинг олий қонун чиқарувчи органи Федерал Парламент - Бундесрат ва Бундестаг деб номланадиган палаталардан иборат.

Бундестаг - Германия халқининг вакиллик органи ҳисобланади. Бундестаг 4 йил муддатга халқ томонидан сайланадиган 669 та депутатлардан иборат. Унинг барвақт тарқатиб юборилиши Федерал Президент ваколатига киради. Бундестагнинг асосий вазифасига мамлакатда қонун чиқариш, Федерал канцлерни сайлаш ҳамда ҳукумат фаолияти устидан назорат ўрнатиш.

Бундестагга бўлган сайлов тизими ва сайлов жараёни ҳақида ГФР Конституциясида алоҳида маълумот берилмаган бўлиб, ушбу масалалар Федерал қонунчилик асосида тартибга солинади. ГФР Конституциясининг 38-моддасида фақат сайлов тизимига оид бўлган қуйидаги тамойиллар белгилаб қўйилган, яъни: ГФР Бундестагининг депутатлари тўғридан-тўғри, эркин, тенг, яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Депутатлар ўз фаолияти давомида фақат ўз ички ишончига буйсунадилар ва ҳеч кимдан кўрсатма олмайдилар; фаол сайлов ҳуқуқига 18 ёшга тўлган шахслар, пассив сайлов ҳуқуқига вояга етган шахслар эга. Сайлаш ҳуқуқидан фойдаланиш фуқароларнинг эркин ҳуқуқи бўлиб, унда иштирок этиш мажбурий эмас.

1956 йил 7 майда қабул қилинган "Германия Бундестагига сайлов тўғрисида"ги қонунда депутатликка номзодларга қўйиладиган талаблар кўрсатилган. Бундестаг депутатларининг ярми мажоритар принципи асосида сайланади. Сайлов округларида нисбатан кўп овоз олган номзодлар сайланган ҳисобланади.

Бундестаг аъзоларининг ярми, уларни илгари сурган партиялар берган овозлар асосида сайланади.

Бундестаг Пленуми – парламентнинг йирик дебатлари форуми бўлиб, унда мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатидаги муҳим масалалар ҳал этилади. Парламент комитетларининг ёпиқ мажлисларида қонун лойиҳалари ишлаб чиқилади. Комитетларнинг асосий вазифаларидан Яна бири ҳукуматнинг фаолиятини назорат қилади. Бундестаг комитетлари фаолият соҳалари бўйича тақсимланиши: ташқи ишлар, ижтимоий масалалар ва бюджет комитети ва бошқалар. Республиканинг ҳар бир фуқароси петициялар комитетига ариза ҳамда шикоятномалар билан мурожаат этиши мумкин.

1949 йилдан то 1995 йилгача парламентга 7500 га яқин қонун лойиҳалари киритилган бўлиб, шулардан 4600 таси қабул қилинган. Қонун лойиҳаларининг кўпчилик қисми ҳукумат томонидан киритилади. Бундестагда қонун лойиҳалари уч ўқишдан ўтади ва одатда биринчи ўқиш тегишли комитетда амалга оширилади. Қонун қабул қилиниши учун Бундестаг аъзоларининг кўпчилик овози талаб қилинади (Конституцияга қўшимчалар киритиш бундан мустасно).

Федерал ўлкаларнинг функциялари билан боғлиқ бўлган қонунлар қабул қилинишида, Бундесратнинг розилиги бўлиши шарт. Германия Бундестаги депутатлари умумий, эркин, тенг ва яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар. Улар халқ вакиллари улар муайян топшириқлар, фармойишлар, талаблар билан боғлиқ бўлмасдан ишларни ўз иродаси ва виждони асосида кўрадилар. Яъни ўзларининг мустақил мандатига эгалар. Улар муайян партияга мансубликларига қараб фракцияларга ва гуруҳларга бирлашишлари мумкин.

Бундестаг раиси конституциявий анъанага биноан энг йирик фракциянинг аъзолари орасидан сайланади.

. **Бундестаг Президенти** парламентнинг энг йирик фракция аъзолари орасидан сайланади. Бундестаг ўзининг ташкилий тузилмаси ва иш жадвалини мустақил белгилайди. У устав шаклида бўлиб, регламент билан мустаҳкамланган. Ёпиқ мажлис ўтказиш ҳақидаги қарор парламент аъзоларининг ўндан биридан кам бўлмаган қисми аризасига кўра учдан икки қисм кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Қарор аъзоларнинг кўпчилиги томонидан қабул қилинсада, Федерал Канцлер сайлови ва Конституцияга ўзгартириш киритиш учун овозларнинг 2/3 қисми бўлиши зарур. Бундестаг ўз сессияларини ёпилиши ва қайта иш бошлаши тўғрисида қарор қабул қилади. Бундестаг Президенти уни олдинроқ ҳам чақириши мумкин. У сессияларни аъзолар сонининг учдан бир қисми ҳамда Федерал Президент ёки Федерал Канцлер талаби билан чақириши шарт.

Бундестаг мажлислари ошкора тарзда ўтказилади. Аъзоларнинг ўндан бир қисми ёки Федерал ҳукумат талаби бўйича овозларнинг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик билан мажлислар ёпиқ деб эълон қилиниши мумкин. Бу таклиф юзасидан қарор ёпиқ мажлисда қабул қилинади.

Агар асосий қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, Бундестаг қарорининг қабул қилиниши учун берилган овозларнинг кўпчилиги талаб қилинади. Бундестаг ўтказадиган сайловлар учун регламент билан мустасноларга йўл қўйилиши мумкин. **Бундестаг ва унинг комитетларининг очиқ мажлисларидаги ҳисоботлар ҳар қандай жавобгарликдан холидир.** Бундестаг ва унинг комитетлари Федерал ҳукуматнинг ҳар қандай аъзоси иштирок этишини талаб қилишлари мумкин. Бундестаг ва Федерал ҳукумат аъзолари, шунингдек уларнинг вакиллари Бундестаг ва унинг комитетлари ўтказадиган барча мажлисларда иштирок этадилар.

Депутатнинг молиявий мустақиллиги унинг эгаллаган мансаби асосида белгиланадиган пул товони билан таъминланади. Нафақа ёшига етган ва парламент таркибида камида 8 йил ишлаган депутатлар нафақа билан таъминланадилар. **Бундестагнинг конституциявий мақоми** Германия Федератив Республикаси Конституциясининг 38-48 моддаларида мустаҳкамлаб қўйилган.

Германиянинг 16 та Федерал ўлкаси **Бундесрат** орқали Федерациянинг қонун ижодкорлиги жараёнида ва маъмуриятида ҳамда Европа Иттифоқининг ишларида иштирок этади. Бошқа федератив давлатларнинг (АҚШ, Швейцария) сенат тузилишидан фарқли ўлароқ, мазкур орган халқ вакилларида таркиб топмайди.

Бундесратнинг 68 аъзоси ўлка ҳукуматлари томонидан аҳолининг пропорционал миқдорида вакил қилиб юборилади. Унинг таркиби ўлкалардан бирида ҳукумат ёки айрим вазирликлар ўзгарганда алмашади. Юқори палата ГФРнинг 16 ўлкаси манфаатини ифодалайди. Бунда **ўлкаларнинг вазирлари Бундесрат аъзоси бўлиши лозим.** Қарорлар Бундесрат аъзоларининг мутлақ кўпчилиги (35 киши) томонидан қабул қилинади. **Улар дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлмайдилар.**

Бундесрат таркиби ўлка ҳукуматлари аъзоларидан ташкил топади, улар бу аъзоларни тайинлайдилар ва чақириб оладилар. Ҳар бир ўлка камида уч овозга эгадир; аҳолиси икки миллион кишидан ортиқ бўлган ўлкалар тўрт овозга, аҳолиси олти миллион кишидан ортиқ бўлган ўлкалар беш овозга, аҳолиси етти миллион кишидан ортиқ бўлган ўлкалар олти овозга эга бўладилар. Ҳар бир ўлка қанча овозга эга бўлса, шунча аъзо юбориши мумкин. Ўлкаларнинг овозлари фақат келишилган ҳолда ва иштирок этаётган аъзолар ёки уларнинг ўринбосарлари томонидан берилиши мумкин.

Бундесрат ваколатлари: қонунчилик ташаббуси билан чиқади, Федерал ҳукуматнинг қонун лойиҳаларига муносабатини билдиради, қабул қилиниши унинг розилигини талаб қиладиган қонунларни маъқуллайди ёки рад этади, Европа масалалари бўйича Федерация сиёсатини шакллантиради ва Федерал Конституциявий судни сайлашда иштирок этади.

Бундесрат мажлисини Президент чақиради. У Бундесрат мажлисини камида икки ўлка вакиллари ёки федерал ҳукуматнинг талаби билан чақириши шарт. Бундесрат ўз регламентини қабул қиладди. Унинг мажлислари очиқ бўлиб, айрим ҳолатларда у ёпиқ ҳолда ҳам ўтказилиши мумкин.

Федерал ҳукумат аъзолари Бундесрат ва унинг комитетлари мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Федерал ҳукумат Бундесратни жорий ишларидан хабардор қилиб туриши шарт.

Бундесратда ўлка манфаатлари партия манфаатларидан юқори туради.

Бундесрат раиси бир йил муддатга навбат асосида Бундесрат ўлкаларнинг бош вазирлари орасидан сайланади. **Бундесрат раиси Федерал Президент ўз функцияларни амалга ошира олмаган ҳолда унинг вазифасини бажаради.** Бундесратнинг Конституциявий ҳуқуқий мақоми ГФР Конституциясининг 50-53 моддаларида белгилаб берилган.

Бирлашган кўмита тузиш ҳақида Парламентдаги иккала палатанинг ўзаро таъсири самарадорлигини ошириш мақсадида 1968 йилда ГФР Конституциясига Бундестаг депутатларининг 2/3 қисми ва Бундесрат аъзоларининг 1/3 қисмидан ташкил топган модда киритилган. Бирлашган кўмитага депутатлар Бундестаг томонидан фракциялар вакиллиги асосида, Бундесрат томонидан эса ўлкалар вакиллиги асосида тайинланади. Бирлашган кўмитанинг ташкил этилиши ва тартиби Бундестаг томонидан қабул қилинган ҳамда Бундесрат томонидан маъқулланган регламент билан амалга оширилади.

Қонунчилик жараёни. Бундестаг муҳокамасига қонун лойиҳалари Федерал Ҳукумат, Бундестаг аъзолари ёки Бундесрат томонидан киритилади. Федерал ҳукуматнинг қонун лойиҳалари аввал Бундесратга тақдим этилади. Бундесрат улар юзасидан олти ҳафта давомида ўз хулосасини беришга ҳақли.

Қонун лойиҳалари Бундесратга келиб тушгач, унинг нусхалари парламент депутатлари ўртасида тарқатилади. Эксперт ишчи гуруҳлар лойиҳани ҳар томонлама ўрганадилар. Парламентнинг ҳар бир гуруҳи бу қонун лойиҳаси бўйича унинг тезкорлиги, биринчи ўқиш санаси, янги мажлислар давомида ўз аъзоларининг сўзга чиқишини белгилайди. Қонун лойиҳаси парламент гуруҳларида дастлабки қараб чиқилгандан сўнг, Бундестаг Оқсоқоллар Кенгаши биринчи ўқиш муддатини аниқлайди.

Бундестагда қонун лойиҳалари одатда уч ўқишдан ўтади.
Биринчи ўқиш давомида қонун лойиҳасига оид мунозаралар фақат Оқсоқоллар Кенгашининг тегишли тавсияси ёки парламент гуруҳларидан бирининг сўрови бўйича ўтказилади. Бу мунозаралар лойиҳа бўйича мавжуд нуқтаи-назардан кенг жамоатчиликни хабардор қилишга ҳамда қонун лойиҳасини янада чуқурроқ ишлаш учун кўмиталарга беришдан олдин парламент гуруҳлари фикрлари хилма-хиллигини намоён қилишга қаратилган.

Белгиланган тартибга мувофиқ кўмиталар ўз ишларини хоҳишларига кўра ташкил этишга ҳақлидирлар. Айни вақтда, кўмиталар палата ялпи мажлиси учун маърузалар тайёрлаш ва лойиҳалар муҳокамасини ўтказишга масъул бўлган маърузачилар тайинлашлари лозим. **Маърузачилар парламент гуруҳлари ва кўмита ўртасидаги бўғин ҳисобланади.**

Кўмита қонун лойиҳаси устида ишини тугатгандан сўнг тайёрланган қонун лойиҳасини парламент гуруҳларига танишиш учун тақдим этади. Парламент гуруҳлари янги таҳрирга нисбатан ўз муносабатини ишлаб чиқади ҳамда иккинчи ўқиш давомида мунозараларда сўзга чиқиш учун ўз аъзоларидан бирини тайинлайди.

Иккинчи ўқиш давомида асосий маърузачи ёки маърузачилар чиқишларидан сўнг мунозаралар бошланади. Мунозаралар пайтида депутатлар қонун лойиҳаси ҳар бир моддасини алоҳида муҳокама

қиладилар. Сўнгра бу лойиҳа овоз беришга қўйилади. Заруриятга кўра қонун лойиҳасининг учинчи ўқишини ҳам ўтказиш мумкин.

Қонун лойиҳаси Бундестаг томонидан маъқуллагандан кейин Бундесратга юборилади. Бундесрат лойиҳага мутлақ вето қўйиши мумкин, ушбу вето қўйи палата томонидан уни қабул қилиш учун қанча депутат овоз беришидан фарқли равишда, Бундестаг томонидан бартараф этилиши мумкин эмас. Фақат юқори палата маъқуллаганидан кейин лойиҳа қонун бўла олади ҳамда Федерал Канцлер ва тегишли вазир имзолари учун ҳукуматга юборилади. У Федерал Президент томонидан имзолангандан кейин белгиланган тартибда кучга киради.

Федерал ҳукумат (кабинет) Федерал Канцлер ва Федерал вазирлардан ташкил топади.

Федерал Канцлер ҳукуматга раислик қилади, федерал вазирларга нисбатан мустақил ҳамда юқори ўринни эгаллайди. У номзодларни вазирлик лавозимига қўйиш ҳамда лавозимидан бўшатиш масаласи юзасидан Федерал Президентга таклиф беради. Шунингдек, Федерал Канцлер Вазирлар Маҳкамаси сони ҳамда вазирлар фаолияти доирасини белгилаш каби ваколатларга эга. Таъкидлаш жоизки, Асосий қонунда Федерал ташқи ишлар вазирлиги, Федерал ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Молия ҳамда Мудофаа вазирликлари кўрсатиб ўтилган.

Канцлернинг лавозим кучи унинг бошқарув ваколатларига асосланган: яъни у ҳукумат сиёсатини вужудга келтиради. Ушбу бошқарув доирасида федерал вазирлар ўз фаолиятини мустақил равишда амалга оширадилар. Шу боис, тегишли адабиётларда **Германия бошқарув тизими “Канцлер Демократия”си** деб юритилади. Федерал Канцлер – парламент томонидан сайланадиган ягона мансабдор шахсдир. Канцлерга ишончсизлик билдириш фақат Бундестаг томонидан амалга оширилиши мумкин. Бунда Бундестагнинг Канцлерни умумий овоз бериш билан алмаштириши лозим бўлади. Шу вақтгача 2 марта Канцлерни лавозимдан четлатиш ҳаракатлари юз берган, бунда фақат бир марта канцлер ишончсизлик оқибатида лавозимидан олиб ташланган (Гельмут Шмидт ўрнига Гельмут Коль Федерал Канцлер лавозимига қўйилган). Ишончсизлик вотумининг алоҳида вазирларга нисбатан қўлланилиши билан боғлиқ қоидалар Асосий қонунда белгиланмаган.

Ҳуқуқий тизим. Германия ҳуқуқий тизими роман - герман ҳуқуқий оиласига мансуб. Роман – герман ҳуқуқий оиласи - бу Рим ҳуқуқий меросидан фойдаланган ҳолда ташкил этилган ва тузилманинг умумийлиги, ҳуқуқ манбалари ҳамда юридик тушунчаларнинг ўхшашлиги билан бирлашган ҳуқуқий тизимлар мажмуидир. Ҳозирги кунда роман-герман ҳуқуқий оиласи Ғарбий Европа қитъасидаги мамлакатлар, Марказий ва Жанубий Америкадаги кўпчилик давлатларнинг (Испания, Португалия ва Франциянинг собиқ

мустамлакалари) ҳуқуқини, Япония, Жанубий Корея, Индонезия, Таиланд ва Осиёнинг бошқа айрим мамлакатлари ҳуқуқини қамраб олади.

Германиянинг ҳуқуқий тизими 1867 йилда Пруссия бошчилигида немис давлатларининг Германия империясига бирлаштирилиши натижасида шаклланган. Умумгерман қонунлари ишлаб чиқилгунга қадар амалда унинг таркибига кирган давлатларнинг қонунчилик актлари ва ҳуқуқий одатлари қўлланилган. XIX асрда юзага келган умумгерман давлатининг қонунчилиги ва ҳуқуқий тизими асосан Пруссия, Бавария ва Саксония қонунлари асосида ишлаб чиқилган. Ҳуқуқ тизимининг шаклланишида ўз ичига бир неча ҳуқуқ соҳаларини қамраб олган 1794 йилги Пруссия ер кодекси, 1813 йилги Бавария Жиноят кодекси, 1753 ва 1756 йиллардаги Бавар Суд ва Гражданлик кодекслари, 1863 йилги Саксон Гражданлик кодекси, 1850 йилги Ганновер гражданлик – процессуал кодекслари катта аҳамиятга эга бўлган. Ўз вақтида Наполеон армияси томонидан босиб олинган ва кейинчалик Германия империясига қўшилган айрим давлатлар ҳудудларида 1804 йилги Наполеон Гражданлик кодекси ва бошқа француз кодекслари ҳам амалда бўлган. Ушбу кодекслар Герман империяси қонунчилигини шакллантиришда ўз таъсирини ўтказган. Герман қонунчилигини ишлаб чиқишда Рим ва Каноник ҳуқуқ ҳамда қадимги герман ҳуқуқий одатларига бориб тақаладиган умумий ҳуқуқ нормалари ҳам эътиборга олинган.

Шимолий Герман Иттифоқи ташкил топгандан сўнг, аста-секинлик билан умумгерман қонунларини ишлаб чиқиш жараёни бошланган. Даставвал 1866 йилда Савдо кодекси, 1871 йилда Жиноят кодекси, 1877 йилда Гражданлик – процессуал ва Жиноят – процессуал кодекслари, 1877 йилда Суд тузилиши тўғрисидаги қонун ва нихоят 1896 йилда Гражданлик кодекслари қабул қилинган. Юқорида кўрсатиб ўтилган кўпгина кодекс ва қонунлар 1918 йилгача мавжуд бўлган Германия империяси даврида, 1919-1933 йиллардаги Веймар Республикаси даври, 1933-45 йиллардаги нацистлар диктатураси даврида ва 1949 йил ташкил топган Германия Федератив Республикаси вақтида киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда ҳозирги кунгача амалда бўлиб келмоқда.

Амалдаги Германия қонунчилиги тизимига 1949 йилдаги ГФР Конституцияси катта таъсир кўрсатган. Конституцияда ҳокимият органларининг тизими ва мақоми белгилаб берилган. Қонун чиқариш доирасида асосий ваколат федерал ҳокимиятга тегишли бўлиб, ўлкалар эса фақат ўзларининг ваколатлари доирасидаги (маданият ва маориф билан боғлиқ) масалаларни тартибга солиш бўйича фаолият юритишлари мумкин.

1990 йил 3 октябрда Германия Демократик Республикаси ГФР таркибига қўшилгандан кейин мамлакатнинг бутун ҳудудида ГФР қонунлари, ҳуқуқий ва суд тизими амалга киритилди.

Германияда хусусий ва оммавий ҳуқуқни бир-биридан ажратиш Франциядагига нисбатан бирмунча сустроқ. Бу, хусусан, умумий, маъмурий ва конституциявий одил судловда ўз аксини топади.

Оммавий ҳуқуққа давлат органлари мақомини ва фаолият тартибини ҳамда шахснинг давлат билан муносабатларини белгилаб берувчи соҳалар ва институтларни киритиш мумкин.

хусусий ҳуқуққа эса хусусий шахсларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи соҳалар ва муассасаларни киритиш мумкин.

Немис юридик адабиётида қуйидагилар оммавий ҳуқуқ соҳаларига киритилади:

1. Конституциявий ҳуқуқ;
2. Маъмурий ҳуқуқ;
3. Солиқ ҳуқуқи;
4. Жинойт ҳуқуқи;
5. Жинойт-процессуал ҳуқуқи;
6. Фуқаролик-процессуал ҳуқуқи;
7. Черков-процессуал ҳуқуқи;
8. Халқаро оммавий ҳуқуқ.

Хусусий ҳуқуқ фуқаролик ҳуқуқига ҳамда хусусий ҳуқуқнинг махсус қисмига ажратилади.

Савдо ҳуқуқи, компаниялар тўғрисидаги қонунлар, айланма ҳужжатлар тўғрисидаги қонунлар, муаллифлик ҳуқуқи, рақобат тўғрисидаги қонунлар, савдо белгилари ва моделлар, халқаро хусусий ҳуқуқ ҳам шу қисмга киради.

Меҳнат ҳуқуқини баъзан хусусий ҳуқуқнинг таркибий қисми сифатида, баъзан эса уни на хусусий, на оммавий ҳуқуққа мувофиқ келмайдиган “Sui generis” соҳасига киритишади.

Германия ҳуқуқининг манбалари

Қонунлар. Роман-герман ҳуқуқий оиласининг ҳуқуқ манбалари тизимида қонунлар асосий ўрин тутати. Бу оиланинг барча мамлакатларида мавжуд қонун нормалари олий юридик кучга эга деб тан олинади. Уларнинг нуфузи кўпчилик давлатлар томонидан одатдаги қонунларнинг конституциявийлиги устидан суд назорати ўрнатилганлигида намоён бўлади. Европа юридик доктринаси ва қонунчилик амалиёти оддий қонуннинг 3 хилини фарқлайди: кодекслар, махсус қонунлар (жорий қонунчилик) ва қонунларнинг йиғма матнлари.

1896 йилги Германия Фуқаролик қонунлари мажмуи беш китобдан иборат:

1. Умумий қисм;
2. Мажбурий ҳуқуқ;
3. Ашёвий ҳуқуқ;
4. Оила ҳуқуқи;

5. Мерос ҳуқуқи.

Германия Фуқаролик қонунлари мажмуининг таркибий тузилиши классик пандект тизимини тавсифлайди. Бунда, нормаларнинг амал қилиши қолган барча бўлимларга ҳам жорий этиладиган Умумий қисмнинг ажратилиши асосий хусусият ҳисобланади. Пандект тизими Германия хусусий ҳуқуқига хос тизимга айланди. Германия Фуқаролик қонунлари мажмуи Франция кодексига нисбатан анча мавҳумроқдир. Қонунлар мажмуи учун мантиқий изчиллик ҳамда умумий қоидалардан хусусий қоидаларга ўтиш хосдир.

Урф-одатлар. Роман-герман ҳуқуқига тааллуқли манбалар тизимида урф-одатларнинг алоҳида ўрни мавжуд. Улар “sekundum lege” (қонунга қўшимча) бўлибгина қолмасдан, балки “praektor lege” (қонундан бошқа) бўлиши ҳам мумкин. Бугунги кунда урф-одатлар ҳуқуқнинг мустақил манбаи сифатида ўз хусусиятини йўқотган.

Суд амалиёти. Роман-герман ҳуқуқи сифатида суд амалиёти тўғрисидаги масала бўйича назарияда турлича нуқтаи назарлар мавжуд. Бироқ шунга қарамай, суд амалиётини ёрдамчи манбаларга киритиш мумкин. Бу биринчи навбатда “кассация прецеденти”га тегишлидир. Кассация суди- бу олий босқич поғонадир. Шу сабабли, ўхшашликка ёки умумий принципларга асосланган “оддий” суд қарори ҳам кассация босқичидан ўтиб, бошқа шунга ўхшаш ишларни ҳал этишда судлар томонидан ҳақиқий прецедент сифатида қабул қилиниши мумкин.

Доктрина. қонунлар ишлаб чиқишда, тўғрироғи, тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга. Ундан ҳуқуқни қўллаш фаолиятида, яъни қонунларни талқин қилишда ҳам фойдаланилади.

Германия ҳуқуқий тизими узоқ давр мобайнида синалган ва амалда бўлган Рим хусусий ҳуқуқи асосида ташкил топган бўлиб, ўзининг аниқлиги ҳамда тизимлаштирилганлиги билан диққатга сазовордир.

Суд тизими. Германия Федератив Республикаси Конституциясининг 95-моддасига кўра суд юритишнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- умумий суд юритиш;
- маъмурий ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган суд юритиш;
- молиявий ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган суд юритиш;
- меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган суд юритиш;
- ижтимоий ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган суд юритиш.

Умумий суд юритиш. Умумий суд юритиш тартибида фуқаролик, жиноят – ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низолар ва ишлар кўриб чиқилади.

– **Фуқаролик юрисдикцияси тизими қуйидаги учта даражадан иборат:**

- участка судлари (das Amtsgericht);
- ўлка (земель) судлари (die Landgerichte);
- ўлка Олий судлари (das Oberlandesgericht).

Ишларнинг судловлиги даъво суммаси билан белгиланади.

Участка суди судьяси томонидан якка тартибда ҳал этиладиган ишлар.

5000 еврогача бўлган фуқаролик низолари Участка судлари томонидан шунингдек, оила-никоҳ, рақобат ва мерос ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ишлар ҳам кўриб чиқилади. Ушбу мақсадларда участка судлари қошида оила ишлари бўйича судлар, васийлик ишлари бўйича судлар ва шунингдек, мерос масалалари бўйича судлар фаолият юритадилар.

Иккинчи даражадаги судлар бўйича “аграр судлар” ёки “қишлоқ хўжалик низолари бўйича судлар” мавжуд. (ўлка судлари) биринчи ва иккинчи инстанция судлари сифатида иш кўрадилар. Бу даражада ўлка судларининг суд юритиши фуқаролик ишлари бўйича палата ҳамда судларнинг якка тартибда иш кўриши асосида амалга ошади. Бунда улар томонидан даъво баҳоси 5000 еуродан ошиқ ишлар кўрилади. Ўлка судлари иккинчи инстанция тартибида участка судларининг шикоят қилинган қарорлари ва ажримлари юзасидан фаолият юритадилар.

Умумий судловни ташкил этишда ўлка Олий судлари ўлка судларига нисбатан олганда юқори турувчи инстанция ҳисобланади.

Ўлка Олий судларида қарорлар фуқаролик ишларини ҳал қилиш учун ташкил этилган учта профессионал судьядан иборат бўлган сенатлар томонидан қабул қилинади. Ўлка Олий суди таркибида фуқаролик ишлари бўйича, оила ишлари бўйича сенатлар, картел ишлари бўйича суд ва жиноят ишлари бўйича иккита сенат фаолият юритади.

ГФР Олий суди мамлакат ҳудудида умумий юрисдикция бўйича юқори суд ҳисобланиб, у Карлсруэ шаҳрида жойлашган. Мазкур суд фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича тафтиш инстанцияси ҳисобланади. Қарорлар фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Юқори Сенатлар томонидан қабул қилинади. Бундан ташқари мазкур суд таркибида бешта профессионал судья таркибида иш кўрадиган 12 та фуқаролик ишлари бўйича ва бешта жиноят ишлари бўйича сенатлар фаолият юритадилар. Одил судловнинг мустақиллигини таъминлаш мақсадида алоҳида мураккаб ишлар ўзига барча федерал судлар

сенатларини қамраб олувчи Катта Сенатнинг қўшма мажлисида кўриб чиқилади.

Ўлка судлари даражасидаги умумий судлов тизимида ҳўжалик ва савдо низоларини ҳал этиш учун палата ташкил этилган.

Федерал Конституциявий Суд. Карлсруэ шаҳрида жойлашган Федерал Конституциявий суди мамлакатда Асосий қонунга амал қилиниши устидан назоратни амалга оширади. У Федерация билан федерал ўлкалар ҳамда алоҳида федерал органлар ўртасидаги низоларни кўриб чиқади. Конституциявий Суд муайян партия ёки унинг фаолиятини мамлакатдаги демократик муҳитга ёки Конституцияга зидлиги масаласи юзасидан хулоса бериши мумкин. Бундай ҳолларда Конституциявий Суд ушбу партияни тарқатиб юбориш ваколатига эга. У шунингдек, Федерация ва ўлка қонунларини Конституциявийлигини текширади. Агар Конституциявий суд томонидан муайян қонун Конституцияга зид деб топилса уни қўллаш мумкин эмас. Ҳар бир фуқаро ўз конституциявий ҳуқуқлари давлат томонидан бузилган ёки поймол этилган деб ҳисобласа, Конституциявий судга бевосита шикоят билан мурожаат қилиши мумкин. Федерал Конституциявий суди томонидан ташқи сиёсат масаласига оид ишлар ҳам кўриб чиқилади. Масалан, ушбу органнинг Германия ҳарбийларини БМТ қуролли кучлари таркибида тинчлик ўрнатиш ҳаракатларида иштирок этишининг Асосий қонунга тўғри келиши масаласини кўриши кенг жамоатчиликни диққат эътиборини тортган. Федерал Конституциявий Суд ҳар бири 8 та судьядан иборат иккита сенатдан ташкил топган. Судьяларнинг бир қисми Бундестаг, иккинчи қисми Бундесрат томонидан сайланади. Уларнинг ваколат муддати 12 йил. Судьялик лавозимида бундан ортиқ муддатга қайта сайлашга йўл қўйилмайди.

Маъмурий судлар. Ушбу судлар оммавий-ҳуқуқий хусусиятга эга низоларни кўриб чиқади. Уларнинг вазифаси фуқароларни маъмурий орган ва идоралар билан муносабатларда ҳимоя қилишдан иборат. Маъмурий судлар тизими қуйидагича:

1. Қуйи инстанция маъмурий суди (Verwaltungsgericht);
2. Юқори ва олий маъмурий суд (Verwaltungsgerichtshof);
3. Федерал маъмурий суд (Bundesverwaltungsgericht).

Молиявий масалалар бўйича судлар икки даражага бўлинади:

1. Қуйи инстанция судлари (Finanzgericht);
2. Олий инстанция - Федерал молия суди (Bundesfinanzhof).

Ушбу судлар солиқ декларациялари, даромад солиғи бўйича тўлов талабномалари ва бошқа йиғимлар юзасидан низоларни кўриб чиқади.

Меҳнат низолари бўйича судлар (Arbeitsgericht). Бу тоифадаги судларга қуйидагилар киради:

1. Меҳнатга оид ўлка суди (Landesarbeitsgericht);
2. Федерал меҳнат суди (Bundesarbeitsgericht).

Ушбу судларнинг ваколати доирасига меҳнат ҳуқуқий муносабатлар бўйича низолар, корхона низомлари ва тариф сеткалари бўйича низолар ва тортишувлар бўйича, ички меҳнат тартиб масалалари бўйича, хусусан корхонани ташкил этиш ва бошқаришда ёлланма ишчиларнинг вакиллари иштироки бўйича низоларни кўриб чиқиш киради.

Ижтимоий масалалар бўйича судлар (Sozialgericht) ҳам икки даражага бўлинади:

1. Ижтимоий масалалар бўйича ҳудудий судлар (Landtssozialgericht);

2. Ижтимоий масалалар бўйича Федерал суд (Bundessozialgericht).

Ушбу судларнинг компетенциялари нафақа ва бандлик бўйича низолар, ишсизлик бўйича суғурта, пенсия ҳуқуқи, уруш қурбонлари ва ногиронлар ҳуқуқи, тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи юзасидан келиб чиқадиган низоларни кўришдан иборат.

Франция ҳуқуқий тизими

Франция ўз тарихини қадимги Галлия давлатидан бошлайди. Галлия римликлар томонидан истило қилинганидан сўнг империянинг бошқа провинциялари каби ушбу ҳудудда ҳам рим ҳуқуқи амал қила бошлаган. V асрдаги "халқларнинг буюк кўчиши" даврида Галлия герман халқлари томонидан босиб олинган. 476 йилда Рим империяси инқирозга учраган вазиятда ҳам Рим ҳуқуқи амалда бўлган. 506 йил вестготлар қироли Аларих II томонидан "Аларих Бревиари" ёки "вестготлар рим ҳуқуқи" деган ном билан машҳур бўлган норматив ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган.

XI-XII асрларда Шимолий Италияда Рим ҳуқуқининг ўрганилиши асосида Ренессанс даври бошланди ва бунинг натижасида XII-асрнинг охиридан Жанубий Франциядаги Монпери ва Тулуза университетларида Рим ҳуқуқини фан сифатида ўргатиш йўлга қўйилди.

Дунёда машҳур бўлган Буюк Карл Империяси тарқалиб кетганидан сўнг Франция алоҳида давлат сифатида ўз тарихини бошлади.

Франция тарихида 16 та Конституция қабул қилинган. Ушбу ҳолатнинг ўзи Франциянинг қанчалик конституциявий ва ҳуқуқий тажрибага эга эканлигидан далолат беради. Тегишли адабиётларда Франция "конституциялар лабораторияси", французлар "конституцияларнинг буюк истеъмолчилари" сифатида эътироф этилади. 1789 йилги машҳур "Фуқаролар ва инсон ҳуқуқлари Декларацияси" нафақат Францияда конституциянинг бошланиш тарихини, балки дунё миқёсида ҳам инсон ҳуқуқлари институтининг ривожланишига катта туртки бўлди. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда

Франциянинг конституциявий тажрибасидан жаҳоннинг кўплаб давлатларида фойдаланилади.

Ҳозирда амалда бўлган Франция Конституцияси 1958 йилда қабул қилиниши билан мамлакатда V республика¹ эълон қилинди.

V Республика Конституцияси ҳажми жиҳатидан унча катта бўлмаган преамбула, 17 бўлим (улардан 2 таси бекор қилинган) ва 89 моддадан иборат бўлган ҳужжат ҳисобланади. Ушбу Конституция давлат бошқарувининг парламентар шаклини бекор қилди ва ҳам президентлик, ҳам парламентар республика элементларини ўзида мужассам қилган сиёсий тузумни тадбиқ этди.

Республика Президенти мамлакат сиёсий механизмида асосий институт ҳисобланади. Бунга амин бўлиш учун унинг конституциявий ваколатларини санаб чиқиш кифоя. 1962 йилги умумхалқ сайловлари йўли билан ўтказилган конституциявий ислохотлар Президентнинг мамлакат сиёсий ҳаётидаги ролини янада кучайтирди. V Республика Президенти Вазирлар кенгашида раислик қилиш ҳуқуқини қўлга киритганидан сўнг, ижроия ҳокимиятининг ҳақиқий раҳбарига айланди. Бу билан 1958 йилги Конституция ижроия ҳокимиятининг ички тузилишини ўзгартириб юборди.

Францияда Президент ваколатлари бўйича президентлик республикалари, масалан, АҚШ давлат раҳбаридан анча устун бўлиб қолди. Шу билан бирга, V Республикада парламентар бошқарув шаклининг баъзи элементлари ҳам сақланиб қолган. Масалан, ижроия ҳокимият(ҳукумат) асосан, ўзининг Миллий Мажлисдаги кўпчилик тарафдорларига таянган ҳолда сиёсат юритади. Бундай вазиятда Республика Президенти ҳукуматни парламент сайловларида ғалаба қозонган партия ёки партиялар блоки аъзоларидан шакллантиришга мажбур бўлади.

Ҳукумат ўзининг Президент олдида ҳисобдорлигига қарамай, унинг конституциявий ваколатлари анча кенгдир. Ҳукуматнинг мамлакат ҳаётидаги ўрни ва мақоми Конституциянинг 20-моддасида ўз ифодасини топган: “Ҳукумат миллат сиёсатини аниқлайди ва олиб боради. Маъмурият ва қуроли кучлар ҳукуматнинг ихтиёридадир”.

1958 йилги Конституция француз парламентининг икки палатали тизимини сақлаб қолди. Қуйи палата – Миллий Мажлис 577 депутатдан иборат бўлиб, у бир мандатли мажоритар сайлов тизими асосида умумхалқ сайлови йўли билан шакллантирилади. Миллий Мажлисни мажоритар сайлов тизими орқали шакллантириш мамлакатда Конституция қабул қилиниши биланоқ, яъни 1958 йил 13 октябрдаги ордонанс билан амалга киритилган.

Юқори палата – Сенат аъзолари кўп босқичли сайловлар йўли билан 9 йил муддатга сайланадилар. Ҳар уч йилда Сенат учдан бир

¹ Изоҳ: I Республика - 1793-1802, II Республика - 1848 - 1852, III Республика -1875-1940, IV Республика -1946-1958.

қисмга янгиланади. Унинг ҳуқуқий ҳолати IV Республика парламентининг юқори палатаси – Республика Кенгашининг ҳуқуқий ҳолатидан унча кўп фарқ қилмайди. Икки палатали парламент тизими конституциявий заруратдан эмас, балки тарихий қадрият сифатида сақлаб қолинган.

V Республиканинг конституциявий механизмида Конституциявий Кенгашга алоҳида аҳамият берилади. Конституциявий Кенгаш лавозимга қайта тайинланиш ҳуқуқига эга бўлмаган ва тўққиз йил муддатга тайинланадиган 9 та аъзодан иборат. Бундан ташқари, Кенгаш таркибига Республиканинг собиқ президентлари ҳам умрбод киритилади. Республика Президенти, Миллий Мажлис раиси ва Сенат раиси Кенгаш таркибига учтадан аъзо тайинлашлари мумкин. Ҳар уч йилда Кенгаш таркиби учдан бир қисмга янгиланиб туради. Конституциявий кенгаш раиси Республика Президенти томонидан тайинланади ва овозлар тенг бўлиб қолса, раиснинг овози ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Агар XIX асрнинг биринчи ярмида ғарбий компаративистиканинг маркази Германияда бўлган бўлса, асрнинг иккинчи ярмида у Францияга кўчган.

Франция ҳозирги ҳуқуқий тизимининг асослари 1789-1794 йилларда рўй берган буюк француз инқилоби ва ундан кейинги ўн йилликлар, айниқса Наполеон бошқаруви (1799-1814 йиллар) даврида шакллана бошлаган. Франция ҳуқуқий тизимининг ўрнатилиши ва кейинги ривожланишини белгилаб берган ушбу даврдаги асосий ҳужжатлар сифатида: 1789 йилги “Инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Декларация, инқилоб давридаги бир қатор Конституциявий актлар, Наполеоннинг бевосита иштирокида ва назоратида тайёрланган ҳамда ҳуқуқнинг асосий соҳалари бўйича кодификациялаштирилган 1804 йилги Фуқаролик кодекси, 1806 йилги Фуқаролик процессуал кодекси, 1807 йилги Савдо кодекси, 1808 йилги Жиноят процессуал кодекси ва 1810 йилги Жиноят кодексларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Юқорида санаб ўтилган актларнинг кўпчилиги ҳозирги кунда ҳам юридик кучини сақлаб қолган. Фақат Жиноят процессуал кодекси тўлалигича ва Фуқаролик процессуал кодекси қисман янгиланган, қолган кодексларга эса бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

Буржуа инқилобигача бўлган ҳуқуқ манбалари орасида XVI асрда чоп этилган ҳуқуқий одатлар тўпламлари муҳим рол ўйнаган. V асрдан бошлаб сақлаб қолинган ҳуқуқий одатларнинг мазмунига Рим ва Каноник ҳуқуқининг таъсири кучли бўлган. Ҳуқуқий одатлар билан бир қаторда ҳуқуқ манбалари тизимида XVII-XVIII асрларда қирол ҳокимияти томонидан чиқарилган қонунчилик актлари алоҳида ўрин тутган. Улар орасида, айниқса, Кольбер ҳукумати томонидан тайёрланган 1667 йилги Фуқаролик процесси, 1667 йилги Жиноят процесси, 1673 йилги Савдо тўғрисидаги ва шунингдек д’Агессо

ҳукумати томонидан тайёрланган 1731 йилги Ҳадя шартномаси тўғрисидаги, 1735 йилги Васиятномалар тўғрисидаги, 1747 йилги Оилавий-мулкӣ низоларни ҳал этиш тўғрисидаги қироллик ордонанслари муҳим аҳамиятга эга бўлган. Наполеон кодексларини тузувчилар француз ҳуқуқининг кўп асрлик тажрибасига таянган ҳолда инқилобий ислоҳотларни амалга оширдилар. Бу эса ўз навбатида, мамлакатда бозор муносабатларини эркин ва самарали ривожланишини таъминлаб берди.

1804 йилги Фуқаролик кодексини тайёрлаш жараёнида қўлланилган ҳуқуқий институтларни ифода этиш шакллари иқтисодиётга ва ўша давр иқтисодий тузумининг ижтимоий шароитларига шунчалик мос келдики, охир-оқибат Европа ва бошқа қитъаларнинг кўпгина мамлакатлари тегишли кодексларни тайёрлашда мазкур кодексдан андоза олдилар.

Француз парламенти томонидан қабул қилинган қонунчилик актлари орасида конституциявий қоидаларни тўлдирувчи органик қонунлар муҳим аҳамиятга эга.

Франция ҳуқуқий ҳужжатларини тартибга солишнинг асосий йўналиши ҳам қонунга тенглаштирилган ҳужжатлари, ҳам қонун ҳужжатларини ўз ичига оловчи тармоқ тўпламлари кодексларини ишлаб чиқиш бўлди. Уларнинг айримлари ҳуқуқнинг икки ёки бир қатор соҳаларига тегишли бўлган, саноат, ҳўжалик ёки маданиятнинг аниқ соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи комплекс чоратadbирларни қамраб олади. XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб шунга ўхшаш ўнлаб кодекслар қабул қилинди. Улар ўз ҳуқуқий табиатига кўра амалдаги ҳуқуқни жамлаштирувчи ҳужжатлар ҳисобланади. Француз ҳуқуқшунослари ушбу кодексларни Наполеон кодекслаштиришидан фарқловчи қуйидаги жиҳатларини қайд этишади, яъни ушбу кодекслар ҳуқуқнинг муайян соҳаси нормаларини “қайта англаш” мақсадини кўзламайди, балки қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва иш тартиб (регламент)ларини мантиқан қайта гуруҳлаштиришга қаратилгандир.

Бундай янгича кодекслаштириш шакли анъанавий тушунишда қонун ва кодексларнинг устунлиги принципини сусайтирди. Шу жиҳатдан олганда, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият ўртасида ваколатларни “классик” тақсимлашни ўзгартириб юборган 1958 йилги Конституция қонунга берилган яна бир зарба бўлди. Конституция парламент ваколатига кирувчи масалалар доирасини санаб ўтиш билан бирга, унинг қонун чиқариш билан боғлиқ фаолиятини муайян даражада чеклади. Ва аксинча, ҳукуматнинг ваколатлари жиддий равишда кенгайди, ҳуқуқ манбалари тизимида унинг ҳужжатлари салмоғи ва аҳамияти мунтазам равишда ўсиб борди.

Конституцияда ҳукумат ҳужжатлари тизими белгиланмаган, бироқ амалиётда ижроия ҳокимиятнинг тегишли ички иерархиясига мос келувчи қуйидаги ҳужжатлари мавжуд: ордонанслар, декретлар,

қарорлар, кўрсатмалар, йўриқномалар, билдиришномалар. Буларнинг ичида ордонансларнинг аҳамияти муҳимдир, чунки улар мисолида қонун билан тартибга солинувчи ҳужжатларнинг ҳуқуқий кучи ўртасидаги тафовут йўқолиб бориши тенденцияси айниқса ёрқин намоён бўлади.

Ҳуқуқнинг умумий принциплари ҳам француз ҳуқуқий тизимида ҳуқуқнинг мустақил манбаи сифатида эътироф этилади. Умумий принципларнинг роли қонунчилик тузилмасида жиддий нуқсонлар мавжуд бўлган тақдирда айниқса муҳимдир. Ушбу ҳолат айниқса, маъмурий ҳуқуқ соҳасида яққол намоён бўлади. Маъмурий қонунчилик кодекслаштирилмаганлиги сабабли, Маъмурий судлар ва Давлат Кенгаши ишларни кўришда ҳуқуқнинг умумий принципларига кўпроқ эътибор қаратадилар.

Француз юридик адабиётида ҳуқуқ манбалари иккита гуруҳга бўлинади: бирламчи (асосий) ва иккиламчи (ёрдамчи) манбалар. Биринчи гуруҳга давлат меъёрий ҳужжатлари киради. Ҳуқуқнинг иккиламчи (ёрдамчи) манбаларига биринчи навбатда, суд амалиёти киритилади.

Суд амалиёти француз ҳуқуқи ривожланишида муҳим рол ўйнайди. Бинобарин, замонавий қонунчилик амалиёти яқка тартибдаги ва умумий нормалар кўринишида ҳуқуқ ижодкорлиги учун унга кенг йўл очади. Суд амалиёти қонунни шунчаки талқин қилувчи ва ўз қонунларини унификация қилувчи (бирхиллаштирувчи)дан (ҳокимиятни тақсимлаш назарияси суд амалиётига айнан шундай рол ажратади) бугунги кунда француз ҳуқуқи манбаига (гарчи француз муаллифларнинг фикрича қўшимча бўлса ҳам), “қонун доирасидаги манба”га айланди. Судья муайян ишларни кўришда эркин бўлсада, у олдинги суд қарорларининг кучли таъсири остида бўлади.

Фуқаролик ва унга турдош ҳуқуқ соҳалари. Амалдаги француз қонунчилиги тизимида қонунчиликни иккита ҳуқуқ соҳаси: фуқаролик ва савдо ҳуқуқларига ажратиш сақланиб қолинган.

1804 йилги Француз Фуқаролик кодекси Наполеон кодекслари тизимида марказий ўринни эгаллайди. Мазкур кодекс ўзининг ҳажми(биринчи нашрида 2281 модда мавжуд бўлган), тузилиши, мантиқий узвийлиги ва ифода этиш шакли бўйича бошқа кодекслардан ажралиб туради. Француз Фуқаролик кодекси кириш қисми ва учта китобдан иборат. Кириш қисмида фуқаролик қонунчилигининг вақт ва ҳудуд бўйича амалда бўлиш қоидалари ҳамда ҳуқуқ нормаларини кучга кириши ва қўллашга доир айрим қоидалар акс этган.

“Шахслар тўғрисида”ги биринчи китобда французларнинг ҳуқуқий мақоми ва чет эл фуқароларининг фуқаролик ҳуқуқлари, шахсларни бедарак йўқолган деб топиш, никоҳ ва уни бекор қилиш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқий мақоми, ҳомийлик ва васийлик тўғрисидаги нормалар ўз ифодасини топган.

“Мол-мулк ва мулкни ўзгартиришнинг турли шакллари тўғрисида”ги иккинчи китобда кўчар ва кўчмас мулклар, давлат ва коммунал мулкчилиги, мулкдорлар ва фойдаланувчиларнинг мулкка бўлган ҳуқуқлари ва уларга оид нормалар мужассамлашган.

“Мулкка эгалик қилишнинг турли усуллари тўғрисида” деб номланадиган учинчи китоб ҳажм жиҳатидан анча кенг бўлиб, унда Француз фуқаролик ҳуқуқининг кўпгина институтлари жамланган. Мазкур китобда мерос ва ҳадяга оид масалалар, мажбурият ҳуқуқи, олди-сотди, ижара, қарз, топшириқ, гаров ва бошқа шартномаларга оид нормалар ўз ифодасини топган.

Шу билан бирга, Фуқаролик кодексидан ўрин олган оила ҳуқуқи соҳасига 1965, 1975 ва 1985 йилларда бир қатор ўзгартиришлар киритилган.

Франция суд тизими. Маълумки, мамлакатимизда ҳозирги кунда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш жараёни кетмоқда. Ушбу соҳада самарали натижаларга эришишда ривожланган давлатларнинг бой тажрибасига мурожаат этиш мақсадга мувофиқдир. Шу жиҳатдан олганда, Франциянинг суд тизимини ўрганиш биз учун муҳим аҳамият касб этади. Чунки, Францияда суд органларини ташкил этиш ва уларнинг самарали фаолият юритишини таъминлаш борасида катта тарихий мактаб яратилган десак, хато бўлмайди.

Барча демократик давлатларда бўлгани каби Францияда ҳам ҳокимият уч тармоққа бўлиниб, одил судловни амалга ошириш суд органлари ваколатига киритилган. Франция суд тизими мураккаб тузилишга эга бўлиб, бир қатор хусусиятлари билан бошқа давлатларнинг суд тизимидан фарқ қилади. Ушбу ҳолат бир тарафдан суд органларининг тарихан шаклланиб келганлиги билан изоҳланса, бошқа тарафдан эса, давлатнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши ҳамда мамлакатдаги ижтимоий муносабатларнинг ўзига хослиги билан тавсифланади.

Франция Конституциясининг саккизинчи бўлими “Суд ҳокимияти тўғрисида” деб номланади ва унда Франция суд тизими, суд ҳокимиятининг ҳуқуқий ҳолати мустаҳкамлаб қўйилган. Унга кўра, Республика Президенти судлар мустақиллигининг ҳамда судьялар даҳлсизлигининг кафолати ҳисобланади. Судларга ўз ваколатларини амалга оширишда Олий магистратура кенгаши кўмаклашади. Магистратларнинг ҳуқуқий ҳолати қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

Олий магистратура кенгашига Республика Президенти бошчилик қилади. Адлия вазири унинг ўринбосари, яъни вице-раиси ҳисобланади. Зарур бўлиб қолганда, Адлия вазири Президент номидан Олий магистратура кенгашига вақтинчалик бошчилик қилиб туради.

Бевосита Франция суд тизимига келсак, унда қуйидаги учта юрисдикция суди мавжуд: умумий судлар, маъмурий судлар ва ихтисослашган судлар.

Умумий юрисдикция судлари суд тизимининг асосий бўғинини ташкил этиб, катта инстанция судлари, кичик инстанция судлари, апелляция судлари, ассизлар судлари ва кассация судидан иборат. Улар умумий принцип яъни фуқаролик ва жиной одил судловнинг бирлиги тамойили асосида фаолият юритадилар ва фуқаролик ҳамда жиной ишларни кўришга ваколатли ҳисобланадилар.

Ҳар бир департаментда унинг иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгалиги ва аҳолисининг сонига қараб, камида битта катта инстанция суди мавжуд. Катта инстанция суди фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция суди сифатида қуйидаги масалалар бўйича иш юритади: шахсларнинг фуқаролик ҳолати ва ҳуқуқ лаёқати, кўчмас мулкка оид даъволар ҳамда мулкка нисбатан ундирувни қаратиш, ихтиролар ва товарлар белгилари учун патентлар бериш, юридик шахсларнинг мол-мулкни тугатиш. Ушбу ҳолатларда суд даъволар 30 минг еврогача бўлган ишлар юзасидан охириги инстанция суди сифатида қарор чиқаради. 1970 йилдан бошлаб катта инстанция трибуналида ишлар якка судья ёки судьялар коллегияси томонидан кўриб чиқилмоқда.

Ушбу судда қуйидаги ихтисослашган якка судьялар мавжуд:

- Суд қарорларини ижросини таъминлаш юзасидан судья. У қарорларни мажбуран ижро этишда вужудга келадиган низоларни ҳал қилади;

- Оилавий ишлар бўйича судья. Ушбу суд 1993 йилда ташкил этилган бўлиб, муомалага лаёқатсиз вояга етмаган шахслар устидан васийлик ўрнатиш ва тарбия характеридаги ёрдам кўрсатишга оид ишлардан ташқари, барча унификациялашган оилавий низоларни кўриб чиқади;

- Мулкни олиб қўйиш билан боғлиқ ишларни кўрувчи судья. У давлат томонидан мулкдорнинг мулки олиб қўйилган тақдирда, мулкдорга мулкнинг ўрнини қоплаш учун тўланиши шарт бўлган пул миқдорини белгилайди¹.

Трибунал раиси ўзининг маъмурий мажбуриятлари билан бирга, юрисдикцион ваколатларга ҳам эга. У мақсади бир қатор тадбирлар кўриш ёки рухсат бериш билан боғлиқ бўлган бир томонлама мурожаатларни кўриб чиқади. У яна кечиктириб бўлмас ҳолатларда ёки яққол факт мавжудлиги ҳолатида енгиллаштирилган тартибда қарор чиқаради.

Жинойт ишлари судлови соҳасида катта инстанция трибунали якка судья ёки ҳайъат таркибида иш юритиб, прокуратура томонидан

¹ Қаранг: Судебные системы европейских стран. - М.: Международные отношения, 2003. - С.281.

хусусий айблов тартибида тақдим этилган ёки тергов судьяси томонидан берилган оғир жиноятларга оид ишларни кўриб чиқади.

Катта инстанция трибунаlining тергов судьясига жиддийроқ аҳамиятга эга жиноий ишлар юзасидан тергов олиб бориш мажбурияти ҳам юклатилган. Ҳақиқатни аниқлаш учун тергов судьясида бир қатор ваколатлар мавжуд: воқеа содир бўлган жойга чиқиш, тинтув ўтказиш, мулкни хатлаш, сўроқ қилиш, экспертиза тайинлаш. Бундан ташқари, суд ваколатларига шахсни дастлабки қамоққа ёки суд назоратига олиш ҳамда ишни судга жўнатиш ҳам киради.

Катта инстанция судида жазоларнинг ижро қилиниши бўйича судья лавозими мавжуд бўлиб, уни амалга ошириш ушбу суд судьяларидан бирига уч йил муддатга юклатилади. У маҳкумлар устидан назоратни ташкил қилади, маҳкумларни сақлаш режимини ўзгартириш, уларга таътиллار бериш масалаларини ҳал қилади ва уларни шартли озод қилиш тўғрисида илтимоснома киритади. У жазони ўтаб чиққан шахсларга ёрдам бериш хизматига бошчилик қилади ҳамда озодликдан маҳрум қилинмай жазони ўтаётган шахслар устидан назоратни амалга оширади. Ушбу жиҳат француз жиноий судлов тизимининг бошқа тизимлардан фарқ қилувчи ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Кичик инстанция трибуналлари 1958 йилда ташкил этилган бўлиб, улар барча департамент ва округларнинг асосий шаҳарларида жойлашган. Ушбу қуйи судлар ваколатига қиймати 13 минг еврогача бўлган шахсий ва мулкий даъволарни ҳамда қарорлар устидан шикоят қилиш мумкин бўлган, қиймати 30 минг еврогача бўлган даъволарни кўриб чиқиш киради. Булардан ташқари, унинг ваколатига уй-жой ижараси, истеъмол кодекси қоидаларини жорий қилиш, сайловчилар рўйхатини тузиш билан боғлиқ ишларни кўриб ҳал қилиш ҳам киради. Шунингдек, у васийлик ишлари бўйича судья ҳисобланиб, ўз округидаги муомалага лаёқатсиз шахслар устидан васийлик ўрнатади ҳамда уларнинг мол-мулкни бошқариш устидан назоратни амалга оширади.

Жиноят ишлари бўйича кичик инстанция суди вазифасини ахлоқ тузатиш трибуналлари¹ бажариб, унинг ваколатига жиноий деликтларни биринчи инстанцияда кўриб чиқиш киради. Ахлоқ тузатиш трибуналларида ишлар учта судья таркибидаги ҳайъат томонидан кўриб чиқилади. Йўл ҳаракати ва ов қилиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ ишлар якка судья томонидан кўрилиши мумкин. 1975 йилда айрим катта инстанция судларида иқтисодий ва молиявий хусусиятдаги оғир жиноий деликтларни кўриб чиқишга ихтисослашган ҳайъатлар ташкил қилинган.

¹ Изох: Трибуналнинг “ахлоқ тузатиш” деб номланишининг сабаби шуки, Франция Жиноят кодексининг 1-моддасига кўра, жиноий деликтлар учун қўлланадиган жазолар шундай номланади.

Полиция трибуналлари биринчи инстанцияда қонунда жазо сифатида ўн минг еврогача жарима ёки бир кундан икки ойгача қамоқ назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ ишларни кўриб чиқишга ваколатли ҳисобланади. Уларда ишлар кичик инстанция трибуналининг якка судьялари томонидан кўрилади.

Апелляция судлари 1958 йилдан буён иккинчи поғона судлари ҳисобланади. Ҳозирда Францияда юрисдикцияси бир қатор департаментларга тарқаладиган 30 та “Континентал” ҳамда 5 та “денгиз орти” апелляция судлари мавжуд¹. Ҳар бир апелляция суди ўзи жойлашган шаҳар номи билан аталади. Апелляция судлари фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича палаталардан иборат. Айримларида қўшимча равишда савдо ҳамда ижтимоий масалалар билан шуғулланувчи палаталар ҳам ташкил этилган. Масалан, Париж апелляция судида 25 та, Лионда 7 та палата мавжуд. Улар ўзларининг округидаги биринчи инстанция судлари чиқарган қарорлар устидан апелляция тартибида берилган шикоятларни кўриб чиқади. Ишлар камида учта судья, айрим фуқаролик ишлари эса бешта судья иштирокида кўриб чиқилади. Палаталар орасида айблов палатаси алоҳида ўрин тутди. У дастлабки қамоқ устидан назоратни олиб боради, тергов судьясининг барча фармойишлари устидан берилган шикоятлар юзасидан ҳамда ишларни ассизлар судига ўтказиш хусусида қарорлар чиқаради. Юқоридагилар билан бирга, ушбу палата суд полицияси офицерлари учун интизомий суд вазифасини ўтайди.

Ассизлар суди Франция суд тизимида алоҳида ўрин эгаллаб, бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Биринчидан, улар танаффус билан ишлайди, ҳар кварталда 15 кундан иборат сессия ўтказилиб, ушбу вақт оралиғида тўпланган барча ишлар кўриб чиқилади. Ассизлар судининг навбатдан ташқари сессияси ишларнинг хажми кўпайиб кетганда маҳаллий апелляция суди раиси томонидан Бош прокурорнинг бу ҳақдаги фикрини инобатга олган ҳолда чиқарган қарори билан чақирилади. Ушбу суд фаолияти доимий бўлмаслигининг сабаби шуки, унинг ишида қатнашувчи “профессional бўлмаганлар”, яъни касб фаолияти бошқа бўлган шахсларни ўзларининг асосий иш фаолиятларидан узоқ муддатга ажратиб қўйишни олдини олишдир. Иккинчидан, ташкилий томондан ассизлар суди бошқа суд ва трибуналлардан тўлиқ мустақил бўлиб, улардан бирининг таркибий қисми ҳисобланмайди². Бундан ташқари, ассизлар судида ишлар профессионаллар яъни 3та магистратлар ҳамда қуръага кўра тайинланадиган 9 кишидан иборат жюрилар томонидан кўрилади. Кўриладиган ишга профессионал судьялар сифатида тегишли департамент апелляция судининг ёки катта инстанция трибуналининг судьялари жалб қилинади. Ҳайъат аъзолари эса юқорида айтиб

¹ Қаранг: А. Я. Сухарёв. Правовые системы стран мира. - М.: Норма, 2003. -С.854.

² Қаранг: Гуценко К.Ф., Головка Л.В., Филимонов Б.А. Уголовный процесс западных государств. - М.: Зерцало, 2001. -С.292.

ўтилган тартибда танлаб олинадиган оддий фуқаролардан иборат бўлади. Ҳайъат аъзолари судьялар билан биргаликда, шахснинг айбдорлигини берилган саволларга жавоб бериш орқали ҳал қиладилар. Айбланувчининг аҳволини оғирлаштирадиган ҳар қандай қарор ҳайъат аъзоларининг 8 тасидан кам бўлмаган овозлари билан қабул қилинади. Унинг асослантирилмаган қарорларига апелляция тартибида шикоят келтириб бўлмайди, улар устидан фақатгина кассация шикояти берилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, яқин келажакда ассизлар суди қарорлари устидан апелляция шикояти беришни кўзда тутувчи ислохот ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Кассация суди умумий юрисдикция судлари тизимидаги юқори инстанция суди бўлиб, у Франциянинг анъанавий давлат органларидан бири ҳисобланади. Ушбу суд 1789 йилги инқилобдан аввалги “эски режим” даврида ҳам мавжуд бўлиб, ўзининг ҳозирги номини 1790 йилда олган. Кассация суди Парижда жойлашган бўлиб, ҳозирда 6 та (бешта фуқаролик ишлари бўйича ва битта жиноий ишлар бўйича) палатадан иборат. Ўз навбатида, фуқаролик ишлари бўйича палаталар фуқаролик ишлари юзасидан биринчи, иккинчи ва учинчи палаталарга ҳамда савдо, молия ва ижтимоий масалалар бўйича палаталарга бўлинади. 1982-1983 йилги декретларга кўра, Кассация судининг таркиби қуйидагилардан иборат: биринчи раис, олтита палата раислари, 84 та суд аъзолари (улар маслаҳатчилар деб номланади), 36 та маслаҳатчи-маърузачилар, шунингдек, Кассация суди қошидаги Бош прокурор, биринчи Бош адвокат ва 19 та Бош адвокатлар¹. Ушбу суд хизматчиларининг яна бир тури бу аудиторлар бўлиб, улар ишларни судда кўришга тайёрлайдилар.

Кассация суди қарори палаталардан бири ёки 3 та палата вакилларидан иборат бўлган аралаш палата ёхуд таркибига суднинг биринчи раиси, палаталарнинг раислари ҳамда ҳар бир палатанинг иккитадан вакили кирувчи Пленум томонидан қабул қилинади. Қарор суднинг камида 5 та аъзоси қатнашган тақдирдагина қабул қилинади. Айрим масалалар бўйича, хусусан, асослантирилмаган шикоятларни рад этиш ёки апелляция суди айблов камерасининг қарори устидан берилган шикоятлари юзасидан қарорлар тегишли палатанинг 3 та судьясидан иборат ҳайъат томонидан қабул қилинади. Агар палаталардан бирида овозлар тенг бўлиб қолса ёки масалани ҳал қилиш бир нечта палаталарнинг ваколатига кирса, иш аралаш палаталар томонидан кўриб чиқилади. Лекин, ҳар қандай ҳолатда тарафлар ўз ишларини судьяларнинг тўлиқ таркибида кўрилишини талаб қилишлари мумкин. Агар 3 та судьядан бири ишни 5 та судья таркибида кўриб чиқиш ҳақида қатъий талаб билан чиқса, унинг талаби бажарилиши шарт².

¹ Изоҳ: Бош прокурорнинг ёрдамчилари бош адвокатлар дейилади.

² Қаранг: Гуценко К.Ф., Головка Л.В., Филимонов Б.А. Уголовный процесс западных государств. - М.: Зерцало, 2001.-С.294.

Кассация суди ваколатига қўйи турувчи судларнинг қарорлари устидан берилган кассация шикоятларини кўриб чиқиш киради. Ушбу ҳолатда суд шикоятни факт юзасидан эмас, балки фақат ҳуқуқ нуқтаи назаридан кўриб чиқиб, қонуннинг тўғри ёки нотўғри қўлланилганлигини ҳамда процессуал нормалар бузилган-бузилмаганлигини аниқлайди. Жиноят ишлари юзасидан Кассация суди қонуний кучга кирган ҳамда янги очилган ҳолатлар бўйича чиқарилган ҳукмларни фақат айбланувчининг манфаатларини ифодалаган ҳолда кўриб чиқади. Ушбу ишлар юзасидан Кассация судининг чиқарган оқлов ҳукми устидан судланувчидан ташқари ҳеч ким шикоят қилиш ҳуқуқига эга эмас¹. Қўйи турувчи суднинг қарори ёки ҳукмини бекор қилиб, Кассация суди одатда ишни ўзининг тавсиялари билан бирга худди шундай даражадаги бошқа судга янгитдан қайта кўриб чиқиш учун юборади. Агар ишнинг фактик ҳолатлари шубҳа туғдирмаса, Кассация суди ўзининг якуний қарорини қабул қилиши мумкин.

Юқоридагилардан ташқари, Кассация суди ҳуқуқ ижодкорлиги билан шуғулланиб, суд амалиётини мувофиқлаштиришга қаратилган қарорларни ҳам қабул қилади. Бунда жиноят ишлари бўйича палата томонидан чиқарилган қарорлар алоҳида аҳамият касб этади.

Маъмурий судлар тизимига маъмурий трибуналлар, маъмурий апелляцияон судлар ва юқори поғонадаги Давлат Кенгаши киради.

Маъмурий трибуналлар маъмурий низоларни кўриб чиқувчи биринчи инстанция суди ҳисобланади. Ушбу судларнинг судлов округи ўз ичига бир қатор департаментларни қамраб олади. Ҳозирги кунда бундай судларнинг 36 таси мавжуд бўлиб, улар асосан ҳокимият вакилларининг жавобгарлиги ҳамда фискал ишлар билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади. Лекин солиқлар, божхона йиғимлари билан боғлиқ ишлар умумий судларнинг судловига тегишлидир. Маъмурий трибуналлар томонидан чиқарилган қарорлар устидан айрим тоифадаги низоларни истисно этганда, маъмурий апелляцияон судларга шикоят қилиш мумкин.

Маъмурий апелляцияон судлар 6та бўлиб, улар 1987 йил 31 декабрдаги қонун асосида ташкил этилган. Уларнинг ваколатига маъмурий трибуналлар қарорлари устидан бериладиган шикоятларни кўриб чиқиш киради.

Аввалги Қирол Кенгаши вориси бўлмиш **Давлат Кенгаши** маъмурий адлиянинг юқори инстанцияси ҳисобланади. Давлат Кенгашининг асосий функцияси ишларни кассация тартибида кўриб чиқишдир. Лекин, тарихий ва ҳуқуқий сабабларга кўра у биринчи инстанция ва апелляция суди сифатида ҳам фаолият юритади. Кенгаш регламент характеридаги ҳужжатларнинг қонунийлиги юзасидан биринчи ва охириги инстанция суди сифатида иш юритади.

¹ Қаранг: Сухарёв А. Я. Правовые системы стран мира. -М.: Норма, 2003. -С.854.

Ушбу мақсадда Кенгаш 5 та қисмдан иборат. Улардан тўрттаси бошқарув соҳасидаги назорат бўйича юрисдикцияли ваколатларни амалга оширади. Уларга ички ишлар, молия, оммавий ишлар ҳамда ижтимоий масалалар билан шуғулланувчи қисмлар киради. Бешинчи қисми 10 та бўлимдан иборат бўлиб, низо ва зиддиятларни ҳал қилиш билан шуғулланади. Бундан ташқари, унда доимий фаолият юритувчи иккита комиссия - ҳисобот-тадқиқот ва пенсияларни қайта кўриб чиқиш бўйича Махсус комиссия мавжуд. Кейинги йилларда ҳукумат ва кенгаш бошлиғи ўринбосари буйруғи билан тадқиқотлар олиб бориш ва маъмурий суд чиқарадиган қарорларни ижро қилиш билан боғлиқ қийинчиликларни бартараф этиш мақсадида маърузалар ва тадқиқотлар янги қисми ташкил этилди. Давлат Кенгаши таркибига Бош вазир, унинг йўқлигида Адлия вазири, қисмлар бошлиқлари ҳамда давлат маслаҳатчилари киради.

Давлат Кенгаши малакали техник персонал билан таъминланган. Уларга ҳужжатлаштириш бўйича хизматлар, маълумотлар бюроси ва котибият киради¹.

Профессор Г.Брэбаннинг ёзишича, империянинг қулаши даврида маъмурий адлияни сақлаб қолиш масаласи икки марта муҳокамага қўйилган. Чунки, у Наполеон даври ихтироси эди. Шуларга қарамасдан, маъмурий адлия конституциявий инқирозлар даврида ҳам ўз ўрнини сақлаб қолди².

Францияда **ихтисослашган судлар** ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: Вояга етмаганлар ишлари бўйича судлар; Савдо трибуналлари; Прюдомлар Кенгаши; Ҳисоб палатаси; Можаролар бўйича трибунал; Ҳарбий трибуналлар; Олий адолат палатаси; Республика адолат палатаси.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳакамлар суди ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган шахслар томонидан содир этиладиган оғир жиноий ишларни кўриб чиқади. Ушбу суд учта профессионал судья ва тўққизта ҳакамлардан иборат. Ўн уч ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларнинг жиноий деликтлари ва жиддий ҳуқуқбузарликлари билан боғлиқ ишларни ҳамда ўн уч ёшдан ўн беш ёшгача бўлган ўсмирларнинг оғир жиноятлари билан боғлиқ ишлар катта инстанция трибуналлари округларида ташкил қилинадиган вояга етмаганлар ишлари бўйича трибуналларда кўрилади. Мазкур трибуналлар вояга етмаганлар ишлари бўйича судья ва иккита халқ маслаҳатчиси (ассессорлар)дан иборат. Ассессорлар Адлия вазири томонидан ёшлар тарбияси муаммоларига қизиқиш билдирган шахслар орасидан тайинланади. Вояга етмаганлар ишлари бўйича судья эса катта инстанция судьялари орасидан уч йилга тайинланади. У вояга етмаганларнинг жиноий деликтлари ва ҳуқуқбузарликларини

¹ Қаранг: Le Conseil d'Etat. Son organization, son role. Paris., 1975, -p.14.

² Қаранг: Брэбан Г. Французское административное право. -М.: Прогресс, 1988. -С.363.

якка тартибда кўриб чиқиш ва уларга нисбатан тарбиявий ва назорат чораларини қўллаш ҳуқуқига эга. Судья ва вояга етмаганлар ишлари бўйича трибуналнинг қарори устидан апелляция судининг махсус палатасига шикоят қилиш мумкин.

Савдо трибуналлари даъво қиймати 13 минг еврогача бўлган савдо операцияларига оид низоларни кўриб чиқувчи охириги инстанция судлари ҳисобланади. Савдо трибуналлари учта судья-консуллардан иборат. Улар тижорат фаолияти билан шуғулланувчилар ёки ишлаб чиқариш ҳамда савдо компанияларининг вакиллари орасидан анча мураккаб бўлган тизим асосида икки-уч йил муддатга сайланади. Улар ҳар қандай савдо битимлари иштирокчилари, бирлашма аъзолари ўртасида вужудга келадиган низоларни, шунингдек, тижоратчилар, тадбиркорлар ва банкирларнинг мажбуриятларидан келиб чиқувчи низоларни ҳал қилади. Бундан ташқари, уларнинг ваколатига савдо бирлашмаларининг мақомини ўзгартириш ва уларни тугатиш киради. Улар Францияда 228 тани ташкил этади. Савдо трибуналлари йўқ жойда бундай турдаги ишларни катта инстанция судлари ҳал қилади. Денгиз савдо судларининг вазифасига эса, Жиноят Кодексининг денгиз савдоси соҳасидаги жиноятларни кўриб чиқиш киради.

Прюдомлар¹ Кенгаши индивидуал меҳнат шартномаларини тузиш, уларни ижро этиш ва бекор қилиш билан боғлиқ низоларни кўриб ҳал қилади. Ҳар бир департаментда биттадан Прюдомлар Кенгаши фаолият юритиб, улар мураккаб тизим бўйича сайланувчи тадбиркор ва ишчилар вакиллари бўлмиш маслаҳатчилардан иборат. Прюдомлар Кенгашида ишлар ҳар бир тарафдан икки ёки тўрт вакил таркибидаги ҳайъат иштирокида ва кичик инстанция судьяси раислигида кўрилади. 1985 йилда Адлия ва Меҳнат вазирликлари ҳузуридаги маслаҳат органи – Олий Прюдомлар Кенгаши ташкил этилган.

Ҳисоб палатаси. Ушбу орган Франция суд тизимида муҳим ўрин эгаллаб, оммавий молиявий хизматларнинг ҳисобларини текширувчи суд ҳисобланади. Унинг жойлардаги минтақавий ҳисоб палаталари мавжуд бўлиб, улар жамоат ташкилотлари ва муассасаларнинг ҳисоботларини текшириш ваколатига эга.

Ҳисоб палатаси минтақавий ҳисоб палаталари томонидан чиқарилган қарорлар юзасидан апелляция инстанцияси суди вазифасини бажаради. Ҳисоб палатаси қарорлари бўйича Кассация суди вазифасини эса Давлат Кенгаши бажаради.

Юқоридагилардан ташқари, Ҳисоб палатаси ҳукумат ва парламентга давлат бюджети ижроси устидан назоратни амалга оширишда кўмаклашади. Шунингдек, у давлат бошқаруви органлари фаолиятининг тўғри ва самарали амалга оширилишини назорат қилиб боради. Ҳисоб палатаси фаолиятининг натижалари умумлаштирилган

¹ Изоҳ: “Прюдом” сўзи ростгўй одам деган маънони англатади.

ҳолда йиллик ҳисоботда нашр қилинади ва Республика Президентига тақдим этилади.

Ҳисоб палатаси еттита палатадан иборат бўлиб, ишлар биринчи раис раҳбарлиги остида юритилади. Унинг таркибида ҳукумат томонидан тайинланган Бош прокурор фаолият юритади. Прокуратура вакилларидан ташқари, ҳисоб палатасининг магистратлари алмаштирилиши мумкин эмас.

Можаролар бўйича трибунал суд тизимининг икки тармоғи ўртасида жойлашган бўлиб, умумий ва маъмурий судлар орасида вужудга келадиган ваколатлар тўғрисидаги низоларни ҳал қилади. Бошқача қилиб айтганда, ушбу трибунал иш маъмурий ёки умумий юрисдикция характериға эғалиғи ва ўз навбатида, бу ишнинг маъмурий трибунал ёки умумий юрисдикция судлари судловиға тааллуқли эканлиғи масаласини ҳал қилади. Ишни кўриш давомида Кассация суди ёки Давлат Кенгашида ҳокимиятларнинг бўлиниши билан боғлиқ бўлган ваколатлар хусусида муаммо туғилса, улар Можаролар бўйича трибуналға мурожаат қилишлари мумкин. Агар ушбу юрисдикциялардан бири муайян ишни кўриб чиқишға ўзини ваколатли деб ҳисобламаса, ваколатлардан бошқасининг фойдасиға воз кечиши ҳам мумкин. Бундай ҳолат неғатив можаро деб аталади.

Можаролар бўйича трибуналда раисликни Адлия вазири амалға оширади. Трибунал кассация судининг тўрт маслаҳатчиси ва тўрт давлат хизматчиларидан иборат бўлиб, фақат истисно ҳолатлардағина тўлиқ таркибда йиғилади. Унда прокуратура функцияларини Кассация суди қошидағи Бош адвокатлар ёки Давлат Кенгаши аъзолари орасидан тенг асосларда танлаб олинган тўрт нафар ҳукумат комиссарлари амалға оширади. Улар ҳукумат вакиллари ҳисобланмайди ва ўз қарорларини мустақил қабул қиладилар.

Францияда олий мансабдор шахсларни жиноий қилмишлари учун жазолаш мақсадида Олий адолат палатаси ҳамда Республика адолат палатаси ташкил этилган бўлиб, улар давлатдағи сиёсий судлар ролини бажарадилар.

Олий адолат палатаси парламент томонидан танланган депутатлардан иборат бўлиб, унинг ваколатиға Республика Президентини давлатға хиёнат қилиш жинояти учун судлаш киради. Олий адолат палатасининг аъзолари парламентнинг иккала палатаси томонидан депутатлар орасидан тенг миқдорда, яъни ўн иккитадан судьялар ва олтитадан уларнинг ўринбосарлари сайланади. Айбдорлар устидан тергов олиб бориш ва уларни Олий адолат палатасиға топшириш масаласи фақат парламент иккала палатасининг бирғалиқдағи қарори билан ҳал қилинади.

Республика адолат палатаси 1993 йилда ўтказилган конституциявий ислоҳот натижасида ташкил этилган бўлиб, у Бош вазир, вазирлар ва бошқа ҳукумат аъзоларини ўз вазифаларини

бажариши мобайнида содир этган жиноятлари ва ҳуқуқбузарликлари учун суд ишларини олиб боради. Палата 15 судьядан иборат бўлиб, уларни Сенат ва Миллий Мажлис аъзолари орасидан тенг миқдорда танлаб олинган ўн иккита парламент аъзолари, уч нафар Кассация суди аъзолари ташкил қилади.

Республика адолат палатасига ҳукумат аъзоси томонидан унинг ўз мажбуриятларини бажариши пайтида манфаатларига зарар етган деб ҳисоблаган ҳар қандай шахс мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Шикоят Кассация судининг учта судьяси, иккита давлат маслаҳатчилари ва ҳисоб судининг иккита маслаҳатчи-мэтрлари кирувчи шикоятлар бўйича комиссияга юборилади. Комиссия ишни текшириб чиқиб, суд тартибини қўзғатиш тўғрисидаги қарор чиқаради ёки кейинчалик ишни Республика адолат палатасида кўришга тақдим қилиш учун шикоятни Бош прокурорга юборади. Иш келиб тушган ҳолатда Республика адолат палатаси жиноят ва ҳуқуқбузарликларни Жиноят кодекси нормалари асосида квалификация қилади. Республика адолат палатасининг қарори устидан Кассация судига шикоят қилиш мумкин.

Ҳарбий трибуналлар фақат уруш ҳолати даврида фаолият кўрсатади. Уларнинг ваколатига ҳарбий хизматчилар томонидан ҳарбий ёки умумий жиноий қилмишларга оид ишларни кўриш киради. Тинчлик даврида ҳарбийлар томонидан содир этиладиган ҳарбий жиноятлар ва бошқа қилмишлар эса умумий юрисдикцияли жиноят ишлари бўйича судлар судловига тааллуқлидир.

Умумий юрисдикция судлар тизими судьялари ўз лавозимларига Республика Президентининг декрети билан, яъни Кассация суди мансабдор шахслари ва апелляция судларининг биринчи раислари Магистратура Олий Кенгашининг тавсияномаси бўйича, қолган судьялар эса Адлия вазирининг Магистратура Олий Кенгаши берган ижобий хулосасига асосан берган тақдимномаси бўйича тайинланади.

Маъмурий трибуналлар судьялари Ички ишлар вазирининг Адлия вазири билан келишган ҳолда берган тавсияномаси асосида ҳукумат декретлари билан тайинланади. Умумий қоидага кўра, умумий юрисдикция судлари судьялари ўз лавозимларига уч босқичли танловда ғолиб чиқиб, магистратура миллий мактабини тугатган тақдирдагина тайинланадилар. Маъмурий судлар судьялари учун эса, магистратура миллий мактабини яқунлашларининг ўзи етарли ҳисобланади.

Кассация суди таркибига тайинланиш учун номзодга юқори судьялик лавозимларида ишлаб тажриба ортирган ҳамда университетда профессор сифатида ишлаган бўлиши каби талаблар қўйилган.

Франция Конституциясининг 64-моддасида умумий юрисдикция судьяларининг лавозимидан маҳрум қилинмаслиги тамойили мустаҳкамланган бўлиб, унга асосан, судья томонидан жиддий ҳуқуқбузарлик содир этилганда ёки у оғир касал бўлиб қолган

ҳолларда, фақат Магистратура Олий Кенгашигина уни лавозимидан маҳрум қила олади. Судьяни унинг розилигисиз бир лавозимдан бошқасига ўтказиш мумкин эмас. Бу қоида судьянинг юқори лавозимларга кўтарилиши ҳолатига ҳам тааллуқли ҳисобланади.

Францияда судьяларнинг мустақиллиги 1958 йилги "Магистратура мақоми тўғрисида" ги қонун доирасида таъминланади.

Шу билан бирга, судлар мустақиллигининг кафолати Франция Конституциясининг 64-моддасига кўра, Республика Президенти ҳисобланади. У одил судлов кимларнингдир таъсири ёки босими остига тушиб қолмаслигини кузатиб бориши лозим¹.

Иккинчидан, Магистратура тўғрисидаги қонуннинг ўзи органик хусусиятга эга бўлиб, ҳеч қайси бошқа қонун ёки қонун ости акти унга зид келиши мумкин эмас. Бунда қонун устуворлиги тамойили ифодаланган.

Учинчидан, Францияда судьялар лавозимларига умрбод тайинланадилар ва улар лавозимларидан олиб ташланиши мумкин эмас. Бу улар алмашмасликларининг асосий кафолатларидан биридир².

Суд ва маъмурий округларнинг ҳудудий белги бўйича бир-бирига мос келмаслиги яна бир қўшимча кафолат ҳисобланади. Масалан, апелляция судларининг ваколатлари икки-учта департаментга татбиқ этилади, бу эса маҳаллий маъмурият мансабдорларининг суд фаолиятига аралашиш имкониятини чеклайди. Бундан ташқари, ҳукумат судларга нисбатан интизомий санкциялар қўллай олмайди. Уларнинг интизоми устидан назоратни фақат махсус орган - Магистратура Олий Кенгаши олиб боради.

Судьялар олтмиш беш ёшга етишлари билан нафақага чиқадилар. Кассация суди судьялари ва унинг биринчи раиси эса 1988 йилда ўрнатилган қоидаларга асосан олтмиш олти ва олтмиш саккиз ёшда нафақага чиқади.

Магистратура Олий Кенгашига раҳбарликни Республика Президенти амалга оширади, Адлия вазири эса унинг ўринбосари ҳисобланади. Улардан ташқари, унинг таркибида тўққизта аъзо бўлиб, улар Республика Президенти томонидан судьялар ва бошқа давлат хизматчилари орасидан тўрт йил муддатга тайинланади. Аъзоларнинг учтаси Кассация суди судьялари орасидан тайинланиши лозим.

Магистратура Олий Кенгаши судьяларни тайинлашда иштирок этишдан ташқари, уларнинг интизомий жавобгарлиги масаласини ҳам ҳал қилади. Бу ҳолатда Президент ва Адлия вазири қатнашмайди.

Франция одил судловига хос бўлган ижобий жиҳатлардан яна бири, бу фуқароларнинг Старсбургдаги Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судига шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқининг

¹ Қаранг: Валери Жискар Де Эстен. Власть и жизнь. -М.:Международные отношения,1990. -С.228.

² Қаранг: Боботов С.В. Правосудие во Франции. -М.: ИЧП ЕАВ, 1994. -С.48.

мавжудлигидир. Ушбу ҳуқуқни амалга ошириш учун улар давлат ичидаги барча суд инстанцияларидан ўтган бўлишлари лозим.

Умуман олганда, Франция суд тизими мураккаб тузилишга эга бўлиб, унга кирувчи ҳар бир суд органи ўзининг таркиби, иш юритиш тартиби ва бошқа хусусиятлари билан бошқалардан фарқ қилади. Бугунги кунда Франция суд тизимига хос бўлган жиҳатлар ҳамда ушбу соҳада тўпланган тажриба бошқа давлатлар томонидан намуна сифатида фойдаланилмоқда. Шундай экан, Франциянинг суд тизимини ташкил қилиш борасидаги бой тажрибаси келажакда Ўзбекистоннинг суд тизимини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

“Давлат ва ҳуқуқ назарияси” кафедраси

4-МАЪРУЗА МАТНИ

УМУМИЙ (АНГЛО-САКСОН) ҲУҚУҚ ОИЛАСИ

Тайёрлади: доц. М.К.НАЖИМОВ, доц. Ф.П.ҲАЙИТБОЕВ

ТОШКЕНТ -2010/2011 ў/й.

4-мавзу. Умумий (англо-саксон) ҳуқуқ оиласи

Умумий ҳуқуқнинг вужудга келиши, ривожланиши ва унинг хусусиятлари.

Умумий ҳуқуқнинг асосий манбалари.

АҚШ, Канада, Австралия ва умумий ҳуқуқ амалда бўлган мамлакатлар ҳуқуқий тизимларининг ўзига хос хусусиятлари.

Мавзу бўйича фойдаланиш тавсия этиладиган адабиётлар

1. Боботов С. В., Жигачев И. Ю. Введение в правовую систему США. – М.: Норма, 1997. – 333 с.

2. Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Масъул муҳаррирлар: Ҳ. Б. Бобоев, Ҳ. Т. Одилқориев. – Т., 2000. – Б. 313.

3. Давид Р., Жоффре-Спинози К. Основные правовые системы современности. – М.: Междунар. отношения, 1996. – 400 с.

4. Ермолович В. И., Шелкопляс В. А. Правовые системы: история и современность: Материалы межвузовской научно-практической конференции. – Минск, 5–6 января 2001 г. – Мн.: БГЭУ, 2001. – 176 с.

5. Жаҳон мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари: Қомусий луғат / Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2006. –720 б.

6. Марченко М. Н. Правовые системы современного мира. – М: Зерцало, 2001. – 400 с.

7. Правовые системы стран мира: Энциклопедический справочник / Отв. ред. А. Я. Сухарев. – М.: Норма, 2003. – 976 с.

8. Синюков В. Н. Правовые системы и правовые семьи // Теория государства и права: Курс лекций / Под ред. Н. М. Матузова и А. В. Малько. – М., 1999. – С. 17–19.

9. Саидов А. Х. Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари -Т., 2004.-434б.

10. Синюков В. Н. Правовые системы и правовые семьи // Теория государства и права: Курс лекций / Под ред. Н. М. Матузова и А. В. Малько. – М., 1999. – С. 17–19.

11. International Encyclopedia of Comparative Law. Vol. I. National Reports. A–Z. – Tubingen, New–York, 1972–1987.

12. Hayitboev F.P., Najimov M.K. Hozirgi zamon asosiy huquqiy tizimlari / Mas'ul muharrir: yu.f.d., prof. Z.M.Islomov. O`quv qo`llanma – Т.:TDYuI, 2010. -246 b.

Умумий ҳуқуқнинг вужудга келиши, ривожланиши ва унинг хусусиятлари

Умумий ҳуқуқ узоқ йиллар давомида Буюк Британия, АҚШ, Канада, Австралия, Янги Зеландия ва бошқа бир қатор давлатларда қўлланиб келинмоқда.

Умумий ҳуқуқ учта жиҳат билан изоҳланади:

биринчидан, унинг ҳаётийлиги ва жиддий ўзгаришларга мойиллиги;

иккинчидан, кундалик ҳуқуқ ижодкорлигини ва судларнинг ҳуқуқни қўллаш фаолиятини таъминлаши;

учинчидан, умумий ҳуқуқ нормаларининг ахлоқ нормалари билан узвий боғлиқлиги.

Умумий ҳуқуқ инглиз ҳуқуқининг тарихи билан узвий боғлиқдир. Гап бунда XVIII асргача умумий ҳуқуқнинг Буюк Британия ҳудуди доирасида ривожланиши ва кейинчалик АҚШ, Канада, Австралия ва бошқа мамлакатларга тарқалишида эмас, балки бу экспансиялардан кейин ҳам инглиз ҳуқуқи тарихий модел ва намуна сифатида умумий ҳуқуқ тизимида асосий ўринни эгаллаб келишидадир.

Умумий ҳуқуқнинг ривожланиши **тўртта асосий босқичга** бўлинади¹:

Биринчи босқич, умумий ҳуқуқнинг дастлабки асослари юзага келган даврдан бошлаб, то 1066 йилгача яъни Англияни норманд қироли Вильгелм Фотих босиб олгунга қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Мазкур давр англо-саксон даври деб ҳам аталади. Бу давр Англия ҳудудида жойлашган герман қабилаларининг (сакслар, англлар, ютлар, датлар) қонунлари ва одатларининг кўплиги билан характерланади. Рим ҳукмронлиги мамлакатда тўрт аср давом этган бўлса ҳам унинг ҳуқуқий тизими бу ерда татбиқ этилмади ва у асосан римликларнинг ўзлари ўртасида юзага келадиган муносабатларни тартибга солган ҳамда Англияда ўзининг чуқур изини қолдирмаган. V асрнинг бошларида римликларнинг Англиядан кетиши натижасида мамлакатда яна турли хил қабилаларнинг одатлари ва анъаналари қўлланила бошлаган.

VI аср охирларида (696 йил) Англияда христиан динининг қабул қилиниши ва қирол ҳокимиятининг “одил судлов ва адолатнинг олий манбасига” айланиб бориши натижасида англо-саксон ҳуқуқи учун черков актлари ва шунингдек, суд қарорлари ва қирол қонунлари муҳим аҳамият касб эта бошлаган. Қирол Канут (1017-1035) қонунлари уруғ қабилачилик тузумидан феодал давлат тузумига ўтиш жараёнини бошлаб берган. IX асрда Англия номи билан ташкил топган англо-саксон давлати ўзининг таркибида олдин мавжуд бўлган еттита

¹ Қаранг: Марченко М. Н. Правовые системы современного мира: Учеб. пособие.-М.: Зерцало, 2001.-С. 132-152.

қиролликни бирлаштиради. Англия қироли саройи англо-саксон даврида аста-секин бутун мамлакат бошқарув марказига айлана борган. 1066 йил Англияни нормандлар босиб олгунга қадар бутун мамлакат учун умумий бўлган ҳуқуқ тизими тўла тўқис яратилмаган.

Иккинчи босқич, умумий ҳуқуқ тизими тарихида унинг юзага келиши ва ўрнатилишининг бошланиши билан характерланади. Мазкур давр ўз ичига 1066 йилдан то 1485 йилгача яъни, мамлакатда Тюдорлар династиясининг ҳокимият тепасига келиши даврини олади. Англиянинг нормандлар томонидан босиб олинishi натижасида Англияда уруғ-қабилачилик даври тугаб, феодал тузум қарор топди. Вильгелм билан бирга Англияга келган унинг сафдошларига ерлар тарқатиб берилади. Лекин Франция, Германия ва Италиядан фарқли ўлароқ, қирол вассалларининг бирортасининг ери ҳам қиролникидан кўп бўлмаган. 1086 йилда яратилган “Дахшатли суд китоби”да 15 минг феодалларнинг ер мулки (manors) ва 200 минг хонадон рўйхатга олинган. Мазкур даврда эркин кишилар йиғини яъни графликлар судлари (County Court) ва унинг бўлимлари юзлик судлари (Hundred Court) маҳаллий одатлар асосида одил судловни амалга оширганлар. Лекин истилодан кейин бу судлар ўрнига аста-секинлик билан янги типдаги феодал юрисдикция юзага кела бошлаган (баронлар, менорлар судлари ва бошқалар). Улар ҳам маҳаллий аҳамиятга эга бўлган одат ҳуқуқи нормалари асосида иш кўрганлар. Черков юрисдикциясида эса, бутун христианлар учун умумий бўлган каноник ҳуқуқ нормалари қўлланилган. Вестминстер судлари деб номланадиган қирол судлари томонидан бутун Англия учун умумий бўлган инглиз ҳуқуқи яъни умумий ҳуқуқ (common law) яратилган¹.

Учинчи босқич, мазкур босқичи 1485 йилдан (ҳокимият тепасига Тюдорлар сулоласи келган вақт) то Англияда суд ислохотлари бошланган давр яъни 1832 йилгача давом этган. Умумий ҳуқуқ расмий маросимлар билан узвий боғлиқ бўлган. Вестминстер судлари ва бошқа умумий ҳуқуқ судлари қарорларидан норози бўлган томонлар низоларнинг адолатли ҳал этилишига эришиш учун Қиролга бевосита мурожаат қила бошлаганлар. Бу мурожаатлар одатда Лорд канцлер орқали амалга оширилган. Лорд канцлер агар лозим деб топса, мазкур шикоятни Қиролга етказган. У ўз навбатида, шикоятни ўзининг кенгашида кўриб чиқишга қўйган. Ишларнинг бундай тартибда кўрилиши аввалига истисно тарзида бўлган бўлса, кейинчалик умумий характер касб этиб, одат тусига айланган.

XV асрдан бошлаб, Лорд канцлернинг ўзи мустақил судья сифатида Қирол ва унинг кенгаши номидан яқка тартибда ишларни кўра бошлаган ва шу асосда тизимли равишда “адолат” доктринаси

¹ Қаранг: Давид Р, Жоффре-Спинози К. Основные правовые системы современности. - М.: Междунар. отношения, 1996. -С.210-211.

сифатида қабул қилинган қарорлар ҳуқуқ тизимининг муҳим манбаига айлана бошлаган.

Тўртинчи босқич, 1832 йилдан бошланиб, то ҳозирги кунгача давом этиб келмоқда. Мазкур босқичда статут (қонун) ҳуқуқи тез ривожланди ва у расмий (давлат) доирада (парламент ролининг ошиши, давлат маъмуриятининг кучайиши) амалга ошаётган ўзгаришларга тез мослашмоқда. Хусусан, 1832, 1833 ва 1852 йилларда ҳуқуқни модернизация қилиш борасида радикал ислохотлар амалга оширилган. Мазкур давргача инглиз ҳуқуқи процессуал доирада ривожланган бўлса, бу даврга келиб моддий ҳуқуқ нормаларига эътибор қаратила бошланди. Умумий ҳуқуқ қарорлари моддий ҳуқуқ базасида тизимлаштирилган. 1873-1875 йилларда судларни ташкил этиш борасида сезиларли ўзгаришлар амалга оширилган. Суд тузилиши тўғрисидаги актга кўра, умумий ҳуқуқ судлари ва канцлер адолат судлари ўртасидаги расмий фарқ тугатилган. Англиянинг барча судлари умумий ҳуқуқ ва адолат ҳуқуқ нормаларини бирдек қўллаш ҳуқуқига эга бўлдилар. XIX асрда бошланган инглиз ҳуқуқидаги ислохотлар ҳозирги кунгача янги шаклларда давом этиб келмоқда. Қонунлар ва регламентлар ҳуқуқ манбалари тизимида муайян ўрин эгалламоқда. Бунинг натижасида ишлар нафақат умумий ҳуқуқ нормалари асосида фаолият юритадиган судларда, балки, бошқа инстанцияларда ҳам кўриладиган бўлди. Бундан ташқари, Англиянинг Европа Иптифоқи таркибида эканлиги муайян маънода унинг ҳуқуқий тизимига ҳам жиддий таъсир ўтказмоқда.

Умумий ҳуқуқнинг ўзига хос хусусиятлари. Англо-саксон (умумий ҳуқуқ) ҳуқуқ оиласи бошқа ҳуқуқий оилалардан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади:

Биринчидан, умумий ҳуқуқ ўз табиати ва мазмунига кўра “суд ҳуқуқи” ҳисобланади. Бу шуни англатадики, умумий ҳуқуқнинг асосларига Англияда Қирол (вестминстер) судларининг қарорлари, АҚШда муайян қонуннинг (жорий) конституцияга мос ёки мос эмаслигини аниқлаш масалалари юзасидан Олий суднинг қарорлари, Канада, Австралия ва англо-саксон тизимига кирувчи бошқа мамлакатлар суд органларининг худди шундай масалалар бўйича чиқарган қарорлари киритилган. Шу билан бирга, ушбу мамлакатларнинг, энг аввало Англиянинг ҳуқуқий тизимида парламент томонидан қабул қилинадиган қонунларнинг (статутларнинг) ҳам ўз ўрни бор. Лекин, парламент актларини тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнида мавжуд суд қарорлари эътиборга олинади ва судлар томонидан парламент актларининг амалий аҳамияти расман баҳоланади;

Иккинчидан, Англо-саксон ҳуқуқ оиласи бошқа ҳуқуқ оилаларидан фарқли ўлароқ, казуал характерга эга бўлиб, унда

прецедент ҳуқуқи устун характер касб этади. Жорий қонунчилик кодификация қилинмаган бўлади;

Учинчидан, бошқа ҳуқуқ оилаларидан фарқли, мазкур ҳуқуқ оиласининг юзага келиши ва ривожланишига Рим ҳуқуқи катта таъсир ўтказмаган;

Тўртинчидан, англо-саксон ҳуқуқ оиласида моддий ҳуқуққа нисбатан процессуал ҳуқуқнинг роли ва аҳамиятига кўпроқ эътибор берилади;

Бешинчидан, давлат ҳокимиятининг бошқа органларига нисбатан суд ҳокимияти мустақиллигининг юқори даражада эканлиги, хусусан, унинг ўз ички ҳаётини мустақил ташкил этиш ва одил судловни мустақил амалга оширилиши учун етарли имкониятларнинг мавжудлиги;

Олтинчидан, суд жараёнининг айблов характерида эканлиги. Агар бошқа ҳуқуқ оилаларида судларга далилларни тўплаш ва уларни баҳолаш мажбурияти юклатилган бўлса, англо-саксон ҳуқуқ оиласига кирувчи мамлакатларда эса бундай мажбурият томонларнинг ўзига юклатилади. Бунда суд бетараф ҳисобланиб, ҳар иккала томоннинг эътирозларини эшитади ва баҳолайди. Суд жараёнининг айблов характерида эканлиги туфайли, Англияда алоҳида мансабдор шахс томонидан намоён этиладиган давлат айблови институти мавжуд эмас. Уларнинг ўрнига XIII асрдан бошлаб, мамлакатда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи мутахассислар (барристер ва солиситор (атторней)) фаолият юритадилар. Улар давлат хизматчиси ҳисобланмайдилар.

Умумий ҳуқуқнинг асосий манбалари. Юридик адабиётларда муайян ҳуқуқ оиласининг ҳуқуқ манбалари деганда қуйидагилар назарда тутилади:

биринчидан, “ўзида ҳуқуқ нормасини ифода этган расмий ҳужжат, акт,” масалан, Англияда булар суд ҳисоботлари ва статутлардир. Умумлашган ҳолда улар “**адабий манбалар**” деб номланади;

иккинчидан, ҳуқуқ манбаси деганда “ҳуқуқнинг ҳукмронлик тамойили ва ҳуқуқ нормаси мазмунини белгилаб берадиган ҳокимият” тушунилади. Бундай сифатда давлат, тўғрироғи парламент назарда тутилади. Бу ҳуқуқнинг “**расмий манбаси**” деб аталади;

учинчидан, ҳуқуқни шакллантириш жараёнига ва шароитига ўз ҳиссасини қўшадиган, лекин ўзлари бевосита иштирок этмайдиган институтлар, ташкилотлар ва турли ҳодисалар ҳуқуқнинг манбаси сифатида қаралади. Ҳуқуқнинг бундай манбалари “**тарихий манбалар**” ҳисобланади;

тўртинчидан, ҳуқуқ манбаси деганда, ҳуқуқнинг ҳаётийлигини ва реаллигини таъминлашга ёрдам берадиган тартиблар, шакллар ва жараёнлар тушунилади. Булар - қонунчилик жараёни, “суднинг ҳуқуқ ижодкорлиги”, одатлар ва анъаналарнинг шаклланиш жараёни ва

бошқалар. Ҳуқуқ манбаларининг бундай турлари “**юридик манбалар**” деб номланади¹.

Англо-саксон ҳуқуқ оиласида ҳуқуқнинг қуйидаги манбалари мавжуд:

1. Суд прецеденти. Прецедент - лат. praecedens – “аввалгиси, олдингиси” маъносини англатади.

Суд ёки маъмурий органнинг ёзма ёки оғзаки қарори, келгусида барча шунга ўхшаш ишларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун асос бўладиган намуна, эталон, норма сифатида қабул қилинса, у прецедент бўлади¹.

Прецедент ҳуқуқи Англия умумий ҳуқуқ оиласида марказий ўринда туради. Энг аввало суд ишни кўриб чиқар экан, бундай иш аввал кўриб чиқилган - чиқилмаганлигини аниқлаши, бунга ижобий жавоб олинган тақдирда илгари қабул қилинган қарорга амал қилиниши қондаси ишлаб чиқиши лозим. Бошқача айтганда, бир марта чиқарилган қарор кейинчалик кўриладиган барча шундай ишлар учун мажбурий норма ҳисобланади. Ушбу умумий қоида аниқлаштирилиши зарур албатта, чунки прецедентларнинг мажбурийлиги даражаси мазкур ишни кўриб чиқувчи суднинг суд иерархиясидаги ўрнига ҳамда ҳал қилувчи қарори прецедент шаклида бўлиши мумкин бўлган судга боғлиқ бўлади.

Суд прецеденти инглиз ҳуқуқининг асосий манбаи ҳисобланади. Ҳозирги вақтда Англияда қарийб 800 мингдан ортиқ суд прецеденти мавжуд ва улар сони ҳар йили 20 мингга ошади. Уларнинг жами 300 та тўпламни ташкил этади².

Австралия, Канада ва Янги Зеландия каби мамлакатларда ҳам Англия ва АҚШдагига ўхшаш прецедент тавсифи қабул қилинган. Уни ҳуқуқ манбаи сифатида эътироф этиш шубҳа туғдирмайди. Ушбу мамлакатларда прецедентлар Бирлашган Қиролликдан ўзлаштириб олинибгина қолмай, балки унинг назорати остида ривожланган.

Суд прецеденти исталган суд томонидан ёки исталган иш бўйича яратилмайди. Одатда, англо-саксон ҳуқуқи мамлакатларида айрим судларнинг қарорлари прецедент эканлиги аниқ белгилаб қўйилган. Шу муносабат билан судлар қуйи ва юқори судларга бўлинади. Фақат юқори судлар прецедент ҳуқуқига ҳисса қўшадилар. Англо-саксон ҳуқуқ оиласига мансуб мамлакатларда прецедент яратиш ҳуқуқига эга бўлган судлар тизимини кўрадиган бўлсак, улар қуйидагилардан иборат: Канада Олий суди ва Канада федерал суди; АҚШда Олий суд, шунингдек, алоҳида штатлар даражасида штатларнинг Олий судлари; Англияда Тож суди, Юқори суд, Апелляцион судлар ва Лордлар

¹ Қаранг: Марченко М. Н. Правовые системы современного мира: Учеб. пособие. - М.: Зерцало, 2001. - С. 152.

¹ Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Масъул муҳаррирлар Ҳ. Б. Бобоев, Ҳ. Т. Одилқориев. - Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000. - Б. 277.

² Саидов А. Х. Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари. -Т., 2004. - Б.252.

палатасининг Апелляцион қўмитаси ҳамда Махфий кенгашнинг суд қўмитаси.

2. Англо-саксон ҳуқуқ тизимида қонунлар. Англо-саксон ҳуқуқ оиласи манбалари тизимида қонунлар ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Англия ва Канададан ташқари (уларда қонунлар – “статут”лар) умумий ҳуқуқнинг бошқа мамлакатларида улар “қонун” деб номланади. Айрим ҳолатларда қонун тушунчасига статутлар билан биргаликда, қонунчилик ҳужжатлари ҳам киритилади. Умумий ҳуқуқ ривожланишининг тарихий босқичларида бундай ҳужжатлар: ордонанс, ассиз, провизиялар деб номланган. Ҳозирги кунда қонун (статут) тушунчаси кенг маънода ўз ичига қонундан ташқари тож актлари ва бошқа кўплаб, турли хил қонун ости актларини ҳам қамраб олади. Бундай ҳолатда қонун тушунчаси, суд қарорлари яъни прецедентларга қарама-қарши ўлароқ, норматив-ҳуқуқий акт тушунчаси билан узвий ҳолатда тушунилади. Қонун қатъий юридик маънода мамлакатнинг олий қонунчилик органи томонидан чиқариладиган (Англия, Канада, Австралияда - парламент, АҚШда федерал даражада - парламент, штатлар даражасида эса легислатуралар) расмий, ёзма шаклда ифодаланган ҳужжат сифатида тан олинади.

Тегишли адабиётларда англо-саксон ҳуқуқ оиласида қонунларни қуйидаги мезонлар бўйича таснифланиши кўрсатиб ўтилган¹:

биринчидан, юридик кучига кўра қонунлар конституцион, оддий ёки жорий қонунларга бўлинади. Англия ва Канадада конституция мавжуд эмас. Унинг ўрнини конституцион актлар эгаллайди. Англияда булар: Парламент тўғрисидаги 1911 йилдаги акт, 1911 йилдаги Парламент тўғрисидаги актни ўзгартириш тўғрисидаги 1949 йилдаги қонун, 1937 йил ва 1964 йиллардаги Тож вазирлари тўғрисидаги акт, 1969 йилдаги ҳалқ вакиллиги тўғрисидаги акт, 1972 йилдаги маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тўғрисидаги акт, 1975 йилдаги Тож вазирлари тўғрисидаги акт ва бошқалар. Канадада 1982 йилги Канада акти ва 1982 йилги Канада актига қўшимча 30 та акт.

Қонунлар ўртасида коллизия юзага келадиган бўлса, вақт бўйича кейинроқ қабул қилинган қонунлар устун кучга эга бўлади. Қабул қилинган қонунлар мустақил бўлиб, олдин қабул қилинган қонунлар билан боғлиқ бўлмайди;

иккинчидан, федератив тузилишдаги давлатларда (Австралия, Канада, АҚШ) қонунлар федерал қонунлар ва федерациянинг алоҳида субъектлари даражасида қабул қилинган қонунларга бўлинади;

учинчидан, Англияда ва умумий ҳуқуқнинг бошқа айрим мамлакатларида қонунлар оммавий ва хусусий қонунларга ҳам бўлинади;

¹ Қаранг: Марченко М. Н. Правовые системы современного мира: Учеб. пособие. - М.: Зерцало, 2001. - С. 167-183.

тўртинидан, кейинги ўн йилликларда умумий ҳуқуқ доирасига кирувчи айрим мамлакатларида хусусан, Австралия ва Канадада қонунлар уларни тизимлаштириш усулларига кўра кодификация ва консолидация қилинган актларга бўлинади. Англияда АҚШдан фарқли ўлароқ, муайян соҳани тартибга соладиган суд қарорлари (прецедентлар) ва статутлар миқдорининг кўплиги ва хилма-хиллиги туфайли, ҳуқуқни тизимлаштиришнинг кодификация усулидан кўра кўпроқ консолидация усулидан фойдаланилади. Консолидация қилиш айниқса, XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошларида кенг ривожланди. Англияда бу даврда ўндан ортиқ консолидация усулида тизимлашган актлар жумладан, жиноят ҳуқуқи соҳасида (1861 йилнинг ўзида еттита консолидация акти), савдо ҳуқуқида (1894 йилда денгиз савдоси тўғрисида акт) қабул қилинган. 1870 йилдан то 1934 йилгача мамлакатда юздан ортиқ консолидацион актлар жорий этилган;

бешинчидан, англо-саксон ҳуқуқ оиласида қонунларни алоҳида тури сифатида умумий ҳуқуқнинг муайян қоидаларини бекор қилувчи қонунлар (disabling Acts), умумий ҳуқуқни тўлдирувчи ёки унда янги қоидаларни ўрнатувчи қонунлар (enabling Acts) ажратиб кўрсатилади. Масалан, 1969 йилги жиноят ҳуқуқи тўғрисидаги қонунга кўра, умумий ҳуқуқдаги етти ёшдан жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қоида бекор қилинди. Умумий ҳуқуқни тўлдирувчи қонунлар асосан, ижтимоий соҳада хусусан, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, соғлиқни сақлаш, маориф, иқтисодиёт, транспорт, фан ва маданиятга оид соҳаларда қабул қилинади ва ҳозирги кунда бу борада парламент актларининг ҳажмини йилдан йилга ошиб бераётганлигини кузатиш мумкин.

3. Англо-саксон ҳуқуқининг бошқа манбалари. Умумий ҳуқуқ амалда бўлган мамлакатларнинг ҳуқуқ тизимларида прецедент ва қонунлар билан бир қаторда, ҳуқуқнинг бошқа манбалари (ваколатли қонунчилик, одатлар, ҳуқуқий доктриналар ва бошқалар) ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ваколатли қонунчилик. Мазкур термин билан парламент ёки бошқа вакиллик органлари томонидан берилган ваколатлар асосида давлат органлари ва бошқа ҳуқуқ ижодкорлиги субъектлари томонидан қабул қилинадиган қонунчилик актлари тизими ифодаланади. Ваколатли қонунчиликнинг ҳуқуқ манбаси сифатидаги қуйидаги жиҳатларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

биринчидан, ваколатли қонунчилик қонунчилик ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилмайди, лекин бу борадаги ваколат фақат у томонидан берилади. Ҳозирги кунда АҚШ ва айрим мамлакатлардан ташқари умумий ҳуқуқ доирасидаги давлатларда қонунчилик соҳасида ваколатни бошқа органларга ўтказиш масаласида баҳс ва мунозаралар туғилмайди;

иккинчидан, қонун қабул қилиш борасида ваколатлар таркиб топган амалиётга кўра, асосан ҳукуматга берилади. Бунда ҳукуматга

ваколатли қонунчилик тартибида муайян актни қабул қилиш ҳуқуқини бериш учун махсус қонун қабул қилинади. Парламент томонидан муайян масалалар юзасидан қабул қилинган қонунлар мазмуни асосан умумий иборалардан ва тамойиллардан иборат бўлиб, уни ҳаётга татбиқ этиш учун махсус ҳукумат актлари - қарорлар қабул қилинади. Бу қарорларда қонунни самарали қўллаш учун зарур бўлган қоидалар ўз ифодасини топган бўлади. Ҳукуматдан ташқари ваколатли қонунчилик бўйича актлар қабул қилиш ҳуқуқи шунингдек, бевосита “Тож вазирларига” ҳам берилиши мумкин. Вазирлар томонидан бундай тартибда қабул қилинадиган актлар “статут ҳужжатлари” (statutory instruments) деб номланади. Англияда бундай ҳужжатлардан икки мингдан ортиғи қабул қилинган. Ваколат тартибида ҳуқуқ ижодкорлиги ҳуқуқи шунингдек, маҳаллий органларга ҳам берилиши мумкин. Бундай ҳолатда улар томонидан қабул қилинган актлар тегишли марказий вазирликлар ва идоралар томонидан тасдиқланиши лозим. Англияда ваколатли қонунчилик бўйича актлар қабул қилиш ҳуқуқи шунингдек, айрим хусусий ташкилотлар, корпорациялар ва суд органларига ҳам берилади. Бунда албатта парламент томонидан уларга бу борада ваколат берувчи қонунлар қабул қилинади ва улар шу асосда процедура ва бошқа қоидаларни қабул қилишлари мумкин;

учинчидан, ваколатли қонунчилик вақтинчалик ва ҳамма вақт мақсадли, қатъий функционал характерга эга бўлади. Ваколатли актнинг вақтинчалик характерга эга эканлиги унинг амалда бўлиш муддатининг чекланганлигида (фавқулодда ҳолат давомидагина амалда бўлиши) ҳамда қабул қилинган вақти билан кучга кириш вақтида кўринади. Масалан, “1946 йилги ваколатли ҳужжатлар тўғрисида”ги Актга кўра Тож вазирларининг ваколатли қонунчилик ҳуқуқи асосида қабул қилган айрим буйруқлари ва кўрсатмалари парламент палаталари томонидан улар қабул қилингандан кейин қирқ кун ичида тасдиқланиши лозим. Акс ҳолда, бундай ҳужжатлар юридик кучга эга бўлмайди.

Ваколатли қонунчилик бўйича актларни қабул қилиш “умуман”, яъни у ёки бу ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун эмас, балки муайян вазифаларни бажариш ва конкрет мақсадларга эришиш юзасидангина амалга оширилади;

тўртинчидан, ваколатли қонунчилик тартибида қабул қилинган актлар мажбурий назорат остига олинади. Англия мисолида бундай назоратнинг қуйидаги учта тури мавжуд: парламент, суд ва маъмурий.

Парламент назорати парламентнинг палаталарида фаолият юритадиган махсус қўмиталар томонидан амалга оширилади. Мазкур назорат асосан ваколатли акт лойиҳасини қабул қилишдан тўғридан, то уни амалга оширишгача бўлган жараёни қамраб олади.

Суд назорати парламент назоратидан фарқли ўлароқ, доимий эмас, балки танлов характерига эга. Бунда суд ваколатли қонунчилик асосида қабул қилинган актга суд муҳокамаси жараёнида тўқнаш

келгандагина уни амалга ошириб, бундай ҳужжатни ҳам уни қабул қилиш процедураси юзасидан ҳам унинг мазмуни юзасидан назоратни амалга оширади.

Маъмурий назорат вазирликлар ва марказий идоралар томонидан амалга оширилади.

Одатлар. Ҳуқуқий одат. Англо-саксон ҳуқуқ оиласида ҳуқуқнинг дастлабки манбаи (шакли) бўлиб ҳуқуқий одат ҳисобланади.

Ҳуқуқий одат - узоқ давр мобайнида амалда бўлиш натижасида шаклланган ва давлат томонидан умуммажбурий қоида сифатида тан олинган юриш-туриш қоидасидир.

Ҳар қандай одат ҳам ҳуқуқий одатга айлана олмайди, балки маълум бир гуруҳ, синф ёки бутун жамиятнинг манфаатларига жавоб бера оладиган ва давлат томонидан санкцияланган одатгина ҳуқуқий одат бўлиши мумкин.

Инглиз ҳуқуқ тизимида ҳуқуқий одат, энг аввало, ақл доирасида бўлиши; статут (қонунлар) ҳуқуқига зид бўлмаслиги; қадим замонлардан бери амалда бўлиб келган бўлиши лозим. Қадим замонлардан буён деганда, 1189 йилдан кейинги, яъни қирол Ричард I (Ричард Шерюрак) Англия тахтига ўтирган вақт назарда тутилади. 1275 йилги Вестминстер статутига кўра, ушбу вақтдан кейин юзага келган ҳуқуқий одатларгина ҳуқуқ манбаси сифатида эътиборга олинади.

Шу билан бирга, ҳуқуқий одат судлар томонидан ҳуқуқ манбаси сифатида тан олиниши учун қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- ҳуқуқий одатлар амал қилиниши жараёнида бирор марта ҳам қонун тартиби билан тўхтатилмаган бўлиши;
- “тинч йўл билан, ошкора ва тўғри” қўлланилиши;
- ўзининг мазмуни ва моҳиятига кўра аниқ ифодаланиши;
- мавжуд ҳуқуқ нормалари билан муайян маънода уйғунликда бўлиши ва статут ҳамда умумий ҳуқуққа зид келмаслиги;
- татбиқ этилаётган ҳудудда яшаётган аҳоли томонидан тан олиниши, ҳурмат қилиниши ва унга риоя этилиши.

Ҳуқуқий доктрина. Англияда ҳуқуқ асосан, амалиётчи судьялар томонидан яратилганлиги туфайли, роман-герман ҳуқуқ оиласидан фарқли ўлароқ, ҳуқуқий доктринага камроқ эътибор берилади. Шу билан бирга, умумий ҳуқуқ ривожланишининг дастлабки босқичларида ўз даври учун машҳур бўлган ҳуқуқшунослардан Кок, Бректон, Глэнвил ва бошқаларнинг асарлари доктринал характерга эга бўлган, улардан бир неча асрлар давомида суд амалиётида фойдаланилган. Низоли, баҳсли масалаларни суд жараёнида кўришда томонлар машҳур ҳуқуқшуносларга ҳуқуқни қўллашнинг муайян муаммолари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўраб мурожаат қилганлар. Бундай ҳолатларда ҳуқуқшуносларнинг турли хил шаклларда (оғзаки, ёзма, назарий хулоса) билдирган мулоҳазалари судлар учун ҳуқуқ

манбаси сифатида қаралган. Англия ҳуқуқий тизимининг ҳозирги ривожланиш босқичида ҳам атоқли ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлари муайян маънода ҳуқуқ манбаси сифатида ўз аҳамиятини йўқотмаган.

АҚШ ҳуқуқий тизими

АҚШ 1776 йил 4 июлда Англиядан мустақилликка эришган ва шу кун иккинчи Қитъа Конгресси янги давлатнинг тамал тошини қўйган ҳужжат “Қўшма Штатлар мустақиллиги тўғрисидаги Декларацияси”ни эълон қилган. 1787 йилда АҚШнинг Конституцияси қабул қилинган. Ўтган йиллар давомида Конституцияга 27 қўшимча киритилган. АҚШда қонунчилик ҳокимияти органи Конгресс икки палатадан ташкил топган. Вакиллар палатаси - 435 депутатдан иборат бўлиб, у мажоритар сайлов тизими асосида икки йил муддатга сайланади. Сенат - ҳар бир штатдан олти йил муддатга сайланадиган юз нафар сенатордан иборат. Ҳар икки йилда сенат аъзоларининг учдан бир қисми ротация (алмаштирилиб) қилиб турилади. Конгресс фаолияти асосан, ундаги олтмишдан ортиқ қўмита томонидан амалга оширилади.

АҚШ давлат бошқарув шаклига кўра Президентлик республикаси ҳисобланади. АҚШ Президенти билвосита йўл билан (сайловчилар сайлашга вакил қилинганларни сайлайдилар, улар эса ўз навбатида Президентни) тўрт йил муддатга сайлаб қўйилади. Президент давлат ва ҳукумат бошлиғи сифатида кенг ваколатларга эга. Конгресс томонидан қабул қилинган барча қонунлар Президент томонидан тасдиқланиши лозим. Президент Конгрессга турли хил масалалар юзасидан (федерация, иқтисодиёт, бюджет масалаларига оид) ахборот тақдим қилади. Президент ўзининг ахборотларида қонунчилик таклифлари ва қонун лойиҳаларини тавсия этади. Президент ҳукумат бошлиғи сифатида вазирларни лавозимларига тайинлайди. Ҳукумат бутунлай Президентга бўйсунди ва унинг олдида маслаҳат органи ролини бажаради. Ҳукуматнинг ваколатлар доираси конституцияда аниқ белгилаб қўйилмаган. Ҳукуматдан ташқари Миллий хавфсизлик кенгаши, Бошқарув ва бюджет ишлари бўйича идора, Иқтисодий сиёсат ишлари бўйича Кенгаш каби марказий идоралар ҳам Президент қошидаги ижроия аппарат таркибига киради.

АҚШ федератив тузилишга эга бўлган давлат бўлиб, 50 та штат ва Колумбия федерал округидан ташкил топган. АҚШ Конституциясида федерал марказга тегишли ваколатлар рўйхати қатъий белгилаб қўйилган. Мазкур рўйхатга кирмаган бошқа барча масалалар юзасидан штатлар мустақил фаолият юритадилар. Жумладан, штатлар қуйидаги ваколатларга эга: Конституция ва қонунлар қабул қилиш (хусусан жиноят, фуқаролик ҳуқуқи соҳалари бўйича ҳам); ҳуқуқий тартиботни муҳофаза қилиш; сайловлар ўтказиш; миллий гвардияни ташкил этиш; штат доирасида савдо муносабатларини тартибга солиш; соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаси; йўл қурилиши; маҳаллий солиқларни жорий

этиш; штатнинг суд тизимини ҳамда маҳаллий ўз ўзини бошқаришни ташкил этиш.

Штатлар ўзларининг Конституциясига эга. Штатларда қонунчилик органлари - икки палаталик (Небраска штатида бир палаталик) легислатуралар, аҳоли томонидан сайлаб қўйиладиган губернаторлар бошчилигидаги ижроия ҳокимияти ва мустақил суд тизимлари мавжуд.

Суд тизими. АҚШда ягона федерал суд тизими билан параллел равишда 50 та штат, Колумбия федерал округи ва тўртта федерал ҳудуднинг мустақил суд тизимлари фаолият юритади. Федерал суд тизимига АҚШ Олий суди, округ ва апелляция судлари ва шунингдек, махсус судлар киради. Олий суд 9 аъзодан иборат бўлиб, АҚШ Президенти улардан бирини раис этиб белгилайди. Олий суд аъзолари Президент томонидан Сенатнинг розилиги асосида вазифаларига тайинланади.

Апелляцион судлар 1891 йилда АҚШ Олий суди ва округ судлари ўртасидаги инстанция сифатида ташкил этилган. Ҳозирги кунда мавжуд 13 та апелляцион судларидан 11 таси апелляцион округларда, 1 таси Колумбия федерал округида ташкил этилган. Ҳар бир апелляцион округ ўз ичига ўзининг расмий рақамига эга бўлган 3 тадан 10 тагача бўлган штатни қамраб олади. 1982 йилда Федерация юрисдикцияси бўйича апелляция суди ташкил этилган. Апелляцион судларнинг ҳар бирини таркибига 4 тадан 23 тагача судья аъзо бўлади. Ҳар бир апелляцион судида АҚШ Олий судининг бир аъзоси иштирок этади.

Округ судлари - федерал суд тизимининг асосий бўғини ҳисобланади. Ҳозирги кунда АҚШда 95 та округ суди мавжуд. Уларнинг ҳар бирида 2 тадан 27 тагача судлар фаолият юритади. Округ судлари қошида федерал магистратлар мавжуд (1968 йил ташкил этилган). Улар асосан суд қарорларининг ижроси ва ишларни судда кўришга тайёрлаш масалалари билан шуғулланадилар. Магистратлар шунингдек, кам аҳамиятли, 1000 долларгача жарима солинадиган ёки бир йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланадиган жиноятлар бўйича суд ишларини кўришлари мумкин. Махсус федерал судларда хусусий шахслар ёки корпорациялар АҚШ ҳукуматига 10000 доллардан ошиқ бўлган ишлар юзасидан даъво билан мурожаат қилишлари мумкин. Бундан ташқари, Ташқи савдо суди ва Солиқ судлари ҳам мавжуд.

Барча даражадаги федерал судларнинг судьяларини Президент Сенат розилиги асосида лавозимларига умрбод тайинлайди. Федерал судлар ўз навбатида магистратлардаги мансабларга номзодларни 8 йил муддатга тайинлайдилар. Штатлардаги Олий судлар ва Апелляцион судларига судьялар - штатлар губернаторлари томонидан 6 йилдан 16 йилгача муддатга тайинланади. Қолган судларнинг судьялари аҳоли томонидан сайлов асосида сайланади.

АҚШ ҳуқуқий тизимининг асослари XVII-XVIII асрларда колониал босқич даврида шакллана бошлаган.

Англиядан кўчиб келган муҳожирлар ўзлари билан инглиз ҳуқуқини ҳам олиб келганлар. 1607 йилдан бошлаб (биринчи мустамлака тузилган сана) у ягона амал қилувчи ҳуқуқ тизими ҳисобланган; сиқиб чиқарилган маҳаллий аҳолининг урф-одатлари ва анъаналари цивилизацияга ёт ва душман анъана сифатида инкор этилган.

АҚШ ҳуқуқи ривожланишининг қуйидаги тўрт босқичини кўрсатиб ўтиш мумкин:

биринчи босқич - мустамлакачилик даврида прецедент ҳуқуқининг қарор топиши;

иккинчи босқич - мустақиллик қўлга киритилган 1776 йилдан бошланиб 1830 йилгача давом этган;

учинчи босқич - 1830-1860 йилларни ўз ичига олади ва прецедентлик ҳуқуқидаги бир қанча ўзгаришлар билан тавсифланади;

тўртинчи босқич - XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ҳозирги вақтга қадар давом этмоқда.

Англиянинг Америкадаги 13 та колониясининг ҳар бирида инглиз қонунлари ва умумий ҳуқуқ нормалари муайян чеклашлар билан қўлланилган.

Шу билан бирга, ҳар бир колониянинг қонунчилик актлари тўплами алоҳида нашр этилган. 1648 йил Массачусетсда чоп этилган қонунчилик актларининг биринчи тўпламида ҳуқуқ институтлари алфавит тартибида жойлаштирилиб чиқилган. Ҳуқуқ институтларини тизимлаштиришнинг бундай шакли Америка қонунчилигининг кейинги нашрлари учун намуна вазифасини ўтаган. Умумий ҳуқуқнинг ва Англия қонунчилигининг нормалари АҚШ мустақилликка эришгандан кейин ҳам агар улар конституция ва янги қонунларга зид келмаса қўлланилган. Шунингдек, Англия судларининг қарорларида ифода этилган инглиз умумий ҳуқуқининг нормалари ҳам татбиқ этилган.

АҚШ ҳуқуқий тизимининг инглиз ҳуқуқий тизимидан энг катта фарқли жиҳати - Конституциянинг асосий ҳуқуқ манбаси сифатида тан олинишидир. 1820 йилдан бошлаб, кўпгина штатлар умумий ҳуқуқ нормаларини кодификация қила бошладилар. АҚШ Олий суди қарорларининг ҳуқуқ тизимидаги ўрни ва аҳамияти сақланган ҳолда Америка ҳуқуқининг бундан кейинги ривожланишининг асосий йўналиши сифатида қонунчиликнинг ҳуқуқий тизимдаги ролини ошганлигини кўрсатиш мумкин. АҚШга кўшиб олинган Луизиана штатида (1803 йил) Наполеон кодексига асосланган Гражданлик кодекси Америка ҳуқуқ тизимида илк бор 1825 йилда қабул қилинди. Лекин, Луизиана штатининг бошқа қонунчилик актлари (айниқса, савдо ҳуқуқи ва фуқаролик жараёни соҳасида) кўпроқ Америка ҳуқуқи асосида шаклланган. Мексикадан тортиб олинган айрим штатларда

ҳозирда ҳам (Техас, Нью - Мексика, Невада ва бошқалар) испан ҳуқуқий тизимининг таъсири анча кучли ҳисобланади.

Умуман, XIX аср давомида кўпгина штатларда ҳуқуқнинг айрим соҳалари бўйича кодекслар ва қонунлар яратишга ҳаракат қилинди. Жумладан, 1848 йилда ҳуқуқшунос Д.Филд бошчилигидаги комиссия томонидан фуқаролик, жиноят, фуқаролик процессуал, жиноят процессуал кодексларининг лойиҳалари тайёрланди. Нью-Йорк штати томонидан бу лойиҳаларнинг фақат айримларигина тасдиқланган бўлса ҳам, улар кейинчалик бошқа штатлар учун худди шу соҳалар бўйича кодекслар ишлаб чиқишда намуна бўлиб хизмат қилган.

Қонун чиқариш борасидаги ваколатлар АҚШ Конституцияси бўйича штатлар ва федерал давлат ўртасида ўзаро тақсимланган. Жумладан, иқтисодиёт, молия, мудофаа, меҳнат муносабатлари, табиатни муҳофаза қилиш, божхона соҳалари ва штатлар ўртасидаги савдо қоидалари, муаллифлик ҳуқуқи, патентга оид масалаларни тартибга солишда федерал қонунчиликка ҳуқуқнинг муҳим манбаси сифатида қаралади. Фуқаролик ва жиноят ҳуқуқи, суд тузилиши ва суд жараёни билан боғлиқ масалаларда штатлар қонунчилиги ва умумий ҳуқуқ қоидалари устувор аҳамиятга эга.

АҚШ федерал қонунчилиги 50 та бўлимдан иборат федерал қонунлар тўплами (мажмуаси) да чоп этилади. Бунда ҳар бир бўлим ҳуқуқнинг муайян соҳасига ёки йирик ҳуқуқий институтга бағишланган бўлади (масалан, еттинчи бўлим-қишлоқ хўжалиги, қирқинчи бўлим-патентлар, эллагинчи бўлим-уруш ва миллий мудофаа).

АҚШ қонунлар тўплами ҳар олти йилда қайта нашр этилади. Америка Конгресси навбатдаги қонунни қабул қилар экан, мазкур қонуннинг қонунлар тўпламининг қайси жойидан ўрин эгаллашини ва шу билан бирга, мазкур тўпламнинг қайси бўлимига, бобига ва параграфига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши лозимлигини ҳам кўрсатиб ўтади.

Штатлар ўртасида иқтисодий, сиёсий ва бошқа алоқаларнинг ривожланиб бориши ҳамда аҳолининг бутун мамлакат ҳудудида ички миграциясининг ошиб бориши штатлар қонунчилигини бирхиллаштириш, жуда бўлмаганда максимал даражада яқинлаштириш заруриятини келтириб чиқарган. Ушбу мақсадда 1892 йилда қисман давлат органи ва қисман жамоат ташкилоти ҳисобланадиган штатлар ҳуқуқларини унификация қилиш бўйича ваколатли вакилларнинг Миллий конференцияси таъсис этилган. Ҳуқуқнинг тегишли соҳалари бўйича тузилган комиссиялар мавжуд қонунчиликни унификация қилиш юзасидан доимий фаолият олиб борадилар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ваколатли вакиллар Миллий конференцияси бир йилда бир марта йиғилади, агар комиссиялар томонидан тақдим қилинган қонунчилик актларининг лойиҳалари тасдиқланган тақдирда, Миллий конференция мазкур актларни қонун

сифатида қабул қилишни штатларга тавсия этади. Лекин шу кунгача тавсия этилган 200 та лойиҳадан фақат 20 тага яқини штатлар томонидан маъқулланган.

Штатлар қонунчилигини унификация қилиш ишларида 1923 йилда ташкил этилган Америка ҳуқуқи институти ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Мазкур институт ягона Савдо кодексининг лойиҳасини ишлаб чиқишда ва бошқа бир қанча кодексларнинг шу жумладан, 1962 йилги Жиноят кодексини тайёрлашда фаол иштирок этган.

Қонунлар ва кодексларнинг бирхиллигини прецедентлик ҳуқуқи, энг аввало кўп жилдли нашр “Restatement of the Law” (“Прецедентлар мажмуи”)ни тез-тез тизимлаштирилиши билан аралаштириб юбормаслик керак. Америка ҳуқуқ институти тайёрлайдиган ушбу нашр нуфузли ҳисобланади ва суд қарорларида, шу жумладан, АҚШ Олий судида унга ҳавола қилинади. “Restatement of the Law” нашри 95-98 фоиз ҳолларда турли штатлар судларининг қарорлари бир-бирига мос келишидан гувоҳлик беради. Бугунги кунгача “Restatement of the Law” тўпламининг 19 жилди нашр этилган. Улар шартномавий ҳуқуққа, вакилликка (agency), қонунлар коллизиясига, фуқаролик-ҳуқуқий деликтларга (torts), мулкка (property), таъминлашга (security), квази шартномаларига (restitution), талқин қилишга, суд қарорларига бағишланган.

Таъкидлаш жоизки, қонунчиликни тизимлаштириш ва кодекслаштириш ҳам штатларда, ҳам федерал даражада ўтказилган. Федерал қонунларни чиқаришнинг уч расмий нашри мавжуд. Қонунларнинг матни фақат улардан иккитасида тўлиқ эълон қилинади. Биринчи нашр вақти-вақти билан тўплам кўринишида нашр этилади. Унда АҚШ Конгресси томонидан қабул қилинган қонунлар матнлари, Қўшма Штатлар томонидан ратификация (тасдиқланган) қилинган халқаро битимлар ва шартномалар, шунингдек ижро этувчи ҳокимият органларининг айрим энг муҳим норматив ҳужжатлари хронологик тартибда эълон қилинади. Иккинчи нашрда қонунларнинг рисола шаклига келтирилмаган нусхалари мавжуд бўлиб, улар АҚШ Конгрессида қабул қилиниши давомида тартиб рақами қўйилиб, эълон қилинади. Ва ниҳоят, АҚШ Қонунлари тўплами (United States Code Annotated) федерал қонунчилик ҳужжатларининг учинчи нашри ҳисобланади. Унда айна бир хил норматив ҳужжат қоидалари ҳуқуқий тартибга солиш соҳасига боғлиқ равишда ҳар хил боблар ва бўлимларда тўлиқ баён қилинади.

АҚШ ҳуқуқий тизимининг асосий тушунчалари. АҚШ ҳуқуқий доктринаси бир неча ҳуқуқ мактабларини ажратиб кўрсатади: табиий ҳуқуқ мактаби (natural law), ижобий ҳуқуқ мактаби (positivist law school) ва реалистик (амалий) ҳуқуқ мактаби (realist law school).

Табиий ҳуқуқ мактаби - давлат ва ҳуқуқий тизимни инсон табиатига хос бўлган умумий ахлоқий ва этик тамойилларининг ифодаси сифатида тавсифлайди. Шундан келиб чиқиб, табиий ҳуқуқ

ҳуқуқий иерархияда давлат томонидан ўрнатилган ҳуқуқ, яъни позитив ҳуқуқдан юқорида туради. Жисмоний шахслар позитив ҳуқуқ нормаларини агар улар табиий ҳуқуққа зид бўладиган бўлса, бажармасликлари ҳам мумкин. АҚШнинг 1964-1973 йилларида Вьетнамга қилган агрессиясига қарши чиққан америкаликларнинг кўпчилиги армияда хизмат қилишдан бош тортиб, бунда табиий ҳуқуқ нормаларини фаол қўлладилар. Шундай қилиб, табиий ҳуқуқ позитив ҳуқуқнинг легитимлигини мустаҳкамлайди, ўз навбатида позитив ҳуқуқ табиий ҳуқуқдан келиб чиқади ва унга асосланади.

Ижобий ҳуқуқ мактаби - ҳуқуқни давлат томонидан ўрнатилган норматив актларнинг йиғиндиси сифатида тушунади ва муайян вақтдаги муайян жамиятда амалда бўлган қонуннинг устуворлигига асосланади. Қонунлар қандай бўлишлигидан қатъий назар бажарилиши лозим деб ҳисобланади. Агар қонунлар мукаммал бўлмаган тақдирда, улар такомиллаштирилиши ва белгиланган тартибда уларга ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Реалистик ҳуқуқ мактаби - АҚШда XX асрнинг 20-30 йилларида кенг тарқалган бўлиб, бунда иккала бир хил суд ишлари бўлмаслиги ва ҳар иш ўзига хос шарт - шароитлардан иборат эканлиги таъкидланади. Судья бундай ҳолатларда ўзининг ишончидан келиб чиқиб, мавҳум нормаларга эмас, балки ҳар бир ишга хос бўлган реал хусусиятлардан келиб чиқиб, қарор қабул қилади. Мазкур доктринани суд прецедентларини механик тарзда қўлланилишига қарши қаратилган деб ҳисоблаш мумкин.

АҚШда ҳуқуқ манбалари. АҚШ ҳуқуқий тизимининг асосий манбаси бўлиб, ўрта аср Англиясида шаклланган умумий - прецедент ҳуқуқи (common law, case law) ҳисобланади. Ҳуқуқнинг яна бир бошқа муҳим манбаси бу Конгресс томонидан қабул қилинадиган қонунлар ёки статутлар (statutes) ҳамда штатларнинг қонунчилигидир. Ҳуқуқ манбаларига шунингдек, АҚШ Конституцияси ва штатларнинг конституциялари ҳам киради. Юқоридагилар билан бирга, ижро ҳокимият органлари томонидан чиқариладиган қонун ости актлари ҳам ҳуқуқ манбалари қаторига киради. Мазкур актларда ифода этилган нормалар йиғиндиси маъмурий ҳуқуқни (administrative law) ташкил этади.

Моддий ва процессуал ҳуқуқ - АҚШ ҳуқуқий тизими ҳуқуқни моддий (substantive law) ва процессуал ҳуқуққа (procedural) ажратади. Моддий ҳуқуққа ҳуқуқий муносабат томонларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўрнатувчи, белгиловчи, аниқловчи ёки ўзгартирувчи нормалар киради. Масалан қуйидаги норма: *бошқа шахсга зарар етказган шахс, етказилган зарарни қоплаши лозим* моддий ҳуқуқ доирасига киради. Америка ҳуқуқий доктринасига кўра процессуал ҳуқуқ моддий ҳуқуқда ўз ифодасини топган ҳуқуқларни таъминлаш усуллариини ўрнатади. Судга мурожаат қилиш, даъво учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлаш, судловнинг муайян судларга

тааллуқлиги, далилларни тақдим қилиш ва бошқалар процессуал ҳуқуқ нормалари ҳисобланади.

Моддий ҳуқуққа қуйидаги нормалар гуруҳлари киради: маъмурий ҳуқуқ; вакиллик (agency); буюмларни сақлаш (bailments); ижара, кафолат; қарз; айланма ҳужжатлар (commercial papers); конституциявий ҳуқуқ; шартнома ҳуқуқи (contracts); корпоратив ҳуқуқ (corporation law); ширкат (partnerships); жиноят ҳуқуқи (criminal law); суғурта (insurance); интеллектуал мулк (intellectual property); кўчар мулк (personal property); кўчмас мулк (real property); олди-сотди (sales); спорт ва кўнғил очар хизматлар (sport and entertainment law); солиққа тортиш (taxation); деликт ҳуқуқи (torts); ишончли бошқарув (trust); васиятнома (wills).

Процессуал ҳуқуққа қуйидагилар киради: маъмурий жараён (administrative); апелляция жараёни (appellate procedure); фуқаролик жараёни (civil procedures); жиноят жараёни (criminal procedure); исботлаш жараёни (evidence).

Оммавий ва хусусий ҳуқуқ. АҚШ ҳуқуқий доктринаси ҳуқуқни оммавий (public law) ва хусусий (private law) ҳуқуққа ҳам бўлади. Оммавий ҳуқуқ давлат билан шахслар ўртасида юзага келадиган муносабатларни тартибга солади. Хусусий ҳуқуқ шахслар ўртасида юзага келадиган муносабатларни тартибга солади. Оммавий ҳуқуққа - маъмурий, жиноят, конституциявий ҳуқуқлар, барча процессуал соҳалардаги ҳуқуқ тармоклари ҳамда солиққа тортиш киради. Хусусий ҳуқуқ доирасига - шартнома ҳуқуқи, мулк ҳуқуқи, корпоратив ҳуқуқ ва бошқалар мансубдир.

Канаданинг ҳуқуқий тизими

Канада Буюк Британия бошчилик қиладиган Ҳамдўстлик таркибига кирадиган давлат ҳисобланади. Канада давлат тузилиш шаклига кўра - таркибида 10 та вилоят (провинция) ва 2 та ҳудуддан иборат бўлган федератив давлатдир. Ҳар бир вилоятнинг ўз Конституцияси, сайлаб қўйиладиган легислатураси (парламент), ҳукумати мавжуд. Вилоятларга марказий ҳокимият томонидан тайинланадиган лейтенант - губернаторлар бошчилик қилади. Вилоятлар мустақил ҳал қилиши мумкин бўлган масалалар доираси қонунчилик тартибида белгилаб қўйилган (соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, вилоят ҳудудидаги табиий ресурслардан фойдаланиш, солиқ масалалари).

Канада Конституцияси ягона ҳужжат бўлмасдан, балки бир қатор қонунчилик актларидан ташкил топган. Улар қуйидагилар: 1774 йилги Квебек қонуни, 1791 йилги Конституциявий қонун, 1840 йилги Канадани бирлаштириш тўғрисидаги қонун, 1867 йилги Британиянинг Шимолий Америкаси тўғрисидаги қонун, 1982 йилги Конституциявий қонун ва Ҳуқуқ ва эркинликлар тўғрисидаги Хартия.

Канада бошқарув шаклига кўра, конституциявий парламентар монархия ҳисобланади. 1982 йилги Конституциявий қонун бўйича давлат бошлиғи Буюк Британия Қироличаси (қироли) ҳисобланиб, унинг номидан Канадада Генерал - губернатор иш юритади. Генерал - губернатор Қиролича томонидан Канада Бош вазири билан келишилган ҳолда 5 йил муддатга тайинланади. Генерал-губернатор қонун лойиҳаларини тасдиқлайди, Парламентнинг қўйи палатасини чақиради ва уни ваколат муддатидан олдин тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга, Бош вазир ва олий мансабдор шахсларни вазифасига тайинлайди. Генерал - губернатор шунингдек, ташқи сиёсат борасида қўйидаги ваколатларни амалга оширади: ҳалқаро шартномаларни ратификация қилади, дипломатик вакилларни тайинлайди. У авф этишни эълон қилади. Лекин Генерал-губернаторнинг фаолияти кўпроқ формал характерга эга, чунки у кўпгина ваколатларини Ҳукуматнинг “маслаҳати” билан амалга оширади.

Қонунчилик ҳокимияти - Генерал-губернатор шахсида намоён бўладиган Қиролича ва Парламент томонидан амалга оширилади. Канада Парламенти Жамоа палатаси ва Сенатдан ташкил топган. Жамоа палатаси - 5 йил муддатга, умумий, тўғридан тўғри сайловлар асосида шаклланадиган 301 депутатдан иборат. Сенат таркибида 104 та аъзо бўлиб, улар ўз лавозимларига Генерал-губернатор томонидан умрбод тайинланадилар. Парламентнинг ваколатлари анча кенг бўлиб, улар қўйидагилардан: қонунлар чиқариш, бюджетни қабул қилиш, ҳукуматни ташкил этиш ва унинг фаолиятини назорат қилишдан иборат.

Ижро ҳокимияти – Генерал-губернатор шахсида намоён бўладиган Қиролича ва ҳукумат - Вазирлар кабинети томонидан амалга оширилади. Унинг таркибига Бош вазир, вазирлар ва “портфелсиз вазирлар” киради. Бош вазир Генерал - губернатор томонидан тайинланади ва бунда Жамоа палатасига бўлган сайловларда ғолиб чиққан партия раҳбари ушбу мансабни эгаллайди. Бош вазир ғолиб партиянинг етакчи аъзолари орасидан ҳукуматни шакллантиради. Ҳукумат амалда Генерал - губернаторнинг барча функцияларини амалга ошириш билан бир қаторда, мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди, армия ва федерал полиция устидан раҳбарлик қилади. Ҳукумат Парламент олдида масъулиятли бўлиб, унга Жамоа палатаси томонидан ишончсизлик билдирилса, у истеъфога чиқишга мажбур бўлади.

Суд тизими. Мамлакатнинг энг юқори инстанция суди - 1875 йилда ташкил топган Канада Олий суди ҳисобланади. У Генерал-губернатор томонидан “маслаҳат асосида” тайинланадиган 9 аъзодан иборат. Шулардан 3 таси Квебек вилоятининг вакиллигини амалга оширади (қарор қабул қилиш учун одатда мажлисда 5 аъзонинг иштирок этиши етарли бўлади). Олий суд федерал судлар ва вилоятларнинг олий суд инстанциялари томонидан фуқаролик ва

жиноят ишлари юзасидан чиқарилган қарорлар устидан берилган шикоятларни кўриб чиқади ва бу ишлар бўйича охириги инстанция суди сифатида қарор қабул қилади. Олий суд шунингдек, Генерал - губернатор ёки ҳукуматнинг илтимосига кўра маслаҳат органи сифатида Конституциявий актларни шарҳлаш, парламент ва вилоятларнинг қонунчилик органлари томонидан қабул қилинган қонунларнинг конституциявийлигини текшириш ва улар ўртасида ваколатлар юзасидан келиб чиқадиган низоларга оид масалаларни кўриб чиқади.

Канада федерал суди 1970 йилда тузилган бўлиб, суд (13 та судья) ва апелляция бўлимларидан (9 та судья) иборат. Федерал суднинг бутун таркиби Генерал-губернатор томонидан умрбод муддатга тайинланади. Суд бўлимида федерал ҳокимиятга нисбатан фуқаролик даъволари, фуқаролик тўғрисидаги низолар, солиқ, патент ва савдо маркалари масалаларига оид шикоятлар, федерал ҳукумат ва вилоятлар ижро ҳокимияти органлари ўртасидаги низолар кўриб чиқилади. Мазкур суд Канадада фақат федерал қонунларни қўллаш билан чекланадиган ягона суд ҳисобланади. Бошқа барча судлар эса, федерация қонунлари ва вилоятлар қонунларини бирдек қўллайдилар.

Вилоятларнинг Олий судлари энг муҳим фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича биринчи инстанция суди тартибида ҳамда барча категориядаги ишлар бўйича вилоятларнинг қуйи судлари чиқарган қарорлар устидан апелляция шикоятлар юзасидан иш кўради.

Графликлар судлари 300 дан 3000 долларгача бўлган қийматга эга бўлган даъволар бўйича фуқаролик ишлари ҳамда ўртача оғирликдаги (ўғирлик, автойўл жиноятлари ва бошқалар) жиноят ишларини биринчи инстанция тартибида кўриб чиқади. 300 долларгача қийматга эга бўлган фуқаролик ишлари майда даъволар бўйича судларда, унча оғир бўлмаган жиноят ишлари магистрат судларида кўрилади. Жиноят ишларининг 90 фоизини кўриб чиқиш худди шу судларга тўғри келади. Канаданинг айрим вилоятларида шунингдек, вояга етмаганлар ишлари ва оилавий ишлар бўйича судлар ташкил этилган.

Канада ҳуқуқий тизимига умумий тавсиф. Канадани ҳозирги ҳуқуқий тизимининг ўзига хослиги кўп жиҳатдан унинг тарихий ривожланиши ва миллий таркибининг хусусиятлари билан изоҳланади. Канаданинг ҳудудлари XVI - XVIII асрларда дастлаб франциялик, кейинчалик англиялик муҳожирлар томонидан ўзлаштирилган. Улар ўзларининг мамлакатларидан ҳуқуқий норма ва одатларини ҳам бирга олиб келганлар. Мазкур ҳудудлар учун узоқ давом этган инглиз-француз рақобатидан кейин, 1763 йилда Канада Буюк Британиянинг колониясига айланди ва бу ерда инглиз қонунлари тўла-тўқис амалга киритилди. Лекин, франциялик муҳожирлар кўпчиликти ташкил қиладиган Квебек вилоятида француз ҳуқуқи сақланиб қолган. Британиянинг барча колонияларида бўлганидек, Канадада ҳам инглиз

умумий ҳуқуқ тизими ўрнатилди ва нафақат маҳаллий, балки британ судларининг прецедентлари ҳам мажбурий кучга эга бўлди. Бундан ташқари, Канадада XV-XIX асрларда Канцлер суди қарорларида ўз ифодасини топган адолат ҳуқуқи нормалари ҳам амалга киритилган. Канада судларининг қарорлари устидан Лондонда жойлашган Маҳфий кенгашнинг суд қўмитасига шикоят қилиш тартиби жиноят ишлари бўйича то 1933 йилгача, фуқаролик ишлари бўйича эса 1949 йилгача амалиётда бўлиб келди. Лекин бундан кейин ҳам суд қўмитасининг Канадада амалда бўлган инглиз қонунлари ва умумий ҳуқуқ нормаларининг шарҳлаш бўйича чиқарган қарорлари мажбурий характерга эга бўлиб келмоқда.

Канадада қонунчилик ҳокимияти узоқ йиллар давомида Британия парламентиға тегишли бўлган. 1867 йилда Канада доминион мақомини олгандан кейин мамлакат ҳокимияти органлари томонидан яратилган қонунчилик актлари аҳамиятға эға бўла бошлади. Лекин мамлакатнинг давлат мустақиллигини ўрнатган 1982 йилги конституциявий қонун қабул қилингандан кейингина британ парламенти томонидан бундан кейин қабул қилинадиган қонунлар Канадада юридик кучға эға бўлмаслиги белгилаб кўйилди.

Мамлакатнинг федератив тузилишға эға эканлиги федерал парламент ва вилоятларнинг қонунчилик органлари ўртасида қонунлар борасида ваколатларни чегаралашни тақозо этади. Бу борада федерациянинг ваколатлар доирасиға 27 та масала шу жумладан, иқтисодиёт, савдо, денгизда кемаларни юриши ва балиқчилик, пул муомаласи ва банк, патентлар ва муаллифлик ҳуқуқи, никоҳ ва никоҳни бекор қилиш, жиноят ҳуқуқи ва жиноят процессиға оид масалалар киради. Вилоят қонунчилик ҳокимияти органлари ваколоти доирасида эса маҳаллий характерға эға бўлган (муниципал муассасалар, вилоят эҳтиёжлари учун солиқлар ва бошқалар), шунингдек, таълим ва тарбия, вилоятларда одил судловни амалға ошириш, фуқаролик жараёни оид масалалар ўрин олган.

1918 йилдан бошлаб мамлакатда ҳуқуқий ислохотлар юзасидан Федерал комиссия фаолият юритади. Унинг ваколатлар доирасиға қонунчилик ҳолатини кузатиш ва уни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш киради. Мазкур комиссия билан бир вақтда, Канада ҳуқуқини бирхиллаштириш бўйича Доимий конференция ташкил этилган. Ушбу конференция қонунларнинг модел лойиҳаларини муҳокама қилади ва уларни барча вилоятларға кўриб чиқиш учун тақдим этади. Айниқса, фуқаролик ва савдо ҳуқуқиға оид масалалар бўйича қонунчиликдаги мавжуд фарқларни бартараф этишға биринчи навбатда эътибор қаратилади. Канадада қабул қилинган қонунлар “Канада Статутлари”, “Алберт Статутлари” деб номланадиган йиллик тўпламларда чоп этилади. Қонунлар тўпламлари ҳар 10 йилда бир марта йиғилган ҳолда эълон қилинади.

Австралиянинг ҳуқуқий тизими

Австралия Буюк Британия томонидан бошқариладиган федератив давлат. У олти штат ва иккита ҳудуддан ташкил топган. Ҳар бир штатда Буюк Британия Қироличаси томонидан тайинланадиган губернатор, парламент ва суд органлари мавжуд.

Австралия Конституцияси 1900 йил 9 июлда қабул қилинган ва 1901 йил январдан кучга кирган. Австралия давлат бошқарув шаклига кўра, конституциявий парламентар монархия бўлиб, давлат бошлиғи Буюк Британия Қироличаси ҳисобланади. У ваколатини ўзи томонидан тайинланадиган Генерал - губернатор орқали амалга оширади.

Қонунчилик ҳокимияти умумий сайлов орқали шакллантириладиган икки палаталик парламент зиммасига юклатилган. Юқори палата Сенатга пропорционал сайлов тизими орқали 76 та (ҳар бир штатдан 12 та ва ҳудудлардан 2 та) аъзо сайланади. Штатлардан сайланадиган сенаторлар 6 йил муддатга (ҳудудлардан 3 йил муддатга) сайланиб, улар таркибининг ярми ҳар 3 йилда алмаштириб турилади. Вакиллар палатаси 148 та аъзодан иборат бўлиб, 3 йил муддатга сайланади. Лекин мазкур палата Генерал - губернатор томонидан муддатдан олдин тарқатиб юборилиши мумкин.

Штатлар ва федерациянинг қонунчилик доираси Конституция бўйича белгилаб берилган. Лекин шу билан бирга, штатлар қонунлари федерация қонунларига зид келган ҳолда федерация қонунчилиги устувор аҳамиятга эга бўлади.

Ижро ҳокимияти - Британия Қироличасига тегишли бўлиб, унинг бу борадаги ваколатларини ўзи томонидан 5 йил муддатга тайинланадиган Генерал - губернатор амалга оширади. Генерал - губернатор қуйидаги ваколатларга эга: парламент сессияларини чақириш ёки кечиктириш, Вакиллар Палатасини тарқатиб юбориш, парламент томонидан қабул қилинган қонунларни тасдиқлаш ёки ўзининг қўшимчалари билан уни парламентга қайтариш, давлат мансабларига тайинлаш, авф этиш ва бошқалар. Генерал - губернатор Австралия қурулми кучларнинг Олий бош қўмондони ҳам ҳисобланади.

Қироличанинг штатлардаги вакиллари - губернаторлар Генерал - губернатордан мустақил тарзда ўзларига берилган ваколатлар доирасида фаолият юритадилар. Уларнинг ваколат муддатлари 5 йилга тенг.

Австралия ҳукумати парламентга бўлган сайловларда ғолиб чиққан партия вакиллари орасидан шакллантирилади ва унга мазкур партиянинг раҳбари Бош вазир этиб тайинланади. Бош вазир ўз навбатида Кабинетни шакллантиради ва уни рўйхатини тасдиқлаш учун Генерал - губернаторга тақдим этади.

Кабинетнинг давлат бошқарувидаги ўрни анча кенг бўлиб, у қуйидаги ваколатларни амалга оширади: давлат сиёсатини асосий йўналишларини белгилаш, парламент томонидан берилган ваколат асосида қонунчилик актларини чиқариш ва расман Генерал - губернаторга берилган вазифаларни амалга ошириш ҳамда бошқа ваколатлар. Хукумат федерал парламентнинг қуйи палатаси олдида жавобгар ҳисобланади.

Суд тизими. Австралия суд тизими - федерал судлар, алоҳида штатларнинг судлари, шунингдек, чекланган функцияларни амалга оширадиган махсус судлардан иборат.

Федерал судлар ва алоҳида штатларнинг судлари Иттифоқ қонунчилиги ҳамда алоҳида штатлар қонунчилиги асосида ишларни кўриб чиқишлари мумкин. Федерал суд тизими ўтган асрнинг 70 йилларида жиддий ислоҳ қилиниб, олдин фаолият юритиб келган Австралия Юқори суди қаторида Австралия Оилавий суди (1975 йилдаги Оила ҳуқуқи тўғрисидаги қонун) ва Австралия Федерал суди (мазкур суд тўғрисидаги қонун 1976 йилда қабул қилинган) ташкил этилган.

Австралия Юқори суди раис ва олти аъзодан иборат. У конституцияни шарҳлаш билан боғлиқ бўлган масалалар, Австралия Иттифоқи штатлар билан боғлиқ бўлган низоларда томонлардан бири сифатида қатнашадиган ишлар, айрим федерал маъмурларнинг ҳаракатлари устидан шикоятлар, Иттифоқ қонунчилигида кўрсатилган жиноятларни кўриб чиқиш бўйича ишларни кўриб чиқади. Юқоридагилар билан бир қаторда, Юқори суд федерал юрисдикциясидаги судларнинг ҳар қандай қарорлари, ҳукмлари ва буйруқлари устидан бериладиган шикоятларни кўриб ҳал қилади.

Австралия федерал суди иккита - умумий ва саноат бўлимларидан ташкил топган. Федерал суд зарур ҳолларда хоҳлаган штат ёки ҳудудда мажлис ўтказиши мумкин. Унинг таркибига раис ва 26 нафар аъзо киради. Биринчи инстанция сифатида мазкур суд меҳнат низоларининг айрим категориялари бўйича, банкротлик тўғрисида ва шунингдек, савдо амалиётида юзага келадиган маъмурий органларнинг ҳаракатлари устидан бўладиган шикоятларни кўриб чиқади. Федерал суднинг асосий функцияси федерал юрисдикция бўйича иш олиб бораётган штатларнинг Олий судларини айрим актлари, қарорлари юзасидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш ҳисобланади.

Оилавий суд. Австралиянинг Оилавий суди раис ва 43 аъзодан иборат. 1975 йилги оила ҳуқуқи тўғрисидаги қонунга кўра, мамлакатнинг бутун ҳудудида (Ғарбий Австралия штати ва Шимолий ҳудуддан ташқари) фақат мазкур судгина никоҳни бекор қилишга рухсат бериши мумкин. Оилавий суд эр-хотинлар ўртасидаги мулкӣ ва номулкӣ характердаги барча низоли ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга.

Олий судларнинг барча судьяларини вазифасига умрбод ёки муайян ёшга етгунгача бўлган муддатга Генерал - губернатор Ижроий кенгаш билан келишган ҳолда тайинлайди.

Австралия суд тизимида умумий судлар билан бир қаторда, ихтисослаштирилган судлар ва маъмурий трибуналлар мавжуд. Ушбу органлар турлича номларга эга (судлар, комиссиялар, кенгашлар, трибуналлар). Ихтисослаштирилган судларнинг қарорлари прецедент ҳуқуқининг манбаи бўлиши мумкин, маъмурий трибуналлар қарорлари эса бундай манба бўла олмайди. Австралияда маъмурий апелляция бўйича трибуналлар чекланган юрисдикцияларга эга, бироқ уларда вазирлар, давлат идоралари ва бошқаларнинг қарорларини қайта кўриб чиқишда кенг имкониятлар мавжуд.

Австралияда федерация ва штатлар даражасида бутун мамлакат бўйлаб ишларни мувофиқлаштиришга даъват этилган ҳуқуқий ёрдам бўйича федерал комиссия ташкил этилган.

Австралия ҳуқуқий тизимига умумий тавсиф. Австралиянинг ҳуқуқий тизими инглиз ҳуқуқининг таъсирида шаклланган. Ҳуқуқнинг асосий манбалари сифатида суд қарорларида ифодаланган умумий ҳуқуқ ва қонунчилик актлари тан олинади. Австралияда доимий инглиз колонияларининг юзага келиши билан (1788 й) инглиз ҳуқуқи ҳам қўллана бошланган. Кейинчалик Англия ҳукумати 1828 йил 25 июл ҳолатигача Англияда амалда бўлган умумий ҳуқуқ ва парламент актларида ифодаланган барча нормалар Австралияда қўлланишини мажбурий деб эълон қилди. Ушбу вақтдан кейинги давр учун колонияларга расман ўз ҳуқуқий ва суд тизимларини шакллантиришга имконият берилди. Лекин ўтган 100 йил давомида ва яқин кунларгача Австралия инглиз парламенти ва судларининг қарорларини амалда қўллаб келди.

Қонунчиликдан фарқли ўлароқ, умумий ҳуқуқ Австралия Иттифоқининг барча ҳудудларида ягона ва бирдек амалда қўлланилади. Австралия умумий ҳуқуқининг бирлигини таъминлашда Австралия Олий суди муҳим ўрин тутди. Исталган штат судининг қарори устидан берилган шикоят бўйича Австралия Олий судининг чиқарган қарори Австралия Иттифоқининг барча судлари учун мажбурий характерга эга. 1960 йилгача инглиз ҳуқуқий тизимининг Австралия ҳуқуқидаги ўрни шу даражада катта эдики, ҳатто Лордлар палатаси ва британ апелляцияон судларининг қарорлари ҳам энг юқори даражадаги Австралия судларининг қарорларига нисбатан устувор кучга эга бўлган.

Австралия қонунчилиги Иттифоқ ва алоҳида штатлар парламентлари томонидан қабул қилинадиган қонунлардан ташкил топган. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Австралия Конституциясида Иттифоқ ва штатлар ўртасидаги ваколатлар доираси қатъий чегаралаб қўйилган. Штатлар қонунчилиги бўйича ер ва мулк, шартнома ҳуқуқи, етказилган зарар учун жавобгарлик, меҳнат шароитлари билан боғлиқ

масалалар тартибга солинади. Иттифоқ қонунчилиги судларнинг юрисдикциясини белгилаб беради, ишга ёллаш ва бўшатиш, пенсия таъминоти, оила, никоҳ ва никоҳни бекор қилиш, банк ва муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан меъёрлайди.¹

¹ Изоҳ: АҚШ, Австралия, Канада ҳуқуқий тизимлари ҳақидаги айрим маълумотлар А.Я. Сухарев масъул муҳаррирлигида 2003 йилда рус тилида чоп этилган Дунё мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари энциклопедик маълумотномаси асосида тайёрланди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

“Давлат ва ҳуқуқ назарияси” кафедраси

5-МАЪРУЗА МАТНИ

**СКАНДИНАВИЯ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ
ТИЗИМЛАРИ**

Тайёрлади: доц. М.К.НАЖИМОВ, доц. Ф.П.ҲАЙИТБОЕВ

ТОШКЕНТ -2010/2011 ў/й.

5-мавзу. Скандинавия мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари

Скандинавия ҳуқуқининг вужудга келиши, шаклланиши ва унинг хусусиятлари.

Скандинавия ҳуқуқида ҳуқуқ рецепцияси.

Швеция ва Дания давлатларининг ҳуқуқий тизимлари.

Мавзу бўйича фойдаланиш тавсия этиладиган адабиётлар

1. Введение в шведское право. – М.: Прогресс, 1986. – 387 с.
2. Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Масъул муҳаррирлар: Ҳ. Б. Бобоев, Ҳ. Т. Одилқориев. – Т., 2000. – Б. 313.
3. Давид Р., Жоффре-Спинози К. Основные правовые системы современности. – М.: Междунар. отношения, 1996. – 400 с.
4. Ермолович В. И., Шелкопляс В. А. Правовые системы: история и современность: Материалы межвузовской научно-практической конференции. – Минск, 5–6 января 2001 г. – Мн.: БГЭУ, 2001. – 176 с.
5. Жаҳон мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари: Қомусий луғат / Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2006. –720 б.
6. Марченко М. Н. Правовые системы современного мира. – М: Зерцало, 2001. – 400 с.
7. Правовые системы стран мира: Энциклопедический справочник / Отв. ред. А. Я. Сухарев. – М.: Норма, 2003. – 976 с.
8. Саидов А. Х. Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари -Т., 2004.-434б.
9. Синюков В. Н. Правовые системы и правовые семьи // Теория государства и права: Курс лекций / Под ред. Н. М. Матузова и А. В. Малько. – М., 1999. – С. 17–19.
10. Hayitboev F.P., Najimov M.K. Hozirgi zamon asosiy huquqiy tizimlari / Mas'ul muharrir: yu.f.d., prof. Z.M.Islomov. O`quv qo`llanma – Т.:TDYuI, 2010. -246 b.
11. International Encyclopedia of Comparative Law. Vol. I. National Reports. A–Z. – Tubingen, New–York, 1972–1987.

Скандинавия ҳуқуқининг вужудга келиши, шаклланиши ва унинг хусусиятлари

Шимолий Европада (Скандинавия) жойлашган Швеция, Норвегия, Дания, Исландия, Финляндия давлатлари географик жиҳатдан романо-герман ҳуқуқий оиласи мамлакатларига яқин бўлишига қарамасдан, уларнинг ҳуқуқий тизимларини мазкур оилага киритиш ёки киритмаслик масаласида қиёсий ҳуқуқшунослик муаммолари билан шуғулланадиган олимлар ўртасида турли хил ёндашувлар мавжуд.

Айрим компративист олимлар Скандинавия ҳуқуқини роман-герман ҳуқуқий оиласининг ўзига хос махсус тури ёки қитъа ҳуқуқий тизимининг алоҳида соҳаси деб ҳисоблашади. Ҳақиқатдан ҳам Скандинавия мамлакатлари ҳуқуқий тизимларида роман-герман ҳуқуқий оиласининг юридик конструкциялари ва тушунчаларидан кенг фойдаланилади¹.

Эркин деҳқонларнинг мавжудлиги, черков қавми доирасида аҳоли турли табақалари манфаатларини ҳисобга олишнинг демократик шакллари характерли бўлган. XII асрдан бошлаб Швецияда қонунчиликнинг жамланиши амалга оширилган. XIV аср ўртасида иккита қонун чиқарилган. Улардан бири қишлоқ жойлардаги, иккинчиси шаҳарлардаги муносабатларни тартибга солган. Ушбу ҳужжатлар Швецияда 400 йил давомида амал қилиб, уларнинг ижтимоий ҳаётнинг янги шароитларига мослашиши жараёнида судлар муҳим роль ўйнаган.

XVII асрда Швеция суд амалиёти Европа мамлакатларида рецепция қилинган Рим ҳуқуқининг кўплаб конструкция ва принципларини қабул қилган. Бунинг оқибатида ушбу рим унсурлари швед ҳуқуқининг, швед юридик адабиётининг ажралмас қисмига айланган. Шу ўринда, рим ҳуқуқи рецепцияси Скандинавия мамлакатларига сезиларли таъсир қилганлигини ҳам унутмаслик лозим. Бунда, Англияга нисбатан континентал Европа юридик фани билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилганлиги муҳим аҳамият касб этган.

Шимолий ҳуқуқий тизимларнинг ўзаро алоқаси Скандинавия мамлакатлари ўртасида мустаҳкам сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар тарихан мавжуд бўлганлиги билан изоҳланади. Шу билан бирга, Дания, Норвегия ва Швеция қиролликларининг бирлашиши вақтинчалик тусга эга бўлган. У Кальмар унияси сифатида расмийлаштирилган ва 1397 йилдан 1523 йилгача ҳукм сурган. Бироқ Швеция, Франция, Дания, Норвегия билан Исландия ўртасидаги алоқалар анча мустаҳкам бўлган ва ундан кейин ҳам сақланиб қолган.

XII-XIII асрларда Финляндия Швеция томонидан босиб олинган ва 1809 йилгача Швеция империяси таркибига кирган. Мазкур даврда,

¹ Қаранг: Саидов А. Х. Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари. -Т., 2004. - Б.179.

Швеция Россия билан бўлган муваффақиятсиз урушдан кейин Финляндияни Россияга беришга мажбур бўлган. Россия давлати Финляндияга мустақил Буюк князлик сифатида анчагина мухторият берган ҳамда унинг ҳуқуқий тизимига жуда кам аралашган. Шундай қилиб, 1917 йилдаги октябрь инқилобидан кейин Финляндия Россиядан ажралиб чиқиб, 1918 йилда ўз мустақиллигини эълон қилган пайтда унинг Швеция билан ҳуқуқий алоқаларига жиддий равишда путур етмаган.

Дания, Норвегия ва Исландия XIV аср охиридан бошлаб тўрт асрдан ортиқ вақт давомида Дания қироллик оиласининг марказлашган бошқаруви остида бўлганлиги сабабли, Дания ҳуқуқи мазмунан Норвегия ва Исландияда ҳам амал қилган. 1814 йилда Дания Норвегия ҳудудини Швецияга беришга мажбур бўлган, бироқ Норвегия Швеция империяси таркибида анчагина мустақилликни қўлга киритишга муваффақ бўлган ва 1906 йилда тинч йўл билан тўлиқ мухторият олган. 1918 йилда Исландия ҳам мустақил давлат деб эълон қилинган.

Юқорида таъкидланганидек, Скандинавия ҳуқуқи қиёсий ҳуқуқшуносликда алоҳида ҳуқуқ оиласи сифатида тавсифланади. Рим ҳуқуқи Франция ва Германияга нисбатан мазкур мамлакатлар ҳуқуқий тизимлари ривожланишига кам таъсир ўтказган. Шимолий Европа давлатларида Франциянинг 1804 йилги Фуқаролик кодекси ёки Германиянинг 1896 йилги Фуқаролик қонунлари мажмуига ўхшаган кодификациялаштирилган ҳужжатлар мавжуд эмас. Шу билан бирга, Скандинавия ҳуқуқини англо-саксон ҳуқуқи оиласига ҳам киритиб бўлмайди. Чунки, мазкур мамлакатларнинг ҳуқуқий тизимида прецедент, юридик техника ва процессуал ҳуқуқнинг алоҳида роли умумий ҳуқуққа нисбатан жиддий фарқ қилади.

Шимолий Европа давлатларининг ҳуқуқий тизимларини яқинлашишида улар ўртасидаги маданий, иқтисодий ва давлат-сиёсий соҳаларидаги яқин алоқаларнинг мавжудлиги муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Скандинавия мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари бирлашишининг бошланғич асоси сифатида иккита тўплам, яъни Данияда 1683 йилда қабул қилинган Қирол Христиан V кодекси (Норвегияда мазкур кодекс 1687 йилда “Норвег ҳуқуқи” номи билан амалга киритилган) ва 1734 йилги Швед давлатининг қонунлар тўпламини кўрсатиш мумкин. 1683 йилги Дания кодекси қуйидаги олтита: умумий бўлим; руҳоний ва дунёвий табақалар тўғрисида; савдо ва никоҳ тўғрисида; денгиз ҳуқуқи тўғрисида; мулкка эга бўлиш ва мерос ҳуқуқи тўғрисида; жиноят ҳуқуқи тўғрисидаги бўлимлардан иборат. 1734 йилги Швед давлатининг қонунлар тўплами ўз ичига қуйидаги тўққизта бўлимни қамраб олган: никоҳ тўғрисида; ота-оналар ва фарзандлар тўғрисида; мерос тўғрисида; кўчмас мулк тўғрисида; қурилиш тўғрисида; савдо тўғрисида; жиноят тўғрисида (жиноят кодекси); суд қарорларининг ижроси тўғрисида; суд юритуви ва суд

тузилиши тўғрисида. Ўз навбатида, мазкур тўплам ўз ичига 1300 та параграфни қамраб олган.

Юқоридаги иккита тўплам Скандинавия мамлакатлари ҳуқуқий тизимларининг кейинги ривожланишини белгилаб берди. Албатта, ушбу ҳуқуқ оиласининг шаклланишида континентал ҳуқуқнинг ҳам муайян даражада таъсири бўлган. Шу билан бирга, мазкур ҳуқуқ оиласининг ривожланиш жараёнида уни Франция Фуқаролик кодексига ўхшаш тарзда қайта кўриб чиқиш бўйича бир неча бор уринишлар бўлган.

Таъкидлаш жоизки, 1734 йилги Швед қонунлар тўплами бугунги кунга қадар амалда бўлсада, у ўз ичига қабул қилинган вақтдаги бирон-бир бўлимни тўлалигича сақлаб қолмаган.

Бир қатор бўлимлар тўлиқ қайта ишланган. Хусусан, 1920 йилда никоҳ тўғрисида янги бўлим, 1948 йилда суд муҳокамаси ҳақида бўлим қабул қилинган, 1959 йилда эса “Мерос тўғрисида”ги қисмнинг эски бўлими қайта ишланиши натижасида қонунга шу номдаги бўлим киритилган. Бундан олдинроқ 1949 йилда ушбу бўлимдан бунгача бўлмаган ота-оналар тўғрисидаги бўлим ажратиб олинган; 1970 йилда кўчмас мулк тўғрисидаги бўлим тўлиқ янгиланган. Қолган бўлимларда эски нормалар жуда оз миқдорда сақланиб қолинган. Илгари амал қилган кўпчилик қоидалар нормалари тегишли соҳалардаги муносабатларни тартибга солишнинг ядросини ташкил этувчи алоҳида қонунлар билан алмаштирилган.

Ҳозирги вақтда 1734 йилги қонун тизимига сиғмайдиган қонунчилик швед ҳуқуқининг кўплаб соҳаларини қамраб олади: меҳнат ва акциядорлик ҳуқуқи, саноат мулкани муҳофаза қилиш ва ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонунчилик, атроф муҳит муҳофазаси тўғрисидаги қонунчилик, маъмурий ҳуқуқнинг кўплаб бўлимлари. Шу билан бирга, мазкур ўзгаришлар мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши давомида намоён бўлган барча соҳаларини қамраб олади.

Асосан тарихий ёдгорлик сифатида сақланиб қолган Дания кодекси ҳақида бундай деб бўлмайти. Кодекслаштирилган қонунчилик мамлакатнинг амалдаги ҳуқуқининг катта қисмини ташкил этмайти. Швецияда суд амалиётининг роли ҳам унча паст эмас. Бу ҳолат Скандинавия ҳуқуқини қандайдир даражада умумий ҳуқуққа яқинлаштириб, роман-герман ҳуқуқий оиласидан фарқлантиради¹.

Скандинавия мамлакатлари ҳуқуқий оиласининг хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, ҳуқуқни оммавий ва хусусий ҳуқуққа, шунингдек соҳаларга бўлиш Скандинавия ҳуқуқи учун хос эмас. Бу жиҳатдан у умумий ҳуқуқ оиласига ўхшашдир;

¹ Қаранг: Саидов А. Х. Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари. -Т., 2004. - Б.180-182.

Иккинчидан, Скандинавия ҳуқуқи кодекслаштирилмаган. Расман ушбу мамлакатларда дастлаб бутун норматив материални қамраб олган қонунлар амал қилишда давом этмоқда, бироқ юқорида айтиб ўтилган сабабларга кўра уларни роман-герман ҳуқуқий оиласи мамлакатларидаги кодекслаштиришга ўхшатиш мумкин эмас.

Учинчидан, Скандинавия мамлакатлари ҳуқуқий тизимларининг айрим жиҳатлари роман-герман ҳуқуқий оиласига қараганда умумий ҳуқуқ тизимига яқинроқ. Хусусан, Скандинавия мамлакатларида қонун ижодкорлиги жараёнида умумлаштириш юксак даражада бўлган нормалардан деярли фойдаланилмайди. Фуқаролик жараёни ва жиноят ҳуқуқи ушбу мамлакатларда айнаи бир хил қоидалар билан тартибга солинади.

Швеция Қироллиги ҳуқуқий тизими

Швеция — 24 та округ (лен)дан иборат унитар давлат. Ленларда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари - аҳоли томонидан уч йилга сайланувчи ландстинглар фаолият юритади. Ландстингларнинг фаолияти марказий ҳокимият вакили бўлган губернаторлар томонидан назорат қилинади. Губернаторлар махсус маъмурий бюроларни бошқарадилар.

Швециянинг давлат тўзуми 1974 йилги Конституцияда белгилаб берилган. Мазкур Конституция бошқарув шакли, валиаҳдлик, матбуот эркинлиги тўғрисидаги уч асосий қонундан иборат.

Швеция бошқарув шаклига кўра — конституциявий парламентлик монархияси ҳисобланади.

Конституция валиаҳд-қиролни давлат бошлиғи деб эълон қилади, бироқ унинг ваколати асосан расмий тусга эга. Қирол қўлида асосан маросимлар билан боғлиқ вазифа (масалан, сессияни расман очиш) сақланиб қолган. Унинг ижро этувчи ҳокимиятга алоқадор ваколатлари ҳукуматга тегишли бўлиб, ушбу ҳолат Конституцияда алоҳида мустаҳкамлаб қўйилган. Ҳукумат қабул қилган қарорлар Қирол томонидан имзоланиши талаб қилинмайди. Қирол ҳукумат мажлисларида иштирок этмайди ва у ҳукумат аъзоларини, судьялар ва олий мартабали амалдорларни тайинлаш ҳамда лавозимидан озод этиш ҳуқуқига эга эмас.

Давлат ҳокимиятининг олий органи парламент - Риксдаг бўлиб, у пропорционал вакиллик асосида умумий сайлов йўли билан сайланадиган 349 нафар депутатдан таркиб топган бир палатали ваколатли органдир. Конституцияда Риксдагга катта ҳуқуқлар берилган. Қонун чиқариш Риксдагнинг мутлақ ҳуқуқидир, чунки Конституцияда Қиролга вето ҳуқуқи берилмаган. Шу билан бирга, Бошқарув шакли тўғрисидаги Қонуннинг III боби 7-параграфида Риксдаг саноат, савдо, транспорт, инсонлар ҳаёти ва саломатлигини сақлаш, жамоат тартибини сақлашга тааллуқли қатор масалалар

бўйича қарорлар чиқариш ҳуқуқини ҳукуматга бериши мумкинлиги назарда тутилган.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи ҳукуматга ҳамда парламент аъзоларига тааллуқли. Кўриб чиқиш учун тақдим қилинган қонун лойиҳаси Риксдаг мажлисига киритилиб, даставвал унинг номи ҳамда муаллифининг фамилияси эълон қилинади. Сўнгра қонун лойиҳаси тегишли комиссияга юборилади. Комиссия қонун лойиҳасини ўрганиб, Риксдаг ялпи мажлисида лойиҳа бўйича маъруза қилади, Риксдаг қонун лойиҳасини рад қилиш ёки унга тузатишлар киритишга ҳақли. Комиссия маърузасидан сўнг қонун лойиҳаси кўриб чиқиш учун қабул қилинади ёхуд яна комиссияга қайтарилади. Башарти, у кўриб чиқиш учун қабул қилинган бўлса, музокаралар бошланади, сўнг овоз бериш ўтказилади: бунда депутатлар оддий кўпчилигининг овози кифоя қилади.

Давлатнинг молиявий сиёсатини белгилаш парламентнинг энг муҳим вазифалари жумласига киради. У бюджетни кўриб чиқади ва қабул қилади, қарзга оид битим ҳамда давлат мулкани тасарруф этиш масалаларини ҳал қилади. Парламент уруш эълон қилиш ҳамда сулҳ тузишга ҳақли. Ҳукумат фаолияти, маъмурий органлар, суд аппарати, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари унинг назорати остидадир. Парламент назорати интерпелляция (ёзма савол), сессияларда ҳукуматнинг ўз ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисидаги ахборотини муҳокама қилиш орқали амалга оширилади. Ҳукумат ишини парламентнинг Конституциявий комиссияси назорат қилади. У бирон-бир вазир томонидан қонунлар бузилганини аниқласа, таъқиб қўзғатишни сўраб, Риксдагга мурожаат этишга ҳақли.

Мамлакатда ижро этувчи ҳокимият ҳукуматга — Риксдагнинг бевосита иштирокида шакллантириладиган ва унинг олдида масъулиятли бўлган Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилган. Ҳукумат парламентдаги кучлар тақсимотига мувофиқ тайинланади, у Риксдаг ишончига сазовор бўлмоғи лозим. Ҳукуматни тузиш тартиби Конституцияда мустаҳкамланган: парламент сессияда тальман (Риксдаг раиси) таклифига биноан бош вазир сайлови ўтказилади. Депутатларнинг камида ярми номзодни ёқлаб овоз берса, у маъқулланган ҳисобланади. Башарти, номзод керакли миқдорда овоз ололмаса, такрорий овоз бериш тайинланади. Бош вазир ўз Маҳкамаси таркибини ўзи белгилайди. Маҳкама аъзолари кейин Риксдаг томонидан тасдиқланади. Риксдаг ҳукуматни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга. Бунинг учун у махсус танбеҳ резолюциясини қабул қилиши лозим.

Ҳозирги вақтда ҳукуматнинг ваколати анча кенг, чунки аввал Қиролга тааллуқли бўлган ҳуқуқларнинг кўпини энди ҳукумат амалга оширмоқда. Иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётнинг асосий масалалари Маҳкама томонидан ҳал этилади, у эса, Бошқарув шакли тўғрисидаги Қонун V бобининг 1-параграфига биноан, кўрилган

чоралар ҳақида Қиролни хабардор қилиши лозим, холос. Қиролнинг олий мартабали амалдорларни, судьяларни тайинлаш, айрим идораларни тузиш, ташқи сиёсатни белгилаш, қуролли кучларга раҳбарлик қилиш сингари вазифалари ҳам ҳукуматга ўтказилган. Ҳукумат Риксдагни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга, бироқ бу ҳуқуқ муайян шартлар билан чеклаб қўйилган (масалан, янги сайланган парламент биринчи сессия бошланганидан сўнг уч ой ўтмагунича тарқатиб юборилиши мукин эмас).

Швеция ҳуқуқ тизимига умумий тавсиф

Швеция мустақил скандинав ("шимолий") ҳуқуқи оиласига мансуб. Мазкур ҳуқуқ оиласи ўзининг қатор хусусиятларига кўра роман-герман ва англо-саксон тизимлари ўртасида оралиқ ўринни эгаллайди.

Ҳозирги Швеция ҳуқуқий тизимига 1734 йилда Швеция давлати (Қироллиги) Қонуни билан асос солинган. Бунгача мамлакатда дастлаб оддий ҳуқуқ нормалари, сўнг айрим қонун ҳужжатлари ҳамда қонунлар тўпламлари асосий ҳуқуқ манбаи бўлиб хизмат қилган. Мамлакат ҳудуди ҳеч қачон чет элликлар ҳукмронлиги остида бўлмаган, шунинг учун швед ҳуқуқи мамлакатнинг ички эҳтиёжларидан келиб чиқиб ва қисмангина, бошқа ҳуқуқий тизимлар, масалан, (ўрта асрлар даврида) рим ҳуқуқи ҳамда Болтиқ денгизининг Германия соҳилидаги шаҳар-давлатларнинг савдо одатлари таъсири остида ривожланган. XI-XII асрларда Швециянинг айрим провинцияларида ҳуқуқий одатлар "қонун сақловчилар" томонидан ёддан ўрганилган, улар бу қонунларни вақти-вақти билан эркин ер эгалари йиғинлари "тинг"ларда тантанали эълон қилиб туришган. XIII асрдан бошлаб бу одатларни ёзиб бориш бошланган. XIV аср ўрталарига келиб эса, уларнинг негизида, шунингдек, бошқа ҳуқуқий тизимлардан ўзлаштириб олинган савдо ҳуқуқи ва диний ҳуқуқ нормаларини ҳисобга олган ҳолда Қирол Магнус Эриксон томонидан умуммиллий, лекин қишлоқ районлари ва шаҳар посёлкалари учун алоҳида-алоҳида қонунлар ва кодекслар чиқарилган. Ушбу кодекслар энг кўп қўлланиладиган ҳуқуқий қоидалар тўпламидан иборат бўлган. Улар Швеция давлати бирлигини мустаҳкамлашга кўмаклашди ва деярли тўрт аср мобайнида ҳуқуқнинг асосий манбалари бўлиб келмоқда. Қонунчилик асосан уларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ёки уларнинг қайта кўриб чиқилган нашрларини эълон қилиш йўли билан ривожлантирилди.

XVII асрдан бошлаб швед қонунчилигининг бутун тизимини ислоҳ қилишга тайёргарлик олиб борилди, бунинг учун етакчи юристлардан иборат Қироллик комиссияси тузилган. Унинг иши 1734 йилда Риксдаг томонидан Швеция давлати Қонунининг қабул қилиниши билан якунланди. Скандинавия мамлакатлари қонунчилиги тарихи учун жуда

муҳим бўлган ушбу ҳужжат, энг аввало, швед ва қисман фин ҳуқуқининг ривожланиши натижаси бўлди (у пайтда Финляндия Швециянинг провинциялардан бири бўлиб, шу сабабли фин юристлари ҳам комиссия таркибига кирган). Унинг айрим, айниқса, цивилистик қоидаларида Рим ҳуқуқи таъсири сезилади. Аслида бу ҳуқуқнинг асосий соҳаларини қамраб олган тўққиз бўлимдан иборат қонунлар тўплами эди. Улардан еттитаси моддий ҳуқуқ (никоҳ, ворислик, кўчмас мулк, қурилиш, савдо, қонунга зид хатти-ҳаракатлар ва жазолаш) масалаларига бағишланган. Икки бўлим процессуал масалаларни - фуқаролик ва жинойт ишларини судда муҳокама қилиш тартибини, шунингдек суд қарорларининг ижросини тартибга солган.

1734 йилги Қонун, швед тадқиқотчилари таъкидлашганидек, юридик техника нуқтаи назаридан мукамалликдан йироқ эди: у таърифларнинг казуал характерга эгаллиги, зарурий умумий таърифлар йўқлиги билан фарқ қилган ҳамда қатъий тизимга солинмаган. Унда, ҳатто ўзи тузилган давр эҳтиёжларига тадбиқан ҳам назарда тутилмай қолган масалалар анча бўлган. Шундай бўлсада, 1734 йилги Қонун анча кенг тузилган мажмуа бўлгани ҳолда (бу жиҳатдан Швеция Европадаги бошқа кўплаб давлатлардан олдинда эди) швед (шунингдек фин) ҳуқуқининг кейинги юз йилликлардаги ривожланишига асос бўлди. Ҳозиргача ҳам у расман швед қонунчилигининг амалдаги ҳужжати сифатида эътироф қилинади.

1734 йилги Қонун эълон қилингандан кейин швед ҳуқуқи муайян ҳуқуқий институтни ёхуд ҳуқуқнинг бутун бир соҳасини бошқача ёинки янгидан тартибга солувчи ҳужжатларни чиқариш орқали унинг тегишли бўлимларини изчил қайта кўриб чиқиш ёки янгилаш воситасида ривожлантирилди. Ушбу ҳужжатларнинг айримлари 1734 йилги Қонундаги ҳуқуқий нормаларни бир тизимга солишга асло мувофиқ келмай қолганди, натижада унинг биронта ҳам бўлимига кирмай қолиб кетди.

1734 йилги Қонуннинг ўрнини босиши лозим бўлган қонунларнинг янги тўпламини яратишга 1809 йилги конституциявий ўзгаришлардан сўнг, яъни XIX аср бошларида ҳаракат қилинди, бироқ бу уринишлар самара келтирмади. Ҳозирда янги қонунлар тўпламини яратиш ўрнига, мазкур Қонуннинг айрим қисмларини (истисносиз ҳаммасини) кодекслар билан аста-секин алмаштириш масаласи қўйилмоқда.

1974 йилда "Бошқарув шакли" номи остида чиқарилган конституциявий ҳужжатда конституциявий ва оддий қонунлар билан бир қаторда, ваколатли қонунчилик асосида ҳукумат томонидан қабул қилинадиган қонун кучидаги ҳужжатлар чиқарилиши ҳам назарда тутилган (ҳозир уларнинг сони Риксдаг қабул қиладиган ҳужжатлар сонидан анча кўп). Айрим вазирликлар ва идоралар ҳам (бошқарувнинг тегишли соҳаларида) умуммажбурий тусдаги қонун кучидаги ҳужжатлар чиқариш ваколатига эга.

Амалдаги швед қонунларини талқин қилишда янги кодекслар ва бошқа йирик қонун ҳужжатлари тайёрлаш билан боғлиқ қонун лойиҳаларини тайёрлаган комиссиялар маърузалари, Олий суд ва Олий маъмурий суд аъзоларидан иборат Қонун чиқарувчи кенгашнинг хулосалари, Риксдаг доимий комиссияларининг хулосалари ва бошқа материаллар катта рол ўйнайди.

Швецияда одатлар, энг аввало, савдо ҳуқуқи соҳасидаги одатлар ҳуқуқ манбаларидан бири бўлиб хизмат қилади (баъзан тегишли шартномалар матнига одатга ҳавола қилувчи бандлар киритилади). Суд прецедентларидан (энг аввало, Олий суд органларининг қарорларидан) ҳам, гарчи швед қонунларида бирон-бир суд қарорига мажбурий прецедент кучи муқаррар берилган нормалар бўлмасада, кўпинча ҳуқуқ матни сифатида фойдаланилади.

Скандинавия давлатлари ҳуқуқий тизимларининг 1870-йилларда бошланган ва 1952 йилда Швеция билан бирга Дания, Исландия, Норвегия ва Финляндия ҳам кирган Шимолий кенгаш тузилгач, айниқса кучайиб кетган яқинлашув жараёни швед қонунларининг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Экспертлар комиссиялари ушбу жараён доирасида қонун лойиҳаларини тайёрлаши баробарида мазкур лойиҳаларнинг айримлари Швецияда бошқа скандинав давлатларининг қонунларига ўхшаш ёки уларникига анча яқин қонунларга аллақачон айланган. Ушбу ўринда, энг аввало, никоҳ-оила, шартнома, деликт ҳуқуқи, компаниялар соҳасидаги қонунларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Швецияда ҳуқуқ соҳасидаги тадқиқотлар асосан Стокгольм, Гётеборг университетлари ва Унсаладаги 1620 йилда Европадаги биринчи миллий ҳуқуқ кафедрасига асос солинган университет факультетида олиб борилади.

Фуқаролик ҳуқуқи ва ҳуқуқнинг унга яқин соҳалари. Швед қонунчилиги тизимида ягона Фуқаролик кодекси бўлмаган, 1734 йилги Қонун бўлимларидан бирининг савдо ҳуқуқи масалаларига бағишланган нормалари эса ҳозир деярли кучдан қолган. Фуқаролик ва савдо ҳуқуқи соҳасида 1905 йилда қабул қилинган, Дания ва Норвегиянинг ўхшаш қонунларига деярли мос келадиган "Товар савдоси тўғрисида"ги Қонун ҳамда 1915 йилги "Шартномалар ва бошқа юридик битимлар тўғрисида"ги Қонун муҳим рол ўйнайди. Улар шартномалар тузиш масалаларини (шакли, томонлар кафиллиги ва бошқалар) ҳам, уларни бажармасликдан келиб чиқадиган оқибатлар масалаларини ҳам тартибга солади. 1971 йилда қабул қилинган "Номақбул шартлар билан шартномалар тузиш тўғрисида"ги ҳамда "Истеъмолчиларга товар сотиш тўғрисида"ги Қонунлар уларга муҳим қўшимчалар бўлди. Уларнинг ҳар иккаласи оддий фуқароларни йирик корпорациялар ўзбошимчалигидан ҳимоя қилишга қаратилган.

Ер мулкчилиги муносабатлари швед ҳуқуқида амалда бўлган 1970 йилги "Кўчмас мулк тўғрисида"ги Қонун билан тартибга солинади.

Ушбу қонунда табиатни муҳофаза қилиш, шунингдек, ҳудудий режалаш (айниқса шаҳарларни) манфаатлари йўлида мулкдорлар ҳуқуқларини муайян чеклашга йўл қўйилади. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шу жумладан, фойдали қазилмаларнинг қазиб олиниши, гидрология шароитининг ўзгариши, пестицидлардан фойдаланиш билан боғлиқ тадбирлар Швецияда қонунчиликнинг мустақил ва анча муҳим тармоғига айланди. 1975 йилги "Акциядорлик жамиятлари тўғрисида"ги ҳамда 1980 йилги "Шериклик тўғрисида"ги қонунлари қабул қилинган.

Никоҳ-оила соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи асосий ҳужжатлар сифатида 1920 йилги "Никоҳ тўғрисида"ги Қонун ҳамда 1949 йилги "Ота-оналар ва болалар тўғрисида"ги Қонунларни келтириб ўтиш мумкин. Уларга кўпроқ 1969 йилда тузилган Оила ҳуқуқини ислоҳ қилиш комиссияси фаолияти натижасида анча ўзгартиришлар киритилган. Швеция ҳуқуқи фуқаролик шаклида ҳам, диний шаклда ҳам тузилган никоҳнинг юридик оқибатлари тенглигини эътироф этади. 1978 йилдан буён эр-хотиннинг мулкӣ ҳуқуқлари уларнинг нисбий мустақиллигини таъминлайдиган, зарур бўлганида эса ажралишгандан сўнг нисбатан ўзига тўқроқ эр ёки хотиндан таъминот олиш имкониятини берадиган тарзда тартибга солиб келинмоқда. 1973 йилда ўтказилган ислоҳотдан сўнг никоҳни бекор қилиш тартиб-таомили анча соддалашди (қоида тариқасида, судга мурожаат қилинганидан сўнг олти ой ўтгач ажралишга рухсат берилади). "Ота-оналар ва болалар тўғрисида"ги Қонунга 1976 йилда ўзгартиришлар киритиш натижасида никоҳсиз туғилган болалар билан қонунӣ туғилган болаларнинг ҳуқуқӣ мақомидаги, шу жумладан, мерос олиш ҳуқуқидаги тафовутлар амалда бартараф этилди. 1958 йилги "Мерос олиш тўғрисида"ги Қонунга (кейинчалик киритилган ўзгартиришлар билан) мувофиқ, мерос берувчининг васиятномаси қонунга кўра, мерос олиш қоидаларига нисбатан унинг фарзандлари аҳволини ёмонлаштирмаслиги лозим. 1986 йилги "Оила мулки тўғрисида"ги Қонунда расмийлаштирмаган ҳолда эр-хотинлик муносабатида бўлган шахслар амалдаги эр-хотинлик муносабатини бекор қилганларида ҳамда эр-хотиндан бири вафот этганида биргаликдаги мулкка ҳуқуқдор бўлиши назарда тутилган.

XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб, бир томондан, меҳнаткашларнинг ўз ҳуқуқлари учун курашлари, иккинчи томондан, ҳукмрон доираларнинг ижтимоӣ масалаларда ён бериш сиёсатига интилишлари натижасида меҳнат муносабатларини тартибга солувчи қонунлар анча ривожланди. 1976 йилги "Меҳнат муносабатларини биргаликда тартибга солиш тўғрисида"ги Қонунда Швецияда юзага келган меҳнат низоларини ёлловчилар ва ходимларнинг музокаралари йўли билан, аслида мажбурлаб, тинч ҳал қилиш тизими мустаҳкамланган. Ишчиларнинг касаба бирлашмалари билан тадбиркорларнинг тегишли уюшмалари ўртасида бир - уч йилга

тузиладиган жамоа шартномаларида меҳнат шароити ва иш ҳақи ставкалари белгиланади. Аммо ходимларнинг иш ташлаш ҳуқуқларини эълон қилувчи швед қонунларида, агар иш ташлаш фуқаролар ва жамият манфаатларига катта зиён етказадиган бўлса, у Риксдаг қарори билан таъқиқлаб қўйилиши мумкинлиги назарда тутилган. 1982 йилги "Ёлланма меҳнатни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунга киритилган тузатишларга кўра, ходимни "объектив равишда оқланган" сабаблар туфайлигина ишдан бўшатиш мумкин. 1962 йилги "Суғурта тўғрисида"ги Қонунда ва бошқа ҳужжатларда қарилик пенсияси ("халқ пенсияси")ни, аввалги иш ҳақларини ҳисобга олиб ҳисобланадиган қўшимча пенсияларни, ишлаб чиқаришда жароҳатланганлик, касаллик, ҳомиладорлик учун нафақани, болалар учун нафақаларни, "бевалар пенсиясини" ва бошқаларни тўлаш назарда тутилган.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик сўнгги ўн йилликларда жуда ривожланди. 1979 йилда қабул қилинган ва 1984 йилда қўшимчалар киритилган "Қишлоқ хўжалиги ерларидан оқилона фойдаланиш тўғрисида"ги Қонун табиатни муҳофаза қилиш масалаларини қишлоқ хўжалиги амалиёти билан боғлаш мақсадини кўзлайди. 1979 йилги "Ўрмонзорларни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун 1983 йилги "Ўрмонзорларда пестицидлар қўллашни таъқиқлаш тўғрисида"ги Қонун билан тўлдирилган. 1938 йилги Овчилик кодекси ва 1938 йилги "Ов тўғрисида"ги Қонун амал қилишда давом этмоқда. Балиқ овлаш қоидалари 1982 йилги "Балиқ овлаш тўғрисида"ги Декрет ҳамда бошқа ҳужжатларда белгиланган. Алоҳида ҳимояга муҳтож табиат минтақаларини назорат қилиш, ҳайвонот ҳамда ўсимлик дунёсини ҳимоялаш чоралари 1967 ва 1969 йиллардаги табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар нормаларида белгиланган. Шунингдек, 1983 йилги "Сув заҳиралари тўғрисида" Қонун ҳам қабул қилинган. Ҳозирги вақтда 1986 йилги "Атроф-муҳитга етказилган зиённи қоплаш тўғрисида"ги Қонун бу соҳада ўта муҳим рол ўйнайди. Унда бундай зиённинг турли тоифалари ва улар учун жавобгарлик масалалари белгиланган.

Жиноят ҳуқуқи. 1734 йилги Қонунда мавжуд бўлган жиноят ҳуқуқи нормалари Швецияда 1864 йилгача, янги Жиноят кодекси қабул қилингунга қадар амал қилган. Ушбу Кодекс 1803 йилги Австрия, 1813 йилги Бавария ва 1851 йилги Пруссия жиноят кодексларининг муайян таъсири остида яратилиб, у ўзида жиноят ҳуқуқи классик мактабининг ғояларини акс эттирган. 1864 йилги ЖКда айрим жиноятларнинг аломатлари анча аниқ берилган бўлиб, жазо тайинлашда судьяларга жуда кам ихтиёр қолдирилган. Ушбу кодекс 1865 йил 1 январдан 1965 йил 1 январгача, яъни ҳозирги Жиноят кодекси кучга киргунига қадар амал қилган. Унда жиноят сиёсатидаги буржуа-либерал ҳаракатининг "янги ижтимоий ҳимоя" ғоялари ўз аксини топган. Бу ҳаракат иккинчи жаҳон урушидан кейин кўплаб ғарбий Европа мамлакатларини қамраб олганди. Шунингдек, ЖКда унинг лойиҳаси тайёрланган даврда (1932-

1962 йилларда) ҳокимият тепасида турган швед социал демократларининг ислоҳотчилик ёндашувлари ва таълимотлари ҳам акс этган.

Суд тизими. Швецияда умумий судлар тизимига 1789 йилдан буён Олий суд бошчилик қилади. У камида 22 аъзо (юстиция маслаҳатчиси)дан иборат бўлади. Улардан бири Ҳукумат томонидан раис этиб тайинланади. Олий судда уч бўлим иш олиб боради, уларда ишлар суднинг беш-етти нафар аъзоси таркибида кўриб чиқилади.

Олий суднинг асосий вазифаси — ҳукмлар ва апелляция судлари ҳал қилув қарорлари устидан берилган шикоятларни (яъни суднинг ҳал қилув қарорларини) қайта кўриб чиқишдан иборат. Олий суд ҳуқуқ масалалари бўйича шикоятларни ҳам, ишнинг асл ҳолатининг, шу жумладан, далилларнинг нотўғри баҳоланиши билан боғлиқ шикоятларни ҳам қабул қилиши мумкин. Бироқ, Олий судга шикоят қилиш ҳуқуқининг ўзи жуда чекланган: бирон-бир шикоятни муҳокама учун қабул қилиш-қилмаслик масаласи уч нафар судьядан иборат ҳайъат (баъзан битта судья) томонидан, уларнинг ихтиёрига кўра ҳал қилинади. Судьялар умуман суд амалиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ишларнигина танлаб оладилар. Олий суд биринчи инстанция суди сифатида вазирлар ва бошқа юқори мансабдор шахсларнинг мансабга боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади. Ҳуқуқий қоидалар ёки қонунлар талқини ҳақида гап борган ҳолларда бўлимлар тавсиясига кўра ишлар Олий суднинг ялпи мажлисида кўрилади. Унинг қарорлари суддан ҳамда расмий муассасаларнинг ҳуқуқини қўллаш фаолиятига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Олтита (мамлакатнинг жами ҳудудини қамраб олган округлар сонига мувофиқ) апелляция суди икки ёки ундан ортиқ бўлимга эга бўлиб, ҳар бири: раис, бир ёки бир неча нафар лагман (суд таркибида раислик қилувчилар) ва родманлар (суд аъзолари)ни ўз ичига олади. Ушбу судлар тўрт-беш нафар судья таркибида қуйи судлар жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича чиқарган ҳукм ва ҳал қилув қарорлари устидан келтирилган шикоятларни эшитиб, зарур ҳолларда моҳиятан янги далиллардан фойдаланган ҳолда янги суд муҳокамасини ўтказадилар (Швецияда, одатда, қуйи судларнинг 5 фоиздан кўп бўлмаган ҳукмлари ва ҳал қилув қарорлари устидан шикоят келтирилади). Улар биринчи инстанция судлари сифатида баъзи тоифа жиноят ишларини ҳам кўриб чиқади. Агар бунда айбланувчига жаримага қараганда қаттиқроқ жазо таҳдид солаётган бўлса, суд штатдаги уч-тўрт нафар судья ҳамда икки-уч нафар маслаҳатчи (ассессор) таркибида мажлис ўтказди. Апелляция судида кўрилиши лозим бўлган ишларни тайёрлаш штатдаги судьяга ёки суд хизматчисига топширилиши мумкин.

Округ судлари (улар мамлакатда юзга яқин) кўпинча сессия судлари деб аталиб, 1971 йилга қадар мавжуд бўлган, таркиби ҳамда

ваколатига кўра жуда фарқ қилган қишлоқ ва шаҳар судлари ўрнига ташкил қилинган. Бу - суд тизимининг қуйи бўғини ҳисобланади. Улар лагманлардан ҳамда сони турлича (округ судларида бир нафардан Стокгольм округ судида 100 нафардан зиёд бўлган) родманлардан таркиб топади, жами фуқаролик ва жиноят ишларининг асосий кўпчилиги биринчи инстанция тартибда кўриб чиқилади. Жиноят ва никоҳ-оила ишлари муҳокамасида бир нафар штатдаги судья ҳамда беш нафар маслаҳатчи, фуқаролик ишларида уч нафар штатдаги судья иштирок этади. Судья якка тартибда тез-тез учраб турадиган фақат жарима билан жазоланадиган аҳамияти кам жиноятлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиши ҳамда фуқаролик ишлари бўйича тайёргарлик муҳокамаси ўтказиши мумкин. Коммунал вакиллар томонидан олти йил муддатга сайланадиган маслаҳатчилар иш муҳокамасида судья билан бирга қатнашадилар ва ҳатто агар беш маслаҳатчидан тўрт нафари судья фикрига зид равишда қарор қабул қилса ҳам, бундай қарор жиноят иши бўйича узил-кесил ҳукм ҳисобланади (акс ҳолда судья таклиф қилган ҳукм эълон қилинади). Никоҳ-оила ишларини кўриб чиқишда ҳам шу каби қоидалар амал қилади. Айбдорлик ёки айбсизлик тўғрисида фақат вердикт чиқарадиган қасамёд қилганлар суди 1974 йилги "Матбуот тўғрисида"ги Қонунга қарши содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни муҳокама қилиш учунгина тузилади. Даъво суммаси нисбатан катта бўлмаган фуқаролик ишларини кўриб чиқиш учун якка тартибда ҳамда қоидага тариқасида, адвокат иштирокисиз соддалаштирилган суд муҳокамаси тартиб-таомили мавжуд (1974 йилги "Маида даъволарни кўриб чиқиш тўғрисида" Қонун). Швеция қонунларида, шунингдек, фуқаролик низоларининг ҳакамлар томонидан кўриб чиқилишига ҳам йўл қўйилади. 1929 йилги "Ҳакамлар тўғрисида"ги Қонунга кўра, томонларнинг ҳар бири ўз ҳакамини тайинлайди, улар эса учинчисини танлайдилар. Ҳакамлар қарори узил-кесил бўлади. Бироқ, айрим расмий асослар бўйича улар устидан умумий судларга шикоят келтириш мумкин.

Округ судлари зиммасига, шунингдек, ер участкаларини сотиш ва гаровга бериш бўйича битимларни рўйхатга олиш, васиятномаларни рўйхатга олиш, вояга етмаганларга ҳомийлик қилиш ва уларнинг мулкани бошқаришни назорат қилиш ҳам юклатилган.

Швецияда **маъмурий адлия** муассасалари тизими жуда ривожланган, улар давлат ҳамда муниципал муассасалар хатти-ҳаракати устидан бериладиган шикоятларни кўриб чиқадиладар. Уларнинг фаолияти 1971 йилги Маъмурий-процессуал кодекси билан тартибга солинади. Бу тизимни 21 нафар судьядан таркиб топган ва ўз вазифаси, тузилиши ҳамда фаолиятини ташкил қилишига кўра Швеция Олий судига ўхшаш бўлган Олий маъмурий суд бошқаради (Стокгольмда жойлашган, 1909 йилда асос солинган). У асосан қуйи маъмурий апелляция судлари томонидан чиқарилган қарорлар

устидан келтирилган шикоятларни кўриб чиқиш билан шуғулланади. Бироқ, бунинг учун тегишли ҳайъат уларни кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаши керак. Маъмурий адлия органларига қаратилган шикоятларнинг айрим тоифалари Олий маъмурий суд томонидан биринчи инстанция тартибида кўриб чиқилади.

Маъмурий апелляция судлари ҳам (улар тўртта) умумий апелляция судларига ўхшаш. Улар қуйи маъмурий судлар қарорлари устидан келтирилган шикоятларни кўриб чиқадилар, шунингдек, маъмурий органларнинг хизматчилар иш ҳақи, ижтимоий таъминот ва бошқа масалалар бўйича қарорлари устидан тушган шикоятларни биринчи инстанция тартибида муҳокама қиладилар. Муайян ишлар штатдаги уч-тўрт нафар судьядан иборат таркибда, айрим, ҳолларда эса, уч нафар судья ва икки нафар маслаҳатчидан иборат таркибда эшитилади. Шунингдек, Солиқ апелляция суди ҳам мавжуд.

Бу тизимнинг энг қуйи бўғини - лен маъмурий суди (лен - анъанавий маъмурий-худудий бирлик). Унда ишларни штатдаги бир нафар судья уч нафар маслаҳатчи иштирокида эшитади. Ушбу суд ваколатига солиққа тортиш бўйича, ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги, мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги, фарзандларни ота-онанинг биридан бошқасига мажбурий ўтказиш тўғрисидаги ва ҳоказо низоларни муҳокама қилиш киради. Лен маъмурий суди вояга етмаганларнинг қонунбузарлиги тўғрисидаги, ичкиликбозлар ва гиёҳвандларга нисбатан чоралар кўриш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиши мумкин.

Мазкур умумий ва маъмурий судлар билан бир қаторда уй-жой масалалари бўйича, ер мулки тўғрисидаги ишлар бўйича, ижтимоий суғурта, тижорат ишлари бўйича ва бошқа кўплаб махсус судлар мавжуд. Улар орасида Меҳнат низолари бўйича суд муҳим рол ўйнайди (1928 йилда асос солинган). 1974 йилги "Меҳнат низолари бўйича судлов ишларини юритиш тўғрисида"ги Қонунга кўра ушбу суд жамоа шартномаларини талқин қилиш ва қўллаш муносабати билан юзага келадиган низоларни, шунингдек, тадбиркорлар ва ходимлар ўртасида юзага келадиган бошқа низолар бўйича округ судлари қарорлари устидан келтирилган шикоятларни биринчи ва узил-кесил инстанция тартибида кўриб чиқади.

Судьялар лавозимга ҳукумат томонидан олий юридик маълумотга (илмий даражага) эга бўлган ҳамда қонун билан белгиланган малака имтиҳонини топширган Швеция фуқаролари орасидан тайинланади. Барча швед судьялари, кўплаб бошқа юристлар сингари, ишни судлар ҳузурида клерк сифатида тажриба ўрганишдан бошлайдилар. Давлат муассасалари ҳамда суд органлари тизимида адлия канцлери ва омбудсманлар алоҳида ўрин эгаллайди. Канцлер адлия вазиридан фарқли равишда ҳукумат таркибига кирмайди, бироқ унга бўйсунди (бир вақтлар у бевосита Қиролга бўйсунган). У юқори суд органлари аъзоларини мансаб билан боғлиқ

жиноятларда айблаш бўйича иш қўзғатади, "Матбуот эркинлиги тўғрисида"ги Қонуннинг бажарилишини назорат қилади ҳамда бошқа баъзи, хусусан, адвокатлар бўйича назорат ишларини бажаради. 1809 йилги конституциявий ислохотлар давридан буён адлия омбудсмани - мансабдор шахслар ва давлат муассасалари томонидан одил судловнинг амалга оширилишини ҳамда қонунларга риоя этилишини назорат қилувчи Риксдаг вакили лавозими ҳам мавжуд. 1970-1990 йилларда Швецияда ижтимоий ҳаётнинг қатор махсус соҳаларида - этник тенг ҳуқуқлилик бўйича (1986 йилдан), жинслар тенг ҳуқуқчилиги бўйича (1980 йилдан), истеъмолчилар ҳуқуқлари бўйича (1971 йилдан), болалар ҳуқуқлари бўйича (1993 йилдан) ва ногиронлар ҳуқуқлари бўйича (1994 йилдан) беш омбудсман лавозими таъсис этилган. Улар тажрибали юристлар орасидан тўрт йил муддатга сайланадилар. Фуқаролар манфаатларини ҳимоялаш лозим бўлган омбудсманлар уларнинг ҳуқуқлари бузилгани тўғрисидаги шикоятларни қабул қиладилар, бироқ ҳокимиятнинг ноқонуний қарорлари ва фармойишларини бекор қилиш тўғрисида фақат тавсия беришлари мумкин, холос. Улар ҳар йили парламентга ҳисоб берадилар.

Жиноят ишларини полиция, энг жиддийларини эса, прокуратура тергов қилади. Судда айбловни давлат қораловчиси (прокурор) қувватлайди. У, гап ҳатто жиддий жиноят устида кетаётган бўлса ҳам, суд таъқибидан воз кечишга ёки ишни судга ошириш ўрнига айбланувчига ўзини айбдор деб тан олиб, қонунда назарда тутилган жаримани тўлашни таклиф қилишга ҳақли. Полиция ҳам жиноят ишини, шу жумладан, жарима тўлатиш орқали тўхтатиш ҳуқуқига эга. Қуйи инстанция судларида жиноят ишлари бўйича айбловни, шикоят судларида - пен прокурорлари, Олий судда - бош прокурор қувватлайди (у Олий суд ҳузурида мавжуд бўлади, бироқ барча даражадаги прокурорлар ҳамда уларнинг ёрдамчилари фаолияти устидан умумий назоратни амалга оширади).

Фуқаролик жараёнида томонлар манфаатларини, жиноят процессида айбланувчи ва жабрланувчи манфаатларини адвокатлар ҳимоя қилиши мумкин. Швеция адвокатлар уюшмасининг ушбу ташкилотга беш йиллик юридик иш амалиётидан кейин ҳамда тегишли имтиҳонларни топширгач қабул қилинган аъзоларигина судда адвокатлик қилиши мумкин. Швеция аҳолисининг кўпчилиги текин ёки қисман ҳақ тўланадиган юридик ёрдам, шу жумладан, жиноят иши бўйича давлат ҳимоячисидан ёрдам олиш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, уларнинг кўпчилиги суд ишлари бўйича бўладиган сарф-харажатлар жиҳатидан суғурталанган бўлади.

Дания Қироллиги ҳуқуқий тизими

Дания тузилиш жиҳатидан унитар давлат ҳисобланади. Мамлакат ҳудуди 41 маъмурий бирликлар - амтларга бўлинган. Ҳар бир амтга қирол томонидан тайинланадиган амтманн бошчилик қилади.

Дания бошқарув шаклига кўра конституциявий-парламент монархияси бўлиб, Қирол давлат бошлиғи ҳисобланади. 1953 йил 27 мартдаги "Валиаҳдлик тўғрисида"ги Қонунга биноан, қироллик ҳокимияти эр ёки хотин томон бўйича ворислик сифатида ўтади. 1953 йил 5 июнда қабул қилинган Конституция Қиролнинг давлатни бошқаришдаги олий ҳокимиятини мустаҳкамлади. Қирол ҳукумат аъзолари ва олий мансабдор шахсларни тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади, парламент сессияларини очади, парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга. У қонунларни тасдиқлайди, парламентлар сессиялари оралиғида ўзи вақтинчалик характерга эга бўлган қонун ҳужжатларини чиқаради. Қирол олий бош қўмондон ҳисобланади, ташқи сиёсат масалаларини ҳал қилади, бироқ парламентнинг розилигисиз қирол халқаро шартномани бекор қилиш, бошқа хорижий мамлакатга қарши куч ишлатиш каби масалаларни ҳал қилолмайди. Қирол афв этиш ва кечириш ҳуқуқига эга. Қиролнинг барча ҳужжатлари Бош вазирнинг ёки ўзлари жавобгар бўлган вазирларнинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим. Қирол ўзининг хатти-ҳаракатлари учун жавобгар эмас.

Дания парламенти - Фолькетинг Қирол билан биргаликда қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Бу бир палатали, 179 нафар депутатдан иборат орган бўлиб, уларнинг 175 нафари бевосита Дания вакиллари ҳамда икки нафардан Фарер ороллари ва Гренландия вакиллари билан иборатдир. Депутатлар тўғридан-тўғри сайлаш тизими асосида тўрт йил муддатга сайланадилар. Сайлов ислохотлари сайлаш ҳуқуқига эга бўлиш ёшини 20 дан 18 гача қисқартирган. Сессия парламент ишига раҳбарлик қилувчи ҳайъат, унинг доимий ва вақтинчалик комиссияларини сайлаш билан очилади. Фолькетинг мажлислари очиқ тарзда ўтказилади, бироқ ҳайъат раисининг ёки депутатларнинг талабига кўра мажлислар ёпиқ тарзда ўтказилиши ҳам мумкин.

Парламент кенг ваколатларга эга бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: молиявий характердаги масалаларни ҳал қилади (унинг рухсати билан солиқлар жорий этилади, давлат қарзлари тўғрисидаги битимлар тузилади), ҳукумат фаолиятини назорат қилади, ташқи сиёсий муаммолар билан шуғулланади, қиролли кучларни шакллантиради. Қонун лойиҳалари Фолькетингда уч ўқишда (одатда улар ҳукумат ёки депутатлар муҳокамасига киритилади) кўриб чиқилади. Парламент сессиялари тугагунга қадар муҳокама қилинмаган қонун лойиҳалари рад этилган, деб ҳисобланади. Қабул

қилинган қонун лойиҳалари қирол томонидан ёки (агар буни депутатларнинг камида учдан бир қисми талаб қилса) референдум орқали маъқулланиши лозим. Конституцияга ўзгартишлар референдум орқали амалга оширилади.

Ҳукумат – Вазирлар Кенгаши давлатни бошқариш бўйича кенг ваколатларга эга бўлиб, амалда қирол вазифаларининг аксариятини амалга оширади. Ҳукумат таркибига Бош вазир ва вазирлар киради. Конституцияга биноан, ҳукумат аъзолари Қирол томонидан тайинлансада, амалда Бош вазир парламентдаги кўпчилик овозга эга бўлган партиянинг етакчиси бўлади ва у ҳукуматни ўзи шакллантиради.

Вазирлар Кенгаши қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ваколатларга эгадир. У қонун лойиҳаларини ишлаб чиқади, ҳамда парламентдаги кўпчилик овозидан фойдаланиб уларни парламент орқали ўтказади. Сессиялар оралиғида, Конституцияда таъкидланганидек, Вазирлар Кенгаши "фавқулодда" ҳолатларда мустақил равишда вақтинчалик қонунлар қабул қилиши мумкин. Ушбу қонунлар кейинчалик Фолькетинг томонидан маъқулланиши лозим бўлади.

Ҳукумат парламентга нисбатан муайян ҳуқуқларга, яъни Фолькетинг мажлисларида вазирлар қатнашиши ва сўзга чиқиши, Бош вазир парламент раисидан фавқулодда сессия мажлисини чақириш ва кун тартибини белгилашни талаб қилиши ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқларга эгадир.

Конституцияга мувофиқ агар парламент унга ишончсизлик вотумини билдирса, ҳукуматнинг бутун таркиби ёки айрим вазир истеъфога чиқиши лозим бўлади. Агар ишончсизлик вотуми Бош вазирга нисбатан билдирилса, у бутун ҳукумат таркибининг истеъфоси тўғрисидаги тақдимнома билан чиқиши лозим. Вазирга нисбатан унинг хизмат вазифалари юзасидан айблов фақатгина парламент томонидан билдирилиши мумкин. Ушбу айблов махсус суд (Ригсрегген) томонидан кўриб чиқилади, ушбу суд Олий суд аъзолари ва депутатлар аъзолари бўлмаганлар орасидан парламент томонидан танлаб олинган шахслардан иборат бўлади.

Даниянинг ҳуқуқий тизимига умумий тавсиф. Даниянинг ҳуқуқий тизими скандинав (баъзан шимолий деб аталадиган) ҳуқуқ оиласига тааллуқли бўлиб, у роман-герман ҳамда англо-саксон ҳуқуқий тизимларининг баъзи қирраларини ўзида мужассам этган.

Мамлакат ҳуқуқи тарихида энг муҳим ҳужжатлардан бири, бу шу пайтгача амал қилиб келган қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш йўли билан (мазкур ҳужжатни қабул қилиниши би-лан барчаси бекор қилинган) қабул қилинган "Даниянинг Христиан V қонуни" (1683 й.)дир. У 6 та китобдан иборат бўлиб, ҳуқуқнинг турли соҳаларига тааллуқли бўлган қонунлар мажмуасидан иборат. Сўнгги китобга кирган жиноят қонунлари батафсилроқ баён қилинган. "Даниянинг Христиан V қонуни" расман бекор қилинмаган, бироқ ҳозирги пайтга келиб, унинг

фақат иккинчи даражали қоидалари амал қилмоқда. 1849 йилдан бошлаб, абсолют монархия бекор қилинганидан кейин қонунчиликни ислоҳ қилиш жараёни бошланган (масалан, 1866 йилда Жиноят кодекси қабул қилинди) ва шу асосда Даниянинг амалдаги ҳуқуқий тизими шаклланган.

Шу ўринда, XIX асрнинг сўнги ўн йиллигидан бошлаб Дания ҳуқуқ тизимининг Скандинавия мамлакатларининг ҳуқуқига яқинлашиш жараёнини кузатишимиз мумкин. Ушбу мамлакатлар ҳуқуқшуносларининг қўшма комиссиялари ишлаб чиққан таклифлар асосида бир қатор ўхшаш қонунлар, энг аввало, савдо ҳамда оила ва меросхўрлик ҳуқуқи соҳаларида қабул қилинган.

Скандинавия ҳуқуқий оиласига мансуб бўлган барча мамлакатлардаги каби Данияда ҳам ҳуқуқнинг асосий манбаи қонун ҳужжатлари ҳисобланади, бироқ Дания ҳуқуқининг фақат айрим соҳалари кодификацияланган. Масалан, 1916 йилги "Одил судлов тўғрисида"ги Қонун (1963 йилги таҳрирдан кейинги ўзгартишлар билан) суд тузилиши, жиноят ва фуқаролик процесси суд қарорлари ва ҳукмларини назорат қилиш масалаларини тартибга солиб туради.

Дания (умуман Скандинавия) ҳуқуқининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, қонун ҳужжатлари билан бир қаторда, суд прецедентлари ҳам ҳуқуқ манбаси сифатида катта рол ўйнайди. Айрим ҳуқуқий муносабатлар фақат суд прецедент ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади. Шу билан бирга, аксарият қонунларнинг қоидалари суд кўриши учун кенг имкониятлар яратади. Данияда суд прецедентларини қўллаш, инглиз ҳуқуқи сингари ўта қатъий ва бажарилиши зарур бўлган қоидалар билан тартибга солинмайди. Судлар юқори судларнинг, биринчи навбатда, Олий суд томонидан қабул қилинган қарорларга риоя этишлари талаб этилади. Данияда ҳуқуқнинг манбаи сифатида урф-одатлар, энг аввало, денгиз ва савдо билан боғлиқ бўлган одатлар катта рол ўйнайди.

Гренландия автоном ҳудудида амал қилиб келаётган ҳуқуқ Даниядаги ҳуқуқдан тубдан фарқ қилади. Хусусан, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида Дания қонунлари билан бирга, маҳаллий одат ҳуқуқи ўз кучини сақлаб қолган. Бир қатор қонун ҳужжатлари Гренландия учун махсус чиқарилган: Фуқаролик-процессуал кодекс, "Меросхўрлик тўғрисида"ги Қонун, "Болаларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида"ги Қонун ва бошқалар. 1954 йилда Гренландиянинг маҳаллий шароитларига мослаб Жиноят кодекси ҳам тузилган.

Данияда ҳуқуқ соҳасидаги илмий тадқиқотлар асосан Копенгаген университетининг ҳуқуқшунослик ва сиёсий фанлар факультети ҳамда Орхус университетининг иқтисодиёт ва ҳуқуқ факультетида олиб боришмоқда.

Фуқаролик ҳуқуқи ва ҳуқуқнинг унга яқин соҳалари. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар, шунингдек, савдо айланмаси соҳаси асосан прецедент ҳуқуқи нормалари билан тартибга солиб турилади.

Бироқ, бу борада қатор муҳим қонунчилик ҳужжатлари ҳам мавжуд. Кўчмас мулкка доир мулк ҳуқуқи соҳасида "Мажбуриятлар ҳуқуқи ва савдо муносабатлари соҳасида товарларнинг олди-сотдиси тўғрисида"ги Қонун (1906 й.), "Суғурта тўғрисида" (1930 й.), "Савдо тўғрисида"ги (1966 й.) қонунлар. Ўз навбатида, ушбу ҳужжатларда ҳам прецедент ҳуқуқининг таъсири намоён бўлади (хусусан, уларда баъзан шартномалар шаклига етарли эътибор берилмайди). Фуқаролик ҳуқуқбузарликлари соҳасида қонун ҳужжатлари мавжуд эмас, бу ерда айб принципларига асосланган прецедент ҳуқуқ нормалари бевосита амал қилади ва фақат ўзга шахсларнинг хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликни назарда тутган ҳоллардагина амал қилади. Оила ва меросхўрлик ҳуқуқи соҳасида бошқа Скандинавия мамлакатлари билан маслаҳатлашувдан сўнг вақти-вақти билан қайта кўриб чиқиладиган "Никоҳ ва никоҳдан ажратиш тўғрисида"ги (1960 йил), "Фарзандликка олиш тўғрисида"ги (1956 й.) ва бошқа қонунлар амал қилиб келмоқда.

Меҳнат муносабатлари одатда жамоа шартномалари орқали тартибга солиб турилади. Ушбу шартномалар ходимларнинг вакиллари (касаба уюшмалари) ва тадбиркорлар бирлашмалари ўртасида умуммиллий ёки тармоқ даражасида, ёхуд корхонада ходимлар билан корхона эгалари ўртасида тузилади. Дунёда энг ривожланган ижтимоий таъминот тизими эса бевосита ёки билвосита солиқлар (жумладан, айрим товарнинг нархига қўшимча нарх қўйиш) йўли билан ҳамда тадбиркорларнинг бадаллари ва бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштирилади. Ушбу тизим ўз ичига барча муҳтож бўлганларга тўланадиган қарилик пенсияларини, ишсизлик ва ногиронлик бўйича нафақаларни, уй-жой ва болалар тарбияси учун харажатлар компенсацияси, бепул тиббий ёрдам ва бошқаларни олади.

Данияда атроф-муҳит муҳофазасига жиддий эътибор берилади. 1985 йилги "Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун ўсимлик, ҳайвонот дунёси ҳамда ўсимлик ва ҳайвонларни яшаш муҳитини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Айрим масалалар "Ов қоидалари тўғрисида"ги, "Балиқ овлаш тўғрисида"ги, "Ўрмонлар тўғрисида"ги Қонунлар, "Фойдали қазилмаларни ишлаб чиқариш", "Сув билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунлар ёки табиатни муҳофаза қилиш вазирлигининг йўриқномалари билан тартибга солиб турилади.

Жиноят ҳуқуқи. 1930 йилда ЖК қабул қилиниши XX асрнинг биринчи ярмида жиноят қонунчилигида энг ёрқин воқеалардан бири бўлди. Унда жиноят ҳуқуқининг неоклассик ва социологик мактаблари концепцияларини уйғунлаштиришга ҳаракат қилинган. 1930 йилги ЖКда судьялар ихтиёрига кенг ваколатлар берилган. Ушбу кодексда жазо чоралари билан бир қаторда, ишлаш уйига жойлаштириш ва ҳуқуқбузарларнинг баъзи тоифалари учун бошқа хавфсизлик чоралари

ҳам назарда тутилган эди. Мазкур Кодексда мажбурий кастрация қилиш ҳам назарда тутилган, аммо бу жазо амалда қўлланилмаган. Данияда ўлим жазоси 1978 йилда қонунчилик тартибида бекор қилинган бўлиб, унгача эса амалда 1950 йилдан бери нацистлар ва коллаборационистлар қатл қилинганидан сўнг қўлланилмаган. Автоном ҳудуд бўлган Гренландияда амал қиладиган жиноят ҳуқуқи ўзига хос хусусиятларга эга. Юқорида таъкидланганидек, 1954 йилда Гренландия маҳаллий шароитларига мослаб ЖК қабул қилинган. Ушбу Кодекс қабул қилингунга қадар бу ерда умуман ёзилган жиноят қонунлари мавжуд бўлмаган, фақат оғзаки афсоналарга асосланган урф-одатлар қўлланилган. Гренландияда ҳеч қачон қамоқхоналар бўлмаган, аҳолининг кам сонли бўлгани ҳамда оғир табиий шарт-шароитлар 1954 йилги ЖК ўзига хос хусусиятларини тақозо этди. 1930 йилги Дания ЖК асосида яратилган Гренландия учун Жиноят кодекси ҳажми жиҳатидан ҳам ундан фарқ қилади: у Дания ЖКдан 4 марта кичик. Ушбу ЖКда "жиноятнинг асосий ҳуқуқий оқибатлари" сифатида озодликдан маҳрум этмаган ҳолда мажбурий ишга жалб этиш ҳамда муайян жойда яшашни тақиқлаш назарда тутилган.

Суд тизими. Суд тизимининг юқори бўғини Олий суд (Копенгаген шаҳрида жойлашган) бўлиб, у 1661 йилда таъсис этилган. Унинг таркибига раис бошчилигида 15 нафар судья киради. Мазкур суд камида беш судья таркибига иккита коллегиянинг бирида қуйи судларнинг қарорлари устидан тушган шикоятларни кўриб чиқади. Айрим ҳолларда Олий суд пленуми чақирилиши мумкин.

Шарқий ва Ғарбий ерларнинг, яъни Дания ороллари (Копенгагендаги) ва Ютландия ярим ороли (Вибергдаги) иккита суд апелляция инстанцияси сифатида ҳамда жазонинг оғирлиги ёки даъво суммаси бўйича қуйи судларнинг юрисдикциясига тушмайдиган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича биринчи инстанция судлари сифатида фаолият кўрсатадилар. Улар саккиз йил озодликдан маҳрум этиш ёки оғирроқ жазо эҳтимоли бўлган жиноятлар юзасидан ишларни кўриб чиқадиладар. Мазкур судларда 20 та коллегия бўлиб (тегишинча 13 та ва 7 та, уларнинг ҳар бирида уч нафардан судья мавжуд), улар навбатма-навбат фуқаролик, жиноят ишларини ҳам биринчи инстанция, ҳам иккинчи инстанция бўйича кўриб чиқадиладар. Бунда жиноят ишларини биринчи инстанция бўйича кўриб чиқиш 12 нафар қасамёд қилганлар иштирокида ўтказилиб, улар айбдорлик ҳақида хулоса чиқарибгина қолмай, балки судьялар билан бирга жазони ҳам белгилайдилар.

Қуйи судлар 84 та суд округларининг ҳар бирида мавжуд. Фуқаролик ишларини судьялар якка ўзлари кўрсалар, жиноят ишларини икки нафар қасамёд қилган - шеффенлар иштирокида кўриб чиқадиладар. Бироқ, кам аҳамиятли жиноятлар, шунингдек, судланувчи ўзининг айбига иқрор бўлган ва бошқа суд тартибини талаб қилмаган ишлар судьялар томонидан якка тартибда кўрилади. Айбдор

судлангунга қадар, жарима тўлаши, шунингдек, суд муҳокамаси ва ҳукм чиқариш тартибини истисно этиш амалиёти кенг тарқалган. Суд тизимида Копенгаген шаҳрида ўз мажлисини ўтказадиган Денгиз ва савдо ишлари бўйича судга муҳим ўрин ажратилган. Мазкур судда ишлар бир нафар профессионал судья ҳамда икки ёки тўрт нафар қасамёд қилганлар иштирокида кўрилади. Кўрилаётган соҳа бўйича тегишли тажрибага эга мутахассислардан иборат бўлган мазкур суд нафақат фуқаролик низоларини, балки денгиздаги воқеалар билан боғлиқ бўлган жиноят ишларини ҳам кўради. Юқоридагилар билан бирга, меҳнат низоларини, банкротлик ишларини ва бошқа ишларни кўрадиган судлар ҳам ташкил этилган.

Суд ишларини кўриб чиқиш тартиби, аynиқса қуйи судларда, кўплаб расмийликларга риоя қилиш, исботларни тақдим этишда чеклашлар ёки уларга баҳо беришнинг қатъий қоидалари билан боғланган эмас. Дания судлари томонидан чиқарилган ҳукмлар устидан одатда бир марта шикоят қилиш мумкин. Бунда юқори инстанцияда иш қайтадан кўрилади. Фақат айрим ҳолларда адлия вазирининг рухсати билан Олий суд иккинчи инстанция суди томонидан кўрилган иш устидан қуйи суд чиқарган ҳукм ёки қарор устидан шикоят тўғрисидаги ишни ўз юритувига қабул қилиши мумкин.

Данияда маъмурий адлия тизими мавжуд эмас, аммо маъмурий органлар хатти-ҳаракатлари устидан умумий судларга, ҳатто Олий судгача шикоят қилиш мумкин. 1953 йилги Конституцияга биноан, жорий этилган омбудсман хизмати вазифалари Скандинавиянинг ўзга мамлакатларига қараганда бироз чеклангандир. У давлат хизматчиларининг фаолиятини назорат қилади, лекин судьяларнинг ҳаракатларига аралашмайди.

Судья лавозимига судлар, прокуратурада дипломли юрист сифатида 15-20 йил иш стажига эга бўлган шахслар Адлия вазирлигининг тақдимига биноан Қирол фармони билан тайинланадилар. Судья этиб тайинланадиган шахслар доираси анча чекланган (5,1 млн. аҳолига 280 нафар судья тўғри келади). Судьялар умрбод тайинланадилар, лекин 70 ёшида улар истеъфога чиқишлари лозим бўлади.

Прокуратура Адлия вазирлиги тизимига киради. Унга Олий судда иш кўрадиган Қироллик адвокати - Бош прокурор бошчилик қилади. Унинг ўринбосари ва 7 нафар давлат адвокатлари - маҳаллий прокурорлар унинг кўрсатмасига биноан Олий судда ҳамда Шарқий ва Ғарбий ерларнинг судларида айбловни қўллаб-қувватлайдилар. Улар жиноий таъқибдан, башарти уни мақсадга мувофиқ деб топмасалар, воз кечиш ваколатига эгадирлар. Қуйи судларда айблов вакиллари сифатида одатда "полицейстрлар" - Адлия вазирлигига бўйсунувчи полиция участкаларининг бошлиқлари (улар қарийб 75 нафар) ёки ҳар гал прокурор томонидан вакил қилиб тайинланадиган адвокатлар иш

кўрадилар. Жиноят ишларини тергов қилиш полиция томонидан амалга оширилади.

Судда фуқаролик иши тарафининг вакили ёки жиноят ишлари бўйича ҳимоячи сифатида қатнашиш ҳуқуқига фақат маълум иш стажига эга бўлган дипломли ва бир қатор бошқа талабларга жавоб берадиган юристлар эга бўлади, бу талаблар адвокат қандай суд (қуйи, шарқий ва ғарбий ерларнинг судлари ёки Олий суд) унвонини олишни хоҳлашига қараб юқори бўлиши мумкин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

“Давлат ва ҳуқуқ назарияси” кафедраси

6-МАЪРУЗА МАТНИ

**ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ
ТИЗИМЛАРИ**

Тайёрлади: доц. М.К.НАЖИМОВ, доц. Ф.П.ҲАЙИТБОЕВ

ТОШКЕНТ -2010/2011 ў/й.

6-мавзу. Лотин Америкаси мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари

Лотин Америкаси мамлакатларида ҳуқуқий тизимларнинг шаклланиши, хусусиятлари ва ҳуқуқнинг манбалари.

Аргентина Республикасининг ҳуқуқий тизими.

Бразилия давлатининг ҳуқуқий тизими.

Мавзу бўйича фойдаланиш тавсия этиладиган адабиётлар

1. Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Масъул муҳаррирлар: Ҳ. Б. Бобоев, Ҳ. Т. Одилқориев. – Т., 2000. – Б. 313.
2. *Давид Р., Жоффре-Спинози К.* Основные правовые системы современности. – М.: Междунар. отношения, 1996. – 400 с.
3. *Ермолович В. И., Шелкопляс В. А.* Правовые системы: история и современность: Материалы межвузовской научно-практической конференции. – Минск, 5–6 января 2001 г. – Мн.: БГЭУ, 2001. – 176 с.
4. Жаҳон мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари: Қомусий луғат / Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2006. –720 б.
5. *Марченко М. Н.* Правовые системы современного мира. – М: Зерцало, 2001. – 400 с.
6. Правовые системы стран мира: Энциклопедический справочник / Отв. ред. А. Я. Сухарев. – М.: Норма, 2003. – 976 с.
7. *Саидов А. Х.* Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари -Т., 2004.-434б.
8. *Синюков В. Н.* Правовые системы и правовые семьи // Теория государства и права: Курс лекций / Под ред. Н. М. Матузова и А. В. Малько. – М., 1999. – С. 17–19.
9. Hayitboev F.P., Najimov M.K. Hozirgi zamon asosiy huquqiy tizimlari / Mas'ul muharrir: yu.f.d., prof. Z.M.Islomov. O`quv qo`llanma – Т.:TDYuI, 2010. -246 b.
10. International Encyclopedia of Comparative Law. Vol. I. National Reports. A–Z. – Tubingen, New–York, 1972–1987.

Лотин Америкаси мамлакатларида ҳуқуқий тизимларнинг шаклланиши, хусусиятлари ва ҳуқуқнинг манбалари

Лотин Америкаси мамлакатлари узоқ вақтлар давомида Испания ва Португалиянинг қарамлигида остида бўлиб, расман XIX асрнинг бошларида мустақил бўлишган ва ушбу ҳолат мазкур мамлакатларнинг ҳуқуқий тизимларини шаклланишига катта таъсир этган. Лотин Америкаси мамлакатларининг юридик жиҳатдан мустақил бўлган узун тарихий тараққиётга эга эканлиги фактининг ўзи уларни иккинчи жаҳон урушидан сўнг мустақиллигини қўлга киритган афроосиё мамлакатларидан ажратиб туради.

Лотин Америкаси мамлакатлари ҳуқуқий тизимига таъсир этадиган асосий омиллардан бири бу ушбу регион мамлакатлари жамиятлари ижтимоий тузилишининг хилма-хиллиги ва тўла шаклланмаганлигидадир.

Ушбу мамлакатлар ҳуқуқий тизимлари ривожланишига бевосита таъсир кўрсатадиган асосий омил сифатида узоқ вақтлар давомида сиёсий ҳаётда иштирок этадиган барқарор анъаналарга эга бўлган армияни кўрсатиб ўтиш мумкин. Лотин Америкаси мамлакатларининг айнан армияни миллий ғояларни элтувчи ҳамда умумий манфаатларни ифода этувчи куч сифатида қарайдиган концепцияси, бевосита ушбу мамлакатларнинг милитаризм ва каудилизм анъаналари билан боғлиқдир.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, Лотин Америкаси мамлакатларининг ҳуқуқий тизимининг ривожланишига тарихан католик черкови таъсир этиб келган. Давлат билан католик черковининг ўртасида ўзаро муносабатларнинг ягона тизими мавжуд эмас ва бунда келиб чиқиб, мазкур мамлакатларни қуйидагича турларга ажратиш мақсадга мувофиқ:

- черков билан оммавий давлат ҳокимият ўртасида расмий иттифоқ мавжуд бўлган мамлакатлар;

- черков фаолиятини махсус қонунлар билан тартибга солиб турувчи мамлакатлар;

- черков оммавий давлат ҳокимиятидан “мустақил мамлакатда мустақил черков” тамойилига асосланиб ажралган мамлакатлар.

Юқоридагилар билан бирга, лотин Америкаси мамлакатлари ҳуқуқий тизими ривожланишининг ўзига хос хусусиятларидан бири бу ушбу мамлакатлар конституцияларининг ўзгариши, конституциявий қонунчиликнинг перманент ҳолда янгиланиб бориши ва буларнинг натижасида асосий қонуннинг стабил эмаслигидир.

Юридик мустақилликни қўлга киритишлари биланоқ қабул қилинган илк лотин Америкаси конституциялари мазкур мамлакатларга бегона бўлган сиёсий тажриба, ҳаёт тарзи ва анъаналарга, ўзлаштирилган тамойилларга асосланган эди. Мазкур конституциялар ўз давридан бир қанча олдинда бўлиб, уларда

ҳаққоний вазият ва реал сиёсий кучларнинг жойлашишига жавоб бермайдиган келажак учун мўлжалланган маълум бир дастурий йўналишлар мавжуд эди.

Лотин Америкаси мамлакатлари конституцияларининг умумий табиатига бевосита ёки билвосита АҚШнинг 1787 йилги Конституциясининг тамойил ва қоидалари таъсир этган. Хусусан, уларда халқ суверенитети, конституциянинг устуворлиги, фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги, сайлаб қўйишлик, олий мансабдор шахсларнинг вақти-вақти билан алмашиб туришлари ва уларнинг жавобгарлиги тамойиллари ҳамда ақсик шаклдаги ҳокимиятларнинг бўлиниш тамойили каби асосий конституциявий тамойиллар мустаҳкамланган.

Лотин Америкаси мамлакатларининг конституциялари, айниқса охириги пайтлар қабул қилинганлари, ҳажм жиҳатдан анча катта бўлиб, уларнинг матни ўз ичига юридик техниканинг, процессуал нормалар кўпгина деталларини қамраб олади.

Барча лотин Америкаси конституцияларида асосий қонуннинг матнига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишнинг махсус тартиби мустаҳкамланган. Ўзгартириш тартибининг табиатига кўра лотин америкаси конституциялари “қаттиқ” тусдаги қонунчилик ҳужжатлари туркумига кириб, уларнинг ўзгартирилиши учун қонунчилик органининг махсус кўпчилик қисмининг қарори ёки махсус конституциявий мажлисининг тўпланиши лозим бўлади.

Марказий ва Жанубий Америка ҳудудининг Европа давлатларининг мустамлакасига айланиши роман-герман ҳуқуқининг ёйилишига олиб келган. XVI ва XX асрларда қабул қилинган кодекслаштириш француз, испан, португал ва италян кодексларининг бу ҳудудга бўлган ҳуқуқий экспансиясига кўмаклашган.

Лотин Америкаси давлатлари тарихий тақдирининг умумийлиги, ижтимоий-иқтисодий тузум ва сиёсий тузилманинг ўхшашлиги уларнинг кўпчилигида ўхшаш ҳуқуқий институтларни вужудга келтирган. Улардаги ҳуқуқий тизимларнинг ўхшашлиги ушбу ҳолат билан изоҳланади. Бу ҳолат Лотин Америкаси ҳуқуқи тўғрисида гапириш имконини беради. Албатта, бу Лотин Америкаси бир қанча мамлакатлари ҳуқуқининг умумий шаклдан жиддий равишда четга чиқишларини (масалан, Куба) истисно этмайди. Лекин шунга қарамай, бундай шаклнинг мавжуд бўлиши тўлиқ равишда ўзини оқлайди.

Ғарблик кўпчилик компаративистлар Лотин Америкаси мамлакатлари ҳуқуқини роман-герман ҳуқуқий оиласи сирасига киритишади. Бироқ Лотин Америкаси мамлакатлари ҳуқуқини ажратиб кўрсатиш талаби ҳам билдирилмоқда. Р.Давид Лотин Америкаси ҳуқуқи гарчи ўз тузилмаси ва умумий белгиларга кўра роман-олмон ҳуқуқий оиласига тегишли бўлса ҳам алоҳида хусусиятларига кўра ушбу оила доирасида алоҳида гуруҳ сифатида таснифлашга лойиқдир, деб ҳисоблайди.

Роман-олмон тизимига яқинлик энг аввало, Лотин Америкаси ҳуқуқи ўз моҳиятига кўра кодекслаштирилган ҳуқуқ эканлигида ифодаланади. Боз устига кодекслар Европа намуналари бўйича тузилган. Ўхшашликнинг бошқа белгилари ҳуқуқнинг тахминан ўхшаш тизими, ҳуқуқий норманинг абстракт хусусияти мана шундан келиб чиқади.

Давлат мустақиллиги қўлга киритилгандан кейинги замонда юз берган кодекслаштириш миллий ҳуқуқий тизимлар шаклланишига олиб келган. Агар инқилоблардан кейин Европа мамлакатларида ўтказилган қонунчиликни кодекслаштириш ўзида ушбу инқилобларни ўзига хос якутини ифодалаган бўлса, Лотин Америкаси мамлакатларида қонунчиликни кодекслаштириш, бир томондан, мустамлакачиликкача ва мустамлакачилик ҳуқуқи элементлари муросасини акс эттирган, иккинчи томондан, пировард натижада Лотин Америкаси қитъасида янги муносабатлар мустаҳкамланиши ва ривожланишига кўмаклашган восита бўлган.

Лотин Америкаси мамлакатлари кодекслаштиришнинг айнан Европа моделини қабул қилишга муайян даражада мустамлакачилик ҳуқуқи, яъни Америка қитъасига босқинчилар томонидан келтирилган испан ва португал ҳуқуқи ҳамда ўз тарихий ривожланишига кўра яқин бўлган француз ҳуқуқи хусусиятига кўра тайёрланган.

Ёш мустақил Лотин Америкаси давлатларида ягона миллий фуқаролик кодексларига эҳтиёж пайдо бўлганда француз ҳуқуқига эътибор тушган. Испания ҳуқуқи собиқ метрополия ҳуқуқи сифатида рад этилган. Бундан ташқари, у кодекслаштирилмаган эди ва варақлари эски испан оддий ҳуқуқи қўлланганлиги сабабли, бўлинган ва ҳар хил турда бўлган.

Уйғониш замонининг сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари миллий мустақилликни қўлга киритган Америка қитъаси инқилобий кучларига кўрсатган улкан таъсир француз моделини қабул қилишнинг мафкуравий асоси бўлган. Умуман олганда Лотин Америкаси мамлакатлари фуқаролик кодекси гарчи турлича даражада бўлсада Наполеон кодекси белгиларини ўзида сақлаб қолган.

Лотин Америкаси мамлакатларида кодекслаштириш давлат мустақиллиги қўлга киритилгандан кейин бошланган ва катта ривожланиш босқичини босиб ўтган. Америка қитъасидаги вазиятнинг кўплаб хусусиятлари унда ўз аксини топган. Бошқа мамлакатларда тўпланган тажриба ҳам тўлиқ ҳисобга олинган.

Чилининг 1855 йилги Фуқаролик кодекси Венесуэлалик ҳуқуқшунос Андрес Белло томонидан тайёрланган. У француз манбалари ва анъанавий Рим ҳуқуқи институтларини муваффақиятли равишда яқдил қилиб бирлаштирган. У, шунингдек испан ҳуқуқи категорияларидан фойдаланган. Жумладан “Етти китоб” қоидалари ва Савиньян ғояларидан фойдаланган.

Чили фуқаролик кодекси тузилмаси Франция Фуқаролик кодекси тузилмасига нисбатан такомиллашган бўлиб, тили ҳам ифодали бўлган. Чили Фуқаролик кодекси ундан кейин пайдо бўлган Эквадор (1860 йил) ва Колумбия (1873 йил) фуқаролик кодекслари ва кўплаб бошқа Марказий Америка давлатлари фуқаролик кодексларига намуна бўлиб хизмат қилган. У, шунингдек Лотин Америкасининг давлатлари бўлмиш Венесуэла (1862 йил) ва Уругвай (1868 йил) фуқаролик кодексларига ҳам катта таъсир кўрсатган.

Аргентинанинг 1869 йилги Фуқаролик кодексини яратувчи Кордова шаҳри университети профессори Долмасио Велес Сарсфильд кодексни мана шу иккита ҳужжат асосида тузганлигини кўрсатади. Уругвайда ҳам шундай бўлган. Парагвай Аргентина моделини рецепция қилган, Колумбия ва Эквадор эса бир мунча замонавийлаштирган ҳолда Чилининг Фуқаролик кодексини рецепция қилган. Фуқаролик ҳуқуқидан кейин ҳуқуқнинг бошқа асосий соҳаларини кодекслаштириш бошланган. Жумладан, савдо кодекслари қабул қилинган. Валес Сарсфильд 1859 йилда Аргентина Савдо кодекси қабул қилинишига кўмаклашган. У ўз ишида асосан Наполеон кодексига таянган. Бироқ у ягона манба бўлмаган. XX асрда француз ҳуқуқи таъсири, айниқса савдо ҳуқуқи соҳасида камайган. Масалан, Лотин Америкада қонун чиқарувчи орган бошқа манбаларга, айниқса италян, немис ва Швейцария ҳуқуқига тез-тез мурожаат қила бошлаган, айрим ҳолларда эса, масалан, ишончли мулк институти ҳақида сўз борганда инглиз-америка ҳуқуқига мурожаат қила бошлаган.

Бразилиянинг дастлабки фуқаролик кодекси мукаммал тайёргарлик кўрилганидан сўнг 1916 йилда қабул қилинди. Айниқса Гексейра де Фрейтас ва Бевилакнинг лойиҳаларини қайд этиб ўтиш зарур. Унга Франция фуқаролик кодексидан ташқари Португалия ва Италия фуқаролик кодекслари, шунингдек Олмония Фуқаролик қонунлари мажмуи, Швейцария Фуқаролик кодекси намуна бўлган. Бразилия Фуқаролик кодексининг тузилиши, айниқса унинг «Умумий қисми» Олмония таъсири катта бўлганлигидан далолат беради.

Жуғрофий жиҳатдан АҚШга яқин бўлган мамлакатлар ҳам Европа континентал ҳуқуқи моделларига интиланлиги характерлидир. Мисол тариқасида Мексикани кўрсатиш мумкин. Ушбу мамлакатда давлат мустақиллиги қўлга киритилгандан кейин шаклланган ҳуқуқий тизим роман-олмон ҳуқуқий оиласига хос бўлган ҳуқуқий ғоялар ва юридик техникани қабул қилган. Мексикада роман ананалари, шунингдек унинг дастлабки кодекслари ва XIX асрда қабул қилинган кўплаб қонунлари француз ва испан ҳуқуқи таъсирига учраганлигида ҳам намоён бўлган.

Бир қанча мамлакатларда XIX асрда қабул қилинган айрим кодекслар янгиларига алмаштирилган ёки жиддий равишда замонавийлаштирилган (1917 йилда конституция қабул қилингандан

кейин Мексикада бўлгани сингари) бошқа мамлакатлардаги кодекслаштириш эса ўз кучида қолган.

Бундаги вазият Франция ва Германиядагига ўхшашдир. Эски кодекслар нафақат қонунчилик кўринишидаги, балки қонунга тенглаштирилган катта миқдордаги меъёрий манбаларни ўз ичига олиши маълум бўлиб қолган.

Лотин Америкасида ҳавола этилган қонунчиликнинг, яъни ҳукумат ҳужжатларининг роли анча салмоқлидир. Бу биринчидан, президентлик бошқаруви, иккинчидан, ҳарбийларнинг узоқ вақт ҳукмронлик қилиши билан боғлиқдир.

Ҳуқуқ манбаи сифатида урф-одатнинг роли Лотин Америкаси ҳар хил мамлакатларида турличадир. Масалан, Аргентинада унинг таъсири кўпроқ, Уругвайда аксинча камроқдир. Бироқ умуман олганда урф-одат субсидиар (қўшимча) манбаидир. Европа қитъасида қонунда кўрсатилган ҳоллардагина ундан фойдаланилади.

Гарчи Лотин Америкаси мамлакатлари суд тизимининг тузилиши ва фаолият юргизишини АҚШдан ўзлаштириб олган бўлса ҳам кўпчилик Лотин Америкаси мамлакатларининг суд амалиёти АҚШдан фарқ қилган ҳолда ҳуқуқ манбаи сифатида қаралмаслигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Хусусий ҳуқуқ соҳасида Лотин Америкаси мамлакатларининг ҳуқуқий тизимларини икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга амалда Франция фуқаролик кодексини тўлиқ қабул қилган ва уни таржима қилиш билан кифояланганларни киритиш мумкин. Бунга Гаити (1825 йил), Боливия (1830-1875 йиллар), Доминикан Республикаси (1845-1884 йиллар) ва айрим изоҳлар билан Мексика (1870-1884, 1928-1932 йиллар) фуқаролик кодексларини киритиш мумкин. Иккинчи гуруҳни Аргентина фуқаролик кодекси сингари Франция фуқаролик кодексидан анча ўзлаштириб олганлигига қарамай, ўзида Жанубий Америка қонунчилигининг анча мустақил ва ўзига хос хусусиятларини ифодаловчи Чили Фуқаролик кодекси (1855 йил) ташкил этади.

Лотин Америкаси ҳуқуқи нимаси билан роман-герман ҳуқуқидан фарқланади? Бу ҳуқуқ аввало оммавий ҳуқуқ соҳасига тегишлидир. Агар, Лотин Америкаси мамлакатлари давлат мустақиллигини қўлга киритиб, хусусий ҳуқуқ манбаини излаб Европага назар ташланган бўлсалар, улар конституциявий намунани АҚШдан олишган. Ушбу мамлакатларнинг конституциялари америкача давлат бошқарув шакли бўлган президентлик республикасини ва бошқа конституциявий институтларни ўзлаштириб олганлар. Лотин Америкасининг ёш давлатлари учун бундан бошқа йўл йўқ эди. АҚШ Конституцияси ўша замонда ягона бўлиб амал қилаётган Конституция бўлган. Америка конституциявий намунасининг қабул қилиниши Лотин Америкаси ҳуқуқи дуализми, унда Европа ва Америка моделлари қўшилиши ҳақида гапиришга асос берган. Лотин Америкаси мамлакатлари

конституцияларининг алоҳида эътибори қонунларнинг конституциявийлиги устидан суд назорати институтига қаратилиши, унинг суд конституциявий назорати Америка модели билмайдиган тартиботлар (масалан, испан ҳуқуқидан ўзлаштирилган) билан тўлдирилиши мана шундай қўшилиш билан боғлиқдир.

Лотин Америкасида жойлашган Аргентина, Бразилия, Венесуэла, Мексика федерациялари ҳуқуқларини таърифлаганда федерация билан унинг аъзолари ўртасида ваколатлар чегараланганлигини ҳисобга олиш зарур. Асосий ваколат федерацияга тегишлидир.

Ҳуқуқшунос олимлар Лотин Америкаси мамлакатларининг сиёсий тизимини ўрганишда кўп жиҳатдан юридик шаклларни ижтимоий воқелик билан бир хил деб қарамаслик зарурлигини таъкидлашади. Барча мамлакатлар учун умумий бўлган ушбу қоидав Лотин Америкаси мамлакатлари учун айниқса эътиборли эканлиги аёндыр. Чунки ушбу мамлакатлар ҳаётида ҳарбий режимлар ва фавқулодда ҳолатлар билан боғлиқ даврилар кўп ўринни эгаллайди.

Лотин Америкаси бугунги кунда ҳорижий сиёсий-ҳуқуқий моделларга пассив эргашишдан халос бўлаётганга ўхшайди. Келиб чиқишига кўра маҳаллий, яъни миллий тусдаги давлат-ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий институтларни таъсис этиш ва уларни ривожлантириш тенденцияси кучаймоқда. Конституциялар матнлари аниқ бўлмоқда, ўзгариб бораётган ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни ҳамда жаҳонда, шу жумладан Лотин Америкасидаги сиёсий вазият мунтазам ҳисобга олинмоқда.

Лотин Америкаси мамлакатларининг минтақавий ва айна вақтда ўзаро ҳуқуқий таъсири кучаймоқда. Бразилия Лотин Америкаси ҳамдўстлигини тузиш мақсадида минтақавий интеграцияга интилмоқда.

Аргентина Республикасининг ҳуқуқий тизими

Аргентина Республикаси Жанубий Американинг жануби-шарқидаги давлат. Давлат-ҳудудий тузилишининг шаклига кўра Аргентина федератив республика бўлиб, унинг таркибига 23 та вилоят ва пойтахт автоном округи киради. 1853 йилги Конституция 1994 йил 24 августдаги таҳрирда амал қилади. Бошқарув шаклига кўра Аргентина – парламентаризм элементларига эга бўлган президентлик республикаси. Сиёсий режими – демократия.

Олий қонун чиқарувчи орган – Миллий Конгресс, у Сенат (72 аъзо) ва Депутатлар палатасидан (257 нафар) иборат. Ҳар икки йилда Депутатлар палатасининг ярми, Сенат аъзоларининг эса учдан бир қисми янгиланади. Депутатлар палатаси умуммиллий вакиллик органи бўлиб, унинг аъзолари сайловчилар сони тахминан тенг бўлган округлардан сайланади.

Солиқ ва армияга чақириш соҳасидаги қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи мутлақ депутатлар палатасига тегишлидир. Фақат Депутатлар палатасигина Президентни ва вице-президентни, Вазирлар Маҳкамаси раисини, вазирлар ва Олий суд аъзоларини ўз вазифаларини лозим даражада бажармаётганликлари ёки лавозимга оид жиноятлари, шунингдек умумий тусдаги жиноятлари учун Сенат олдида айблаши мумкин.

Сенат ҳар бир вилоятдан ва Буэнос-Айрес шаҳридан тўғридан-тўғри ва биргаликдаги шаклда уч нафардар сайланадиган сенаторлардан таркиб топади. Иккита ўрин энг кўп олган сиёсий партияга, учинчи ўрин овозларнинг сони бўйича мазкур партиядан кейинги ўринни олган сиёсий партияга тегишли бўлади¹.

Республика вице-президенти сенатининг раиси ҳисобланиб, у сенаторлар овози тенг келиб қолган тақдирдагина овоз ҳуқуқига эга бўлади. Сенат Депутатлар палатаси томонидан айбланган шахсларни очиқ мажлисда муҳокама қилиш ҳуқуқига эгадир. Агар айбланаётган шахс президент бўлса, Сенат мажлисини Олий суд Раиси олиб боради. Сенат шунингдек мамлакатга ташқаридан ҳужум қилинганда Президентга Республиканинг бир ёки бир неча жойида фавқулодда ҳолатни эълон қилиш ваколатини бериш ҳуқуқига эга.

Қонунчилик фаолиятидан ташқари, Миллий конгресс ваколатига давлат бюджетини қабул қилиш, солиқлар белгилаш, халқаро шартномаларни ратификация қилиш, давлат мулки ҳисобланган ерлардан фойдаланиш ва уларни давлат ихтиёридан чиқариш масалаларини ҳал қилиш, мамлакатнинг ички ва ташқи қарзлари тўловини тартибга солиб бориш, хорижий қўшинларни мамлакатга киритиш ва миллий қўшинларни мамлакатдан олиб чиқишга рухсат бериш, ички тартибсизликлар келиб чиққан тақдирда давлатнинг бир ёки бир неча жойларида фавқулодда ҳолат эълон қилиш ва Конгресснинг таътил вақтида ижроия ҳокимияти томонидан эълон қилинган фавқулодда ҳолатни тасдиқлаш ёки бекор қилиш киради².

Қонун лойиҳалари Конгресс ёки ижро этувчи ҳокимият аъзолари томонидан ҳар икки палатадан бирига тақдим қилиниши мумкин (Конституцияда белгиланадиган қонунлар бундан мустасно). Қонун лойиҳаси палаталарнинг бирида маъқулланганидан сўнг муҳокама қилиш учун иккинчи палатага юборилади. Ҳар икки палата томонидан маъқулланган қонун лойиҳаси ўрганиб чиқиш учун ижро этувчи ҳокимиятга тақдим этилади ва ижро этувчи ҳокимият қабул қилса, қонун сифатида эълон қилинади.

Ҳар қандай қонун лойиҳаси, агар байрам кунлари ҳисобга олмаганда, 10 кун ичида қайтарилмаса, ижро этувчи ҳокимият томонидан маъқулланган ҳисобланади. Қонун лойиҳаларининг муайян

¹ <http://ru.wikipedia.org>. - Аргентина.

² <http://net.ru/pravl.html>. - Конституция ФРА.

қисми рад этилса, қолган қисмлари маъқулланиши мумкин эмас. Бироқ, муҳокама этилмаган қисмлари алоҳида норматив тусга эга бўлса ва уларнинг маъқулланиши Конгресс томонидан тасдиқланадиган қонун лойиҳасининг руҳи ва бирлигига зиён етказмаса, улар эълон қилиниши мумкин. Бундай ҳолда зарурий ва фавқулодда фармонлар учун назарда тутилган таомил қўлланилади. Палаталар томонидан бутунлай рад этилган қонун лойиҳаси рад этилган йилнинг ўзида бўладиган сессияларда муҳокама этилиши мумкин эмас. Лойиҳа таклиф этилган палата уни таклиф этган палата томонидан киритилган қўшимча ёки ўзгартиришларни янгитдан лойиҳага киритиши мумкин эмас¹.

Ижро этувчи ҳокимият томонидан қисман ёки бутунлай рад этилган қонун лойиҳаси уни таклиф этган палатага ижро этувчи ҳокимиятнинг эътирозлари билан қайтарилади. Ушбу палата лойиҳани қайта муҳокама қилади ва овозларнинг учдан икки қисми билан тасдиқласа, уни бошқа палатага юборади. Агар иккинчи палата ҳам қонун лойиҳасини овозларнинг учдан икки қисми билан тасдиқласа, у ҳолда бу лойиҳа қонунга айланади ва ижро этувчи ҳокимиятга эълон қилиш учун юборилади.

Давлат ва ҳукумат бошлиғи Президент бўлиб, у бевосита фуқаролар томонидан тўрт йил муддатга сайланади. Унга вице-президент қўмаклашади. Президент ва вице-президент фақат иккинчи муддатга қайта сайланишлари мумкин, холос.

Республика Президенти миллатнинг Олий раҳбари ва ҳукумат бошлиғи ҳисобланади. У қонун ижроси учун зарур бўлган йўриқнома ва фармойишлар чиқаради, бунда фармойишлар қонунларнинг маъно-мазмунига путур етказмаслигига эътибор бериб боради, қонунлар ишлаб чиқилишида иштирок этади, уларни тасдиқлайди ва эълон қилади. Президент ҳар йили Конгресс сессияси ишини очади ва бунда Конгрессга давлатдаги вазият ҳақида ҳисобот беради ва зарурий деб ҳисоблаган ислоҳот ва тадбирлар юзасидан ўз таклифларини баён этади.

Ташқи алоқалар соҳасида Президент Сенат розилиги билан дипломатик вакилларни тайинлайди ва уларни чақириб олади, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан нормал муносабатларни таъминлаш учун шартномалар, конкордатлар тузади ва уларни имзолайди, музокаралар олиб боради; хорижий давлат элчиларини қабул қилади ва хорижий элчиларни ўз вазифасига киришига рухсат беради².

Президент давлат қуролли кучларининг Олий бош қўмондони ҳисобланади. Ташқи ва ички хавфсизлик соҳасида (Сенатнинг розилиги билан, уруш майдонида эса ўзи мустақил равишда)

¹ <http://net.ru/pravl.html>. - Конституция ФРА.

² <http://net.ru/pravl.html>. - Правовые системы стран мира: Энциклопедический справочник. Федеративная Республика Аргентина.

давлатнинг ҳарбий лавозимларига тайинловни амалга оширади; давлат эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда қуроли кучларга раҳбарлик қилади, уларни ташкил этиш ҳамда тақсимлашни таъминлайди; уруш ҳолатини эълон қилади, Конгресснинг рухсати ва тасдиғи асосида, капер патентлари ҳамда репрессалия учун ҳуқуқлар беради; ташқаридан ҳужум бўлганида давлатнинг бир ёки бир неча жойида фавқулодда ҳолат (Сенатнинг розилиги билан чекланган муддатга) эълон қилади¹.

Президент ваколатига шунингдек, афв этиш, Вазирлар Маҳкамасининг раисини, вазирларни, ўз котибиятининг мансабдор шахсларини, консуллик агентлари ва маъмуриятнинг бошқа мансабдор шахсларини, агар Конституцияда лавозимга тайинлашнинг ўзгача тартиби назарда тутилмаган бўлса, тайинлаш ва вазифасидан озод этиш; Олий суд аъзоларини (Сенат розилиги билан), шунингдек бошқа федерал судларнинг судьяларини (Судьялар Кенгаши томонидан таклиф этилган уч номзод орасидан Сенатнинг розилиги билан) тайинлайди.

Президент керакли маълумотларни Вазирлар Маҳкамасининг раиси ҳамда барча идоралар ва департаментлар раҳбарларидан талаб қилиб олиши мумкин.

Ижро этувчи ҳокимият Президент ва ҳукумат томонидан амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамаси раиси ҳамда сони ва ваколатлари доираси махсус қонун билан белгилаб қўйилган бошқа вазир-котиблар миллат ишларини ўз имзолари билан тасдиқлайдилар, (бу имзоларсиз ушбу ҳужжатлар кучга эга бўлмайди).²

Вазирлар Маҳкамасининг раиси мамлакатнинг умумий бошқарувини амалга оширади; ҳукумат хизматчиларини тайинлайди (Президент тайинлайдиганларидан бошқаларини), Президент унга юклаган вазифа ва мажбуриятларни бажаради, Вазирлар Маҳкамаси мажлисларини мувофиқлаштиради, уларни ташкил этади ва чақиради ҳамда ушбу мажлисларда Президент иштирок этмаган пайтларда раислик қилади; Конгрессга вазирликлар ва давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаларини юборади; давлат солиқларини йиғиб олинишини ташкил этади ва Давлат бюджети тўғрисидаги Қонуннинг бажарилишини таъминлайди³.

Вазирлар Маҳкамасининг раиси ҳукумат фаолияти ҳақида ахборот бериш учун Конгресс мажлисларида ҳар ойда камида бир марта ҳар бир палатада галма-галдан иштирок этиши лозим. У ҳар икки палата аъзоларининг кўпчилиги овози билан лавозимдан озод этилиши мумкин.

¹ <http://net.ru/pravl.html>. - Правовые системы стран мира: Энциклопедический справочник. Федеративная Республика Аргентина.

² <http://net.ru/pravl.html>. - Конституция ФРА.

³ Ўша жойда.

Аргентина суд тизими федерал ва вилоят судларидан ташкил топган. Федерал судлар Олий судлов судлари, 17 та апелляция суди, округ ва жойлардаги ҳудудий судлардан иборат. Федерал судлар тизими намунаси асосида тузилган вилоят судлари тизимлари олий, апелляция ва қуйи судларин ўз ичига олади.

Федерал Олий суд Сенат розилиги билан Президент томонидан сайланадиган тўққиз нафар судъядан иборат. Бошқа федерал судлар ҳам шу тартибда тайинланади. Олий ва қуйи судларнинг судъялари намунали фаолият юритсалар ўз лавозимларини сақлаб қоладилар. Судъя 75 ёшга тўлганидан сўнг янги тартибга биноан(5 йил муддатга) тайинланади¹.

Олий суд судлов ишларини апелляция тартибда амалга оширади(Конституцияда назарда тутилган ҳолатлардан ташқари). Судъяларни сайлаш ва суд ҳокимиятини бошқариш вазифаларини адо этиш билан Судъялар кенгаши шуғулланади. Кенгаш вақти-вақти билан тузилиб туради. Унда умумхалқ сайловларида сайланган сиёсий органлар вакиллари ўртасида, барча инстанция судлари ва федерал рўйхатдаги адвокатлар ўртасида ҳам тенглик сақланиши лозим. Унинг таркибига академик ва илмий жамоатчилик вакиллари қонунда назарда тутилган миқдорда киритилади.

Судъялар кенгаши: қуйи инстанция магистратурасига даъвогарларни ошкора танлов орқали танлаб олиш; қуйи инстанция судларига судъя этиб тайинланадиган уч нафар номзод бўйича фикр билдириш; ресурсларни бошқариш ва одил судловни амалга ошириш учун қонун билан белгиланадиган бюджетни бажариш; судъяларга нисбатан интизомий чораларни қўллаш, тегишли айбловни белгиланган ҳолда судъяларни лавозимидан четлаштириш юзасидан бўладиган жараёни бошлаш масаласини ҳал этиш ҳуқуқига эга.

Аргентинада махсус конституциявий назорат органи мавжуд эмас, бундай вазифани биринчи даражадаги умумий судлов ишларини олиб боровчи судъялар бажарадилар. Олий суд исталган қонун ҳужжатини Конституцияга зид деб топиши мумкин.

Прокуратура функционал ва молиявий жиҳатдан автоном бўлган мустақил орган ҳисобланади. Аргентина Конституциясининг 86-моддасида омбудсман лавозимига ўхшаш лавозим назарда тутилган.

Халқ ҳимоячиси – мамлакат Конгрессида ташкил этиладиган мустақил орган бўлиб, тўла-тўқис функционал автономия билан бирон-бир ҳокимиятдан йўриқнома олмай ҳаракат қилади. Унинг вазифаси инсон ҳуқуқларини ҳамда Конституция ҳимоя қиладиган бошқа ҳуқуқ, манфаат ва кафолатларини ҳимоя қилиш ва қўриқлашдан иборат. Халқ ҳимоячиси ҳар бир палата аъзолари учдан икки қисми аъзолари овози билан тайинланади ва лавозимидан озод этилади. У ўз

¹ <http://net.ru/pravl.html>. - Конституция ФРА.

лавозимида беш йил фаолият кўрсатади ва қайтадан бир марта тайинланади.

Ҳуқуқий тизим: манбалари, юридик тил ва техникаси, ҳуқуқ соҳалари. Аргентина ҳуқуқ тизими роман-герман ҳуқуқ тизимининг алоҳида лотин-америка гуруҳига мансуб. Аргентина ҳуқуқи шаклланишига собиқ метрополия – Испаниянинг ҳуқуқий маданияти бошланғич асос бўлиб хизмат қилган. Конституциявий ҳуқуқ кўп жиҳатлари бўйича АҚШ моделидан андоза олган, фуқаролик ҳуқуқига эса Франция ва Германия қонунлари сезиларли таъсир кўрсатган¹.

1537 йил испан Америкасига Испаниянинг тарихий вилояти Кастилия қонунчилиги кенг ёйилган. Ушбу қонунчилик Рим ҳуқуқи ва вестготларнинг қонунчилигини акс эттирган тўпламлардан иборат бўлган: “Фуэро Хузго”, “Фуэро реал”(1225), “Етти патрид”(1263) тўпламлари, Торо қонунлари(1505) шулар жумласига киради.

1567 йилда “Янги тўплам” деб номланган 9 томлик қонунлар тўпламини тузиш якунланган. Унинг яратилиши билан унинг таркибига кирмаган барча қонунчилик ўз кучини йўқотган. Лекин “Фуэро реал”, ва “Патридлар” каби тўпламлар қўшимча манба сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган. Амалда эса “Патридлар”дан ёрдамчи эмас, асосий манба сифатида фойдаланилган. Бундан ташқари Қирол седуллари, статутлар, ордонанслар, конституция, буйруқлар, декретлар, рескриптлар каби ҳам колониялар, ҳам метрополия томонидан яратилган махсус қонунчилик ҳам амал қилган. 1680 йилда ушбу махсус қонунларнинг расмий тарзда тизимлаштирилиши амалга оширилиб, “Индия қироллиги қонунлари тўплами”да акс эттирилди (Жанубий Америкаси туб аҳолиси ҳинду-индеецлар, қитъа ҳудудлари эса Ҳиндистон-Индия деб аталганлигини унутмаслик лозим).

Испанияда бўлгани каби колонияларда ҳам рим ва каноник(черков) ҳуқуқ доктриналарига ҳавола қилувчи суд қарорлари чиқарилган. Улар қонунчилик билан бир қаторда манба бўлиб хизмат қилган. 1813 йилда Бош таъсис Ассамблеяси феодал айбловлар ва тан жазоларини бекор қилиш, қуллардан туғилган болаларнинг озод бўлиши тўғрисида ва тан жазоларини бекор қилиш тўғрисида қонунлар чиқарган. 1853 йилда Аргентинада АҚШдагига ўхшаш президентлик республикасини ўрнатган конституция қабул қилинди².

Бўлғуси Аргентинанинг феодал ҳуқуқий тизими емирилиши минтақадаги бошқа мамлакатларда бўлгани каби испанларга қарши олиб борилган озодлик курашлари даврида бошланди. 1826 йилда Аргентина Федератив Республикаси ташкил топди. Колониал тузуми ҳуқуқини миллий ҳуқуқ билан алмаштириш кодификациялаш жараёнида рўй берди. 1859 йилда Аргентинада Савдо кодекси, 1869 йилда эса Фуқаролик кодекси (1871 йилда кучга кирган), 1886 йилда

¹ А.Х.Саидов. Ҳозирги замон асосий ҳуқуқ тизимлари. -Т., 2004. -Б434.

<http://net.ru/pravl.html>. -Правовые системы стран мира: Энциклопедический справочник. Федеративная Республика Аргентина.

умуммиллий Жиноят кодекси қабул қилинди. Шунга қарамай, суд ишларини кўришда “Янги қонунлар”, “Партидалар” ва бошқа мустамлака тузуми манбаларидан ҳатто XIX асрнинг иккинчи ярмигача фойдаланилган ҳоллар ҳам учрайди.

XIX асрнинг охирига келиб Аргентинанинг Буэнос-Айрес ва Кордова шаҳарлари Ғарбий ярим шарда ҳуқуқшунослик фанининг йирик марказларига айланди.

Бунинг натижасида Аргентинада, Лотин Америкасидаги кўпгина мамлакатларда одат бўлиб қолганидан фарқли ўлароқ, хорижий давлатлар кодекслари қандай бўлса, шундайлигича кўчириб олинмади, балки оригинал ҳужжатларни ишлаб чиқишга ҳаракат қилинди. Бундай ҳужжатларда бир вақтнинг ўзида бир неча ҳуқуқни муҳофаза қилиш тамойиллари ўзлаштирилди. Кўпгина ҳолларда Франция, Испания, Германия, Италия, Чили, Бразилия қонунлари намуна сифатида олинди.

Ўтган асрнинг 20 йилларида қатор прогрессив тадбирлар амалга оширилди: асосий демократик эркинликлар эълон қилинди, ишга доир чекланган қонун ҳужжатлари амалга киритилди, нефть конлари национализация қилинди. 1922 йилда ҳозир амалда бўлган Жиноят кодекси қабул қилинди. Президент Пероннинг ҳукмронлик даврида (1946-1955 йиллар) ижтимоий қонунлар ривож топди. Мамлакатнинг кейинги тарихи қатор ҳарбий тўнтаришлар ва хунталар даври деб эътироф этилади. 1983 йилда уларнинг сўнггиси қулаши муносабати билан фуқаролик конституциявий бошқарув ўрнатилди¹.

Роман-герман тизимига кирувчи кўпчилик мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Аргентинада суд амалиёти ҳуқуқ манбаи сифатида эътироф этилади. Мамлакат Апелляция суди қуйи судлар учун мажбурий бўлган “ялпи қарорлар” чиқаради. Бундан расман кўзланган мақсад судлар ҳуқуқий нормаларни бир хил талқин қилишига эришишдир. Апелляция суди ўзи қабул қилган кейинги қарорлари аввалги қарорларига зид келган ҳолларда қўзғатилиши мумкин бўлган “ҳуқуқни татбиқ этиб бўлмаслиги”га доир апелляцияларни кўриб чиқиш учун қабул қилади. Бундай ҳолатда суд масаланинг моҳияти бўйича қарор қабул қилмайди, балки шикоятга сабаб бўлган қарорни бекор қилиб, уни қўлланиши лозим бўлган нормани белгилаб, тегишли бўлимга қайта кўриб чиқиш учун юборади. Федерал Апелляция суди Фуқаролик бўлимининг 1958 йил 3 октябрдаги “ялпи қарор”и ушбу тартибнинг асоси ҳисобланади.

Аргентина ҳуқуқининг зарур манбаи бўлиб халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар хизмат қилади. Конституцияга биноан (75-моддаси 22-банди) халқаро шартномалар ва конкордатлар миллий қонунлардан устун туради. Бунда Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари Америка декларацияси, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Инсон

¹ Қаранг: Очерки истории Аргентины. -М., 1961.

ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенцияси ҳамда Конституцида бевосита қайд этиб ўтилган бир қатор инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатлар Конституция даражасига эга бўлиб, Конституцияда эътироф этилган ҳуқуқ ва кафолатларни тўлдирувчи нормалар сифатида талқин этилади. Уларни фақат ҳар бир палатанинг аксарият кўпчилик аъзоларининг розилиги билан денонсация қилиш мумкин. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги бошқа шартнома ва конвенциялар ҳар бир палата аъзолари умумий миқдорининг учдан икки қисми овози билан Конституция даражасини олиши мумкин¹.

Фуқаролик ҳуқуқининг асосий манбаи – Аргентинада амал қилиб келаётган Фуқаролик кодекси 1869 йилнинг 29 сентябрида қабул қилиниб, 1871 йилнинг 1 январидан кучга кирган. Унгача бўлган даврда Ла-Плата вице-қироллигининг испан қонунлари 1680 йилдаги “Ҳинду қиролликлари қонунлари” тўплами, Горо қонунлари, турли фуэро, шунингдек “Етти партия” қоидаларида белгиланган устуворликларга мутаносиб ҳолда (субсидар равишда) қўлланиб келинган².

Аргентина Фуқаролик кодекси 1869 йилда Кордова шаҳри университетининг профессори Долмасио Белес Сарсфельд томонидан ишлаб чиқилган. Профессор ўз ишида кўпроқ 1804 йилдаги Франция Фуқаролик кодекси (ФФК) га таянган, франциялик ҳамда бошқа муаллифларнинг кўплаб асарларидан фойдаланган. Масалан, қатор нормалар Обри ва Рау дарслигидан, халқаро хусусий ҳуқуқ эса Савиньи ва Стори таълимотидан тўғридан-тўғри кўчириб олинган. Шу билан бир қаторда, Сарсфельд Чили Фуқаролик кодекси, Испания қонунлари, Фрейтаснинг Бразилия кодексини тайёрлашдаги ишлари ва бошқа материаллардан кенг фойдаланган³.

Қабул қилинган Кодекс тузилиши жиҳатидан Лотин Америкаси давлатларида аввал қабул қилинган кодекслардан фарқ қилади. У иккита кириш титули:

а) қонунларнинг замон ва макондаги ҳаракати, уларни қўллаш ва ҳ.к. ларга бағишланган “Қонунлар ҳақида”ги (22-модда);

б) “Муддатларни ҳисоблаш тўғрисидаги” (7-модда) кириш қисмидан ҳамда 4 та китоб: I – Шахслар тўғрисидаги; II – Фуқаролик муносабатларидаги шахсий ҳуқуқлар ҳақидаги; III – Ашёвий ҳуқуқ ҳақидаги; IV – Ашёвий ва шахсий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳамда Фуқаролик қонунларини қўллаш ҳақидаги яқунловчи қисмдан (жами 4051-модда) иборат бўлган. Бундай тузилиш 1811 йилдаги Австрия Фуқаролик кодексига жуда ўхшаб кетади.

¹ International Encyclopedia of Comparative Law. Vol.I. National Reports. A-Z.-Tubingen, New-York, 1972-1987.

² Қаранг: Очерки истории Аргентины. -М., 1961.

³ [http:// net.ru/pravl.html](http://net.ru/pravl.html). -Правовые системы стран мира: Энциклопедический справочник. Федеративная Республика Аргентина.

Китобдан жой олган нормалар 1855 йилдаги Чили Фуқаролик кодексининг тегишли бўлими нормалари нуқтаи назаридан шакллантирилган. II китобдаги “шахсий ҳуқуқлар” атамаси мажбуриятларнинг жамлама белгиси сифатида қўлланилган; унда мажбуриятлар нормаларининг таснифи (натура, шартли, муқобил, факультатив, солидар ва ҳ.қ.), уларни тўхтатиш тартиблари, ҳуқуқий битимлар тўғрисидаги, ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар мажбуриятлар тўғрисидаги; юридик битим тўғрисидаги; шартноманинг турли шакллари ҳақидаги нормалар мавжуд. III китоб мулк ҳуқуқига эгалик қилиш ва уни қўлга киритиш ҳамда уни тўхтатиш асосларига, шунингдек ўзгаларнинг мулкига оид ҳуқуққа (узусу, узуфрукту, истиқомат қилиш ҳуқуқи, сервитут, ипотека ва анти хрезу)га бағишланган. IV китобда мерос масалаларига оид нормалар ҳамда ашёвий ва мажбуриятлар ҳуқуқи ўртасидаги зиддиятлар, муддатларнинг ўтиб кетганлиги ва уларнинг ўтиш жараёни, ўтиш қоидалари жамланган.¹

Фуқаролик кедексининг никоҳ-оила нормалари консерватив роман анъаналарига асосланган. Эр оилада бутунлай оталик ҳукмронлигига эга бўлиб, 1926 йилгача турмушга чиққан аёл қисман муомалага лаёқатсиз ҳисобланарди. Аргентина Фуқаролик кодексининг дастлабки таҳририда Франция Фуқаролик кодексида бўлгани каби никоҳнинг диндан ҳоли эканлиги ва уни ажратиш орқали бекор қилиш мумкинлиги эътироф этилмади. Бу соҳада диний ҳуқуқ ҳукмронлик қилган. 1889 йилга келиб никоҳни фуқаролик тартиби бўйича рўйхатдан ўтказиш мажбурий тарзда киритилди, ажратиш борасида эса, бу тартиб XX асрнинг ўрталаригача амал қилиб келди. 1954 йилда 14394-сонли Қонун билан никоҳни бекор қилишга рухсат берилганига қарамай, 1956 йилда бу Қонуннинг амал қилиши тўхтатилди.

Фуқаролик кодексини янгилаш мақсадида, Фуқаролик никоҳи тўғрисидаги (1888 йил), Аёлларнинг фуқаролик ҳуқуқи тўғрисидаги (1926 йил), Қишлоқ хўжалиги ижараси ва деҳқончилик ҳақидаги (1948 йил), Вояга етмаганларни фарзандликка олиш тўғрисидаги ва бошқа қатор қонунлар қабул қилинган. 1994 йил таҳриридаги Конституция ҳам муҳим фуқаролик- ҳуқуқий қоидаларга эгадир. Жумладан, 42-моддада белгиланишича, истеъмолчилар ҳамда мулк ва хизматдан фойдаланувчилар ўз соғлиғи, хавфсизлиги ва иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилиниши, айнан бир хил ва ҳаққоний ахборот олиш, эркин танлаш; тенг ҳуқуқли ва муносиб муомалада бўлинишини талаб қилиш ҳуқуқига эгалар. Давлат ушбу ҳуқуқларнинг ҳимоясини, рақобат муҳофаза қилинишини, табиий ва қонуний монополиялар устидан, жамоат хизмати сифати ва истеъмолчилар, фойдаланувчилар

¹ [http:// net.ru/pravl.html](http://net.ru/pravl.html). - Правовые системы стран мира: Энциклопедический справочник. Федеративная Республика Аргентина.

жамияти муассасалари фаолиятининг самарадорлиги устидан назоратни таъминлайди. 1993 йилда Аргентина тарихида биринчи марта Истеъмолчиларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонун қабул қилинди.¹

Аргентинанинг меҳнат ҳуқуқи Конституцияда тўғридан-тўғри белгилаб қўйилганига қарамай ҳозирги вақтгача кодификация қилинмаган. Мамлакатда 1920 йилларда жадал шакллана бошлаган меҳнат қонунлари Х.Д.Перон режими даврида ўзининг чўққисига чиқди. Бу вақтда мамлакат президенти ишчилар синфига бир қатор ён босишлар билан бир вақтда касаба уюшмалари устидан қаттиқ ҳукумат назоратини ўрнатди. 1974 йилда Меҳнат шартномалари тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Ҳозирги меҳнат ҳуқуқига доир қонунларда иш ташлаш, жамоа шартномаларини тузиш, 8 соатлик иш куни, 48 соатлик иш ҳафтаси назарда тутилган. 1990 йиллардаги ислохотлар натижасида меҳнат қонунчилиги кенг қамровли тус олди. 1991 йилда мазмун-моҳиятига кўра анча кўламдор ва ҳажми жиҳатидан катта бўлган(160 моддадан иборат) Иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун қабул қилинган. У меҳнат бозорида давлат сиёсатини фаол ўтказиш, ноқонуний иш билан таъминлашга қарши кураш чоралари, ишсизларга ёрдам, шу жумладан, бандлик миллий жамғармасини тузиш, оммавий ишдан бўшатишларнинг олдини олиш ва ниҳоят, меҳнат шартномасининг янги турлари тартибга солинишини назарда тутган эди. Қонун муддатли шартноманинг тўрт турини (бошланғич тадбиркорлар учун, ёш ишчилар учун ва ҳ.к) қонунийлаштирди. 1967 йилдаги Фуқаролик-процессуал кодекси фуқаролик процессуал ҳуқуқининг асосий манбаи ҳисобланади. Фуқаролик процесси оммавий ҳуқуқ билан хусусий ҳуқуқнинг тамойилларининг уйғунлашувига асосланган. Судья муҳокаманинг бориши жараёнида ваколатларга эга. Қасамёд қилган маслаҳатчилар жюри си фуқаролик судлов ишларини юритишда назарда тутилмаган.

Жиноят ҳуқуқи Аргентинада Республика узил кесил ташкил этилгануга қадар 1853 йилги конституцияга мувофиқ испан жиноят қонунларини(“Партидалар”, “Янги қонунлар”), 1810 йилдан бери чиқариб келинаётган, мамлакатда миллий ва маҳаллий ҳокимиятлар томонидан алмаштирилган қонун ва декретлар билан бир қаторда қўллаш давом этиб келди.

1953 йилги конституция ва 1860 йилдаги ислохот Миллий Конгрессга мамлакат учун ягона бўлган Жиноят Кодексини ишлаб чиқишга ваколат берди.

Федерал ҳукумат топшириғига биноан Карлос Техедор томонидан ишлаб чиқилган(1864 йил 5 декабр) лойиҳа кодификация соҳасидаги дастлабки қадам бўлди. Ушбу лойиҳанинг биринчи қисми

¹ <http://net.ru/pravl.html>. - Правовые системы стран мира: Энциклопедический справочник. Федеративная Республика Аргентина.

хукуматга 1865 йилнинг 30 декабрида, иккинчи қисми 1868 йилнинг 3 январиди тақдим этилди. Лойиҳанинг принципал қоидаларини тузишда 1813 йилги Баврия Жиноят кодексига амал қилинди. Шунингдек Патридалар ва эски испан жиноят қонунчилигидан ҳам фойдаланилган. Техедор Лойиҳаси ва умуммиллий кодекс бўла олмаган бўлсада, 14 та вилоятдан 9 тасида, 1881 йилдан Республика пойтахтида ҳам амалга киритилди.

Биринчи умуммиллий кодекс 1886 йил 7 декабрда чиқарилди. Унинг илмий таълимотини ишлаб чиқишда жиноят ҳуқуқининг классик мактаби ғояларига таянилди. Амалдаги жиноят кодекси 1921 йилнинг 29 октябрида эълон қилиниб, 1922 йилнинг 29 апрелидан амалга киритилган.

Аргентинада жиноят процесси Конституция нормаларига асосланган бўлиб, 1922 йил кучга кирган Аргентина Жиноят-процессуал кодекси билан тартибга солинади(ҳарбий хизматчилар учун эса Ҳарбий адлия кодекси биан).Конституцияга мувофиқ ҳар бир инсон ўзига қарши ўзи кўрсатма беришга мажбур этилиши ва ваколатли органнинг ёзма буйруғисиз ҳеч ким қамоққа олиниши мумкин эмас(18-модда). Қонунга биноан айбланувчини судга қадар гаров шарти билан озод қилиш тартиби ҳам амалда қўлланилади. Суд муҳокамаси одатда ошкора ўтади. Конституция импичмент тартибидаги айбдорлардан ташқари барча умумжиноий ишларни қасамёд қилганлар судида кўриб чиқирилиши назарда тулади¹.

Бразилия давлатининг ҳуқуқий тизими

Биринчи европаликлар Бразилияга 1500 йилда кириб келганлар. XIX аср бошигача мамлакат Португалиянинг мустамлакаси бўлган. 1822 йилда мустақил империя, 1889 йилда эса республика деб эълон қилинган.

1964 йилда Бразилияда ҳарбий тўнтариш юз берган ва авторитар сиёсий тузум ўрнатилган. Муҳолифатнинг тазйиқи остида ва кенг халқ оммасининг чиқишлари натижасида ҳарбий тузум эркинлаштириш томон кўпгина ўзгаришлар қилди. 1985 йил январда мамлакатда ҳарбий бўлмаган Президент сайланган.

Давлат ҳудудий тузилиши шаклига кўра федерациядир. У 26 штат, пойтахт жойлашган федерал округ ва муниципалитетга бўлинган. Бундан ташқари, федерация таркибида марказий ҳокимиятга бўйсунувчи 3 та федерал ҳудуд ҳам мавжуд. Амалдаги Конституция 1988 йилда қабул қилинган ва мамлакат тарихида саккизинчисидир.

¹ [http:// net.ru/pravl.html](http://net.ru/pravl.html). - Правовые системы стран мира: Энциклопедический справочник. Федеративная Республика Аргентина.

Бошқарув шаклига кўра Бразилия президент республикасидир. Хокимиятлар бўлиниш тизими АҚШ модели билан ўхшаш жиҳатларга эга.

Олий қонун чиқарувчи орган икки палатали Миллий конгресс бўлиб, у Депутатлар палатаси (487 депутат) ва Федерал Сенат (72 аъзо)дан иборат. Иккала палата тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш йўли билан (депутатлар 4 йилга, сенаторлар 8 йилга) сайланади.

Депутатлар палатаси умуммиллий вакиллик органидир. Ҳар бир штатдан сайланадиган депутатлар сони у ерда яшайдиган аҳоли сонига нисбатан мутаносиб бўлиши, лекин 6 нафардан кам бўлмаслиги керак. Федерал ҳудудларнинг ҳар биридан 2 нафардан депутат сайланади.

Федерал Сенат (юқори палата) федерация субъектлари манфаатларини ифодалайди. Федерал округ сингари, ҳар бир штат 3 нафар сенатор орқали намоён этилган. Сенаторлар мажоритар тизим бўйича сайланадилар. Ҳар 4 йилда Сенат навбатма-навбат учдан бир ва учдан икки қисмга янгиланади.

Миллий конгресс Лотин Америкаси парламентларига хос ваколатларга эга. Улар: солиқни белгилаш ва давлат даромадларини тақсимлаш, узоқ муддатга мўлжалланган режани, бюджет директивалари, йиллик бюджетни тасдиқлаш, кредит билан таъминлаш, давлат қарзи ва пул чиқариш, қуролли кучлар миқдори таркибини, миллий ва минтақавий ривожланиш дастурини белгилаш, давлат чегаралари, ҳаво ва денгиз маконлари, республика мулкани ўзгартириш, ҳудудлар ёки штатларни бирлаштириш, бўлиш ёки ажратиш, афв этишни эълон қилиш, маъмурий тузилиш, суд тизими, Республика, ҳудудий ва федерал округ Бош прокуратураси, давлат адвокатурасини ташкил қилиш, давлат лавозимлари ва мансабларини жорий этиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, ҳукумат идоралари ва вазирликлар тузилишларини ва жавобгарлик соҳаларини белгилаш.

Конгресснинг мутлақ ваколатлари қўйидагилар: ҳалқаро шартномаларни ратификация қилиш, Республика Президентига уруш эълон қилишга, тинчлик ўрнатишга, чет эл қўшинларини миллий ҳудуд орқали ўтишига ёки шу ҳудудда вақтинча бўлишига розилик бериш учун ваколат беради; Республика Президенти ёки вице-президенти 15 кундан ортиқ муддатга кетадиган бўлсалар, уларга мамлакатни тарк этишга рухсат бериш; Президент томонидан эълон қилинган уруш ёки қамал ҳолатини, федерал аралашув, шунингдек бундай чораларни тўхтатишни маъқуллайди; Федерал Ҳисоб трибуналининг 2/3 аъзосини сайлаш; референдум ва умумхалқ овоз бериш (плебисцит)ни маъқуллаш; федерал маъмурият фаолиятини назорат қилиш.

Охирги ваколатни амалга ошириш учун Конгресс қўйидаги ҳуқуқларга эга: Республика Президенти томонидан тақдим этилган ҳисоботларни ҳар йили муҳокама қилиш; ҳукумат дастурлари бажарилишини баҳолаш, тўғридан-тўғри ёки федерал Сенат ва (ёки)

Депутатлар палатаси орқали ижро этувчи ҳокимият ҳужжатлари, билвосита идора қилиш ҳужжатларини назорат қилиш, белгилаб қўйилган ваколатларни суиистеъмол қилиш натижасидаги ижро этувчи ҳокимиятнинг норматив актларини тўхтатиб туриш.

Бундан ташқари, Миллий конгресснинг ҳар бир палатаси ўзининг ваколатларига эгадир. Депутатлар палатаси $\frac{2}{3}$ овози билан Республика Президенти, вице-президент, федерал вазирларга нисбатан ишончсизлик билдириш жараёнини кузғатиши, Республика Кенгаши аъзоларини сайлаши, ўз регламентини қабул қилиши ва ўз хизматларини ташкил қилиши мумкин. Сенатнинг ваколатлари анча кенгдир. У Республика Президенти, вице-президент ва федерал вазирлар, Олий Федерал суд аъзолари, Бош прокурор, Республика Бош адвокатининг жавобгарликлари ҳақида қарор қабул қилади, судьялар, федерал ҳудудларда губернаторлар, марказий банк директорлари ва раислари, доимий дипломатик миссиялар бошлиқларини тайинлашга розилик беради, Иттифоқ, федерал округ, штатлар ва муниципалитетларга ташқи молиявий операцияларни ўтказишга рухсат беради, Республика Кенгаши аъзоларининг бир қисмини тайинлайди ва ҳоказо.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи Конгресс палаталари аъзолари, Республика Президенти, Олий Федерал суд, олий трибуналлар, Республика Бош прокурори, Конституцияда назарда тутилган ҳоллар ва сабабларга кўра Республика фуқароларига тегишлидир. Баъзи масалалар бўйича қонун лойиҳалари (масалан, федерал маъмуриятни ташкил қилиш ҳақида) ва ваколат берувчи қонун лойиҳалари фақат Президент томонидан киритилиши мумкин. Қонун лойиҳалари миллий электоратнинг энг камида $\frac{1}{100}$ қисми, шунингдек, бешта штатдан кам бўлмаган миқдордаги ҳалқ ташаббуси билан Депутатлар палатасига тақдим этилади.

Республика Президенти, Олий Федерал суд ва судларнинг олий инстанциялари ташаббусига кўра қонун лойиҳаларининг муҳокамаси ва улар бўйича овоз бериш Депутатлар палатасида бошланади. Бир палата томонидан маъқулланган қонун лойиҳаси иккинчи палата томонидан кўриб чиқилади ва маъқулланган тақдирда эълон қилиш (промульгация) учун юборилади, маъқулланмаган тақдирда рад қилинади. Агар қонун лойиҳасига ўзгартишлар киритилса, у аввал муҳокама қилган палатага қайтарилади.

Қонун қабул қилинганидан сўнг унинг конституциявийлиги юзасидан шикоят қилиш мумкин. Республика Президенти эса қонун эълон қилинмасидан олдин 15 кун ичида вето ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин. Миллий конгресснинг 30 кун муддатда палаталарнинг қўшма мажлисида сенаторлар ва депутатларнинг мутлақ, кўпчилик овози билан Президент раiddияси (ветоси)ни енгитиши назарда тутилган.

Миллий конгресс палаталари (биргаликда ва алоҳида) тергов комиссияларини тузадилар. Вакиллар палатаси ёки Федерал Сенат,

шунингдек уларнинг исталган қўмитаси мамлакат вазирини олдиндан аниқланган маълумотни тақдим этиш учун таклиф қилиш, башарти у узрли сабабсиз йўқ бўлса, уни жавобгарликка тортиши мумкин.

Давлат, ҳукумат бошлиғи ва Олий бош қўмондон Республика Президентиدير. У бевосита фуқаролар томонидан 4 йил муддатга (1994 йилгача - 5 йил (эди)) қайта сайланиш ҳуқуқисиз сайланади. Айни вақтда Президент билан бирга вице-президент сайланади.

Давлат бошлиғи сифатида Президент орден-медаллар ва фахрий унвонлар беради: афв этишни амалга оширади ва жазо муддатини қисқартиради; Федерал Сенат тасдиғидан сўнг Федерал Олий суд судьяларини, Олий инстанция судлари судьяларини, ҳудудлар губернаторларини, Республика Бош прокурорини, Марказий банк директорлари ва президентини, агар қонун талаб қилса, бошқа давлат хизматчиларини тайинлайди; бошқа федерал судьялар ва Республика Бош адвокатини тайинлайди, Федерал Ҳисоб трибунали судьяларининг бир қисмини, Республика Кенгаши аъзоларини ва Миллий мудофаа кенгашини (Сенат розилиги билан) тайинлайди.

Ташқи алоқалар соҳасида хорижий мамлакатлар билан муносабатлар ўрнатади ва уларнинг дипломатик вакилларини аккредитациядан ўтказди; халқаро шартномалар ва битимларни имзолайди.

Қонунчилик соҳасида Президент қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга оширади, қонунларни маъқуллайди ва эълон қилади ҳамда уларни нашр қилинишига бошчилик қилади, қонунларни рад этиш (вето) ҳуқуқига эга, ваколат берилган қонун чиқаришни амалга оширади, жуда зарур бўлганида қонун кучига эга бўлган ҳужжатлар чиқаради (уларни Конгрессга тақдим этади).

Ҳар бир штат ўзининг конституциясига эгадир. У федерал Асосий Қонун принципларига мос бўлиши лозим. Штатларнинг ҳокимият ва бошқарув органлари тизими федерал ҳокимиятга ўхшаш. Ҳар бир штат бир палатали қонун чиқарувчи мажлисга эга (4 йилга сайланади). Аҳоли томонидан сайланадиган штат губернатори ҳукумат бошлиғи ҳисобланади. Штатлар федерал Конституция томонидан белгиланган принциплар асосида фаолият кўрсатувчи ўзларининг суд тизимига эга.

Ҳуқуқий тизими. Бразилиянинг ҳуқуқий тизими ўз хусусиятлари билан ажралиб турадиган Лотин-Америкаси гуруҳига киради. Бразилия ҳуқуқининг шаклланишида Рим ҳуқуқи анъаналарига асосланган, собиқ метрополия Португалия юридик маданияти катта аҳамият касб этган. Конституциявий ҳуқуқ кўп жиҳатдан АҚШ моделига яқин, жиноят ва жазо ҳуқуқи француз ва итальян намуналари таъсири остида бўлган, фуқаролик ҳуқуқи эса немис қонунчилиги таъсири остида кодификацияланган.

Мустамлака даврида Бразилияда португал қироллари қонунлар тўплами қўлланилган. Улар испан қонун ҳужжатлари каби Рим ва дин ҳуқуқи қатор қоидаларини ўзида ўзлаштирган.

1850 йилда Бразилиянинг Савдо кодекси қабул қилинган, 1857 йилда “Фуқаролик қонунлари компиляцияси” тузилган. Унга мустамлакачилик қонун ҳужжатлари ҳам кирган. Бразилиянинг биринчи Фуқаролик кодекси 1916 йилда қабул қилинган (1917 йил 1 январдан кучга кирган).

Конституциявий ривожланиш бўйича Бразилия минтақадаги бошқа мамлакатлардан анча ортда қолган эди. 1888 йил Бразилия дунёдаги барча “маданияти тараққий этган” мамлакатлардан кейин кулликни бекор қилди. Либерал Конституция 1891 йилда Бразилияда бошқарувнинг президентлик шакли ва федератив тузилишни белгилади.

Ҳокимият тепасига миллий-реформистик ҳукуматнинг келиши билан Бразилия ҳуқуқий тизимида жиддий ўзгаришлар юз берди. Президент Варгас бошқарган дастлабки даврда (1930—1945) Бразилияда биринчи марта меҳнат ва ижтимоий қонун ҳужжатлари жорий этилган. 1934 йилги Конституция мулкнинг ижтимоий вазифасини белгилаб берган.

Бразилия ҳуқуқини кодификация қилиш иши бутун XX аср мобайнида давом этган. 1940 йилда Бразилиянинг янги Жиноят кодекси, 1941 йилда - Жиноят процессуал кодекси, 1973 йилда - Фуқаролик-процессуал кодекси қабул қилинган. 1975 йилда янги Фуқаролик кодекси лойиҳаси устида иш бошланган.

1988 йилда демократик Конституциянинг қабул қилиниши Бразилия ҳуқуқи ривожланишида муҳим босқич бўлган. Конституция кўп йиллар давомида ҳукм сурган ҳарбий ҳокимиятига чек қўйди. Мамлакатдаги иқтисодий тузум инсон меҳнати ва эркин ташаббусига ҳамда ижтимоий адолатга мувофиқ ҳаммага яхши турмуш тарзини таъминлашни мақсад қилган.

1988 йилги Конституция ижтимоий ва меҳнат ҳуқуқлари мажмуасини белгилаб берди. Булар: меҳнат қилиш, дам олиш, таълим олиш, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, ижтимоий муҳофаза қилиниш ҳуқуқлари, болалар ва қаровсиз қолган болаларга ёрдам бериш ҳуқуқи.

Умуман Бразилия замонавий ҳуқуқий тизими юқори даражада ривожланиши, мантиқий изчиллиги, давлат-ҳуқуқий қурилишининг кўп масалаларига ўзига хос равишда ёндашилгани билан ажралиб туради. Федерация ва штатларнинг қонун ҳужжатлари ҳуқуқнинг асосий манбаи деб эътироф этилади. Иттифоқнинг ваколатларига фуқаролик, савдо, жиноят, процессуал, сайлов, аграр, денгиз, ҳаво, космик ҳуқуқлар киради. Иттифоқнинг штатлар ва федерал округлар билан рақобатлашувчи ваколатларига – меҳнат қилиш, тузатиш, иқтисодий ва шаҳарсозлик ҳуқуқи, айрим бюджетга оид масалалар, таълим, маданият, ёшлар ишлари ва бошқалар киради. Бу соҳада федерация фақат умумий принципларни белгилайди, штатлар ва маҳаллий ҳокимият органлари эса аниқ бошқарувни амалга оширадilar.

Қонун ҳужжатларининг иерархияси қуйидагича: Конституция, органик қонунлар (Бразилияда қўшимча қонунлар деб аталади), оддий қонунлар, ваколат берадиган қонунлар, қонунчилик декретлари, Конгресс қарорлари, Президент декрет ва қарорлари, вазирликлар йуриқномалари.

Бразилияда суд амалиёти қитъа тизими нуқтаи назаридан изоҳланади. Бунга мувофиқ судлар ҳуқуқни яратмайди, балки уни фақат амалда қўллайдилар. Олий суд қарорларининг бир хил маънога эга бўлмаган ҳуқуқий нормаларни бир хил талқин қилиш манбаи сифатидаги аҳамияти эътироф этилади.

Бразилия Фуқаролик кодекси Кириш қонунининг 4-моддасида қонун “жавоб бермаганидан” одат (ўхшашлик)ни қўллаш эҳтимоли назарда тутилган.

Фуқаролик ҳуқуқи ва ҳуқуқнинг унга яқин соҳалари

Бошқа Лотин Америкаси мамлакатларидаги каби Бразилияда хусусий ҳуқуқнинг дуалистик тизими юзага келган. 1850 йилда Лотин Америкасининг биринчи мустақил Савдо кодексларидан бири Бразилия Савдо кодексининг қабул қилиниши муносабати билан хусусий ҳуқуқ фуқаролик ва савдо ҳуқуқларига бўлинган. Минтақанинг бошқа кўп мамлакатларидан фарқли ўларок, бу ерда мустақилликка эришилганидан сўнг деярли 100 йил давомида кодификация қилинмаган мустамлака қонун ҳужжатларининг амал қилиши давом этган. Улар 1857 йилда тайёрланган “Фуқаролик қонунлари компиляцияси”га киритилган. Ушбу компиляция (кодекс) бир неча бор қайта нашр этилган ва ундан Биринчи Жаҳон урушига қадар фойдаланилган.

1856— 1865 йилларда Аугусто Тейшера Фрейтас томонидан тайёрланган Бразилия Фуқаролик кодекси лойиҳаси Лотин Америкаси фуқаролик қонун ҳужжатларини кодификация қилишда катта аҳамиятга эга бўлган. Лойиҳанинг айрим қоидалари 1869 йилги Аргентина, Уругвай, шунингдек 1916 йилдаги Бразилиянинг Фуқаролик кодексига жиддий таъсир ўтказган.

1917 йил 1 январда кучга кирган Бразилиянинг амалдаги Фуқаролик кодекси Умумий ва Махсус қисмлардан иборат. Учта китобга бўлинган биринчи қисмга (жисмоний ва юридик) шахслар, фуқаронинг яшаш жойи, мулкнинг турли шакллари, юридик далиллар ва даъво муддати ҳақида умумий қоидалар жойлаштирилган. Махсус қисми 4 китобдан иборат: 1. Оила ҳуқуқи; 2. Ашёвий ҳуқуқи, 3. Мажбурият ҳуқуқи; 4. Мерос ҳуқуқи (ҳаммаси бўлиб 1807 та модда). Лотин Америкаси мамлакатлари учун умумий бўлган анъаналарга биноан, Бразилия Фуқаролик кодексининг муқаддимасида Кириш қонуни бўлиб, унда қонунларнинг кучга кириши, уларни қўллаш тартиби, чет эл қонунларини ижро этиш нормалари ва бошқалар ўз

ифодасини топган. Бразилия Фуқаролик кодексининг тузилиши ва мазмунига 1896 йилги Германия Фуқаролик кодекси жиддий таъсир кўрсатган.

1988 йилги Конституция эр-хотин ҳуқуқларини тенглаштирди, никоҳда ва никоҳсиз туғилган болалар мақомларининг тенглигини эътироф этди. Конституциянинг 226-моддасига мувофиқ, черковда никоҳдан ўтиш фуқаролик ҳужжати кучига тенгдир. Фуқаролик никоҳи, қонунда назарда туғилганидек, эр-хотин ажратилганидан сўнг 1 йилдан кўпроқ муддат ўтганда ва эр-хотин 2 йилдан кўпроқ вақт мобайнида алоҳида яшаган тақдирда бекор қилиниши мумкин. Никоҳ шартномасида эр-хотин мулки ҳолатлари кўрсатилмаган бўлса, умумий мулк тартиботи танланган деб ҳисобланади (258-модда). Кодексда анъанавий нуқтаи назардан мол-мулк кўчар ва кўчмас тарзда кўрилади.

Мажбурият ҳуқуқи соҳасида, баъзан Фуқаролик кодексида белгилаб қўйилганига зид равишда давлатнинг шартномавий муносабатларга жуда фаол равишда аралашиш имкониятлари белгилаб берилган. Мажбурият ҳуқуқи иқтисодий тобе бўлган тараф ҳуқуқий ҳолатини мустақамлаш (аграр ижарасига оид шартномалар ва б.) ёки бирлаштириш шартномаларига тегишли бўлган қонуности ҳужжатларини тўлдиради. 1990 йил Бразилияда Истеъмолчиларни ҳимоялаш кодекси қабул қилинган.

1997 йил ноябрда 22 йиллик тортишувлардан сўнг Сенат янги ФК лойиҳасини маъқуллаган. Янги кодексда 80 йил мобайнида вужудга келган суд амалиёти ҳамда 50 дан ортиқ декрет ва қонунлардан иборат бўлган фуқаролик-ҳуқуқий нормаларни бирлаштиришга ҳаракат қилинган. 1916 йилги ФК буржуача индивидуализмга асосланган бўлса, янги ФК кўпроқ ижтимоий характерга эга. Айни вақтда никоҳ-оила муносабатларини тартибга солиш анча эркинлаштирилган. Савдо ҳуқуқининг асосий манбаи илгаригидек 1850 йилдаги Савдо кодекси (ўзгартириш ва қўшимчалар билан). “Интеллектуал мулк туғрисидаги қонун ҳужжатларига анча ўзгартишлар киритилган. 1971 йилги Саноат мулки кодекси ўрнига 1996 йилда замонавий жаҳон андозаларига мос бўлган “Саноат мулки туғрисида”ги Қонун қабул қилинган. Бу Қонун патент муносабатларини ва савдо маркаларидан фойдаланишни тартибга солади. 1998 йилда муаллифлик ҳуқуқларини ва дастур маҳсулотларига оид ҳуқуқни ҳимоя қилиш ҳақида янги қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

Жинойят ҳуқуқи ва процесси. Мустақиллик эълон қилиниш билан Бразилияда буржуа жиноят ҳуқуқи ва жиноят процесси принциплари татбиқ этила бошланган. 1822 йил 23 майдаги махсус декрет қийноқ жазосини бекор қилган. 1824 йилги Конституция эса жиноят ҳуқуқида жиноят ва жазонинг оғирлиги мутаносиблиги, жиноят қонуни олдида фуқароларнинг тенглиги каби демократик ғояларини эътироф этган. Конституция мустамлака даврида кенг қўлланилган

мол-мулкни мусодара қилиш, темир буйин-боғ, “шармандалар устуни” олдида турғазиб қуйиш каби жазоларни тақиқлади. 1830 йилги Бразилиянинг Жиноят кодекси қитъадаги биринчи жиноят кодекси ҳисобланади. Унга Наполеоннинг 1810 йилги Жиноят кодекси кучли таъсир ўтказган. Бразилия жиноят ҳуқуқи ривожланишининг муҳим даври 1889 йилги Италия либерал Жиноят кодекси таъсири остида 1890 йилда Бразилия Жиноят кодексининг қабул қилиниши билан боғлиқдир. Мамлакатда демократиянинг ривожланиши ва монархиянинг афдарилиши шароитида қабул қилинган мазкур Кодекс ўлим жазосини, муддатсиз ва одамни шарманда қилувчи жазоларни бекор қилган, жазолар тизимини соддалаштирган.

Хозирги пайтда амал қилаётган 1940 йилги Жиноят кодекси “неоклассик” йуналиш концепциясига асосланган ҳолда, шахснинг “хавфли ҳолати” ғояси ва ижобий концепцияларини қабул қилди.

Бразилия ЖКсининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, миллий хавфсизликка қарши жиноятлар деб топиладиган қилмишлар учун жавобгарлик ЖК нормаларига биноан эмас, балки алоҳида қонунга мувофиқ белгиланади. 1978 йилги “Миллий хавфсизлик туғрисида”ги Қонунга шу каби қилмишларни жазолаш билан боғлиқ бўлган умумий нормалар (1 - 5 моддалар), давлатга қарши жиноятлар қаторига кирувчи шу ва бошқа қилмишларни жазолаш ҳақидаги кўп нормалар кирган (6 - 51 моддалар).

Жиноят процесси. Бразилияда жиноят процесси 1988 йилги Конституция ва 1941 йилги Жиноят-процессуал кодекси нормалари билан тартибга солинади. Асосий Қонун шахс ҳуқуқ ва эркинликларини конституциявий даражада максимал таъминлашга йўналтирилган. жиноят-процессуал характердаги кўп қоидаларни ўзида мужассамлаштирган. Конституция жиноят процессининг айрим принципларини белгилайди: тортишув, қасамёд қилганлар суди, айбланувчининг ҳимояга доир ҳуқуқи, одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ айрим кафолатлар (хабеас корпус, хабеас дата, суд буйруқлари ва бошқалар). Қамоққа олиш полициянинг ҳоҳишига кўра эмас, балки фақат суд қарори асосида амалга оширилиши мумкин, жиноят содир этилган жойда қўлга олиш ҳамда қонунда белгиланган ҳарбий ножуя ҳаракат ва жиддий ҳарбий жиноят бундан мустасно. Қамоққа олинган шахсга унинг ҳуқуқлари ҳақида маълумот берилиши шарт, шу жумладан сукут саклаш ҳуқуқи ва адвокат ёллаш ҳуқуқи. Ноқонуний қамоққа олиш устидан судга шикоят қилиш мумкин.

Конституцияга биноан, башарти қонун гаровга ёки кафолат билан қўйиб юборишга рухсат этса, ҳеч ким қамоққа олиниши ва қамоқда сақланиши мумкин эмас. Гаровга озод этиш қуйидаги айбланувчиларга нисбатан қўлланилмайди: ирқчилик, қийноққа солиш; гиёҳванд моддаларни ноқонуний равишда олиб ўтиш; терроризм, конституциявий тартиб ва демократияга қарши қаратилган фуқаро ва ҳарбий қуроли гуруҳларининг ҳаракатлари.

Амалиётда конституциявий кафолатларга тўлалигича риоя қилинмайди, бунга Бразилияда жуда оғир ижтимоий-криминологик шароитлар тўсқинлик қилади (аҳоли кўп қисмининг қашшоқлиги ва саводсизлиги, қаровсизлик, жиноят, коррупциянинг ўта юқори даражада эканлиги).

Суд тизими. Суд ҳокимияти ҳокимиятнинг мустақил тармоғи бўлиб, маъмурий ва молиявий автономия асосида амал қилади. Судлар бюджетнинг махсус қисмига биноан молиялаштирилади, бу қисми доирасидаги маблағларни суд органларининг ўзлари тақсимлайдилар. Судларнинг барчаси мустақил бўлиб, фақат қонунга буйсунадилар.

Бразилияда иккита суд тизими-федерал ва штатлар суд тизимлари мавжуд, лекин улар марказлашган. Конституцияга мувофиқ, қуйидагилар суд ҳокимияти органлари ҳисобланади: Федерал Олий суд, Одил судлов юқори суди; федерал минтақавий судлар ва федерал судьялар; меҳнат судлари ва меҳнат судьялари; сайлов судлари ва сайлов судьялари; ҳарбий судлар ва ҳарбий судьялар; штатлар, федерал округ ҳамда ҳудудларнинг судлари ва судьялари. Мамлакатдаги барча судлар умумий ва махсус судларга бўлинади. Юқорида зикр этилганлардан меҳнат, сайлов ва ҳарбий судлар махсус судлар сирасига киради.

Суд тизимининг олий органи Олий Федерал суддир. У Федерал Сенат розилиги билан Республика Президенти томонидан тайинланадиган 11 нафар аъзодан иборат. Унинг асосий вазифаси – Иттифоқ ҳамда штатларнинг қонун ва бошқа ҳужжатларига нисбатан конституциявий назоратни амалга оширишдир. Конституциявий тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига Республика Президенти, Миллий Конгресснинг иккала палатаси президиумлари, штатлар қонун чиқарувчи мажлисларининг президиумлари, штатлар губернаторлари, Республика Бош прокурори, Миллий конгрессдаги сиёсий партиялар, касаба уюшмалари ёки миллий профессионал уюшмалар эгадир.

Олий Федерал суд қуйидаги масалаларни кўриб чиқади: Иттифоқ ва штатлар ўртасидаги низолар, Иттифоқ билан федерал округлар ўртасидаги, штатлар ва округлар ўртасидаги низолар, шунингдек жиноятчиларни бошқа давлатга (экстрадиция қилиш) ушлаб бериш масалалари; хорижий давлат билан бўлган низолар, ҳалқаро ташкилотлар ва штатлар, федерация, федерал округ ёки ҳудудлар ўртасидаги низолар ва судга тегишли низолар.

Судьялар ва прокурорлар лавозимига 10 йиллик юридик амалиёт малакасига эга бўлган шахслар тайинланиши мумкин. Федерал судья лавозимига номзод Бразилия адвокатлар ташкилоти иштирокида оммавий танлов тартибида тайинланади.

Конституция судьяларга икки йил ишлаганларидан сўнг умрбод лавозимларида қолиш ҳуқуқини беради, бу давр мобайнида уларни лавозимидан четлатиш фақат улар ишлаётган суднинг якуний, қайта

қўрилмайдиган қароридан сўнг амалга ошиши мумкин. Судьялар 30 йил стажга эга бўлиб (судья бўлиб 5 йил ишлагандан сўнг) ихтиёрий равишда ва 70 ёшга етганида ёки ишга яроқсиз бўлиб қолганларида тўла ҳақ тўлаш билан истеъфога чиқишлари шартдир. Жамоатчилик манфаатини кўзлаб судьяларни лавозимидан четлатиш ёки бошқа шахс билан алмаштириш ва истеъфога чиқариш тегишли суднинг 2/3 овози билан қабул қилинган қарорга кўра, ҳимоя қилиш имконини таъминлаган ҳолда амалга оширилади.

Прокуратура доимий фаолият кўрсатадиган мустақил институтдир. Унинг вазифаларига ҳуқуқий тартиб, демократик тартибот, жамоат ва шахсий манфаатларни ҳимоя қилиш киради (Конституциянинг 127-моддаси). У Республика прокуратураси ва штатлар прокуратураларидан иборат. Республика прокуратураси Федерал прокуратура, меҳнат прокуратураси, ҳарбий прокуратура, федерал округ ва ҳудудлар прокуратураларидан иборат.

Прокуратура Республика Бош прокурори бошчилигида марказлашган ягона тизимдир. Бош прокурор Федерал Сенат томонидан аксарият кўпчилик овоз билан тасдиқдангандан сўнг Президент томонидан қайта тайинланиш имкони билан тайинланади. Президент ташаббуси билан Бош прокурорни лавозимидан четлатиш аввал Федерал Сенат аксарият кўпчилиكنинг дастлабки санкциясини талаб этади. Қуйи прокурорлар икки йил лавозимларида ишлаганларидан сўнг ўз мансабларида умрбод қолишлари мумкин. Улар ўз лавозимларидан суднинг якуний ва шикоят қилиб бўлмайдиган қарори асосида бўшатиладилар.

Прокуратуранинг асосий вазифалари қуйидагилардир: жиноят ишларини қўзғатиш; Конституцияда кафолатланган ҳуқуқларга ҳукумат органлари ва хизматларининг риоя қилишларини таъминлаш; фуқаролик терговини тайинлаш ҳамда давлат ва жамият мулки, атроф-муҳит ва бошқа шахсий ва жамоа манфаатларини ҳимоя қилиш учун оммавий фуқаролик даъволарини бериш; конституциявий эмасликни эътироф этиш ишларини, Конституцияда белгиланган Республика ёки штатлар аралашуви лозим бўлган ҳолларда процессларини кузғатади; судда ҳиндулар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; полиция фаолиятини ташқаридан назорат қилиш; тергов ишларини олиб бориш ва полиция терговини бошлашни талаб қилиш. Бунда давлат органларининг юридик вакили бўлиш ва уларга маслаҳатлар бериш прокуратурага ман этилади.

Бразилия Бош адвокатураси Республиканинг судда ва ундан ташқарида бевосита ёки тегишли органлар орқали вакили бўлиш институтидир. У ижроия органларига ёрдам ва юридик маслаҳатлар бериш учун масъулдир. Бош адвокатуранинг бошлиғи Президент томонидан тайинланадиган Бош адвокатдир.

Молиявий-иқтисодий назорат юқори органи Федерал ҳисоб трибунаlidir. У Конгрессга назорат қилиш фаолиятини амалга

оширишда расмий равишда ёрдам беради. Ҳисоб трибунали 9 нафар судьядан таркиб топади. Унинг 1/3 қисми Федерал Сенат розилиги билан Республика Президенти томонидан, 2/3 қисми эса Конгресс томонидан тайинланади. Ҳисоб трибунали судьялари Олий суд судьялари каби кафолатлар ва имтиёзларга эгадир.

Ҳисоб трибунали вазифаларига ноқонуний ва нотўғри ҳаражатлар учун жарима солиш, бирор бир ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш, Конгрессга ва суд ҳокимияти органларига аниқланган қоидабузарликлар ҳақида хабар бериш киради.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

“Давлат ва ҳуқуқ назарияси” кафедраси

7-МАЪРУЗА МАТНИ

**УЗОҚ ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ
ТИЗИМЛАРИ**

Тайёрлади: доц. М.К.НАЖИМОВ, доц. Ф.П.ҲАЙИТБОЕВ

ТОШКЕНТ -2010/2011 ў/й.

7-мавзу. Узоқ Шарқ мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари

Узоқ Шарқ мамлакатлари ҳуқуқий тизимларнинг шаклланиши, хусусиятлари ва ҳуқуқнинг манбалари.

Япония ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятлари.

Корея Республикасининг ҳуқуқий тизими.

Мавзу бўйича фойдаланиш тавсия этиладиган адабиётлар

1. Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Масъул муҳаррирлар: Ҳ. Б. Бобоев, Ҳ. Т. Одилқориев. – Т., 2000. – Б. 313.
2. Давид Р., Жоффре-Спинози К. Основные правовые системы современности. – М.: Междунар. отношения, 1996. – 400 с.
3. Ермолович В. И., Шелкопляс В. А. Правовые системы: история и современность: Материалы межвузовской научно–практической конференции. – Минск, 5–6 января 2001 г. – Мн.: БГЭУ, 2001. – 176 с.
4. Жаҳон мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари: Қомусий луғат / Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2006. –720 б.
5. Инако Ц. Современное право Японии / Отв. ред. В. А. Туманов. – М.: Прогресс, 1981. – 291 с.
6. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. –Т.: Адолат, 2007. -916 б.
7. Марченко М. Н. Правовые системы современного мира. – М: Зерцало, 2001. – 400 с.
8. Правовые системы стран мира: Энциклопедический справочник / Отв. ред. А. Я. Сухарев. – М.: Норма, 2003. – 976 с.
9. Саидов А. Х. Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари -Т., 2004.-434б.
10. Синюков В. Н. Правовые системы и правовые семьи // Теория государства и права: Курс лекций / Под ред. Н. М. Матузова и А. В. Малько. – М., 1999. – С. 17–19.
11. Hayitboev F.P., Najimov M.K. Hozirgi zamon asosiy huquqiy tizimlari / Mas'ul muharrir: yu.f.d., prof. Z.M.Islomov. O`quv qo`llanma –Т.:TDYul, 2010. -246 б.
12. International Encyclopedia of Comparative Law. Vol. I. National Reports. A–Z. – Tubingen, New–York, 1972–1987.

Узоқ Шарқ мамлакатлари ҳуқуқий тизимларнинг шаклланиши, хусусиятлари ва ҳуқуқнинг манбалари

Узоқ Шарқ мамлакатларининг ҳуқуқий тизими дунёдаги етакчи ҳуқуқий оилалардан ўзининг мазмун ва моҳияти бўйича тубдан фарқ қилади. Рудольф фон Иерингнинг¹ таъбири билан айтганда, агар Ғарбий Европа учун “ҳуқуқ учун кураш” ғояси хос бўлса, Узоқ Шарқ мамлакатларида эса ҳуқуқнинг жамият ҳаётидаги ўрни инкор этилади. Мазкур ҳуқуқий оиллага мансуб халқларда юзага келадиган конфликтли ҳолатларни асосан ўзаро келишув йўли билан ҳал этишга эътибор қаратилади.

Узоқ Шарқ мамлакатларининг ҳуқуқий оиласининг ибтидоси Хитойда шаклланган бўлиб, унинг ривожланишига Конфуций (мил. авв. 551-479й.) таълимоти катта таъсир ўтказган. Унга кўра инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар табиат қонунлари ва “ли” қоидалари билан тартибга солинади. Бунда асосий омил бўлиб шахснинг ижтимоий мақоми ҳисобланади. Ҳар бир шахс ўзининг мажбуриятларини билиши ҳамда ўзининг иши билан шуғулланиши лозим. Дунёда муайян тартибот ва уйғунлашув шаклланган бўлиб, ўз навбатида кишилар уларга қатъий амал қилишлари талаб этилади.

Агар бирон бир шахс “ли” қоидаларини бузадиган бўлса, қарор топган уйғунликни тиклашга дўстона музокаралар ва муросага келиш йўли билан эришиш мумкин. Хитойда давлатчиликнинг шаклланиши жараёнида муайян кодекс ва қонунлар қабул қилинган бўлишига қарамасдан кишилар асосан юзага келадиган ижтимоий муаммоларни юқоридаги тартибда ҳал этишга одатланганлар. Бунда судларда фақат жиноий ишлар мавжуд қонунчилик асосида кўриб чиқилган бўлса, фуқаролик ишлари эса асосан низоларни кўриб чиқишнинг суддан ташқари бўлган тартиблари асосида ҳал этилган. Бундай тизим Хитойда 1911 йилгача амал қилган.

Узоқ Шарқ мамлакатлари ҳуқуқ оиласига мансуб бўлган яна бир давлат Япониянинг ҳуқуқий тизими Хитой маданияти ва фалсафаси таъсири остида шаклланган. Токугава (1603-1867 й.) оиласи ҳукмронлиги даврида Конфуцийлик таълимоти расмий мафкура сифатида тан олинган. Жамият ҳаётида юзага келадиган деярли барча низолар келишув тартиблари асосида ҳал этилган. Мамлакат ташқи дунёдан бутунлай ҳоли (Хитойдан ташқари) тарзда ривожланиб келган. Шу билан бирга XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб Японияда изоляционизм сиёсатидан воз кечиб дунё мамлакатларига юз тута бошлаган. Ғарб мамлакатлари билан савдо алоқаларининг ривожланишига “Мэйзди инқилоби”дан кейин ўтказилган қатор ислохотлар натижасида эришилган.

¹ Рудольф фон Иеринг (1818-1892) - немис юристи, тарихчи ва ҳуқуқ файласуфи. Асосий асарлари — «Цель в праве» и «Борьба за право».

Японияда шу пайтгача амалда реал ҳокимиятга эга бўлмаган императорнинг давлат ҳокимияти тизимидаги роли қайта тикланган. Барча табақаларнинг тенглиги эълон қилинган. Аграр, ҳарбий ва маъмурий соҳаларда ўтказилган ислохотлар натижасида савдо соҳасидаги чекловлар олиб ташланган, фуқароларга мамлакатда эркин ҳаракатланиш ва касбий фаолиятни эркин танлаш ҳуқуқи берилган. Ғарбий Европа мамлакатлари намунасида қатор кодекс ва қонунлар қабул қилинган. 1889 йилда Пруссия модели асосида конституция қабул қилинган бўлиб, унга кўра мамлакатда чекланган монархия ўратилган. Япониянинг иккинчи жаҳон урушидаги мағлубиятидан кейин янги ва демократик талабларга муайян даражада мос келадиган конституция қабул қилинган (1947 й.). АҚШнинг таъсири остида мавжуд қонунчиликка ҳам жиддий ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

Япония ҳуқуқий тизимининг ўзига хос хусусияти шунда кўринадикки, унга етакчи ҳуқуқий оилаларининг таъсири жиддий бўлсада, у муайян даражада миллий маданият ва ҳуқуқий анъаналарни ўзида мужассамлаштириб келмоқда. Япон ҳуқуқининг манбалари тизимида юриш туришни белгилаб берувчи ахлоқ нормалари – “гири”лар муҳим рол тутди. “Гири”лар япон фуқаролари учун ўзига хос қадр-қиммат кодекси ҳисобланади. Японлар бугунги кунгача барча низолар ва конфликтли ҳолатларни суднинг аралашувисиз ўзаро музокаралар ва воситачилик усуллари билан ҳал этишни маъқул кўрадилар.

Япония ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятлари

Япония мамлакатада ҳуқуқнинг шаклланиши ўзига хос йўл билан Осиё қитъасида амал қилган омиллардан мустақил тарзда юз берган. Узоқ Шарқ мамлакатларининг тарихий ривожланиши учун бошқарув иерархиясининг нисбатан ривожланганлиги, дин доирасида аҳоли турли табақалари манфаатларини ҳисобга олишнинг демократик шакллари характерли бўлган, бу вужудга келувчи ижтимоий низоларни ҳал этишнинг муросали воситаларига, иқтисодий ривожланишнинг патриархал жамият шарт-шароитларига доимий равишда мослашишига олиб келган. Бинобарин, Японияда марказлашган давлат ва мамлакат миқёсида бирхиллаштирилган ҳуқуқ эртароқ шаклланган.

Феодал Японияда бир маъмурий мансабдор шахснинг ўзи ҳам прокурор, ҳам судьянинг ваколатларига эга бўлган. Қийноқлар кенг қўлланилган, улар ёрдамида содир этилган жиноятлар айбланувчининг зиммасига мажбуран қўйилган ва шу асосда айблов ҳукми чиқарилган.

Ўша пайтга қадар Япония кўп асрлар мобайнида Хитойнинг кучли таъсирига дучор бўлган. V асрда Японияга хитой ёзуви, сўнгра

буддизм кириб келган. VII-VIII асрлардаги япон ҳукмдорлари хитой маданий-маърифий ҳаётининг тарафдорлари бўлган. Улар Хитойдан будда динини қабул қилишган ва натижада давлат ҳуқуқий ҳаётни Хитой намунаси бўйича қайта ташкил этишган. Илк япон қонунлари Тан династияси қонунларига жуда ўхшаш бўлган.

VII асрнинг бошида (Тайка даврида) вужудга келган япон ҳуқуқининг илк ёдгорликлари Хитой қонунчилиги натижасида яратилган бўлса ҳам, ўзига хослиги билан улардан ажралиб турадиган юридик тўпламларни ташкил қилган. Ушбу рицу-рё номли император ҳокимиятининг тўпламларида япон жамиятининг турли қатламларига мансуб шахсларнинг мажбуриятлари ва ҳуқуқбузарларга бериладиган жазолар тўғрисида айтиб ўтилган.

XIII асрларда мамлакатда бошланган феодал тарқоқлик даврида қонунлар тўплами сифатида императорнинг рицурёлари эмас, балки феодалларнинг бошқарув ҳужжатлари асосий рол ўйнай бошлаган. Токугава сулоласи сёгунлари даврида, яъни 1603-1868 йилларда япон жамиятининг қуйи қатламларини барча ҳуқуқлардан махрум қиладиган қатъий иерархик тизим мустакамланган. Бу даврнинг муҳим норматив ҳужжати- “Юз моддали Кодекс” ёки “Юз қонун” (1742 й.) аввалги қонунларнинг асосий мазмунини ва феодаллар томонидан ишлаб чиқилган одат ҳуқуқини тартибга солишнинг натижаси сифатида вужудга келган. Ушбу ҳужжатда фуқаролик ҳуқуқига оид нормалар камлиги боис савдо-сотиқ ва бошқа муносабатларни ҳам одат ҳуқуқи тартибга солган. Кодекс моддаларининг асосий қисмини жиноят ҳуқуқининг моддий ва процессуал нормалари ташкил қилган.

Унинг асосий мазмуни фақатгина судьяларга ва феодал чиновникларгагина маълум эди, улар “Халқ қонунни билиши эмас, унга бўйсунитиш шарт” деган принцип билан иш кўрганлар.

Ушбу “Юз моддали Кодекс” табақавий тенгсизликни мустаҳкамлаган. Унга кўра, феодаллар ва деҳқонларнинг манфаатларига тажовуз ҳар хил жавобгарликни келтириб чиқаради, феодаллар ва деҳқонлар томонидан содир этилган жиноятларга турли хил жавобгарлик белгиланган.

Кодексдаги жазо тизими шафқатсизлиги билан ажралиб турарди, у ўз ичига ўлим жазосининг оғирлаштирувчи турларини, жисмоний ва маънавий жазоларни, жумладан, юмшоқ ва қаттиқ бамбуқ билан калтаклашни оларди.

Япониянинг ҳозирги кўринишдаги ҳуқуқий тизими 1867-1868 йиллардан XX асрнинг биринчи ўн йиллигигача давом этган Мейдзи инқилоби (“маърифатли бошқарув”) даврида шаклланган. Ушбу инқилоб туфайли жиддий ижтимоий, иқтисодий, давлат-сийсий, шунингдек ҳуқуқий соҳаларда ислохотлар олиб борилган.

Ислохотлар давомида япон аслзодалари бўлган самурайларнинг имтиёзлари бекор қилинган, тўрт табақа, яъни самурайлар, деҳқонлар, ҳунармандлар ва савдогарларнинг ҳуқуқий тенглиги эълон қилинган,

деҳқонларнинг ерга бўлган мулк ҳуқуқи тан олинган, ерга нисбатан феодал мулкчилик бекор қилинган, касб ва яшаш жойи танлаш эркинлиги эълон қилинган, маъмурий ислохотлар ўтказилган. Япон қонунчилиги тизими тубдан ўзгартирилган, бутун давлат ҳудудида ягона суд органлари тизими ташкил қилинган, тергов қилиш ва суд ишларини кўришда янги принциплар ҳаётга татбиқ этила бошланган, лекин бу соҳада ҳам бошқа соҳаларда бўлганидек феодал қолдиқлар узоқ вақт ўз таъсирини сақлаб қолган.

Маҳаллий япон ҳуқуқи янги вазифаларни ҳал этишга мутлақо мослашмаган эди. Шунинг учун мамлакатнинг ҳуқуқий тизимини тўлиқ замонавийлаштиришга қарор қилинган. Ғарбий Европа ҳуқуқий тизимларини рецепция қилиш ҳуқуқни тезлик билан қайта қуришнинг ягона услуби бўлган. XIX асрнинг 80-йилларидан XX аср бошигача бўлган даврда Франция ва Германия Кодекслари намунаси бўйича тузилган бир қатор муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

Франциялик ҳуқуқшунос Г. Буассонад раҳбарлиги остида амалга оширилган французча кодеслаштириш асосида бир қанча кодекслар, жумладан жиноят (1890 й.) ва савдо (1890 й.) кодекслари лойиҳалари ишлаб чиқилган. Юқорида кўрсатилган қонун лойиҳалари япон жамиятининг ҳукмрон доираларига жуда ҳам демократик бўлиб туюлган ва улар ушбу қонун лойиҳаларини кўп танқид қилишган. Улар фуқаролик кодексининг чиқарилиши императорга содиқлик ва фарзандлик бурчи тугатилишига сабаб бўлиши мумкин, деб ҳисоблаганлар. Шу боис ҳам фуқаролик ва жиноят кодекслари лойиҳалари қонунларга айланмаган, Жиноят-процессуал кодекси (у 1880 йилда жиноят тартиботи тўғрисидаги қонун номини олган) ва Савдо кодекси (1893 йилда ва 1898 йилда қисмларга ажратилган ҳолда амалга киритилган) жуда қисқа умр кўрган.

Кайзер Германиясининг кучли императорлик ҳокимиятга эга бўлган, фуқароларнинг ҳуқуқлари чекланган, помещикларнинг имтиёзлари сақланиб қолган маҳаллий ҳуқуқи япония ҳукуматининг ҳуқуқий идеали эди. Шу сабабли ҳам немис ҳуқуқини рецепция қилиш жараёни бошланган. Германиянинг Японияга таъсири XX асрнинг 1-чорагидан Иккинчи Жаҳон урушида Япония таслим бўлгунига қадар давом этган. Япониянинг 1889 йилги 1- Конституцияси (Мейдзи Конституцияси) Пруссиянинг 1850 йилги Конституцияси намунаси асосида тузилган эди. Ушбу конституция бўйича император олий ҳокимият соҳиб деб эълон қилинади ва унга кенг ваколатлар берилиб, парламент ваколатлари чегараланиб қўйилади, шунингдек япон фуқароларининг ҳуқуқлари минимум даражага туширилади. Император вазирлар, судьялар, парламентнинг юқори палатаси бўлган перлар палатаси аъзоларини тайинлаш ҳуқуқига эга бўлган. Мамлакатнинг давлат дини деб эълон қилинган синтоизм императорга “инсон қиёфасидаги худо” деб таъриф берган.

Германия модели 1890 йилги Фуқаролик-процессуал кодексига, 1898 йилги Фуқаролик кодексига, 1899 йилги Савдо кодексига, 1907 йилги Жиноят кодексига асос бўлган. 1922 йилда Германия Жиноят-Процессуал кодекси намунаси асосида ишлаб чиқилган янги Жиноят-процессуал кодекс қабул қилинган.

Япония томонидан роман-герман ҳуқуқий тизимининг қабул қилиниш жараёнини Европа қонунчилигининг оддий механик рецепцияси сифатида тушунмаслик лозим. Конституциявий, оила, мерос ҳуқуқи соҳасида мавжуд ҳуқуқий институтлар, император ва оила тушунчалари ўзига хос японча хусусиятларга эга бўлган.

Япониянинг Фуқаролик ва Савдо кодекслари кўп ўзгартиришлар киритилганлигига қарамай, ҳамон амал қилмоқда. Япон қонунчилигига асосий ўзгартиришлар Иккинчи жаҳон урушидан кейин, 1946 йилда Конституцияга эр-хотиннинг ҳуқуқий тенглиги киритилганидан кейин амалга оширилган. Савдо алоқалари ва компаниялар фаолияти соҳасида эса Америка ҳуқуқининг таъсири сезиларли даражада ошган (бу давлатга инглиз-америка капиталини жалб этиш учун 1927 йилда қабул қилинган “ишончли мулк ҳақида”ги қонунда қисман акс эттирилган).

Япониянинг 1898 йилги Фуқаролик Кодекси умумий қисм ва ашёвий, мажбурият, оила ва мерос ҳуқуқига бағишланган тўрт бўлимдан иборат. Уларда фуқаролик ҳуқуқига хос бўлган шахсий мол-мулкни ҳимоя қилиш, шартнома тузиш эркинлиги принциплари акс эттирилган. Фуқаролик кодексининг оила ва мерос ҳуқуқи бўлимлари ота-она ва эр ҳокимиятини мустахкамлаган: турмуш қуриш ота-она розилигини талаб этарди (йигитларга 30 ёшга тўлгунча, қизларга 25 ёшга тўлгунча), аёл киши эрининг мулкига нисбатан мерос ҳуқуқига эга эмасди. 1946 йилда Конституция қабул қилингандан сўнг Кодекснинг айнан шу бўлимлари ва умумий қисми бўйича кўп ўзгартиришлар киритилган.

Япониянинг 1899 йилги Савдо кодекси тўрт бўлимдан иборат бўлиб, унда савдо компаниялари, савдо шартномалари ва денгиз савдосига оид масалалар тартибга солинган. Савдо кодексида процедура қоидалари ва махсус савдо судлар кўзда тутилмаган. У Фуқаролик кодексига қараганда катта ўзгаришларга учради. Савдо муносабатлари соҳасида Савдо кодексининг таркибий қисмига айланмаган бир қатор қонунлар қабул қилинган. Хусусан, 1899 йилда қабул қилинган “Лицензиялар тўғрисида”ги, “Савдо белгилари тўғрисида”ги, “Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисида”ги қонунлар, 1921 йилда қабул қилинган “Ер ижараси тўғрисида”ги ва “Турар-жой ижараси тўғрисида”ги қонунлар ҳамда Иккинчи жаҳон урушидан кейин қабул қилинган 1948 йилги “Қимматли қоғозлар айланмаси тўғрисида”ги, 1952 йилги “Компанияларни тиклаш тўғрисида”ги, шунингдек 1955 йилги “Автомобил транспорти ҳаракати билан боғлиқ зарарларни қоплаш тўғрисида”ги ва 1961 йилги “Атом энергиясидан фойдаланиш

билан боғлиқ зарарларни қоплаш тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидандир.

1947 йилда “Хусусий монополияларни тақиқлаш ва хусусий савдони қўллаб қувватлаш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган, аммо у Япония иқтисодиётида монополиялар ўрни кучайишига халақит бера олмаган. Ушбу монополияларни чеклашга оид қонунлар Америка трестларига қарши ҳужжатларининг бир қисми эди, чунки иккинчи жаҳон урушидан кейин япон ҳуқуқига америка ҳуқуқи кучли таъсир этган. Ҳатто 1946 йилги Япония Конституцияси лойиҳаси матни Америка оккупация қўшинлари штаби ҳуқуқшунослари томонидан АҚШ Конституцияси намунаси асосида тузилган. Япониянинг 1948 йилги Жиноят-процессуал кодекси Америка ҳуқуқи концепцияси асосида ишлаб чиқилган. Ўша даврда “Суд ишларини юритиш тўғрисида”ги (1947 й.), “Прокуратура тўғрисида”ги (1947 й.), “Адвокатура тўғрисида”ги (1949 й.) қонунлар қабул қилинган. Ушбу қонунлар, бир неча ўзгартиришлар киритилганига қарамай ҳозир ҳам амал қилиб келмоқда. АҚШ ҳуқуқи Япон ҳуқуқига кучли таъсир қилган бўлса ҳам, барибир япон ҳуқуқини англо-саксон ҳуқуқий тизимига тўлиқ “жалб қилиш” имконини бермади.

Японияда Фуқаролик ва Савдо ҳуқуқи манбалари сифатида Кодекслар ва қонунчилик актлари билан бир қаторда, одат ва ахлоқ нормалар ҳам тан олинади (Фуқаролик ва Савдо Кодексларида уларга нисбатан хаволаки нормалар мавжуд). Аммо қонунчилик томонидан тартибга солинадиган соҳаларнинг кенгайиши муносабати билан уларни қўллаш аста секинлик билан камайиб бормоқда (масалан, балиқ овлаш, иссиқлик манбаларидан фойдаланиш соҳасида). Аксинча Япон судларининг қарорлари расман ҳуқуқ манбалри ҳисобланмаса-да, лекин амлда юқори судларнинг, айниқса Олий суднинг қарорлари судлар (айрим ҳолларда давлат органлар) томонидан сўзсиз бажарилиши керак бўлган норматив актлар сифатида тан олинади.

Фуқаролик-процесси масалалари узоқ вақт давомида “Судларни ташкил қилиш тўғрисида”ги қонун ва 1890 йилги Фуқаролик-процессуал кодекси билан тартибга солинган. Ушбу ҳужжатлар орқали Япония тарихида биринчи марта низоларни кўриб чиқишда суд жараёни киритилган. Бу даврга қадар низолар асосан мажбурлаш методлари воситасида феодаллар томонидан кўриб чиқилган. 1926 йилда Австрия қонунчилиги намунаси бўйича тайёрланган ва ишни муҳокама қилиш давомида суднинг фаол ролини кучайтиришни назарда тутувчи янги Япония Фуқаролик-процессуал кодекси кучга киритилган.

Ҳозирги япон ҳуқуқи суд тартиботи билан биргаликда низолашувчиларга Фуқаролик-процессуал кодексида мустаҳкамланган махсус ярашиш тартиботини танлаш имкониятини беради. Ушбу тартиботга мувофиқ, суд тарафлардан бирининг аризасига кўра икки

ёки ундан ортиқ мутахассис бўлмаганлардан иборат таркибда тажрибали судья раис этиб тайинланадиган махсус ҳакамлик қўмитасини тузади. Ушбу қўмита низолашувчи томонларни чақириб, уларни эшитади, сўнг уларни тинч йўл билан яраштиришга ҳаракат қилади. Ушбу уринишлардан ҳеч қандай натижа чиқмаган тақдирда, даъво суд тартибида берилиши мумкин. Амалиётда келишув тартиботлари катта аҳамиятга эга. Кўп ҳолларда судлар ишни кўришни тўхтатиш ва уни ҳакамлик қўмитасига бериш имкониятидан фойдаланадилар. Даъводан воз кечишлар сони ҳар йили фуқаролик ишлари умумий сонининг 50 фоизини ташкил этмоқда. Бу нарса японларнинг низоларни дўстона ҳал этишга мойиллигидан далолат беради.

Японияда ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат ҳуқуқи меҳнаткашларнинг ўз манфаатлари йўлида олиб борган фаол курашлари натижаси қабул қилинган норматив ҳужжатлар орқали тартибга солинади. Хусусан, 1946 йилги Конституция меҳнат шартномаси тузиш ва бекор қилиш эркинлиги, 15 ёшгача бўлган болаларни ишга олиш тақиқланганини, эркак ва аёлларга тенг миқдорда меҳнат ҳақи тўланишини, шунингдек бошқа демократик тамойилларни тантанали равишда эълон қилган. 1945 йилги қонун Касаба уюшмалари ташкил этишни ва улар фаолиятининг эркинлигини тан олди, 1947 йилги “Меҳнат стандартлари тўғрисида”ги қонунга мувофиқ иш куни ва иш ҳафтаси қанча вақт давом этишига чеклашлар белгиланди. Меҳнаткашлар бирлашмаларининг ҳуқуқий ҳолатини 1949 йилги “касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонун белгилайди. Японияда касаба уюшмалари, одатда, корхоналарда ташкил қилинади ва улар давлатдаги барча ишчиларнинг учдан бир қисмини қамраб олади. Касаба Уюшмалари Иттифоқи меҳнаткашларнинг ўз ҳуқуқлари учун курашларига, жамоа шартномалари тузиш ва уларнинг ижроси устидан назоратни амалга оширишга раҳбарлик қилади.

Конституциянинг ва айтиб ўтилган қонунчилик ҳужжатларининг кўп нормалари нафақат тадбиркорлар томонидан амал қилинмайди, балки турли тоифадаги ишчиларга тааллуқли меҳнат муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик томонидан ҳам бузилади. Хусусан, аёлларни, айниқса, турмушга чиққан аёлларни ишга қабул қилишда ва ишдан бўшатишда кўп ҳолларда камситиш ҳолатлари учраб туради. Давлат ва маҳаллий органлар ҳодимларининг иш ташлашга бўлган ҳуқуқлари чекланган.

Сўнги ўн йилликда Япония қонунчилиги тизимида атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир нормалар муҳим рол ўйнамоқда. Аввалги бундай актлар фақат маҳаллий ҳокимият органлари томонидан қабул қилинган, лекин улар умуммиллий даражада бўлмаган. 1958 йилда “Саноат чиқиндиларидан ифлосланишдан сувларни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, 1962 йилда “Атроф муҳитга чиқарилаётган тутун ва қурум устидан назорат қилиш тўғрисида”ги дастлабки қонунлар қабул

қилинган. 1967 йилда “Атроф муҳитни ифлосланиши устидан назорат қилиш тўғрисида”ги асосий қонун, унинг асосида эса 1968 йилда “Атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш ва шовқинни чеклаш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. 1970 йилда “Атроф муҳитнинг одамларнинг соғлиғи учун хавфли равишда ифлослантирилиши билан боғлиқ жиноятлар учун жазолаш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. Уларда ишлаб чиқариш фаолиятининг тегишли қоидаларини бузган ходимга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ва одамлар соғлиғига зарар етказган юридик шахсга нисбатан жарима жазосини қўллаш назарда тутилган.

Японияда чиқиндилардан фойдаланишга ва шаҳарлардаги тозаликни сақлашга катта эътибор берилади. Ушбу соҳадаги қонунчиликнинг ижроси устидан назоратни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари олиб боради.

1970 йиллардан бошлаб атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид қонунчилик янада авж олди, жумладан “Қўланса ҳиднинг олдини олиш тўғрисида”ги (1971 й.), “Ишлатилган мойлар туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисида”ги (1975 й.), “Тебранишларни тартибга солиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинган.

Япония - 47 префектурага бўлинган унитар давлат. Маҳаллий бошқарувни префектурал сайлов мажлислари амалга оширади. Префектураларда бош мансабдор шахслар – губернаторлардир. 1946 йилги Конституция (1947 йилда кучга кирган) “давлат ва миллат бирлиги сиймоси” императорни эълон қилиб, конституциявий парламент монархиясини ўрнатган. Бироқ император давлат сиёсати масалаларини мустақил ҳал этишдан узоқлаштирилганлиги сабабли, унинг ҳокимияти номинал характерга эга (4-модда). Императорнинг давлат ишларига тааллуқли барча ваколатлари Вазирлар Маҳкамасининг маслаҳати ва маъқуллаши бўйича амалга оширилиши лозим (3-модда). Бундай ваколатларнинг энг муҳимлари: Бош вазирни (парламентнинг тавсияси бўйича) ва Олий суднинг бош судьясини (ҳукуматнинг тавсияси бўйича) тайинлаш; Конституцияга тузатишларни, қонунларни, ҳукумат фармонларини эълон қилиш; парламентни чақириш ва Вакиллар палатасини тарқатиб юбориш; вазирларни тайинлаш ва лавозимидан озод қилишдан иборат. Конституция императорга фақат монархияда давлат бошлиғи амалга оширадиган анъанавий маросим вазифалари: навбатдаги сессия очилишида парламентга маъруза билан мурожаат этиш, хорижий давлатларнинг элчиларидан ишонч ёрлиқларини қабул қилиш, расмий ҳужжатларга имзо чекишни қолдирган.

Японияда давлат ҳокимиятининг органи икки палатали парламент- Коккай бўлиб, у ягона қонун чиқарувчи давлат органидир. Япония Конституциясининг IV боби 41-64- моддалари Парламент фаолиятига бағишланган. Япония Конституциясининг 42-моддасига кўра, Парламент икки палатадан иборат: Вакиллар палатаси ва

Маслаҳатчилар палатаси. Иккала палата ҳам халқ сайлаган аъзолардан ташкил топган.

Вакиллар палатаси-Сюшин тўрт йил муддатга сайланадиган 511 аъзодан, Маслаҳатчилар палатаси, яъни юқори палата- Ваншин 252 аъзодан иборат. Маслаҳатчилар палатасининг аъзоларини ваколат муддати 6 йил бўлиб, уларнинг ярми ҳар 3 йилда янгиланиб турилади. Япония Конституциясининг 50-моддасига мувофиқ, парламент аъзолари қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, Парламент сессиялари даврида ҳибсга олиниши мумкин эмас. Сессиялар очилгунча ҳибсга олинган Парламент аъзолари тегишли палатанинг талабига биноан сессиялар даврида озод қилинишлари шарт.

Парламентнинг навбатдаги сессиялари йилига бир марта ўтказилади. Зарурий ҳолларда ҳукумат Парламентнинг фавқулодда сессияларини чақириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Агар бирор бир палата аъзолари умумий сонининг тўртдан бир қисмидан кўпроғи талаб қилса, Ҳукумат фавқулодда сессиялар чақириш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт (Конституциянинг 52-53-моддалари).

Палаталар иш фаолиятида доимий ва вақтинчалик қўмиталар муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, ҳар бир палата қонун лойиҳасини муҳокама қилишдан аввал уни кўриб чиқиш учун доимий қўмитага бериши лозим. Қонунга мувофиқ, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига палата аъзолари ва ҳукумат эга. Конституциянинг 59-моддасида назарда тутилганидек, қонун қабул қилишнинг икки усули мавжуд: қонун лойиҳасининг иккала палата томонидан маъқулланиши; маслаҳатчилар палатаси рад этган қонун лойиҳасининг Вакиллар палатаси ҳозир бўлган аъзоларининг камида учдан икки қисми томонидан қайта таъминланиши.

Бюджет масалаларини ҳал қилиш, халқаро шартномалар тузиш ва бош вазирни тайинлаш бўйича сўнги ҳал қилувчи сўз Вакиллар палатасига тегишли.

Ижроия ҳокимиятининг фаолиятини назорат қилиш ҳам парламентнинг ваколатларига киради.

Япония Конституциясининг V боби 65-75- моддалари олий ижроия ҳокимият органи бўлган Маҳкамага, яъни кабинетга бағишланган. Конституциянинг 66-моддасига мувофиқ, Маҳкаманинг таркибига унинг раҳбари бўлган Бош вазир ва бошқа вазирлар киради. Бош вазир император томонидан Парламент тақдимида кўра унинг аъзолари таркибидан тайинланади. Конституциянинг 68-моддасига кўра, Бош вазир вазирларни лавозимига тайинлайди, бунда вазирларнинг кўпчилиги Парламент аъзолари таркибидан танлаб олинади. Бош вазир ўз хоҳишига кўра давлат вазирларини ўз лавозимларидан озод қилиши мумкин.

Маҳкаманинг, яъни Ҳукуматнинг ваколатлари жуда кенг. У қонунларни ҳаётга татбиқ этади, давлат ишларига, ташқи сиёсатга

раҳбарлик қилади, парламент розилиги билан халқаро шартномаларни тузади, бюджетни ишлаб чиқади ва парламентга кўриб чиқиш учун тақдим қилади, амнистия тўғрисида, жазоларни енгиллаштириш ва муддатини қисқартириш тўғрисида қарор қабул қилади, Олий суд ва қуйи инстанция судлари аъзоларини лавозимга тайинлайди.

Конституциянинг 69-моддасига биноан, Вакиллар палатаси ишончсизлик тўғрисидаги резолюцияни қабул қилса ёки ишонч тўғрисидаги резолюция лойиҳасини рад этса, Маҳкама бутун таркиб билан истеъфога чиқиши лозим.

Япония Конституциясининг 70-моддасида кўрсатил-ганидек, агар Бош вазир лавозими бўш қолса ёки вакиллар палатаси сайловларидан кейин парламентнинг биринчи сессияси чақирилганда, Хукумат бутун таркиб билан истеъфога чиқиши шарт.

Конституциянинг 72-моддасига кўра, Бош вазир маҳкаманинг вакили сифатида Парламентга кўриб чиқиш учун қонун лойиҳаларини киритади, Парламентда давлат ишлари ва халқаро муносабатларнинг умумий ҳолатлари тўғрисида маърузалар ўқийди, шунингдек турли соҳалар устидан назорат ва кузатувни амалга оширади.

Япониянинг замонавий кўринишдаги суд тизими 1947-1948 йилларда мамлакатда амалга оширилган конституциявий ислохотлар натижасида ташкил топган.

Япония Конституциясининг VI боби 76-82-моддалари суд ҳокимиятига бағишланган. Япония суд тизими таркибига Олий суд, юқори судлар, ҳудудий судлар, оилавий судлар ва бошланғич судлар киради.

Япониянинг мавжуд суд тизимида энг юқори бўғин суди Олий суд ҳисобланиб, у жуда кенг ваколатларга эга. Олий суд олий конституциявий назорат органи бўлиб, барча қуйи судлар устидан раҳбарликни амалга оширади, олий суд нафақат судларнинг, балки адвокатларнинг ҳам фаолият кўрсатиш тартиб-қоидаларини ўрнатади. Унинг ўрнатган қоидалари терговчи ва прокурорлар учун ҳам мажбурий ҳисобланади. Олий суднинг мажлислари Токио шаҳрида бўлиб ўтади, унинг таркибига раис ва 14 нафар суд аъзолари киради. Олий суд сўнги инстанция суди сифатида фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича қуйи судларнинг чиқарган ҳал қилув қарорлари ва ҳукмлари устидан тушган шикоятларни, қоида тариқасида, 5 нафар судьядан иборат таркибда кўриб чиқади. Олий суд ишнинг фактик ҳолатларига баҳо бериш юзасидан эмас, балки фақат ҳуқуқий масалалар юзасидан берилган шикоятларнигина кўриб чиқиш учун қабул қилади. Олий суд, албатта, шикоятларнинг қонунчилик ёки маъмурий ҳужжатларга қанчалик даражада конституциявийлигини, шунингдек, Конституцияни шарҳлаш ёки унга ўзгартириш киритиш ёхуд Олий суднинг илгари ўзи чиқарган қарорига ўзгартириш киритишни талаб қиладиган ишларни ҳам тўлиқ таркиб билан кўриб чиқади.

Юқори судлар (улар саккизта бўлиб, мамлакатнинг турли қисмларидаги йирик шаҳарларида жойлашган) апелляция инстанцияси сифатида 3 нафар судьядан иборат коллегия тарзида жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича қуйи судларнинг ҳукмлари ва қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқади. Олий суд алоҳида ҳолларда ҳар бир юқори суднинг бир-иккита бўлинмаларини (филиалларини) тузиши мумкин.

Япония суд тизимининг кейинги бўғинини 47 префектуранинг марказларида жойлашган округ судлари ташкил этади (уларнинг кўпчилиги бошқа шаҳарларда ўз бўлинмаларига эга). Округ судлари биринчи инстанция судлари сифатида барча турдаги фуқаролик ва жиноят ишларини кўриб чиқади, юқори бўғин судларига юклатилган ишлар бундан мустасно (ҳудудий судлар баъзи бўлинмаларининг ваколатлари қисман чекланган). Бу судлар ҳам фуқаролик ишлар бўйича қуйи судларнинг чиқарган қарор ва ҳал қилув қарорлари устидан берилган шикоятларни ҳам кўриб чиқади. Ҳудудий судларда ишлар қоида тариқасида якка судья томонидан кўрилади, агарда гап даъво қийматининг юқорилиги ёки бир йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган жиноят ишларини кўриш ҳақида кетаётган бўлса, 3 нафар судьядан иборат таркибда кўрилади. Округ судлар таркибида чекланган ваколатларга эга бўлган кичик судьялар ҳам бўлади.

Оилавий судлар Япония суд тизимида асосий ўринни эгаллайди. Улар ҳудудий судлар билан тенг мақомга эга бўлиб, ўша ҳудуддаги шаҳарларда тузилади. Уларнинг ваколатларига эр-хотин ўртасидаги мулкӣ ва номулкӣ характердаги низоларни, мерос тўғрисидаги ишларни, шунингдек 20 ёшгача бўлган шахсларнинг ҳуқуқбузарлигига оид ишларни кўриш киради. Оилавий судларда ишлар, қоида тариқасида, якка судья томонидан, алоҳида ҳолларда эса 3 нафар судьядан иборат таркибда кўриб чиқилади. Кўпинча бу судлар яраштирув ишларини ҳам амалга оширадilar.

Бошланғич судлар энг қуйи бўғин судлари бўлиб (улар 600 дан ортиқ), юқори суммада бўлмаган даъволи фуқаролик ишларини, шунингдек баъзи жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазоларни тайинлаш назарда тутилган (бу судлар 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлайди) жиноят ишларини кўради. Бошланғич судларда ишлар якка судья томонидан кўриб чиқилади. Япон судларининг ҳеч қайси бирида қасамёд қабул қилган маслаҳатчилар мавжуд эмас. 1923 йилда ушбу институт қонунчилик тартибида таъсис этилганди, бироқ маълум бўлдики, ишларни улар иштирокида кўриш ҳуқуқига эга бўлган 99 фоиз кишилар уни қўллашни рад этдилар, чунки қасамёд қабул қилганлар томонидан чиқарилган ҳукмлар устидан, қоидага кўра, юқори судга шикоят қилиш мумкин бўлмаган. 1946 йилги конституция ва сўнгги

пайтларда қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларида ушбу судлар тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган.

Конституциявий назоратни, яъни исталган турдаги қонунчилик ёки маъмурий ҳужжатларнинг конституцияга мувофиқлиги нафақат Олий суд, балки қуйи бўғин судлари ҳам амалга ошириши мумкин. Уларнинг баъзилари хатто ички ва ташқи сиёсий характердаги муҳим ҳукумат қарорларининг ноконституциявийлиги устидан прогрессив чораларни ҳам кўрганлар.

Японияда 1947 йилдан буён маъмурий адлия (юстиция) тизими мавжуд эмас ва маъмурий органларнинг ҳаракатлари устидан берилган барча шикоятларни ҳудудий судлар биринчи инстанция сифатида фуқаролик ишларини кўришнинг ўзига хос шакли тарзида кўриб чиқади.

Япония Фуқаролик-процессуал кодекси низоларни арбитраж шаклида муҳокама қилиш мумкинлигини назарда тутаяди, лекин бундай процедурага кўпроқ фақатгина префектураларга тегишли савдо билан боғлиқ ишлар юзасидангина мурожаат қилинади.

Японияда Прокуратура Адлия вазирлиги тизимига киради. Прокуратура марказлашган орган бўлиб, унга Бош прокурор бошчилик қилади, лекин унинг структураси энг аввало суд тизимига мувофиқлаштирилган; прокуратура органлари ўз фаолиятларини тегишлича Олий суд, юқори судлар, ҳудудий, оилавий ва бошқа судлар қошида амалга оширадilar. Прокурорлар чекланган доирада, аynиқса, муҳим жиноий ишлар бўйича тергов ишларини юритадилар.

Конституцияга мувофиқ, жиноят ишларида айбланувчиларнинг ҳуқуқлари адвокатлар томонидан ҳимоя қилинади, уларни айбланувчи мустақил ўзи танлайди, агар маблағи етарли бўлмаса, давлат томонидан тайинланади. Фуқаролик процессида кам таъминланган фуқароларга нисбатан моддий ёрдам кўрсатилади, у суд харажатларини тўлашни кечиктириш ёки Япония ҳуқуқий ёрдам ассоциацияси томонидан адвокат тайинлаш йўли билан амалга оширилади (ассоциация ишда ютиб чиқишга умид бўлсагина адвокат тайинлайди).

Барча судьялар ўз лавозимларига 10 йил муддатга тайинланадилар. Тайинлаш Маҳкама, яъни ҳукумат томонидан Олий суд тузиб чиққан номзодлар рўйхати асосида амалга оширилади, Олий Суд раиси эса император томонидан тайинланади. Ўн йил ўтгач судья ўз лавозимига қайта тайинланиши мумкин ва бу қонунда белгилаб қўйилган истеъфога чиқиш ёши (65-70 ёш) гача амалга оширилади. Барча бўғиндаги судларнинг судьялари импечмент жараёнига мувофиқ умумхалқ муҳокамаси (даврида) натижасида лавозимидан четлаштирилиши мумкин, бундай муҳокама парламентнинг махсус органлари томонидан судьяга қўйилган айблов асосида амалга оширилади.

Судья лавозимини эгаллаш учун, шунингдек прокурор ёки адвокат бўлиш учун қатъий саралаш қоидалари ўрнатилган. Юқоридаги йўналишлар бўйича фаолият олиб боришни истаган Япония университетларининг юридик факультетлари битирувчилари Адлия вазирлиги махсус комиссияси томонидан ташкил этилган имтиҳонларидан ўтишлари шарт. Ушбу комиссия томонидан қўйилган талаблар шу даражада юқорики, уларга 2-3 фоиз имтиҳон топширувчиларгина жавоб бера олади холос. Улар Олий Суд қошида адлия ҳодимларини тайёрлаш икки йиллик курсларига қабул қилинадилар.

Корея Республикасининг ҳуқуқий тизими

Корея инсоният маданиятининг қадимий ўчоқларидан биридир. Биринчи қулдорлик давлатлари милoddдан аввалги 8-4-асрларда вужудга келган. Ягона давлатнинг шаклланиш жараёни эраизмнинг 668 йили тугалланган. 1904-1905 йиллардаги рус-япон уруши даврида Корея Япония томонидан забт этилган. 1910-1945 йилларда у генерал-губернаторлик мақомида Япония империяси таркибига кирган.

1945 йилнинг сентябрида Кореянинг 38-параллелдан жанубий қисмини Америка қўшинлари эгаллаган. 1948 йилнинг 15 августида Сеулда расман Корея Республикаси (КР), 1948 йилнинг 9 сентябрида эса Пхеньянда Корея Халқ Демократик Республикаси (КХДР) эълон қилинган.

Корея Республикаси - унитар давлат. Маъмурий-ҳудудий тузилиши: 9 та вилоят, Сеул ва Пусан шаҳарлари.

Корея Республикасининг амалдаги Конституцияси 1987 йилдаги референдумда қабул қилинган ва 1988 йил 25 февралда кучга кирган (унгача 1948, 1962, 1972 ва 1980 йиллардаги конституциялар амалда бўлган). Корея Республикаси бошқарув шаклига кўра - президентлик республикаси.

Қонунчилик ҳокимиятини 299 аъзодан иборат парламент (Миллий йиғилиш) амалга оширади, уларнинг 253 нафари умумий, бевосита ва яширин овоз бериш йўли билан сайланади, 46 нафари эса сиёсий партиялар томонидан сайловлар натижасида олинган ўринлар миқдорига мутаносиб равишда тайинланади. Миллий йиғилишнинг ваколат муддати 4 йил.

Қонунни қабул қилиш учун мажлисда қатнашаётган парламент аъзолари кўпчилигининг овози зарур, бунда умумий аъзолар сонининг ярмидан ортиғи иштирок этиши лозим. Қабул қилинган қонун Президентга юборилади, у 15 кун мобайнида қонунни имзолайди ёки Миллий йиғилишга қайтаради. Қонунни қайта қабул қилиш учун мажлисда қатнашаётган парламент аъзоларининг камида учдан икки қисм кўпчилик овози талаб этилади.

Миллий йиғилиш қонунчилик ваколатларидан ташқари давлат бюджетини тасдиқлайди, энг муҳим халқаро шартномаларни ратификация қилади, уруш эълон қилишга, мамлакат ҳудудига хорижий қўшинларни жойлаштиришга розилик беради, Президент томонидан тақдим этилган ҳукумат аъзоллигига номзодларни тасдиқлайди, Конституциявий суднинг уч нафар аъзосини тайинлайди.

Миллий йиғилиш ўз умумий аъзоларининг камида учдан бир қисмининг ташаббуси билан рўйхатдаги таркибнинг камида учдан икки қисм кўпчилигининг овози билан Президентга бош вазирни ёки ҳукуматнинг исталган аъзосини истеъфога чиқаришни тавсия қилиши мумкин.

Давлат ва ижроия ҳокимият бошлиғи - Президент аҳоли томонидан ялпи бевосита ва яширин овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. 1987 йилги Конституция бўйича Президентнинг ҳокимияти анча чекланган, хусусан, президентлик лавозимига қайта сайланиш тақиқланган, парламентни тарқатиш ва фавқулодда ҳолат жорий қилиш ваколатларига эга эмаслиги шулар жумласидандир.

Президент давлатнинг мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги ва узлуксизлиги, шунингдек, Конституцияни кўриқлаш учун жавобгар. У хорижда давлат номидан иш кўради, дипломатик вакилларни тайинлайди ва қабул қилади, халқаро битимлар тузади, Олий бош кўмондон ҳисобланади.

Президент ўзига қонун билан берилган масалалар юзасидан декретлар чиқаради.

Давлат ҳокимиятининг олий органи бўлиб, Президент раислигидаги Давлат кенгаши (Ҳукумат) ҳисобланади. Давлат кенгаши мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқади, бош прокурорни, штаб бошлиқлари қўмитаси бошлиғини ва шу каби тайинлаш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқади. Бош вазир ва унинг тавсиясига кўра Давлат кенгашининг бошқа аъзолари Президент томонидан тайинланади ва Миллий йиғилиш томонидан маъқулланади. Бош вазир муайян ҳукумат аъзосини лавозимидан озод этишни Президентга тавсия қилиши мумкин. Миллий хавфсизлик кенгаши Президентга ташқи, ҳарбий ва ички сиёсатни шакллантиришда ёрдам беради.

Корея Республикасининг замонавий ҳуқуқ тизими роман-герман ҳуқуқ оиласига яқин туради. Шундай бўлсада корейсларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти аввалгидек кўп даражада Шарқий Осиё халқлари учун умумий бўлган конфуцийлик анъаналарига: жамоавийлик, патернализм, ахлоқий меъёрларнинг ҳуқуқий меъёрлардан, мажбуриятларнинг ҳуқуқлардан устунлигига, судлашишдан кўра норасмий ярашиш жараёнларига мойиллик беришга асосланади.

Корея асрлар давомида Япония давлати каби Хитой (конфуцийлик) давлат-ҳуқуқ маданияти таъсири остида бўлган.

Шунга мувофиқ, ҳуқуқий кўрсатмалар асосан жиноий ишлар билан чекланган, ижтимоий муносабатларнинг асосий қисми ахлоқ-одоб меъёрлари, урф-одат ва анъаналар билан бошқарилган. Ўрта аср Кореясида Хитойдан ўзлаштирилган қонунлар билан бир қаторда, ўзига хос ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Роман-герман ҳуқуқининг Кореяга биринчи кириб келиши XIX асрнинг охиридаги ислоҳот ва япон мустамлакачилик ҳукмронлиги (1910-1945 йиллар) даврида япон қонунчилигини "билвосита" татбиқ қилиш орқали юз берган. Япон оккупацияси даврида корейс одат ҳуқуқи оилавий муносабатлар ва ворислик соҳаларида бош ҳуқуқий манба ролини сақлаб қолган.

Мустақилликка эришилгач, ажнабийлар зулми билан боғлиқ барча япон кодекслари ва қонунлари миллий қонунчилик билан алмаштирилган. Жумладан, Жиноят кодекси (1953), Жиноят-процессуал кодекси (1954), Фуқаролик кодекси (1958), Фуқаролик-процессуал кодекси (1960) ва Савдо кодекси (1962), шунингдек, бошқа қатор кодекслар қабул қилинган. 1945-1948 йиллардаги АҚШ ҳарбий маъмурияти фаолияти натижасида ва Сеул ҳукуматининг АҚШга умумий яқинлашуви оқибатида урушдан кейинги даврда Корея ҳуқуқ тизими Америка ҳуқуқининг айниқса, маъмурий, савдо, меҳнат, жиноят-процессуал соҳалардаги кўп элементларини ўзлаштирган.

Жанубий Корея ҳуқуқ тизимидаги 1980-1990 йилларда рўй берган муҳим ўзгаришлар унинг демократлашуви билан боғлиқдир. 1987 йилдаги Конституция кўп босқичли ўрнига бевосита Президентлик сайловларини жорий қилди, парламентнинг ҳуқуқларини кенгайтирди, Президентнинг ваколатларини чеклади ва унинг лавозимда бўлиш муддатини 7 йилдан 5 йилга қисқартирди, матбуот эркинлигини, касаба уюшмаларини тузиш ва йиғилишлар, намойишлар ўтказиш ҳуқуқини мустаҳкамлади. Муҳолифат тазйиқи остида Конституцияга армиянинг сиёсатга аралашишига йўл қўймаслик тўғрисидаги қоида киритилди. Корея Республикасида қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар ҳуқуқнинг асосий манбалари ҳисобланади. Бунда иерархия қуйидагича тузилган: Конституция, Миллий йиғилиш қонунлари, Президент декретлари, Бош вазир ёки вазирликлар ордонанслари.

Жанубий Корея ҳуқуқ тизимида фавқулодда қонунчилик институти ҳосилдир. Конституциянинг 76-моддасига мувофиқ, ички тартибсизликлар, ташқи хавф, табиий офат ёхуд жиддий молиявий ёки иқтисодий танглик вақтида Миллий йиғилишни чақиришни кутишга вақт бўлмаса, миллий хавфсизликни ҳамда жамоат осойишталиги ва тартибини сақлаш юзасидан тезкор зарур чоралар кўриш учун Президент қонун кучига эга бўлган буйруқлар чиқариши мумкин. Ҳарбий ҳаракатлар вақтида ҳам Президентга шундай ваколатлар берилади.

Конституцияга мувофиқ (6-модда), ратификация қилинган халқаро шартномалар ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисмига айланади.

Айрим соҳалар (фуқаролик, савдо, меҳнат ҳуқуқи) учун қонунчиликка зид келмайдиган одатлар ҳуқуқнинг ёрдамчи манбалари ҳисобланади. Манбалар тизимида Олий суд ва Конституциявий суднинг конституциявий назорат тартибида чиқариладиган қарорлари алоҳида ўрин тутди. Уларнинг айримлари инсон ҳуқуқларининг янги стандартларини тасдиқлайди.

Фуқаролик ҳуқуқи ва ҳуқуқнинг унга яқин соҳалари. Корея Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи ўзининг кўп соҳаларида роман-герман фуқаролик ҳуқуқининг билвосита рецепциясидан иборатдир. 1910 йилда Кореяда япон мустамлакачилик тузumi ўрнатилгандан кейин бу ерда кўпроқ Германиянинг 1896 йилги фуқаролик тузукларига ва оз даражада француз фуқаролик нормаларига асосланган 1898 йилги Япония Фуқаролик кодекси жорий қилинган. Япон оккупацияси даврида фуқаролик муносабатга лаёқат, никоҳ-оила ва ворислик масалалари корейс одат ҳуқуқи билан тартибга солинган.

1958 йилда Корея Республикасининг Фуқаролик кодекси қабул қилинган ва у 1960 йил 1 январдан кучга кирган. Ушбу Кодекс бешта бўлимдан иборат: Асосий қоидалар; Мулк ҳуқуқи; Мажбурият ҳуқуқи; Оила; Ворислик.

Моддий ҳуқуқлар рўйхатига мулк, суперфиция, сервитут, устувор сотиб олиш ҳуқуқи, гаров, ипотека киради.

Корея Республикасининг оила ҳуқуқи анъанавий корейс одатлари ҳарбий ҳуқуқ тизимларидан олинган ўзлаштирмалардан устунлик қилувчи оз сонли соҳалардан биридир. Аввало, оила тушунчасининг ўзи уни ғарбий (роман-герман) ҳуқуқ тизимидан ажратиб туради. У уруғ насабномасига умумий аجدодлар орқали бирлашган барча кишиларни ўз ичига олади. Шунга мувофиқ бир фамилиядаги кишиларнинг никоҳга киришига рухсат берилмайди. Турмушга чиққан аёл ҳамиша ўз қизлик фамилиясини сақлаб қолади.

Корейс одат ҳуқуқига кўра, никоҳга алоҳида маросим орқали киришилади. Бироқ ФК (812-модда) никоҳ рўйхатга олинсагина у юридик кучга эга бўлишини назарда тутди. Амалдаги никоҳлар Сеулдаги Оила суди қарори билан "қонунийлаштирилиши" мумкин.

Ўтган асрнинг 90 йилларигача Жанубий Корея оила ва ворислик ҳуқуқи аёлларга нисбатан очиқ камситиш руҳида эди. 1991 йилда кучга кирган оила қонунчилигига ўзгаришлар биринчи марта аёлларга оила бошлиғи бўлиш имконини берди, хотиннинг эр-хотин мулкнинг бир қисмига бўлган ҳуқуқини тан олди, шунингдек, никоҳ бекор қилинганидан кейин аёлнинг ўз фарзандлари билан мулоқот қилишда унга кенг имконият берди.

1962 йилдаги "Халқаро хусусий мулк ҳуқуқи тўғрисида"ги Қонунда коллизия меъёрлар мавжуд, у ҳам фуқаролик, ҳам савдо ҳуқуқи қоидаларини ўз ичига олади.

1962 йилдаги Савдо кодекси, "Кўчириладиган ва оддий вексель тўғрисида"ги Қонун ва 1962 йилдаги "Чеклар тўғрисида"ги Қонун савдо

ҳуқуқининг муҳим манбалари ҳисобланади. Савдо кодекси беш бўлимдан иборат: 1. Умумий қоидалар. 2. Савдо битимлари. 3. Компаниялар. 4. Суғурта. 5. Денгиз ҳуқуқи. Жанубий Корея Савдо кодексининг концепцияси ва меъёрлари умуман япон савдо ҳуқуқи намунасига таянган, у ўз навбатида 1898 йилдаги Германия савдо тузуқларига асосланади.

1998 йилнинг февралида "Меҳнат тўғрисида"ги янги Қонун қабул қилингандан кейин ишчи кучи бозори анча шароитга мослашувчан бўлди. Бунга ҳам оммавий ишдан бўшатишларни, ҳам йирик тарқоқ касаба уюшмаларини тузиш имкониятини назарда тутувчи тузатишлар имкон берди.

Жиноят ҳуқуқи ва процесси. 1953 йилдан буён кўп сонли ўзгаришлар ва қўшимчалар билан амалда бўлиб келаётган Корея Республикасининг Жиноят кодекси жиноят қонунчилигининг манбаидир. У ўз тузилишига кўра жиноят ҳуқуқининг асосий қоидалари ва категорияларини изоҳловчи Умумий қисм ҳамда асосан жиноятларнинг аниқ турларига бағишланган Махсус қисмлардан иборатдир. Кодекс 372 моддани ўз ичига олувчи 46 бўлимдан иборат.

ЖК 9 хил жазо турини назарда тутди: 1) ўлим жазоси; 2) "сургун" (оғир жисмоний ишлар бажартириладиган қамокда сақлаш); 3) қамокда сақлаш (оғир жисмоний ишларни бажартирмасдан); 4) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш; 5) лавозимдан четлатиш; 6) катта миқдордаги жарима; 7) ҳибс остида сақлаш; 8) оз миқдордаги жарима; 9) мол-мулкни мусодара қилиш. Ўлим жазоси, сургун, қамокда сақлаш, катта миқдорда жарима асосий жазо турларига киради, Оз миқдорда жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, лавозимдан четлатиш ва ҳибсда сақлаш қўшимча жазо турлари ҳисобланади.

Корея Республикасида жиноятни кўриб чиқиш жараёни айблов ва рақобат моделларининг қоришиғидан иборатдир, чунки жиноят-процессуал қонунчилиги Германия ва АҚШ жиноят процедурасининг кенг таъсири остида шаклланган.

1954 йилдаги Жиноят-процессуал кодекс (ЖПК) жиноят-процессуал ҳуқуқнинг асосий манбаси ҳисобланади, у роман-герман ҳуқуқ тизимига хос асосий хусусиятларни сақлаб қолган, инглиз-америка ҳуқуқининг айрим жиҳатларини ўзига сингдирган. АҚШ ҳуқуқий тизимидан олинган асосий ҳолат - ҳибсга олиш ва тинтув ўтказиш учун суд қарорининг зарурлиги, судгача гаров остида озодликда юриш ҳуқуқи, давлат томонидан тайинланадиган ҳимоячи институтининг мавжудлиги.

Конституцияга мувофиқ (12-модда), ҳибсга олиш, тинтув ўтказиш учун прокурорнинг сўрови бўйича суд берадиган ордер талаб қилинади. Ҳибсга олинган ва ушланган ҳар бир шахс адвокатдан ёрдам олиш ҳуқуқига эгадир. Агар айбланувчи ўзини адвокат билан таъминлай олмаса, давлат уни адвокат билан таъминлаши лозим. Ҳибсга олинган ва ушланган шахс судга ҳибсга олинганлигининг ва

ушланганлигининг қонунийлигини текшириш учун мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Корея Республикасининг ЖПКсига мувофиқ қилинган жиноят ўлим жазоси беришни ёки уч йилдан ортиқ жазони назарда тутадиган бўлса, айбланувчининг адвокати бўлиши лозим.

Корея Республикасида қасамёд қилганлар суди мавжуд эмас. Бир йил ва ундан кўп озодликдан маҳрум қилиш мумкин бўлган ишларни уч судьядан иборат ҳайъат, бошқа ишларни судьянинг якка ўзи кўриб чиқади.

Суд тизими. Корея Республикаси суд тизимининг асослари Конституция ва 1949 йилдаги "Судни ташкил этиш тўғрисида"ги Қонун (ўзгартишлар ва қўшимчалар билан) билан белгиланган.

Умумий судлар тизимининг бошида Олий суд туради, у барча ишлар, жумладан тегишли ҳарбий судлар бўйича олий апелляция инстанцияси ҳисобланади. Фавқулодда ҳолатлар пайтида ҳарбий судлар чиқарган ўлим ҳукмлари ва қарорлари бундан мустаснодир.

Сеул, Кванжу ва Тэгудаги юқори судлар куйи судларнинг фуқаролик ва жиноят ишлари юзасидан чиқарган қарорлари устидан апелляцияларни кўриб чиқади. Улар ҳукумат муассасаларига ва олий мансабдор шахсларга нисбатан даъволар бўйича биринчи инстанция судлари бўлиши мумкин.

Сеулдаги ва бош провинциал шаҳарлардаги округ судлари кўпгина фуқаролик ва жиноят ишлари учун биринчи инстанция судлари бўлиши мумкин. Сеулдаги оила суди оила ҳуқуқи масалаларини ва вояга етмаганлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади, бошқа шаҳарларда ушбу масалалар округ судларида кўрилади. Оила судидан ташқари ҳарбий судлар ҳам махсус судлар ҳисобланади.

Олий суднинг бош судьяси Миллий йиғилиш розилиги билан Корея Республикаси Президенти, бошқа судьялар бош судья тавсиясига кўра Миллий йиғилиш розилиги билан Корея Республикаси Президенти томонидан тайинланади. Қуйи судьялар Олий суд бош судьяси томонидан Олий суд судьялари конференциясининг розилиги билан тайинланади. Ваколат муддати Олий суд судьялариники 6 йил, қуйи судьялар судьялари учун 10 йил.

Конституцияга мувофиқ, конституциявий назоратни амалга ошириш Олий ва Конституциявий судлар ваколатига берилган. Олий суд аниқ суд жараёнида вужудга келадиган муаммолар юзасидан декретлар ва бошқа қонуности ҳужжатларининг конституциявийлиги (қонунийлиги)ни текширади. Конституциявий суд анча кенг ваколатларга эга. У муайян жараёнда суднинг илтимоси бўйича, шунингдек, ҳуқуқий ҳимоянинг барча имкониятларидан фойдаланиб бўлган исталган шахснинг сўрови асосида қонунларнинг конституциявийлигини кўриб чиқади.

Бундан ташқари, Конституциявий суд сиёсий партияларни тарқатиб юбориш ва Президентга, ҳукумат аъзоларига ва бошқа олий

мансабдор шахсларга импичмент эълон қилиш тўғрисида қарор чиқариш бўйича мутлоқ ваколатга эга.

Конституциявий суд таркибига тенг миқдорларда (яъни уч нафардан) Миллий йиғилиш, Президент ва Олий суд бош судьяси тайинлайдиган 9 нафар аъзо киради. Конституциявий суд раиси Корея Республикаси Президенти томонидан Миллий йиғилиш розилиги билан тайинланади.

Жиноят ишларини таъқиб қилиш прокуратура томонидан амалга оширилади. Прокурорлар Бош прокурор хизмати раҳбарлиги ва назорати остида бўлади. Олий Бош прокурорни Корея Республикаси Президенти тайинлайди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

“Давлат ва ҳуқуқ назарияси” кафедраси

8-МАЪРУЗА МАТНИ

ДИНИЙ-АНЪАНАВИЙ ҲУҚУҚ ОИЛАСИ

Тайёрлади: доц. М.К.НАЖИМОВ, доц. Ф.П.ҲАЙИТБОЕВ

ТОШКЕНТ -2010/2011 ў/й.

8-мавзу. Диний-анъанавий ҳуқуқ оиласи

Диний-анъанавий ҳуқуқ оиласининг вужудга келиши, шаклланиши ва унинг хусусиятлари.

Ислом ҳуқуқи ва унинг асосий манбалари.

Ҳинд ҳуқуқининг манбалари.

Африка мамлакатлари ҳуқуқий тизимлари, хусусиятлари ва уларнинг манбалари.

Мавзу бўйича фойдаланиш тавсия этиладиган адабиётлар

1. Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Масъул муҳаррирлар: Ҳ. Б. Бобоев, Ҳ. Т. Одилқориев. – Т., 2000. – Б. 313.

2. Давид Р., Жоффре-Спинози К. Основные правовые системы современности. – М.: Междунар. отношения, 1996. – 400 с.

3. Жаҳон мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари: Қомусий луғат / Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2006. –720 б.

4. Ермолович В. И., Шелкопляс В. А. Правовые системы: история и современность: Материалы межвузовской научно–практической конференции. – Минск, 5–6 января 2001 г. – Мн.: БГЭУ, 2001. – 176 с.

5. Марченко М. Н. Правовые системы современного мира. – М: Зерцало, 2001. – 400 с.

6. Правовые системы стран мира: Энциклопедический справочник / Отв. ред. А. Я. Сухарев. – М.: Норма, 2003. – 976 с.

7. Саидов А. Х. Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари -Т., 2004.-434б.

8. Синюков В. Н. Правовые системы и правовые семьи // Теория государства и права: Курс лекций / Под ред. Н. М. Матузова и А. В. Малько. – М., 1999. – С. 17–19.

9. I *Hayitboev F.P., Najimov M.K.* Hozirgi zamon asosiy huquqiy tizimlari / Mas'ul muharrir: yu.f.d., prof. Z.M.Islomov. O`quv qo`llanma – T.:TDYuI, 2010. -246 b.

10. International Encyclopedia of Comparative Law. Vol. I. National Reports. A–Z. – Tubingen, New–York, 1972–1987.

Диний-анъанавий ҳуқуқ оиласининг вужудга келиши, шаклланиши ва унинг хусусиятлари

Анъанавий-диний ҳуқуқ оиласига асосан ислом давлатлари ҳамда одат ҳуқуқи амалда бўлган Африка қитъаси мамлакатлари ҳуқуқий тизимларини киритиш мумкин.

Теократик ислом давлати томонидан умумий ҳуқуқ ёки бу даражада рухсат бериладиган ва қўллаб-қувватланадиган шаклда диний шаклда ифодаловчи нормалар тизими сифатида ислом ҳуқуқи VII-X асрларда Араб халифалигида илк ўрта асрлар даврида шаклланган ва ислом динига асосланган.

Муҳаммад Пайғамбар ўлиmidан юз йилдан кейин (732 йил) Араб халифалигининг босқинчилик юришлари натижада ислом дини Африканинг Шимолий қирғоғидан ўтган ва Испанияга кириб борган. Шарқда у Эрон чегарасини кесиб ўтган ва Ҳиндистонгача етган. XV асрда ислом босқинининг иккинчи тўлқини юз берган. Усманийлар салтанати султонлари бошчилигидаги кучлар Византия империясини яксон этиб, Константинополни эгаллаганлар (1453 йил) ва Жануби-Шарқий Европада ислом ҳукмронлигини ўрнатганлар.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин айрим Шарқ мамлакатлари ўзларини расман ислом давлатлари деб эълон қилганлар. Эроннинг 1979 йилги Конституцияси “Ислом республикаси” атамасини қабул қилган. Ҳиндистон Республикасида аҳолининг ўн фоизидан ортиғи, яъни тахминан 100 млн одам ислом динига эътиқод қилади. Малайзия ва Индонезиянинг хитой миллатига мансуб бўлмаган кўпчилик аҳолиси асосан мусулмонлардир. Африкада миссионерлар ва савдогарлар Нил дарёси водийсини ва ҳозирги Судан ҳудудини эгаллаганлар. Ислом дини бу ердан савдо йўллари орқали Саҳрои Кабирга ёйилган. Натижада нафақат Шимолий Нигерия аҳолиси, балки илгари Франция ғарбий Африкасига кирувчи кўпчилик давлатлар асосан ислом динига эътиқод қила бошлади. Ислом дини шунингдек, Африканинг Шарқий қирғоғида ҳам кенг ёйилган: Сомали асосан мусулмонлар яшайдиган мамлакат, Танзания ва Кенияда анча кўп сонли мусулмон аҳоли истиқомат қилади. Шундай қилиб ҳозирги вақтда ислом дини у ёки бу даражада кўплаб мамлакатларда – Африканинг шимоли-ғарбида Мароккашдан бошлаб Океаниядаги Фиджигача амал қилади. Тегишли статистик маълумотларга кўра ер шари аҳолисининг олтидан бир қисми ислом динига эътиқод қилади. Бироқ, ислом ҳуқуқининг макон бўйлаб ёйилиши мусулмон аҳолиси яшайдиган мамлакатларнинг географик чегаралари билан мос келмайди. Исломга дин сифатида эътиқод қилувчи, бироқ ислом ҳуқуқини қабул қилмаган миллатлар ва этник гуруҳлар ҳам мавжуд.

Диний ҳуқуққа кирувчи ислом давлатларида асосан икки йўналиш: суннийлик (Аҳли сунна вал-жамоа - суннат ва жамоат аҳли) ва шиалик (шият Али - Али тарафдорлари) мавжуд бўлиб, уларнинг

хар бирида турли масалалар юзасидан бир қатор мазҳаблар шаклланган. Учинчи йўналиш хорижийлар (хавориж - ажралиб чиққанлар) таълимоти VII асрнинг иккинчи ярмида деярли ўз аҳамиятини йўқотган. Суннийлик кўпгина араб ва мусулмон мамлакатларининг давлат мафкурасини ташкил қилади. Эрон Ислом Республикасида шиаликнинг имомий-жаъфарий мазҳаби давлат ҳуқуқининг асосидир.

Ҳар қандай мусулмон фикҳда маълум мактаб ёки мазҳабга (масалан, ҳанафийликка) эргашган бўлиши билан бир вақтда, иймон масаласида ашъарий, тақдир масаласида қадарий, сифат масаласида эса мўътазилий ақидасида бўлиши мумкин. Албатта, бундай ҳолат кам учрайди. Чунки йирик мазҳаб соҳиблари нафақат бир йўналишда, балки исломдаги барча масалалар бўйича ўз фикрларини билдирганлар.

Лекин усул (асосий масалалар)да юқорида санаб ўтилган суннийлик мазҳаблари орасида ҳеч қандай ихтилоф, қарама-қаршилик йўқ. Уларнинг барчаси “тўғри йўлдан боровчи” деб эътироф этилган.

Суннийлик йўналиши “Аҳли сунна вал жамоа” деб аталади ва 4 та фикҳий мазҳабдан иборат: ҳанафий, шофий, моликий, ҳанбалий. 2 та ақидавий: ашъарий ва мотуридий таълимотига амал қилади. Бугунги кунда дунёдаги тахминан 1,3 миллиард мусулмон аҳолисининг 92,5 фоизини суннийлар ташкил этиб, улар мазҳаблар бўйича қуйидаги нисбатда бўлинганлар: ҳанафийлар - 47 %, шофийлар - 27 %, моликийлар 17 %, ҳанбалийлар - 1,5%.

Шиа йўналиши исмоилий, ибодий, жаъфарий, зайдий мазҳабларини ўз ичига олиб, дунёдаги мусулмонларнинг 7,5 фоизини ташкил қилади.

Замонавий ислом давлатлари ичида Саудия Арабистонининг ҳуқуқий тизими алоҳида ўрин тутди. Ҳозирги пайтда мамлакатнинг ҳуқуқий тизими тамомила ислом ҳуқуқига мослашишда давом этмоқда, бу ҳол “Ҳокимият тўғрисида”ги Асосий Низомда мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра, мамлакатнинг Олий Қонуни Қуръон ва суннадир, ҳокимият эса ўз ваколатларини мамлакатда қабул қилинадиган барча қонун ҳужжатларидан устун турувчи мана шу манбалардан олади.

Мазкур нуқтаи назардан келиб чиқиб, Саудия Арабистони ҳуқуқий тизимининг учта асосий таркибий қисмини ажратиш мумкин. Биринчи таркибий қисми ислом ҳуқуқининг ўзида ифодалаган бўлиб, у шу вақтга қадар кодекс ҳолатига келтирилмаган ва анъанавий ақидалар шаклида амал қилади. Шу билан бирга, агар Подшоҳлик ташкил топгунига қадар саудия судларига ҳанбалий ақидаларини (қиёслашни ҳуқуқ манбаи сифатида рад этади) қўллаш буюрилган бўлса, ҳозирги пайтда эса улар бирон-бир аниқ мазҳаб билан боғлиқ эмас. Ҳуқуқий тизимнинг иккинчи таркибий қисми ислом ҳуқуқий меъёрлари тўғридан-тўғри белгилаб берилган қонунлардан иборат (масалан, закот, вақф ёки шикоят идораси тўғрисидаги). Ниҳоят,

учинчи таркибий қисм одатда ислом ҳуқуқи тартибга солмаган масалаларга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан иборат. Бундай ҳужжатлар ислом ҳуқуқининг фаолияти учун зарур бўлган расмий ва ташкилий масалаларни ҳал этиш усули сифатида қаралади. Мамлакатда қабул қилинган расмий қонунчилик тушунчаси, ягона қонун чиқарувчи Оллоҳдир, унинг хоҳиш-иродаси шариатда (Қуръон ва суннада) ифода қилинган, давлат эса меъёрлар яратувчилик вазифасини унинг доирасида амалга оширади, деган фикрга асосланади. Шунинг учун мамлакатда амал қилаётган ҳуқуқий ҳужжатлар - низомлар, яъни тартиблар деб номланади, уларни қабул қилувчи идоралар эса тартибга солувчи идоралар деб ҳисобланади¹. Ушбу низомларнинг фаолияти ислом ҳуқуқига зид бўлмаслиги лозимлиги белгилаб қўйилган.

Анъанавий ҳуқуқ асосан Африка минтақаси давлатларини қамраб олади. Африканинг анъанавий ҳуқуқи – бу давлат томонидан ҳимоя қилинадиган, авлоддан авлодга оғзаки шаклда ўтиб борадиган ёзилмаган юриш – туриш қоидаларидир.

Африка ҳуқуқий оиласи мамлакатлари ўз ривожланишида уч босқични босиб ўтган:

Биринчи босқич – анъанавий Африка ҳуқуқи ривожланиши босқичи.

Иккинчи босқич – одат ҳуқуқининг мустамлакачилик замонидаги ривожланиши ва асосий ҳуқуқий оилаларнинг унга таъсири.

Учинчи босқич – мустақил ривожланиш босқичи, яъни Африка мамлакатларининг ҳозирги замон ҳуқуқий тизимлари тараққиёти босқичи².

Африка одат ҳуқуқи индивидлар ҳуқуқи эмас, балки гуруҳлар ва ҳамжамиятлар ҳуқуқи ҳисобланади. Ушбу характерли белги одат ҳуқуқининг деярли ҳар бир соҳасида намоён бўлади.

Даставвал одат бутун жамият ҳаётини қамраб олган бўлиб, у иқтисодий, сиёсий, мулкӣ, оилавий ва жиноят соҳаларида амалда қўлланилиб келинган. Бироқ Африканинг Европа давлатлари томонидан мустамлакага айлантирилиши ҳамда ушбу мамлакатларнинг бошқа минтақалар билан алоқаларининг кенгайиши ва ривожланиши натижасида келиб чиққан ижтимоий муносабатларни фақат одат нормаларининг ўзи билан тартибга солишни етарли эмаслигини кўрсатди. Шу боис, европаликлар Африка қитъасига ўзлари мансуб бўлган ҳуқуқ оилаларининг қонунчилик техникасини ва манбаларини аста-секин сингдира бошладилар. Бу ҳолат айниқса, қуйидаги соҳалар, яъни молия, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, соғлиқни

¹ Жаҳон мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари: Қомусий луғат / Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2006. –Б.452.

² Саидов А. Х. Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари. -Т., 2004.-Б.348.

сақлаш, маданият, оммавий ҳуқуқ, жиноят ва жиноят-процессуал тармоқларда яққол намоён бўлди.

Шу билан бирга, анъанавий одат ҳуқуқи нормаларининг оила, ер, мулк, мерос ва бошқа соҳаларда сақланиб қолганлигини кузатиш мумкин.

Англо-саксон ҳуқуқ оиласининг қонунчилик техникаси қоидалари кўпроқ Англия мустамлакаси бўлган мамлакатларда кенгроқ қўлланса, роман-герман ҳуқуқ оиласининг ҳуқуқ нормаларини яратиш борасидаги амалиёти ушбу ҳуқуқ оиласига мансуб мамлакатларнинг мустамлакаларида татбиқ этилди.

Шу билан бирга, метрополиялардан ўзлаштириш натижасида қабул қилинган ҳуқуқ нормалари асосан шаҳарлар ва йирик аҳоли марказларида амалда мавжуд бўлса, қишлоқ ҳудудларида эса анъанавий-диний ва одат нормалари қўлланилиб қелинмоқда.

Одат ҳуқуқида энг муҳим масала – бу мажбуриятларни бажариш ва уларга риоя қилиш ҳисобланади. Одат ҳуқуқи нормалари асосан оғзаки шаклда талқин қилинади. Қабилла бошлиқлари мазкур нормаларни муайян казусли масалалар юзасидан ишларни кўриб чиқиш жараёнида қўллайдилар. Шу жиҳатдан олганда, ушбу ҳуқуқ оиласига мансуб мамлакатларда юридик муассасалар, юридик фан, юридик амалиёт ва қонунчилик техникаси етарли тарзда ривожланмаганлигини эътироф этиш лозим.

Ислом ҳуқуқи ва унинг асосий манбалари

Исломда инсонлар орасидаги ҳуқуқ Аллоҳ томонидан белгиланади. Мавжуд қонун-қоидалар Муҳаммад пайғамбарга оятлар шаклида нозил этилиб, инсонларга етказилган. Аммо ислом ҳуқуқининг шаклланишида Қуръон оятларининг Пайғамбар, саҳобалар, уламолар томонидан талқин этилиши катта аҳамиятга эга бўлган. Ислом ҳуқуқшунослари бўлган фақиҳларнинг меҳнатлари асрлар давомида мана шу улкан масъулиятли ишга сарфланган. Уларнинг саъй-ҳаракатлари янги ҳуқуқни яратишга эмас, балки Аллоҳ томонидан берилган ҳуқуқни амалда фойдаланишга мослаштиришга йўналтирилган.

Ислом ҳуқуқини белгиловчи фикҳ соҳаси фақатгина Аллоҳнинг инсонларга қўйган ўзаро ҳуқуқий қонун-қоидаларини акс эттириш билан чекланиб қолмай, балки ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олади. Масалан, мусулмон кишига фарз бўлган намозлар, закот, рўза, ҳаж каби ибодатларнинг қонун-қоидаларини белгилаш фикҳ илми соҳасига киради. Ушбу қоидаларга риоя қилиниши ҳуқуқ-тартибот органлари эмас, балки Аллоҳ томонидан назорат қилинишига асосланади. Шу маънода ислом ҳуқуқи ижтимоий-меъёрий тартибга солишнинг ўзига хос тизими сифатида тушунилади. У ҳуқуқий нормаларни, ноҳуқуқий тартибга солишларни, биринчи навбатда

диний ва ахлоқий йўлга солишларни, шунингдек, урф-одатларни ҳам ўз ичига олади.

Давлатни ўрганиш ислом ҳуқуқшунослик фанининг бир қисми ҳисобланмайди. Фикҳнинг асосий функцияси мусулмон давлати қонунчилиги билан унинг бирламчи манбалари ўртасидаги узвий алоқаларни сақлаб қолишдан иборатдир.

Фикҳ “Аллоҳ таоло ўз пайғамбари Муҳаммад алайҳиссалом орқали нозил қилган шариатни теран фаҳмламоқ” маъносини билдиради. Бошқа таърифда: “Фикҳ - шаръий далиллардан фаръий ҳукмлар чиқаришдир” дейилади. Ушбу таърифдаги “шаръий далил” Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифдир. “Фаръий ҳукм” эса умумий ҳукмдан келиб чиқадиган хусусий фикрдир. Шариатда фаръий ҳукмлар асосан ибодат ва муомалотларда намоён бўлади. Ҳар бир фақиҳ олим ҳукм чиқаришда асосан куйидаги манбаларга таяниши лозим: **биринчиси** - Қуръони Карим. Агар фақиҳ исломда бирор нарсанинг ҳукми қандай эканлигини билмоқчи бўлса, аввало Қуръонга мурожаат қилади. Унда нима ҳукм бўлса, ҳеч иккиланмасдан уни қабул қилади. **Иккинчиси** – Муҳаммад пайғамбарнинг суннатлари бўлиб, ҳадислар ниҳоятда эҳтиёткорлик билан танлаб олиниши зарур. **Учинчиси** - Ижмоъ, ўз даврининг ижтиҳод (диний манбалардан мустақил ҳукм чиқариш даражасига етган уламоларнинг яқдиллик билан бирор масалани қабул қилишларидир. Бу борада Муҳаммад пайғамбардан куйидаги ҳадис келтирилади: “Ҳазрати Али Расулulloҳдан “Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифда ҳукми бўлмаган бирон иш содир бўлса нима қиламиз?” деб сўраганларида Пайғамбар куйидагича жавоб берган: “Мўминлардан бўлган олимларни тўплаб, ўзаро маслаҳат қилинглари, бундай ишда бир кишининг фикри билан ҳукм чиқарманглари”. **Тўртинчиси** - Қиёс. Яъни ҳукми ворид бўлмаган масалани Қуръон ва ҳадисда шунга ўхшаш ва ҳукми келган нарсага қиёслаб фатво чиқариш. Кейинчалик ижтиҳод қилиш натижасида қатъий далолат қилишни иложи бўлмаган масалалар хусусида ижмоъ - яъни уламолар бир фикрга келиб ҳаракат қила бошлаганлар. Шундай қилиб, қиёслаш орқали ва юқорида айтилганлар билан бирга янги бир фан - усули фикҳ, яъни мусулмон ҳуқуқшунослиги вужудга келган. Натижада фикҳ 2 нарсани ўз ичига қамраб олган: инсон ва Аллоҳ орасидаги муносабатлардан иборат ибодат ва инсон билан инсон орасидаги муносабатлардан иборат муомалот. Исломда ҳуқуқий масалалар муомалот қисмига тегишли ҳисобланади.

Ҳинд ҳуқуқининг манбалари

Қадим дунёда шаклланган ҳинд ҳуқуқи икки минг йиллик узоқ ва машаққатли ривожланиш йўлини босиб ўтганига қарамай, ҳали-ҳамон ўзининг тартибга солувчи аҳамиятини (гарчи чекланган тартибда бўлса-да) сақлаб келмоқда. Бунинг асосий сабаби фақат ҳинд

ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятларидагина эмас, балки унинг нормаларининг анъанавий ижтимоий тузилмалар билан (биринчи навбатда – жамоа ва варна¹ – табақавий таркиблари билан) мустақкам алоқасидадир. Бу тузилмалар анча барқарор бўлиб, ғоят хилма-хил ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитларга мослаша олади.

Ҳинд ҳуқуқининг асосий хусусияти дин билан чамбарчас боғланиб кетганлигидадир. Ҳинд ҳуқуқи ўзига хос фавқулодда ҳодисанинг, аллақандай қоришиқли анъанавий тизимнинг ажралмас қисмидир. Ушбу тизим муайян ҳаёт тарзини, муайян ижтимоий тартибни, муайян ижтимоий ташкилот ёки тузилмани назарда тутувчи диний эътиқод ва маросимлар, ахлоқий, фалсафий ва бошқа мафкуравий қадриятларни қамраб олади.

Дарҳақиқат, эрампдан олдинги иккинчи минг йилликнинг турли даврларида ва ҳатто ундан олдин яратилган ҳиндлар диний қўшиқлари, ибодатлари, мадҳиялари ва маталлари тўпламлари бўлган Ведалар энг қадимий матнларни акс эттириб, уларнинг айрим сатрларини хулқ-атвор қоидалари сифатида талқин этиш мумкин. Бироқ, гарчи ҳиндлар Ведаларни илоҳий ваҳий ҳамда ўз динлари ва ҳуқуқлари манбаи деб ҳисоблашса-да, Ҳиндистон аҳолисининг маънавий ҳаётига уларнинг амалий таъсири жуда кам.

Шуниси қизиқки, қадимги Римда етук ҳуқуқий конструкцияларнинг вужудга келиш жараёни унинг диний шакллардан ҳалос бўла бориши билан бирга кечган бўлса, қадимги Ҳиндистонда, ҳуқуқий тузилмалар ва нормаларнинг шаклланиши диний қобикда амалга ошиб борди. Энг муҳими, бунда ҳуқуқий ва диний шакллар ўртасида боғловчи восита бўлиб давлат ҳокимияти майдонга чиқади.

XI-XII асрларда аста-секин шаклланган ҳинд ҳуқуқи мактаблари меросхўрлик ҳуқуқи билан, ажралмаган оилалар алоҳида аъзоларининг мулкка эгаллик ҳуқуқий тартиби ва оила мулкани бўлиш билан боғлиқ энг муҳим уч масалага турлича ёндашувлар билан ажралиб турарди. Бундан ташқари, ҳинд ҳуқуқи муайян минтақада, табақада, уруғ-қабилла ёки оилада риоя этиб келинган урф-одатларга ҳуқуқнинг манбаи деб қарашни тан олиб келган.

Британия мустамлакасидан олдин мумтоз ҳинд ҳуқуқи на дунёвий ҳукмдорлар ўрнатадиган расмий нормативларга ва на суд қарорларига асосланганди. Амалда у олимлар асарларига, шарҳларига ва уларнинг тўпламларига таянган. Аслида буларнинг барчаси одат ҳуқуқининг намоён бўлишидан бошқа нарса эмас эди. Ҳиндистон руҳоний ҳуқуқшунослари ҳуқуқ сифатида тан олинмишга сазовор бўлган урф-одатларни аниқлашда, шубҳасиз, муҳим рол ўйнаганлар.

Ҳинд ҳуқуқи инглиз мустамлакачилик ҳаракатлари даврида жиддий ўзгаришларга учраган. Мулк ҳуқуқи ва мажбурият ҳуқуқи

¹ Варна – қадимги Ҳиндистондаги тўрт табақавий гуруҳ – браҳманлар, кшатрийлар, вайшилар, шудраларнинг ҳар бири. Қадимги варналардан кейинчалик табақалар келиб чиққан.

соҳаларида анъанавий нормалар тез орада умумий ҳуқуқ нормалари билан алмаштирилган.

Оила ва мерос ҳуқуқи соҳасида аҳвол бошқачароқ тус олганган. Бу ерда мерос қолдириш, никоҳ, табақа ва бошқа урф-одатлар ёки тузилмалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар ҳинд нормалари асосида ҳал этиларган. Шу тариқа “Инглиз-ҳинд” ҳуқуқи қоришмасига ўхшаш ҳуқуқ келиб чиққан. Шунга қарамай, ҳинд ҳуқуқини тўла сиқиб чиқариш содир бўлмаган ҳамда қатор норма ва тузилмалар амал қилишда давом этган.

Мустақиллик учун кураш давомида ҳинд ҳуқуқини тўла кодекслаштириш режаси муҳокама этилган. 1947 йилда мустақиллик эълон қилинганидан кейин кўп ўтмай, Ҳиндистон ҳукумати кўриб чиқиш учун парламентга оила ва мерос ҳуқуқини ўз ичига олиши лозим бўлган “Ҳинд кодекси” лойиҳаси ишлаб чиқилган. Лекин сиёсий тусдаги қатор сабабларга кўра, ушбу лойиҳа кун тартибидан олиниб, ҳукумат алоҳида қонун лойиҳаларини тайёрлаш йўлидан борган.

Дастлаб 1955 йили Никоҳ тўғрисидаги қонун кучга кирган. 1956 йили яна учта қонун: Вояга етмаганлар ва васийлик тўғрисидаги қонун, Мерос тўғрисидаги қонун, Фарзандликка олиш ва оила аъзоларини парвариши учун тўловлар тўғрисидаги қонунлар қабул қилинган¹.

Кейинроқ яна ҳинд ҳуқуқий тузилмаларида ўзгаришлар содир бўлган, натижада урф-одатларнинг таъсир доираси кескин қисқарган.

Етимларни фарзандликка олиш учун рухсат берилган. Кўпхотинлилик тақиқланиб, суд орқали ажрашиш қонуний тусга кира бошлаган. Аёлларнинг мерос ҳуқуқлари кенгайган.

Ҳинд ҳуқуқи бўйича юридик маълумотномалар табақаланиш масаласини ёритмайди, зеро, у “шахсий ҳуқуқ”қа тааллуқли эмас деб ҳисобланади. Мамлакатда табақавий тузилмалар ҳақида ва табақавий мухторият тўғрисида сўз юритиш одат тусини олган. Улар Ҳиндистон Конституциясининг 26-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган: ҳар қандай диний оқим, мазҳаб, агар у жамоат тартибига, ахлоққа, соғлиқни сақлашга хилоф бўлмаса: а) диний ёки хайр-эҳсон мақсадида муассасалар тузиш ва сақлаш, б) диний масалаларда бошқарувни амалга ошириш... ҳуқуқига эга.

Шундай қилиб, “ҳинд ҳуқуқи” деганда, ҳиндларнинг қонунлар ва урф-одатлар билан кўриниши ўзгарган шахсий ҳуқуқлари тушунилади. Ҳинд ҳуқуқи ҳуқуқ тармоғи сифатида Ҳиндистонда бевосита ва билвосита қўлланилади, шунингдек, улардан Шарқий Африка мамлакатларида ҳам кўриниши ўзгарган ҳолда фойдаланиб келинади.

¹Батафсил қаранг: Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. –Т.: Адолат, 2007. –Б.758-760.

Африка мамлакатлари ҳуқуқий тизимлари, хусусиятлари ва уларнинг манбалари

Африка қитъасида мустамлакачилик тузуми барҳам топиши натижасида шаклланган янги ҳуқуқ эски диний ҳуқуқ ва одат ҳуқуқи билан уйғунлашиб кетади. Ушбу тизим бугунги кунда ижтимоий муносабатларнинг кенг доирасида амал қилиб келмоқда. Ўз ўрнида ижтимоий муносабатларни тартибга солишда одат ҳуқуқининг аҳамиятини тўғри баҳолаш Африка қитъаси ҳуқуқий харитасида рўй бераётган жараёнлар қонуниятларини англаш, Африка давлатлари миллий ҳуқуқи ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ва йўналишларини аниқлашга ёрдам беради.

“Одат ҳуқуқи” атамаси Африка халқлари мустамлака асоратига тушишидан олдинги мавжуд анъанавий ҳуқуқни кўзда тутган ҳолда қўлланилади. “Қабилавий қонунлар”га тааллуқли оз миқдордаги мисолларни ҳисобга олмаганда, анъанавий ҳуқуқ кўп жиҳатдан авлоддан-авлодга оғзаки ўтиб келган ёзилмаган қоидалар тўпламидан иборат. Анъанавий ҳуқуқда ҳуқуқий ва ахлоқий нормалар узвий боғлиқликда намоён бўлади.

Африка халқлари ўртасидаги (энг аввало – этник ва лингвистик жиҳатдан, қариндошлик тизимидаги, оила турмуш тарзидаги) жиддий фарқларга ҳамда урф-одатлари ва одат ҳуқуқининг хилма-хиллигига қарамай, Африка ҳуқуқига ягона бир тушунча сифатида ёндашиш учун етарли асослар мавжуд. Африка одат ҳуқуқи, умуман, одат ҳуқуқига хос бўлган шахслар ҳуқуқи бўлмай, балки гуруҳлар ҳуқуқидир.

Одат ҳуқуқига асосан никоҳ шартномаси икки кишининг иттифоқидан кўра кўпроқ икки оилавий гуруҳ келишувидан иборат. Ажралишга ҳам фақат оиланинг рухсати билан йўл қўйилиши мумкин. Ерга эгалик ҳуқуқи ижтимоий гуруҳга тааллуқлидир. Мерос ҳуқуқида ҳам мулк алоҳида шахсларга эмас, балки оилалар ёки гуруҳларга ўтади.

Африка жамоаларида судларнинг ёки низоларни ҳал этиш тизимининг икки асосий тури амал қилади. Уларни ҳакамлар ва юридик расмиятчиликларга риоя қилувчи судлар сифатида таснифлаш мумкин.

Анъанавий ҳуқуқда илоҳийликнинг ролини ҳам қайд этиб ўтиш жоиз. Суд тартиб-қоидаларида ушбу ҳолат ҳақиқатни аниқлаш учун қасам ичишга мажбур қилишда ҳамда “илоҳий суд” йўли билан синовлар ўтказишда ифодаланган.

Анъанавий ҳуқуқ тузилмалари орасида оила, ер мулки, мерос алоҳида ўрин тутди. Одат ҳуқуқи полигамия, яъни эркакларнинг бир неча хотинли бўлиши ҳуқуқини тан олиб, келин учун қалин пулини белгилашни назарда тутди. Никоҳнинг бекор қилиниши одат ҳуқуқида камдан-кам учрайдиган ҳодиса. Шу сабабли, ажралишга рухсат олишга катта машаққатлар билан эришилади.

Мерос ҳуқуқи анъанавий жамиятда фақат мулкнинг ўтишинигина эмас, шу билан бирга, марҳумнинг бутун бир ҳуқуқлар ва мажбуриятлар мажмуини ҳам меросхўрларга ўтишини назарда тутди.

XIX асрда Англия, Франция, Португалия, Белгия каби давлатлар Африка мамлакатларида асосан метрополия¹да амал қилган ҳуқуқни ҳамда ўз судлов тизимларини жорий қилишга интиланлар.

Ҳар бир мустамлакачи давлат ўзига қарам бўлган мамлакатларга ўз ҳуқуқий моделини мажбурий сингдиришга ҳаракат қилган. Айтиб ўтиш керакки, мустамлакачилар одат ҳуқуқи ва суд ишининг ўз манфаатларига зид келмайдиган қисмини сақлаб қолиш сиёсатини юритганлар.

Мустамлакачилик бошқаруви натижасида ҳуқуқнинг дуалистик (икки ёқлама) тизими вужудга келган. У метрополиялар жорий этган ҳуқуқ ва одат ҳуқуқини ўз ичига олган. Метрополия ҳуқуқи асосан маъмурий ҳуқуқ, савдо, жиноят ҳуқуқига тааллуқли бўлган. Анъанавий соҳалар – ерга эгалик, оила ва мерос ҳуқуқи – оддий ҳуқуқ доирасида қолган.

Мустамлакачилик даврида одат ҳуқуқида рўй берган тўртта муҳим ўзгаришни қайд этиш мумкин. Булар: 1) низоларни ҳал этишнинг анъанавий усулларида воз кечиш, яъни аста-секин суд тизимини жорий этиш ва уни қабилавий қоидалардан буржуа суд тузилиши намуналарига ўтказиш; 2) маҳаллий судларда одат ҳуқуқи нормалари бўйича ишни кўриб чиқаётган судларнинг Европа нормаларини қабул қилиш; 3) одат ҳуқуқини бекор қилмаган ҳолда, африкаликларга ўз ҳуқуқий муносабатларини Европа ҳуқуқи асосида тартибга солиш имкониятини берувчи қонунларни жорий этиш; 4) ваҳшийлик сифатида эътироф этилган айрим урф-одатларни, масалан, қуллик ва жароҳат етказишларни тўғридан-тўғри тақиқлашдан иборат².

Африканинг анъанавий одат ҳуқуқи, шубҳасиз, бугунги кунда ўзининг дастлабки хусусиятларини кўп жиҳатдан йўқотиб бормоқда. Африка давлатларида одат ҳуқуқи ривожланишининг асосий йўналишлари ҳуқуқий урф-одатлар аҳамиятининг чекланиб бориши билан ҳамда янги миллий қонунчилик ҳужжатлари таъсирида қамраб олинмайдиган ижтимоий муносабатлар доирасининг кенгайиб бориши билан тавсифланади.

¹ Метрополия – ўз мустамлакаларига эга бўлган давлат.

² Қаранг: Саидов А. Х. Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари. -Т., 2004.-Б.354.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

“Давлат ва ҳуқуқ назарияси” кафедраси

9-МАЪРУЗА МАТНИ

СОЦИАЛИСТИК ҲУҚУҚ ОИЛАСИ

Тайёрлади: доц. М.К.НАЖИМОВ, доц. Ф.П.ҲАЙИТБОЕВ

ТОШКЕНТ -2010/2011 ў/й.

9-мавзу. Социалистик ҳуқуқ оиласи

Социалистик ҳуқуқнинг вужудга келиши ва умумий тавсифи.

Социалистик ҳуқуқ ва роман-герман ҳуқуқи.

Социалистик ҳуқуқнинг инқироzi.

ХХР, КХДР, Вьетнам ва Куба давлатларининг ҳуқуқий тизимлари.

Мавзу бўйича фойдаланиш тавсия этиладиган адабиётлар

1. Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Масъул муҳаррирлар: Ҳ. Б. Бобоев, Ҳ. Т. Одилқориев. – Т., 2000. – Б. 313.
2. Давид Р., Жоффре-Спинози К. Основные правовые системы современности. – М.: Междунар. отношения, 1996. – 400 с.
3. Жаҳон мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари: Қомусий луғат / Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2006. –720 б.
4. Ермолович В. И., Шелкопляс В. А. Правовые системы: история и современность: Материалы межвузовской научно–практической конференции. – Минск, 5–6 января 2001 г. – Мн.: БГЭУ, 2001. – 176 с.
5. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. –Т.: Адолат, 2007. - 916 б.
6. Марченко М. Н. Правовые системы современного мира. – М: Зерцало, 2001. – 400 с.
7. Правовые системы стран мира: Энциклопедический справочник / Отв. ред. А. Я. Сухарев. – М.: Норма, 2003. – 976 с.
8. Правовая система социализма. В 2 кн. Кн. 1. Правовая система: Понятие, структура, социальные связи. – М.: Юрид. лит., 1986. – 366 с.
9. Правовая система социализма. В. 2 кн. Кн. 2. Правовая система социализма: функционирование и развитие. – М.: Юрид. лит., 1987. – 246 с.
10. Саидов А. Х. Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари -Т., 2004.-434б.
11. Синюков В. Н. Правовые системы и правовые семьи // Теория государства и права: Курс лекций / Под ред. Н. М. Матузова и А. В. Малько. – М., 1999. – С. 17–19.
12. International Encyclopedia of Comparative Law. Vol. I. National Reports. A–Z. – Tubingen, New–York, 1972–1987.

Социалистик ҳуқуқнинг вужудга келиши ва умумий тавсифи

Социалистик ҳуқуқ тизими дастлаб 1917 йилда Россияда октябр тўнтаришидан кейин юзага келган бўлса, Шарқий Европа, Осиё, Лотин Америкасининг бир қатор давлатларида эса иккинчи жаҳон урушидан кейин шаклланди. Таъкидлаш жоизки, Собиқ Иттифоқда янги ҳуқуқ тизими Чор Россияси ва Муваққат ҳукумат, шунингдек ғарб давлатларининг ҳуқуқ нормалари ва тамойилларини ўзлаштирмасдан вужудга келган. Бошқа кўпгина социалистик давлатларда эса эски қонунчиликнинг бир қатор қоидалари, асосан кодекслар, янги ҳукумат томонидан муайян даражада тан олинган ва узоқ вақт давомида айрим ўзгартиришлар билан амалдаги ҳуқуқ манбаси бўлиб қолган¹.

Социалистик ҳуқуқ тизимини ўзлаштирган давлатлар илгари роман-герман ҳуқуқий оиласига мансуб бўлиб, ҳозирги кунга қадар унинг бир қатор хусусиятларини ўзида сақлаб қолган. Шу билан бирга, ҳозирда ҳам амалда бўлиб келаётган социалистик ҳуқуқий тизимларда Европа ва совет олимлари сайъ-ҳаракатлари билан ишлаб чиқилган юридик фан терминологияси ва ҳуқуқ тизими тамойилларидан муайян даражада фойдаланилмоқда.

Континентал ҳуқуқ билан социалистик ҳуқуқ тизими ўртасида айрим ўхшашликлар бўлса-да, ушбу ҳуқуқ тизими ўзига хос хусусиятларга, энг аввало, синфий характерга эгаллиги билан ажралиб туради. Социалистик ҳуқуқнинг ягона ва асосий манбаси дастлаб инқилобий кучларнинг қонун ижодкорлиги бўлган бўлса, кейинчалик меҳнаткашлар, аҳолининг кўпчилиги, шунингдек коммунистик партия раҳбарлиги остида бутун халқ иродасини ифодаловчи норматив-ҳуқуқий актлар ҳисобланган. Социалистик инқилобнинг амалга оширилиши ҳақиқий социалистик жамият барпо этиш мақсадларига йўналтирилган эди. Ушбу жараён давомида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий актларнинг катта қисмини қонуности актлари ташкил этиб, улар, энг аввало, партия-давлат аппарати манфаатлари ва иродасини ўзида ифода этган.

Социалистик ҳуқуқ тизимида ҳуқуқни тор маънода тушуниш устунлик қилган, яъни оммавий ҳуқуқ хусусий ҳуқуққа нисбатан устун ўринга эга бўлган. Ҳуқуқ императив характер касб этиб, давлат сиёсати билан мустаҳкам равишда боғланган ва партия ҳокимияти ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мажбурлов кучи билан таъминланган².

Социалистик ҳуқуқ тизимида ҳуқуқ манбаси сифатида суд амалиёти инкор қилинган. Судьялар мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунishi тўғрисидаги конституциявий тамойилга

¹ Қаранг: Общая теория права: Учебник / Под. ред. А.С. Пиголкина. - 2-е издание, перераб. и доп. - М., 1995. - С. 365.

² Общая теория государства и права: Учебник / Под ред. В.В. Лазарева. - 3-е изд. - М.: Юристъ, 2001. - С. 320.

қарамасдан, суд ҳукмрон партия қўлида қурол сифатида ишлатилиб, унинг ҳукмронлиги ва манфаатларини таъминлаган. Суд ҳокимияти қонунчилик ва ижро ҳокимияти органларини назорат қилмаган. Собиқ Иттифоқда қонунларнинг конституциявийлиги устидан назорат институти мавжуд бўлмаган¹.

Европа, Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатлари социалистик ҳуқуқ тизимига биринчи навбатда совет ҳуқуқ тизими таъсир ўтказган. Хорижий социалистик мамлакатлар (Хитой, Куба, Шимолий Корея)нинг миллий ҳуқуқ тизимлари социалистик ҳуқуқнинг турли кўринишларини ўзлаштириб олган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврлар, айниқса, 50-60 йилларда ғарб тадқиқотчилари бир оз кейинроқ бўлса-да, социалистик ҳуқуқнинг мавжудлигини тан олганлар.

80-90 йилларда ғарб олимларининг бошқа ҳуқуқ тизимлари ўртасидаги социалистик ҳуқуқнинг ўрни ва ролига бўлган қарашлари социалистик ҳуқуқни мустақил ҳуқуқ типи ёки алоҳида ҳуқуқ оиласи деб эътироф этишига олиб келган.

Социалистик ҳуқуқда роман-герман ҳуқуқ тизимининг ўхшаш томонларини кузатиш мумкин. Жумладан, социалистик ҳуқуқ роман-герман ҳуқуқ оиласи терминологияси, унинг ташқи структурасини сақлаб қолган. Совет ҳуқуқи француз ёки немис концепциясидан фарқ қилмайдиган ҳуқуқий норма концепциясига асосланган. Шу боис, айрим ғарб олимлари совет ҳуқуқини роман-герман ҳуқуқ оиласига мансуб деб ҳисоблайдилар.

Совет ҳуқуқшунослари социалистик ҳуқуқ категориялари ва институтлари ҳақида гапирганда, унда роман-герман ҳуқуқий тизими институтлари хусусиятлари бўлсада, мазкур ҳуқуқий оила моҳиятан тубдан фарқ қилади деб эътироф этганлар. Чунки, янги типдаги жамият бошқача иқтисодий тузум ва мафкурага асосланган бўлиб, ҳуқуқ тизими ҳамда унинг нормалари ҳам шу асосда ўзгартирилиши ва мослаштирилиши лозим бўлган. Хусусан, фуқаролик ҳуқуқидан оила ҳуқуқи ажралиб чиққан, савдо ҳуқуқи йўқолиб кетган ва қишлоқ хўжалик, уй-жой ҳуқуқи каби янги ҳуқуқ соҳалари юзага келган.

Социалистик ҳуқуқ оиласида конституциявий ҳуқуқ ғарб мамлакатларининг бу борадаги амалиётидан тубдан фарқ қилади. Бунда социалистик конституциявий ҳуқуқ тизимининг қуйидаги икки хусусиятини кўрсатиб ўтиш мумкин: коммунистик партиянинг раҳбарлик роли ҳамда турли даражадаги кенгашлар ёрдамида давлат ҳокимиятининг амалга оширилиши.

Социалистик конституциявий қонунчилик ривожланишининг характерли хусусиятларидан яна бири конституциявий тартибга солиш доирасининг кенгайганлигидир. Бунга давлат ҳаётига тааллуқли

¹ Общая теория права: Учебник / Под ред. А.С. Пиголкина, 2-е издание, перераб. и доп. - М.: Юристъ, 1995. - С.367.

масалаларни, шахснинг ҳуқуқий мақоми ва давлат органларига тегишли нормаларнинг ҳамда ҳуқуқ соҳалари тамойилларининг конституциявий жиҳатдан белгилаб қўйилишини киритиш мумкин. Янги социалистик конституциялар анча кенг доирадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиб, уларда жамият бутун сиёсий тизими фаолиятининг асосий тамойиллари мустаҳкамланган. Шунингдек, ушбу конституцияларда коммунистик партиянинг раҳбарлик роли, кўппартияли тизимга эга бошқа мамлакатлардаги демократик партиялар билан уларнинг муносабатлари, халқ қўмиталари, касаба уюшмалари, жамоат ташкилотларининг вазифалари ва фаолият йўналишлари ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб қўйилган. Хусусан, ГДР, БХР, ЮСФРнинг Асосий қонунларига меҳнат жамоаси институти киритилган.

Барча социалистик мамлакатларда конституциянинг муҳим сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат сифатидаги аҳамиятига алоҳида эътибор берилган. Социалистик ҳуқуқ тизимида конституциявий ҳуқуқнинг ривожланишини Асосий қонунлар таркибий тузилишининг(дастурий муқаддима, боблар ва бўлимлар мазмунини кенгайтириш ва янгиларини қўшиш) ўзгаришида кўриш мумкин. Кўплаб давлатларда социалистик конституциялар лойиҳалари умумхалқ муҳокамасидан ўтказилиб қабул қилинган (масалан, ГДР, БХР, Куба).

Собиқ Иттифоқ Конституцияси муқаддимасида ривожланган социализм қуриш бўйича босиб ўтилган йўл якунлари ва коммунистик жамият қуриш йўлидаги мақсад ва вазифалар белгилаб берилган. Шунингдек, асосий қонун матнига янги бўлим ва боблар киритилиб, социалистик конституциявий амалиётда илк бор “Ташқи сиёсат” деган янги боб қўшилган. Унда тинчлик сиёсати, турли ижтимоий тузумдаги давлатлар билан тинч-тотув яшаш тамойили, социализм давлатлари билан социалистик интернационализм тамойиллари асосида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам муносабатларини амалга ошириш белгилаб қўйилган.

Социалистик ҳуқуқнинг ўзига хослиги фақатгина конституциявий ҳуқуққа боғланмасдан, бошқа ҳуқуқ соҳалари: маъмурий, жиноят, меҳнат, фуқаролик ҳуқуқи ва бошқаларга ҳам тегишлидир. Шу ўринда, маъмурий ҳуқуқ унда шахсни муҳофаза қилиш ва маъмурият устидан суд назоратини амалга оширишга қаратилмаганлигини таъкидлаш жоиз. Маъмурий ҳуқуқда коммунизм қуришга қаратилган давлат сиёсати муҳим ўрин тутган, бунда суд назорати институти халқ вакиллари ва жамоат ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган назорат билан алмаштирилган.

Социалистик ҳуқуқнинг яна бир муҳим жиҳати хусусий ҳуқуқнинг инкор этилганлигидир. Марксизм-ленинизм назариётчиларининг фикрича, хусусий ҳуқуқ ҳукмрон синф қўлидаги қуролдан бошқа нарса эмас ва бу ҳуқуқнинг мавжудлиги социализм идеалларга мос

келмайди. Процессуал шакллар анча соддалаштирилиб, судланувчиларнинг ҳимояланиш ҳуқуқи чегараланган.

Социалистик ҳуқуқ ва роман-герман ҳуқуқи

Социалистик ҳуқуқ тизимининг роман-герман ҳуқуқ тизими билан ўзаро боғлиқлиги ва ўхшашлик томонларини, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда турли қиёсий ҳуқуқшунос олимлар ушбу икки ҳуқуқ тизимини мустақил ҳуқуқ оиласи сифатида эътироф этадилар.

Тегишли илмий адабиётларда, энг аввало, рим ҳуқуқининг социалистик ҳуқуқ ва роман-герман ҳуқуқ тизими шаклланиши ва ривожланиши жараёнига кўрсатган таъсири эътироф этилади. Социалистик ҳуқуқнинг кодификациявий характерда эканлиги уни роман-герман ҳуқуқ тизими билан таққослаш имконини беради. Шу ўринда, Собик Иттифоқнинг 1922 йилги Фуқаролик кодекси Герман фуқаролик кодекси намунасида қабул қилинганлигини қайд этиш мумкин.

Мазкур ҳуқуқ тизимларни яқинлаштирувчи хусусиятлардан яна бири уларнинг доктринал характерга эга эканлигидир. Ҳуқуқшунос олимлар доктринани нафақат ҳодиса ва предмет тўғрисида яхлит тасаввурни шакллантириш имконини берувчи қарашлар, фикрлар тизими сифатида, балки ҳуқуқшунос-назариётчилар, амалиётчиларнинг муайян ижтимоий аҳамиятга эга масала юзасидан турли фикрлари, қонунчилик ҳужжатларига шарҳлар сифатида ҳам эътироф этадилар. Социалистик ва роман-герман ҳуқуқ тизимида доктриналарнинг қўлланилишидаги фарқ шундаки, социалистик мамлакатларда юридик аҳамиятга эга доктриналар сифатида фақатгина ҳуқуқий эмас, балки сиёсий доктриналар (Коммунистик партия съездлари, пленумлари қарорлари) ҳам тан олинган бўлса, ғарб давлатларида эса бундай амалиёт қўлланилмайди.

Айрим ғарб муаллифлари ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари, хусусан, ҳуқуқ соҳаси ривожланиши учун партия қарорларининг аҳамиятини батафсил баҳолаб, бундай ҳужжатларнинг доктринал аҳамияти шубҳасизлиги тўғрисида муайян хулосага келганлар, чунки партия қарорларида турли масалалар юзасидан марксча-ленинча назария замонавий талқинда баён қилинган.

Социалистик ҳуқуқ ва роман-герман ҳуқуқ тизимларнинг ўхшашлиги ёки бир-бирига тегишлилигини тасдиқловчи асослар, яъни ушбу икки ҳуқуқ тизимининг юқорида келтирилган умумий белги ва хусусиятларидан ташқари айрим муаллифлар бошқа асосларни ҳам келтириб ўтадилар.

Масалан, социалистик ва роман-герман ҳуқуқ тизимида ҳуқуқ манбалари тизимида англо-саксон ҳуқуқ тизимидаги каби суд

прецедентига эмас, балки қонун ва қонуности ҳужжатларига устунроқ ўрин берилади.

Социалистик мамлакатларда қонунга катта аҳамият берилиши тез суръатларда ривожланиб бораётган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқ нормаларида акс эттириш имконияти мавжудлигидан далолат беради.

Юқоридагилар билан бирга, социалистик ва роман-герман ҳуқуқ тизими учун суд ишларни юритишнинг “инквизиторлик усули”, жиноятларни тергов қилишнинг ўхшаш методикаси, тергов ҳаракатлари ўтказишнинг ёзма-ҳужжат характериға эғалиги каби хусусиятлар хос ҳисобланади.

Социалистик ҳуқуқнинг инқирози

Ўтган асрнинг 90-йилларида Собиқ Иттифоқ ва социалистик мамлакатлар ҳамдўстлиги инқирозға юз тутгандан сўнг фақат айрим давлатларда (Хитой, Шимолий Корея, Куба) социалистик ҳуқуқ тизими сақланиб қолди. Собиқ социалистик лагерға кирувчи мамлакатларда янги постсовет ва постсоциалистик ҳуқуқ тизимлари вужудға келди.

Роман-герман, англо-саксон ва бошқа ҳуқуқ тизимлари билан бир қаторда алоҳида мустақил ҳуқуқ тизими сифатида тан олинган социалистик ҳуқуқ тизимлари гуруҳида охирги ўн йилликларда жиддий ўзгаришлар рўй берди.

Компаративист олимларнинг тадқиқотларида социалистик ҳуқуқ тизимининг қиёсий ҳуқуққа сезиларли таъсир кўрсатган уч асосий даврини ажратиб кўрсатилади: Биринчи давр - Россияда 1917-1922 йилларда социалистик ҳуқуқ тизимининг вужудға келиши ва дастлабки таркиб топиши; иккинчи давр - Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Шарқий Европа, Жанубий-Шарқий Осий ва Кубада социалистик ҳуқуқ тизимининг шаклланиши; учинчи давр - ўтган асрнинг 90-йилларида ушбу ҳуқуқ тизимининг аста-секинлик билан инқирозға учраши.

Социалистик ҳуқуқ марказлашган иқтисодиётнинг режалаштирилиши, турли мулк шакллари тизимида давлат мулкчилиги устунлиги, ишлаб чиқариш соҳаларида давлат назоратининг сақлаб қолинганлиги, моддий неъматларни тақсимлаш шароитларида вужудға келадиган асосан оммавий ҳуқуқий муносабатларни ўз ичига олувчи ҳуқуқий тизимларға йўналтирилган эди.

Ҳозирги вақтда социалистик ҳуқуқ оиласига мансуб мамлакатлар ҳуқуқ тизимида сезиларли ўзгаришларни кузатиш мумкин. Кўплаб давлатлар ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлини танлаб, эски тузум қолдиқларидан воз кечиш ҳамда халқаро ҳуқуқ нормалариға мос келадиган ҳуқуқ тизимиға асосланишни афзал кўрмоқдалар. Албатта, бу, биринчидан, янги ҳуқуқ тизимини қабул қилишда бир ҳуқуқ тизимининг айрим афзал томонларини ўзлаштириш, ўз ҳуқуқ тизимининг эскириб қолган томонларини алмаштириш имконини

беради. Иккинчидан, қонунчиликни янгилаш, жамиятда қонун устуворлигини ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ва шахснинг ўзаро жавобгарлигини таъминлаш бўйича бир қатор чоратadbирларни амалга ошириш имконини беради.

Хитой Халқ Республикасининг ҳуқуқий тизими

Ҳудудий - сиёсий тузилишига кўра, ХХР - автоном тузилмаларга эга бўлган унитар давлат. Маъмурий бўлиниши: 23 та провинция (Тайвансиз), 5 та автоном туман ва марказга бўйсунувчи 4 та шаҳар - Пекин, Шанхай, Чунцин ва Тяньцзиндан иборат. ХХРда автоном туманлардан ташқари 30 та автоном вилоят, 121 та автоном уезд, шунингдек, мингдан зиёд автоном волость мавжуд.

1997 йилда Хитой тасарруфига қайтарилган, собиқ инглиз мустамлакаси Гонконг ХХР таркибига Сянган махсус маъмурий тумани сифатида кирди.

Тегишли минтақада кўпчиликни ташкил этувчи майда миллатлар уч турдаги автоном тузилмаларни: автоном туман, автоном округ ёки автоном уезд ташкил этишлари мумкин.

Бошқарув шаклига кўра ХХР советларга хос (социалистик) типдаги республика ҳисобланади. 1982 йилги Конституцияга биноан, Хитой Халқ Республикаси - ишчилар синфи етакчилик қиладиган ҳамда ишчилар ва деҳқонлар иттифоқига асосланган, халқнинг демократик диктатурасига эга бўлган социалистик давлат. Хитой Коммунистик партияси (ХКП) сиёсий тизимнинг ҳукмрон ва етакчи кучи бўлиб, ушбу ҳолат ХХР Конституциясида акс эттирилган. Сиёсий тизим партия ва давлат вазифаларининг, ХКП ва давлатнинг узвий муштараклик хусусиятига эга. ХКПдан ташқари, Хитойда яна саккизта партия мавжуд.

Бутунхитой халқ вакиллари мажлиси (БХВМ) ХХРда давлат ҳокимиятининг олий органи бўлиб, БХВМ Доимий қўмитаси унинг мунтазам ишлаб турувчи органидир. Ушбу иккита орган мамлакатда қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. БХВМ депутатлари провинциялар, автоном туманлар, марказга бўйсунувчи шаҳарлар ва қуролли кучлардан танлов асосида кўп босқичли сайлов йўли билан 5 йил муддатга сайланадилар. БХВМ Конституцияга ўзгартишлар киритади; жинойт ва фуқаролик тўғрисидаги қонунларни, давлат тузилиши тўғрисидаги ва бошқа қонунларни қабул қилади ҳамда уларга ўзгартишлар киритади; давлат бошлиғини - ХХР Раисини ва унинг ўринбосарларини, БХВМ Доимий қўмитаси Раисини ва унинг таркибини сайлайди; ХХР Давлат кенгаши раиси ва (ҳукумати) таркибини тасдиқлайди; ХХР Марказий ҳарбий кенгаши раисини сайлайди ва унинг таркибини тасдиқлайди; Олий халқ судининг Раисини ва Олий халқ прокуратурасининг Бош прокурорини сайлайди; иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш режаларини, давлат бюджетини

ва уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқади ва тасдиқлайди.

Депутатлар ишлаб чиқаришдаги вазифаларини бажаришни депутатлик фаолияти билан бирга қўшиб олиб борадилар, БХВМ коллегиял орган сифатида жуда қисқа вақт давом этадиган (бир йилда 2-3 ҳафта) сессиялар пайтида иш олиб боради. Қолган пайтда ваколатларининг талай қисмини БХВМ томонидан сайланадиган ва унга ҳисоб берадиган **БХВМ Доимий қўмитаси** амалга оширади. Унинг таркибига раис, раис ўринбосари, котибият бошлиғи ва Доимий қўмитанинг аъзолари киради. Қўмитанинг навбатдаги мажлислари икки ойда бир марта ўтказилади. Унинг ваколат муддати - 5 йил.

БХВМ Доимий қўмитаси Конституцияни шарҳлашга, қонунлар қабул қилиш ва уларга ўзгартишлар киритишга, қонунларга шарҳ беришга, Давлат кенгаши, Марказий ҳарбий кенгаш, Олий халқ суди ва Олий халқ прокуратурасининг иши устидан назоратни амалга оширишга; провинциялар, автоном вилоятлар ва марказга бўйсунувчи шаҳарлар давлат ҳокимияти органларининг Конституцияга, қонунларга ва маъмурий ҳужжатларга зид ҳужжатларини бекор қилишга; мамлакатда ялпи ёки қисман сафарбарлик тўғрисида қарор қабул қилишга; халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилишга ваколатлидир.

БХВМ сессиялари оралиғидаги даврда унинг Доимий қўмитаси БХВМ қабул қилган қонунларга қисман ўзгартишлар ва қўшимчалар киритади, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш режаларига, давлат бюджетига уларнинг бажарилиши жараёнида киритиладиган тузатишларни кўриб чиқади ва тасдиқлайди; вазирлар, қўмиталарнинг раислари, бош тафтишчи ва котибият бошлиғини тайинлайди ва лавозимидан бўшатади (бу ваколатлар Давлат кенгаши раисининг тақдимномасига биноан амалга оширилади); Марказий ҳарбий кенгаш раисининг тақдимномасига биноан унинг аъзоларини тайинлайди ва лавозимидан бўшатади; агар ХХРга қуролли ҳужум қилинса ёки тажовуздан биргаликдаги муҳофаа бўйича халқаро шартномавий мажбуриятларни бажариш зарурияти бўлган ҳолларда уруш эълон қилади.

БХВМ томонидан сайланадиган ХХР Раиси давлат бошлиғидир. Унинг ваколатлари муддати БХВМ ваколатлари муддатига мос келади, лекин у янги чақириқдаги БХВМ томонидан сайланадиган Раис лавозимини бажаришга киришгунга қадар ўз ваколатларини амалга оширади. ХХР Раиси лавозимини кетма-кет икки муддатдан ортиқ эгаллаб туриши мумкин эмас. БХВМ ва унинг Доимий қўмитаси қарорлари асосида ХХР Раиси қонунларни эълон қилиш, бир қатор олий мансабдор шахсларни (Давлат Кенгаши раиси, унинг ўринбосарларини, Давлат кенгаши аъзолари ва бошқаларни) тайинлаш, давлат орденлари билан мукофотлаш ва унвонлар бериш, чет давлатлардаги дипломатик вакилларни тайинлаш ва чақириб

олиш, чет давлатлар билан тузилган шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш, афв, сафарбарлик, фавқулодда ҳолат жорий этиш ва уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш бўйича ваколатларни амалга оширади.

ХХР Давлат кенгаши давлатнинг марказий ижро этувчи органи бўлиб, у Конституциянинг 85-моддасида шундай таърифланади: "Марказий халқ ҳукумати, давлат ҳокимиятининг ижро этувчи органи, олий давлат маъмурий органи". У раис, унинг ўринбосарлари, Давлат кенгаши аъзолари, вазирлар, қўмиталарнинг раислари, Бош тафтишчи ва котибият бошлиғидан таркиб топади. Раис, унинг ўринбосарлари, Давлат кенгаши аъзолари ва котибият бошлиғи Давлат кенгашининг Доимий қўмитасини ташкил этадилар. Унинг ваколати муддати - 5 йил. Давлат кенгаши умумдават миқёсидаги маъмурий ишларга, вазирликлар ва идоралар фаолиятига раҳбарлик қилади ҳамда тегишли ваколатларга эга. У БХВМ ва унинг Доимий қўмитаси олдида жавобгардир ва уларга ҳисоб беради.

ХХРда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар таркибига давлат хавфсизлиги органлари, прокуратура, суд органлари ҳамда жазони ўташ муассасалар(қамоқлар) киради. Адлия органлари таркибига эса адвокатура, ноатриат ва арбитраж киради. ХХР ҳуқуқни қўллаш тизимига тергов, прокуратура, суд тизими, қамоқ тизими, маъмурий-ҳуқуқий бошқарув, адвокатура киритилган.

ХХР суд тизими. ХХРнинг амалдаги Конституцияси ва халқ судлари тўғрисидаги қонунга асосан, халқ судлари – суд ишлари юритиш органлари ҳисобланади. Халқ судлари тизимига турли даражадаги маҳаллий халқ судлари, махсус халқ судлари ва Олий халқ суди киради.

Маҳаллий халқ судлари қўйи, ўрта ва юқори поғона судларини ўз ичига олиб, қўйи поғона судларига уездлар, автоном уездлар, шаҳарлар, шаҳарга бўйсинувчи туманлар судари киритилган. Халқ судларини ташкил этиш тўғрисидаги қонунга мувофиқ, қўйи поғона судари қўйидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга:

- биринчи инстанция суди сифатида жиноят, фуқаролик ишлари, маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари;

- фуқаролик низолари ва очик кўришни талаб этмайдиган кам аҳамиятли жиноят ишлари;

- халқ ярашув комиссиялари ишларини йўналтириш.

Ўрта поғона халқ судларига провинция, автоном туманлар, марказга бўйсунувчи шаҳарлар, провинцияга бўйсунувчи шаҳарлар ва туманлар халқ судлари киради. Ўрта поғона судлари қўйидаги тоифадаги ишларни кўриб чиқади:

- қонун нормалари асосида ушбу судлар юритувига киритилган ишлар. Бунга биринчи инстанция сифатида давлат хавфсизлигига таҳдид солувчи жиноятлар, санкциясида ўлим жазоси ёки умрбод

қамоқ жазоси кўзда тутилган жиноят ишлари, чет эл фуқаролари содир этган жиноятлар, шунингдек Хитой фуқаролари томонидан чет эл фуқароларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинларини поймол этиш билан боғлиқ жиноятлар. Шу билан бирга, чет эл фуқароларига тегишли фуқаролик ишлари, маҳаллий ҳудудга жиддий таъсири бўлган ишлар, Олий халқ суди томонидан ўрта поғона судлари ваколатига киритилган бошқа фуқаролик ишларини кўриб чиқади;

- қўйи поғона судлари томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўриб чиқиш учун юборилган ишлар;

- қўйи поғона судлари қарорлари, ҳукмларига келтирилган шикоят ва протестлар бўйича ишлар.

Юқори поғона халқ судлари провинция, автоном туман ва марказга бўйсунувчи шаҳарларда таъсис этилиб, улар ваколатига қўйидагилар киради:

- қонунга асосан юқори поғона судлари юритувига киритилган ишлар, қўйи турувчи судлар томонидан берилган жиддий жиноят ва фуқаролик ишлари ва қўйи турувчи судларнинг қарор, ҳукмларига шикоят ва протестлар бўйича ишларни кўриб чиқиш;

- ўрта поғона халқ судлари томонидан ўлим жазоси тайинланган ва судланувчилар шикоят келтирмаган ҳукмларни текшириш. Бунда ушбу судлар бундай ҳукмларни ўзгаришсиз қолдириши, Олий халқ судига тасдиқ учун жўнатиши, ҳукмни қайта кўриб чиқиши ёки қайта кўриб чиқиш учун қайтариши мумкин;

- ўрта поғона халқ судлари томонидан 2 йил кейин ижро этиш шарти билан ўлим жазоси тайинланган ҳукмларни текшириш;

- Олий халқ суди ваколатига асосан алоҳида турдаги ўлим жазоси тайинланган ҳукмларни тасдиқлаш.

Махсус халқ судлари - алоҳида муассасаларда заруриятга кўра таъсис этиладиган судлар бўлиб, ҳозирги кунда Хитойда ҳарбий судлар, денгиз ишлари бўйича судлар, темир йўл транспорти судлари мавжуд.

Олий халқ суди пойтахтда Пекин шаҳрида жойлашган бўлиб, давлатнинг олий суд органи ҳисобланади ва қонунга асосан давлатда олий суд функцияларини бажаради, қўйи турувчи халқ судлари ва махсус халқ судлари фаолияти устидан назорат олиб боради. Олий халқ суди раис, раис ўринбосари, палата раиси, палата раиси ўринбосари ва судьялардан иборат таркибда фаолият кўрсатади.

Олий халқ суди қўйидаги ваколатларни амалга оширади:

- қўйи турувчи халқ судлари ва махсус халқ судлари фаолияти устидан назорат олиб бориш;

- ўлим жазоси тайинланган ҳукмларни тасдиқлаш;

- ҳуқуқ нормалари шарҳлаш ва бошқалар.

Судьяларни танлаш ва тайинлаш тартиби, усуллари, уларнинг ваколат муддатлари, тақдирлаш ва уларни интизомий жазога тортиш, моддий рағбатлантириш тартиби 1995 йил 28 февралда қабул

қилинган “Судьялар тўғрисида”ги қонунда белгиланган. ХХРда судьялар тизими ўз ичига турли поғона халқ судлари раислари, суд раислари ўринбосарлари, суд қўмитаси аъзолари, палата раиси, палата раиси ўринбосари, судьялар, судьялар ёрдамчиларини олади.

Судьяликка номзодларга қўйидаги талаблар белгиланган:

ХХР фуқароси бўлиши; 23 ёшдан кичик бўлмаслиги; ХХР Конституциясини қўллаб қувватлаши; ижобий сиёсий ва ишчанлик сифатлари ҳамда бенуқсон ҳулқ-атворга эга бўлиши; мустаҳкам соғлиққа эга бўлиши; олий юридик таълим муассасаси битирувчиси, камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган шахс ёки “Ҳуқуқ” мутахассислиги бўйича бакалавр илмий даражасига ва камида бир йил меҳнат стажига эга ёки “Ҳуқуқ” мутахассислиги бўйича магистр илмий даражасига, ҳуқуқ доктори даражасига эга бўлган шахслар.

ХХРда Прокуратура. ХХР Конституцияси ва “Халқ прокуратурасини ташкил этиш тўғрисида”ги Қонунга кўра, халқ прокуратуралари – қонунийликни назорат этиш, давлат айбловини амалга оширувчи функцияларни бажарувчи давлат органларидир.

“Халқ прокуратурасини ташкил этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддасига асосан, Олий халқ прокуратураси турли поғонадаги халқ прокуратуралари, ҳарбий прокуратуралар ва бошқа махсус прокуратуралардан иборат бўлиб, улар марказлашган ва ягона тизимга бўйсундирилган.

Халқ прокуратураси ўз ичига прокурорлик ҳайъати ва ишчи аппаратини олади. Халқ прокуратурасини бош прокурор якка тартибда бошқаради ва турли поғонадаги халқ прокуратуралари турли муҳим масалаларни ҳал этиш мақсадида бош прокурор раҳбарлиги остида прокурорлик ҳайъатини ташкил этишади.

Ҳуқуқ тизимига умумий тавсиф. ХХР ҳуқуқий тизими аралаш хусусиятга эга бўлиб, қадимги ҳуқуқий анъаналар ва “хитойга хос социализм” ғояларига ҳамда роман-герман ҳуқуқининг айрим тамойилларига асосланган замонавий қонунчиликнинг қоришмасидан иборат.

Хитой ҳуқуқий маданияти учун ижтимоий ҳаётнинг ҳар қандай, шу жумладан, энг муҳим масалаларини тартибга солишда ахлоқ нормаларининг ҳуқуқ нормаларидан анъанавий равишда устунлиги ҳосилдир. Ҳуқуққа бундай муносабат Хитой империясининг 1911 йилги инқилобга қадар давлат мафкураси асосини ташкил этган конфуцийлик таълимотидан келиб чиқади.

ХХРда ҳуқуқий ҳужжат билан сиёсий кўрсатма ўртасида аниқ чегара йўқ. Қонунларда ноҳуқуқий тусдаги қоидалар учрайди. Масалан, “Халқ прокуратурасининг ташкил этилиши тўғрисида”ги Қонунда прокурорлар “омма қарашларини ҳаётга татбиқ этишлари, омма фикрига қулоқ солишлари, омма назорати остида бўлишлари” кераклиги кўрсатилган (7-модда).

Собиқ англиз мустамлакаси Гонконг (Сянган) ХХР ҳуқуқ тизимида алоҳида ўрин тутди. Хитой-Британия келишувларига мувофиқ, Сянган (собиқ Гонконг) махсус маъмурий туманига юқори даражадаги ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи берилган. У ўзининг ижро этувчи, қонун чиқарувчи ва суд тизимига эга бўлиш, шунингдек, мустақил иммиграция ва солиқ сиёсатини ўтказиш ҳуқуқига эга. Фақат ташқи сиёсат ва мудофаа масалаларигина маҳаллий маъмурлар ваколатидан ташқарида туради. БХВМ томонидан 1990 йилда қабул қилинган Гонконг учун Асосий Қонунга кўра, 2047 йилга қадар ҳудудга унинг ижтимоий-иқтисодий тизими ва "маҳаллий турмуш тарзи" ўзгармаслиги кафолатланади, унинг эркин порт, алоҳида божхона ҳудуди, ўз валюта-молия тизимига эга бўлган халқаро молия маркази мақоми сақланиб қолади. Илгари Гонконгда татбиқ этилган Буюк Британиянинг салкам 140 та қонунини амал қилиши Хитой томонидан тасдиқланган.

ХХР фуқаролик ҳуқуқининг мазмуни, бошқа соҳаларда бўлгани сингари, ушбу давлат ижтимоий-иқтисодий моделининг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Иқтисодий муносабатларнинг (аввало мулк муносабатларининг) асослари конституция даражасида мустаҳкамлаб қўйилган. 1993 йилги таҳрирдаги ХХР Асосий қонунининг 15-моддасида шундай дейилган: "Давлат социалистик бозор хўжалигини амалга оширади. Давлат иқтисодиёт соҳасида қонунчилик фаолиятини кучайтиради, макро тартибга солишни такомиллаштириб боради". Конституцияда ХХР социалистик иқтисодий тизимини асоси - ишлаб чиқариш воситаларининг социалистик ижтимоий мулки эканлиги, яъни умумхалқ мулки ва меҳнаткашлар оммасини жамоавий мулк эканлиги мустаҳкамланган; иқтисодиётнинг давлат сектори - "халқ хўжалигидаги етакчи куч" (7-модда); ширкат мулкининг турли шакллари социалистик хўжалик сектори деб қаралади (8-модда). 1988 йилда Конституциянинг 11-моддаси қуйидаги тарзда тўлдирилди: "Давлат қонунда белгиланган доирада хусусий хўжалик мавжуд бўлиши ва ривожланишига йўл қўяди. Хусусий хўжалик ижтимоий мулкка асосланган социалистик иқтисодиётга қўшимчадир. Давлат хусусий хўжаликнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилади, унинг фаолиятини йўналтиради, назорат қилиш ва бошқаришни амалга оширади".

ХХР фуқаролик ҳуқуқи бугунги кунда шаклланиш жараёнида бўлиб, унинг талай институтлари ҳанузгача қонунчилик йўли билан мустаҳкамлаб қўйилмаган. ХХРда Фуқаролик кодекси мавжуд эмас. ФКни ишлаб чиқиш вазифаси 1950 йиллардаёқ қўйилган, ушбу йўналишда 1980 йилларнинг бошларида фаол иш олиб борилган. ФК ўрнига 1986 йилда Фуқаролик ҳуқуқининг умумий қоидалари қабул қилинган ва у 1987 йилда кучга кирган. Унда бу соҳани тизимлаштириш асослари, унинг замонавий Хитой ҳуқуқий тизимидаги аҳамияти ва ўрни мустаҳкамлаб қўйилган.

Фуқаролик ҳуқуқининг умумий қоидалари билан биргаликда, бир қатор қонун ва қоидалар қабул қилинган бўлиб, уларда турли хўжалик ва тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқий мақоми тартибга солинган ҳамда улар айна чоғда мулк муносабатларининг муайян даражада тартиботини ўз ичига олган.

ХХР фуқаролик қонун ҳужжатлари хўжалик фаолияти субъектларининг қуйидаги турларини назарда тутди: давлат корхоналари, жамоа корхоналари (шаҳар, волость, қишлоқ жамоа мулкидаги корхоналар), хусусий корхоналар, Хитой ва чет эл капитали иштирокидаги қўшма корхоналар, чет эл капиталига қарашли корхоналар, деҳқон пайчилик асосидаги ва ширкат корхоналари.

Оила ҳуқуқи соҳасида (ХХРда ушбу соҳа фуқаролик ҳуқуқи тизимига кирмайди) ислохотлар даврида 1980 йилда "Никоҳ тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган. Мазкур Қонун оилавий муносабатларнинг эски, феодал тарзини мустаҳкамлаган 1950 йилги Қонунни бекор қилди. Янги Қонунда кечроқ турмуш қуришни рағбатлантиришга интилиш кўзга ташланади, ушбу ҳолат мамлакатнинг демографик муаммоларини ҳал қилишга қаратилган. Қонуннинг 2-моддаси эр-хотинга "оилани режалаштириш" мажбуриятини юклайди.

ХХР меҳнат ҳуқуқи ҳам "социалистик бозор иқтисодиёти" концепциясига мувофиқ анчагина ўзгартиришларга дучор бўлган. Аввалги, социалистик хусусиятларнинг айримларини сақлаб қолган ҳолда, янги меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларга хос бир қатор қоидаларни ўзлаштирган. 1986 йилда меҳнат муносабатларини тартибга солиш бўйича меҳнат шартномалари тўғрисидаги, ишга жойлаштириш тўғрисидаги, ишдан бўшатиш тўғрисидаги, қарилик ва ишсизликдан суғурта қилиш тўғрисидаги тўртта муваққат қоидалар эълон қилинган. Ушбу ҳужжатлар ходимларнинг талай қисмини ишга ёллаш, иш жойини ўзгартириш ва ишдан бўшатишга фақат давлат органининг рухсати билан йўл қўйилган аввалги амалда бўлган умрбод ишда бандлик тизимини аста-секин алмаштириши лозим бўлган индивидуал-меҳнат муносабатларининг янги моделини жорий этган. Янги тизим ишга ёллаш ва ишдан бўшаш эркинлигига асосланган ҳамда томонларнинг мажбуриятларини, меҳнат шартларини, меҳнат интизомини таъминлаш усулларини, ишдан бўшатиш тартибини батафсил белгиловчи, камида бир йиллик муддатли меҳнат шартномалари тузилишини назарда тутди.

Жиноят ҳуқуқи ва процесси. 1949 йилда Хитой Халқ Республикаси ташкил топганидан кейин социалистик йўналишдаги янги жиноят-ҳуқуқий нормалари алоҳида ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйила бошланди. Шундай ҳужжатлар жумласига 1951 йилги "Аксилинқилобий фаолият учун жазолар тўғрисида"ги Низом, 1951 йилги "Пул тизимига путур етказганлик учун жазолар тўғрисида"ги

Муваққат Низом, 1951 йилги "Давлат сирини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Муваққат Низом, 1952 йилги "Коррупция учун жазолар тўғрисида"ги Низом ва бошқа ҳужжатлар киради.

1979 йилги Жиноят кодекси марксизм-ленинизм ва Хитой социализми мафкурасини ошкора мустаҳкамлаб қўйди, унинг нормалари очиқ ойдин синфий хусусиятга эгаллиги билан ажралиб туради. ЖКда жиноят тушунчасига кенг таъриф берилган. Бу таъриф жиноий қилмишларнинг ижтимоий хавфлилиги ва уларнинг ғайриҳуқуқийлиги аломатларига асосланган, шунингдек, синфий хусусиятга эга, яъни: "Давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига тажовуз қиладиган, пролетариат диктатураси тизимига зарар етказадиган, социалистик инқилоб ва социалистик қурилишни, жамоат тартибини бузадиган, фуқароларнинг умумхалқ мулкига, уларнинг шахсига, демократик ва бошқа ҳуқуқларга тажовуз қиладиган барча қилмишлар, шунингдек, содир этганлик учун Кодексда жиноий жазо назарда тутилган бошқа ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатлар жиноят ҳисобланади. Лекин агар иш ҳолатлари унчалик аҳамиятли эмаслиги аён бўлса, зарар катта бўлмаса, улар жиноят ҳисобланмайди".

ЖК қабул қилинган пайтдан эътиборан жиноий жавобгарлик субъектлари доираси қайта кўриб чиқилган. 1989 йилда БХВМ Доимий қўмитасининг "Коррупция учун қўшимча жазолаш чоралари тўғрисида"ги қарори билан биринчи марта юридик шахслар учун жиноий жавобгарлик жорий этилган. 1995 йилда айти шундай жавобгарлик БХВМ Доимий қўмитасининг "Компаниялар ҳақидаги қонунни бузганлик учун жазо чораси тўғрисида"ги қарори билан жорий этилган. Ушбу қарорлар Кодекснинг янги таҳририга киритилган.

1979 йилга ЖКда жазоларнинг узил-кесил рўйхати берилган. Уларнинг тизимига бешта асосий тур киритилган бўлиб, булар: назорат қилиш, қисқа муддатли ҳибсга олиш, озодликдан муддатли маҳрум этиш, озодликдан муддатсиз маҳрум этиш, ўлим жазоси ҳамда учта қўшимча: жарима, сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этиш ва мол-мулкни мусодара қилиш киради.

1997 йилда қайта кўриб чиқилганидан кейин Жиноят кодекси ўлим жазосини назарда тутадиган 60 та моддани ўз ичига олди. Ижро этилаётган ўлим жазоси тўғрисидаги ҳукмлар сони бўйича ХХР дунёда биринчи ўринда туради (расмий маълумотларга кўра, биргина 1998 йилда 1067 киши қатл қилинган).

Жиноят процесси ХХРда социалистик қонунийлик тамойилларига асосланади. 1996 янги таҳрирдаги ХХР Жиноят-процессуал кодекси қабул қилинган бўлиб, у судда шахс ҳуқуқлари кафолатларини анча кучайтирди.

Куба давлатининг ҳуқуқий тизими

Куба унитар давлат бўлиб, маъмурий-ҳудудий тузилиши 14 провинция ва 169 та муниципалдан иборат.

Амалдаги Конституция 1976 йил 15 февралда ўтказилган умумхалқ референдумида тасдиқланган ва 1976 йил 24 февралдан кучга кирган. Кубада бошқарув шакли бир партияли тизим асосидаги социалистик республикадир. 1992 йил июлда Миллий Ассамблея томонидан Асосий қонунга киритилган ўзгартиришлар мамлакатда социалистик жамият қуриш мақсадини мустаҳкамлаб қўйди.

Давлат ҳокимиятининг олий органи Миллий Ассамблея қонунчилик органи бўлиб, умумий, тўғридан-тўғри яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади. Депутатлар орасидан сессиялар оралиғида Миллий Ассамблея ўрнида фаолият юритувчи Давлат Кенгаши сайланади, шунингдек, Вазирлар Кенгаши аъзолари тайинланади.

Давлат Кенгаши раис, биринчи ўринбосар, беш нафар ўринбосар, котиб ва 23 аъзолардан иборат таркибда иш юритади. Давлат Кенгаши Миллий Ассамблеянинг сессиялар оралиғида доимий фаолият олиб боровчи органи бўлиб, Миллий Ассамблея олдида ҳисобдор ҳисобланади. Давлат Кенгашининг ваколат муддати кейинги сайловларга қадар давом этади ҳамда унинг раиси давлат ва ҳукумат бошлиғи ҳисобланади, шунингдек, Миллий мудофаа Кенгашини бошқаради. Давлат кенгаши қўйидаги ваколатларга эга:

- Миллий Ассамблеянинг навбатдан ташқари сессияларини чақириш;
- Миллий Ассамблея сессиялари оралиғида декрет-қонунлар қабул қилиш;
- амалдаги қонунларга умумий ва мажбурий шарҳлар бериш;
- қонунчилик ташаббуси билан чиқиш;
- Миллий Ассамблея сессиялари оралиғида Давлат Кенгаши раиси таклифига биноан Вазирлар Кенгаши аъзоларини алмаштириш;
- Олий халқ суди президиуми орқали судлар учун умумий характердаги кўрсатмалар бериш;
- Давлат Кенгаши раиси таклифига биноан хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналар вакилларни тайинлаш ва вазифасидан озод этиш;
- фахрий ёрлиқлар бериш;
- халқаро шартномаларини ратификация ва денонсация қилиш,
- Вазирлар Кенгаши, маҳаллий ассамблеяларнинг Конституция ва қонунларга мос келмайдиган қарорларини тўхтатиб қўйиш.

Давлат Кенгаши раиси ваколатларига қўйидагилар киради:

- давлат ва ҳукумат номидан иш кўриш, давлат сиёсатини юритиш;

– Давлат Кенгаши ва Вазирлар Кенгаши мажлисларини чақириш, уларда раислик қилиш, уларнинг иш фаолиятини ташкил этиш;

– вазирликлар ва бошқа марказий бошқарув органлари фаолияти устидан раҳбарлик қилиш ва назорат қилиш;

– заруратга қараб, ҳар қандай вазирлик ёки бошқа марказий бошқарув органи бошқарувини ўз зиммасига олиш;

– Вазирлар Кенгаши аъзоларини тасдиқлаш, истеъфосини қабул қилиш ёки алмаштириш буйича таклиф билан Миллий Ассамблеяга мурожаат этиш;

– Инқилобий қуроли кучларга қўмондонликни амалга ошириш; Декрет-қонунлар, Давлат Кенгашининг бошқа ҳужжатларини имзолаш ва уларни расмий нашр этиш тўғрисида қарор чиқариш.

Кубада олий ижро органи Вазирлар Кенгаши(ҳукумат) ҳисболаниб, унинг аъзолари Давлат Кенгаши раиси тақдимида биноан Миллий Ассамблея томонидан тасдиқланади. Вазирлар Кенгаши Миллий ассамблея олдида жавобгар бўлиб, ўз фаолияти тўғрисида мунтазам ҳисобот тақдим этади. Вазирлар Кенгаши амалдаги қонунлар асосида ва уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида декретлар ва қарорлар қабул қилади.

Ҳуқуқ тизимининг умумий тавсифи. Куба ҳуқуқий тизими социалистик ҳуқуқ оиласига мансуб бўлиб, испан истилочилиги даврининг бир қатор анъаналари ва англо-саксон ҳуқуқининг айрим хусусиятларини ўз ичига олади.

Куба мустақилликка эришгунга қадар тўрт аср давомида Испания мустамлакаси бўлиб келган ва испан ҳуқуқи асосий ўрин тутган. Куба ҳуқуқ тизимининг ривожланишида янги давр 1959 йилги инқилобдан сўнг бошланган. Инқилобий ҳокимият ҳуқуқ тизимини тезлик билан ўзгартириш йўлини тутмай, аксинча, эски ва янги норматив-ҳуқуқий актларни бир-бири билан мослаштириб борди. 1970 йилларда янги социалистик ҳуқуқ соҳалари кодификация қилинди. Жумладан, 1973 йилда Жиноят кодекси (умумий қисм), 1979 йилда эса Жиноят кодекси тўлиқ қабул қилинган бўлса, 1974 йилда фуқаролик, маъмурий, меҳнат тўғрисидаги қонунлар, 1977 йилда эса Жиноят-процессуал кодекси ва Суд тизимини ташкил этиш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди. 1975 йилда Фуқаролик кодекси қайта кўриб чиқилди ҳамда мамлакат тарихида илк бор Оила кодекси қабул қилинди.

Куба ҳуқуқий тизими ривожланишининг социалистик даври учун характерли хусусиятлардан бири Собиқ Иттифоқ ва бошқа социалистик мамлакатлардан ўзлаштириб олинган социалистик ҳуқуқий тамойиллар, ғоялар ва институтларнинг миллий ҳуқуқий анъаналар билан мустаҳкам уйғунлигида намоён бўлади.

Бугунги кунгача Кубада сақланиб келаётган социалистик ҳуқуқ тизимининг муҳим элементларига “социалистик қонунийлик”, бир

партияли сиёсий тизим, давлат ва жамият манфаатларининг шахс манфаатларидан устунлиги, умумхалқ мулчилигининг мавжудлиги, иқтисодиётда давлатнинг етакчилик роли, судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари устидан партиявий раҳбарлик қилиш кабиларни киритиш мумкин.

Куба ҳуқуқининг асосий манбаларини қўйидаги поғонавий кетма-кетликдан иборат: Конституция, Миллий Ассамблея қонунлари, Давлат Кенгаши декрет-қонунлари, Вазирлар Кенгаши декрет ва қарорлари, Олий халқ суди қоидалари ва кўрсатмалари, давлат бошқаруви марказий органларининг қонуности актлари.

Фуқаролик ва у билан боғлиқ бошқа ҳуқуқ соҳалари. Кубада хусусий ҳуқуқ узок давр мобайнида испан хусусий ҳуқуқи асосида ривожланиб келган. 1889 йилда Кубада Фуқаролик кодекси кучга кирди. Ушбу кодекс 1888 йилда Испанияда француз кодекси асосида қабул қилинган қоидаларни такрорлаган. Мазкур кодекс 1959 йилги инқилобдан сўнг ўз кучида қолган бўлса-да, бироқ унинг ҳаракати бир қатор қонунчилик актлари билан чегаралаб қўйилди.

Улар энг аввало, хусусий мулк дахлсизлиги ва шартномалар эркинлиги тамойили билан боғлиқ. 1975 йилда Фуқаролик кодексининг қайта ишланган матни қабул қилиниб, никоҳ-оила муносабатлари ундан ажратиб олинди ва Оила кодекси ишлаб чиқилди.

Оила кодекси социалистик мамлакатлар учун умумий тамойилларига асосланган ҳамда мамлакатдаги мавжуд сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий шароитлар билан боғлиқ айрим хусусиятларга эга. Конституцияга асосан никоҳ томонларнинг тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларига асосланади ҳамда никоҳ руйхатдан ўтган бўлсагина қонуний ҳисобланиши белгиланди.

1987 йилда Миллий Ассамблея томонидан янги Фуқаролик кодекси қабул қилиниб, унда мулкчиликнинг асосий шакли сифатида социалистик (давлат ва кооператив) мулк, майда ер эгалари мулки, фуқароларнинг шахсий мулки мустаҳкамланди.

Тадбиркорлик фаолияти 1885 йилги испан Савдо кодекси асосида тартига солинади. Бироқ ушбу кодекснинг кўплаб қоидалари 1958 йилда қабул қилинган қонун асосида ўз кучини йўқотди. Меҳнат ва ижтимоий таъминот қонунчилиги Кубада ўтган аср бошида вужудга кела бошлаган бўлиб, 1910 йилда ҳокимият ходимлари, меҳмонхона, ресторан ва кафе ишчилари учун 8 соатлик иш куни киритилган. Кейинчалик ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса учун компенсация, ўқитувчилар, полиция, армия таркиби ва бошқа ишчилар учун нафақа фондларини ташкил этиш тартиби киритилди. 1933 йилда барча ишчилар учун 8 соатлик иш куни ва 48 соатлик иш ҳафтаси, ишчиларнинг касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқи кабилар бир қатор қабул қилинган декретларда мустаҳкамлаб қўйилди.

Кубада меҳнат ҳуқуқи социалистик тамойиллар асосида ривожланиб, касаба уюшмалари тўлиқ Коммунистик партия назорати

остиға олинган. 1984 йилда янги Меҳнат кодекси қабул қилинган. Унга кўра 44 соатлик иш ҳафтаси жорий этилиб, ишчиларга кўплаб ҳуқуқлар, имтиёзлар ва ижтимоий кафолатлар берилди.

Жиноят ҳуқуқи ва процесси. 1938 йилга қадар Кубада Испаниянинг 1870 йилги Жиноят кодекси амал қилган бўлиб, унда жиноятлар оғир жиноятлар ва унча оғир бўлмаган жиноятлар, яъни ҳуқуқбузарликларга бўлинган ҳамда бундай бўлиниш бугунги кунгача Куба жиноят ҳуқуқида сақланиб келмоқда.

1959 йилги инқилобдан сўнг юқоридаги кодекс ўз кучида қолган бўлса-да, жиноят қонунчилиги мунтазам равишда ўзгартириб турилди. Буни инқилобга қарши ҳаракатларга нисбатан жиноят репрессиясининг кучайганлиги билан изоҳлаш мумкин.

1973 йилда Жиноят кодексининг умумий қисми қабул қилинган бўлса, 1979 йилда янги тўлиқ Жиноят кодекси ишлаб чиқилди ва кучга кирди. 1987 йилда Жиноят кодексини қайта кўриб чиқиш жараёнида “жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар”, “тинчлик ва халқаро ҳуқуққа қарши жиноятлар” учун ўлим жазоси бекор қилинди. Шунингдек, бир қатор сиёсий жиноятлар декриминализация қилиниб, кўплаб жиноятлар учун санкцияда белгиланган жазолар қисқартирилди ва муқобил жазолар киритилди. Бироқ шунга қарамасдан жиноят қонунчилигининг 23 моддаси бўйича ўлим жазоси сақланиб қолган, шундан 19 моддаси давлат хавфсизлигига қарши жиноятларни ташкил этади.

Кубада жиноят-процессуал ҳуқуқининг асосий манбаси Конституция ва 1977 йилги Жиноят-процессуал кодекси ҳисобланади. Асосий қонуннинг 58 моддасида бир қатор процессуал кафолатлар мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, унда ҳар бир шахс ҳимояланиш ҳуқуқига эга бўлиши, кўрсатма беришга мажбур қилиш мақсадида куч ишлатиш тақиқланиши кабилар белгиланган.

Куба жиноят процесси социалистик қонунийлик, оммавийлик, ошкоралик, фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглик тамойили асосида шакллантирилган. Куба жиноят-процессуал кодексининг асосий хусусиятларига хавфсизлик чораларини тайинлашнинг процессуал тартибини белгиловчи нормалар мавжудлигини киритиш мумкин. Куба Жиноят-процессуал кодексида хабеас корпус тартибида шикоят қилиш (ҳибсга олишнинг қонунийлиги устидан судга шикоят қилиш) тартиби белгиланган бўлиб, бу институт англо-саксон ҳуқуқ тизимидан олинган ва бошқа социалистик мамлакатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигида бундай амалиёт мавжуд эмас. Чунки, барча социалистик мамлакатлардан ҳисбга олиш ва ушлаб туришнинг қонунийлиги устидан назорат фақат прокуратура томонидан амалга оширилган. Куба ЖПКга асосан шахс суд қарорига қадар 7 кундан кўп бўлмаган муддатда ҳибсда сақланиши мумкин. Шунингдек, совет жиноят-процессуал қонунчилигида фақат кассация шикояти мавжуд

бўлган бўлса, Куба ЖПКда кассация ҳамда апелляция шикоят кўзда тутилган.

Суд тизими. Суд тизими асослари Куба Конституциясининг X бобида мустақамлаб қўйилган. Конституциянинг 121-моддасида белгиланишича, одил судлов халққа тегишли бўлиб, унинг номидан қонун асосида таъсис этиладиган Олий халқ суди ва бошқа судлар томонидан амалган оширилади.

Судлар давлат органлари тизимини ташкил этиб, Миллий Ассамблея ва Давлат Кенгашидан ташқари бошқа барча органлардан мустақилдир. Судьялар ўз вазифаларини бажаришда мустақилдирлар ва фақат қонунга бўйсундилар. Олий халқ суди олий суд инстанцияси ҳисобланиб, унинг қарорлари узил-кесил ва шикоят қилинмайди.

Олий халқ суди Раёсат орқали қонунчилик ташаббуси ва регламент асосида бошқа ваколатларини амалга оширади; қарорлар қабул қилади ва барча судлар учун мажбурий қоидалар ишлаб чиқади; қонунчилиқни қўллаш ва шарҳлаш бўйича суд амалиётини умумлаштиради ҳамда барча учун мажбурий характердаги кўрсатмалар ишлаб чиқади.

Куба ҳуқуқий тизимида иккинчи бўғин судлар провинция судлари бўлиб, улар биринчи инстанцияда муайян тоифадаги жиноят, фуқаролик ва бошқа ишлар, шунингдек, қўйи судлар қарорлари устидан шикоятларни кўриб чиқади.

Муниципал судлар биринчи инстанция сифатида барча жиноят, фуқарорлик ва бошқа ишларни асосий қисмини кўриб чиқади. Шу билан бирга, алоҳида иш юритадиган ҳарбий трибуналлар мавжуд бўлиб, улар учун олий инстанция суди Олий халқ судининг ҳарбий палатаси ҳисобланади. Олий халқ судида жиноят, фуқаролик, маъмурий, меҳнат ва давлат хавфсизлиги ишлари бўйича палаталар мавжуд.

Барча судлар қарорларни ҳайъат таркибида қабул қилади. Судьялар ва халқ маслаҳатчилари тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга ҳисобланадилар. Судлар ўз фаолиятларида йилига камида бир марта Миллий Ассамблея олдида ҳисоб берадилар.

Судьяларни чақириб олиш ҳуқуқи уларни сайлаган органга тегишли бўлади ва Конституциянинг 66-моддасида судьяларнинг сайланиши ва доимий равишда таркиби янгиланиб бориши белгиланган. Судьяларга номзодларга қўйидаги бир қатор талаблар қўйилган: адвокатлик фаолиятини юритишга лойиқ бўлиш, университет ёки ваколатли муассаса томонидан тасдиқланган дипломга эга бўлиш, туғилиши ёки натурализация бўйича Куба фуқароси бўлиш, юқори ахлоқий сифатлар ва обрў-эътиборга сазовор киши бўлиш кабилар.

Кубада ҳозиргача ўртоқлик судлари сақланиб қолган бўлиб, улар майда ҳуқуқбузарликлар ва айрим фуқаролик низоларини кўриб чиқади.

Жиноят ишларини тергов қилиш ва умумий назорат прокуратурага тегишли. Конституциянинг 130-моддасига биноан, республика Бош Прокуратурасининг асосий вазифаси давлат органлари, хўжалик ва бошқа муассаса ҳамда фуқаролар томонидан социалистик қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат ўрнатиш ҳисобланади. Шунингдек, прокуратура хавфсизлик чораларини қўллаш тўғрисида қарорлар қабул қилади, тинтув ўтказиш тўғрисидаги қарорни тасдиқлайди, ҳисбга олишнинг қонунийлигини текширади, жазоларни ижро этишни назорат қилади. Бош Прокуратура марказлашган ягона орган сифатида фақат Миллий Ассамблея ва Давлат Кенгашига бўйсунди. Бош Прокурор бевосита Давлат Кенгашидан кўрсатмалар олади ва йилига камида бир марта Миллий Ассамблея олдида ҳисобот беради. У бутун мамлакат ҳудудида прокуратура фаолиятига раҳбарлик қилади ва маҳаллий ҳокимиятдан бутунлай мустақил орган ҳисобланади. Бош Прокурор ва унинг ўринбосарлари сайланади ва Миллий Ассамблея томонидан чақириб олиниши мумкин. Бош Прокурор ўз лавозими бўйича Олий халқ суди Раёсати аъзоси ҳисобланади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

“Давлат ва ҳуқуқ назарияси” кафедраси

1-МАЪРУЗА МАТНИ

АРАЛАШ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМЛАР

Тайёрлади: доц. М.К.НАЖИМОВ, доц. Ф.П.ҲАЙИТБОЕВ

ТОШКЕНТ -2010/2011 ў/й.

10-мавзу. Аралаш ҳуқуқий тизимлар

Аралаш ҳуқуқий тизимлар тушунчаси ва уларнинг умумий тавсифи.

Исроил давлатининг ҳуқуқий тизими.

Жанубий Африка Республикаси ҳуқуқий тизимининг ўзига хос хусусияти, ҳуқуқнинг манбалари.

Мавзу бўйича фойдаланиш тавсия этиладиган адабиётлар

1. Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Масъул муҳаррирлар: Ҳ. Б. Бобоев, Ҳ. Т. Одилқориев. – Т., 2000. – Б. 313.
2. Давид Р., Жоффре-Спинози К. Основные правовые системы современности. – М.: Междунар. отношения, 1996. – 400 с.
3. Жаҳон мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари: Қомусий луғат / Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2006. –720 б.
4. Ермолович В. И., Шелкопляс В. А. Правовые системы: история и современность: Материалы межвузовской научно-практической конференции. – Минск, 5–6 января 2001 г. – Мн.: БГЭУ, 2001. – 176 с.
5. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. –Т.: Адолат, 2007. - 916 б.
6. Марченко М. Н. Правовые системы современного мира. – М: Зерцало, 2001. – 400 с.
7. Правовые системы стран мира: Энциклопедический справочник / Отв. ред. А. Я. Сухарев. – М.: Норма, 2003. – 976 с.
8. Саидов А. Х. Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари -Т., 2004.-434б.
9. Синюков В. Н. Правовые системы и правовые семьи // Теория государства и права: Курс лекций / Под ред. Н. М. Матузова и А. В. Малько. – М., 1999. – С. 17–19.
10. Hayitboev F.P., Najimov M.K. Hozirgi zamon asosiy huquqiy tizimlari / Mas'ul muharrir: yu.f.d., prof. Z.M.Islomov. O`quv qo`llanma – Т.:TDYuI, 2010. -246 b.
11. International Encyclopedia of Comparative Law. Vol. I. National Reports. A–Z. – Tubingen, New–York, 1972–1987.

Аралаш ҳуқуқий тизимлар тушунчаси

Аралаш турдаги ҳуқуқий тизим – бу қонунийлик ва ривожланишда роман-герман ва англо-саксон ҳуқуқ тизимига асосланувчи, анъана ва одат ҳуқуқи ҳамда диний ҳуқуқнинг умумий белгиларини ўзида ифодаловчи миллий ҳуқуқий тизимлар мажмуидир.

Аралаш ҳуқуқий тизимда норматив ҳуқуқий акт асосий юридик манба бўлиб ҳисобланади. Нормада ҳуқуқ жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиб туришда асосий ўрин тутди. Шу билан бирга, суд амалиёти ҳам ҳуқуқий манба тизимида алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Аниқроқ қилиб айтганда, ушбу турдаги ҳуқуқий тизимни “гибрид”, яъни “аралаш” ҳуқуқий тизим деб аташ мумкин.

Аралаш ҳуқуқий тизим ўзида икки классик гуруҳ – роман-герман ва англо-саксон ҳуқуқий тизимларининг мавжуд элементларини ўзида ифода этувчи ҳуқуқий тизимдир.

Аралаш ҳуқуқий тизимлар икки ёки ундан ортиқ ҳуқуқ тизимларининг бир-бири билан бирикиши, аралашиши ёки бирининг иккинчисига мослашиши натижасида вужудга келади. Аралаш ҳуқуқ тизим асосан федератив тузилишга эга бўлган давлатларда учрайди. Лекин бир давлатнинг бошқа давлатга ҳуқуқий таъсир ўтказиши натижасида ҳам аралаш ҳуқуқ тизими юзага келиши, яъни бир давлатнинг иккинчисини босиб олиши, аннексия қилиши, мустамлакага айлантириши, ҳудудни бериш ёки бошқа ҳуқуқий тизимлар билан атайлаб яқинлашиш, қонунчиликнинг ўзлаштирилиши, ҳуқуқнинг рецепция қилиниши оқибатида бўлиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, мазкур хусусиятлар айрим унитар тузилишга эга бўлган давлатларда ҳам учрайди (Исроил, ЖАР, Зимбабве, Лесото, Ботсвана, Свазиленд, Тринидад ва Тобаго, Сент-Люсия).

Шундай қилиб, аралаш ҳуқуқий тизимларнинг хусусияти уларнинг роман-герман ҳуқуқий оиласи элементларини умумий ҳуқуқ оиласи элементлари билан, шунингдек, уларни одат ва диний ҳуқуқий тизимлар элементлари билан бирга қўшилганлигидадир.

Исроил ҳуқуқий тизими

Исроил ҳуқуқий тизимининг муайян ҳуқуқий оиллага тегишлигига нисбатан ҳуқуқшунос олимлар ўртасида яқдиллик йўқ. Жумладан, айрим ҳуқуқшунослар Исроилни теократик давлат сифатида тавсифлаб, уни диний ҳуқуқий оиллага мансуб деб ҳисобласалар, бошқа компаративистлар Исроилда амалда бўлган ҳуқуқий тизимни умумий ҳуқуқ оиласига киритадилар.

В.Воробьевнинг таъкидлашича, Исроил ҳуқуқ тизими ва конституциявий тузум ҳозирги замон ҳуқуқий тизимида ўзига хос ижтимоий воқелиқдир.

Исроил давлати роман-герман ва англо-саксон ҳуқуқининг элементларини ўз ичига олган аралаш ҳуқуқ тизимига эга. Юқоридагилар билан бирга, ушбу мамлакатда бир вақтнинг ўзида ҳам яхудий, ҳам мусулмон диний ҳуқуқ тизими мавжуд бўлиб, улар тегишлилиги бўйича эътиқодига қараб дин вакилларига нисбатан қўлланилади.

Исроил давлатининг аралаш ҳуқуқ тизими унинг тарихий шаклланиши натижасида вужудга келган. Унда турли юридик анъаналар ва ҳуқуқий таъсирлар хусусиятлари ўз аксини топган, чунки Исроилнинг ҳозирги ҳудудида узоқ асрлар давомида хилма-хил ҳуқуқий тизимлар алмашиб турган ва ушбу жараён Исроил ҳуқуқининг ривожланишида ўзига хос аҳамият касб этган.

Исроил давлатининг ҳуқуқ тизими қонунлар, қонун ости ҳужжатлари, суд прецедентлари, ҳуқуқий одатлар, ҳуқуқий (шу жумладан, диний-ҳуқуқий) таълимотлар, яхудий ва мусулмонларнинг муқаддас диний китоблари асосида шаклланган ва ривожланган.

Исроил давлати ҳуқуқининг манбалари тизимида Президент, Кнессет (Парламент), ҳукумат вазифалари, судлов ишларини юритиш, армия хизмати, тадбиркорликнинг эркинлиги, инсон қадр-қиммати ва шахс эркинлиги каби асосий масалаларни тартибга солувчи қонунлар ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Исроил прецедент ҳуқуқи инглиз умумий ҳуқуқи анъаналарига амал қилиб келаётган мамлакатларнинг ўзига хос намунасидир. Олий суд томонидан қабул қилинган прецедент ўздан ташқари барча судлар ва қуйи судлар учун мажбурийдир. Сўз, оммавий йиғилишлар, диний эътиқод эркинлиги ва барчанинг қонун олдида тенглиги тамойиллари исроил ҳуқуқининг асосий қадриятлари сифатида фуқароларнинг ҳуқуқларини тасдиқловчи Олий суд қарорлари негизида прецедент ҳуқуқининг алоҳида тўплами яратилган. Ҳозирги пайтда Исроил давлатида судлар юридик масалаларни ҳал қилишда кўпинча инглиз суд амалиётига эмас, балки америка суд амалиётига мурожаат қиладилар. Исроил Олий судининг фаолияти ҳам америка суд амалиётига мослашган.

Исроил давлатида одатлар қонуннинг тўғридан-тўғри кўрсатмаси ёки кўп йиллик амалиётдан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқнинг манбаи ҳисобланади. Масалан, Исроилдаги корхона ва ташкилотларда қабул қилинган қатор ноагим (одат)лар расмийлаштирилган қонун ҳужжати сингари юридик кучга эга. Бунга ходимни ишдан бўшатиш ҳақида олдиндан огоҳлантириш одатини мисол қилиб келтириш мумкин. Агар ходимни ишдан бўшатиш ҳақида олдиндан огоҳлантириш жамоа ёки индивидуал шартномада бевосита банд сифатида белгиланган бўлмаса ҳам, иш берувчи ходимини икки ҳафта олдин бу ҳақда ёзма равишда огоҳлантириши керак. Акс ҳолда, ходим судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Судлар эса бундай масалалар бўйича қабул қилинган одатга биноан ходимнинг фойдасини кўзлаб қарор чиқаради.

Шунингдек, халқаро битимлар исроил ҳуқуқининг муҳим манбаи бўлиб ҳисобланади. Умум эътироф этилган ҳамда Исроил Кнессети (Парламенти) ратификация қилган халқаро ҳуқуқ нормалари Исроил давлатида амалдаги ҳуқуқ сифатида қўлланилади. Аксарият ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича, инглиз ҳуқуқининг хусусиятлари Исроил ҳуқуқ тизимида ҳал қилувчи ўрин эгаллайди. Процессни олиб бориш усули, исботлаш йўллари ва умумий ёндашиш умумий ҳуқуққа хос хусусиятлар билан тавсифланади. Худди шу хусусиятни судьялар, ҳуқуқшунос олимлар ва адвокатларнинг прецедентга бўлган муносабати ҳақида, судларнинг тутган ўрни ва уларнинг ҳуқуқни ривожлантиришдаги аҳамиятида ҳам кўриш мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган амалдаги қонунлар мазмунига Европа қитъаси ҳуқуқи ва Савдони ягона тартибга солиш Гаага конвенцияси катта таъсир кўрсатган. Масалан, савдо ҳуқуқининг аксарият ҳужжатлари, шунингдек, шартномалар ва кўчмас мулкка тегишли қонунлар Европа мамлакатлари ҳуқуқий тизимларига асосланган. “Кўчмас мулк тўғрисида” ги қонунда Германия Фуқаролик Кодексидаги принциплар, “Ҳадя тўғрисида” ги қонунда эса Италия ҳуқуқининг элементлари учрайди. Шу билан бирга, шартнома мажбуриятларини бажаришда “соф виждон” тўғрисидаги ғоя немис ҳуқуқшунос олими Иеринг назарияси ва немис ҳуқуқидан ўзлаштирилган таълимотнинг исроилча талқинидир.

Исроил давлатида Оила ҳуқуқи асосан диний нормаларга асосланган. Мамлакатда фуқаролик никоҳ институти мавжуд эмас. Никоҳ, никоҳдан ажратиш, туғилиш ва ўлим ҳолатлари никоҳга кирувчи, никоҳдан ажралувчи, туғилган ва вафот этган кишилар мансуб бўлган диний жамоаларнинг муассасаларида рўйхатга олинади. Бундай муносабатлардан келиб чиқадиган муаммоли масалалар яҳудийлар учун раввинат судларида, мусулмонлар учун шариат судларида, христианлар учун Исроил давлатида тан олинган ўнта христиан жамоаларига тегишли черков судларида кўриб чиқилади. Никоҳга киришда кўпгина диний чеклашлар мавжуд. Масалан, аёл бир мартадан ортиқ бир кишининг ўзига турмушга чиқолмайди (мисол учун, иккинчи никоҳи омадсиз бўлиб, аёл иккинчи эрига қайтмоқчи бўлса). Никоҳдан ажратиш икки тарафнинг ўзаро розилиги билан амалга оширилади, бундай розиликсиз ҳатто суд ҳам никоҳни бекор қилиш ҳуқуқига эга эмас. Агар аёл киши никоҳдан ажралишни хоҳламаса, суд ўша аёлнинг эрига яна уйланишга (хотин устига хотин олишга) рухсат этади, чунки диний нормалар кўп хотинликка рухсат беради.

Исроилда Европа қитъасидаги давлатларнинг юридик тажрибаси ҳамда меҳнат бўйича халқаро ҳуқуқ нормаларини ўзида ифода этган меҳнат ҳуқуқи амал қилади. Меҳнат ҳуқуқи нормалари меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат шароитлари, ишловчиларни ёллаш ва ишдан бўшатиш,

хизмат бўйича кўтариш, касбий тайёргарлик ва қайта тайёрлаш масалалари, ижтимоий суғурта (касаллик, қарилик бўйича, ишдаги бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш бўйича), иш вақти, дам олиш вақти, аёллар суғуртаси, таътил ва байрамлар ҳамда меҳнат ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган бошқа масалаларни батафсил тартибга солади.

Исроил Кнессети ратификация қилган халқаро ҳужжатлар, қонунлар, қонуности актлари, жамоа шартномалари, ички меҳнат тартиби қоидалари, касаба уюшмалари ҳамда тадбиркорлар ташкилотларининг уставлари, урф-одатлар ва суд амалиёти меҳнат ҳуқуқининг манбалари ҳисобланади. Айниқса, Исроил ратификация қилган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенциялари меҳнат ҳуқуқининг муҳим манбаидир.

Исроил давлатида жиноят ҳуқуқи ҳам ўзига хос тарзда ривожланган. Мамлакатда жиноят ҳуқуқи Исроил Буюк Британия мандати остида бўлган даврда вужудга келган бўлиб, унинг илдизлари инглиз умумий ҳуқуқига бориб тақалади.

Ҳозирги Исроил жиноий жазо тизими олий жазодан, қамоқда сақлаш жазосидан (шу жумладан, умрбод қамоқда сақлаш жазосидан), шартли ҳукм қилишдан ва жарима солиш жазоларидан иборат. Амалиётда қамоқда сақлаш жазоси кўриладиган ишларнинг унча катта бўлмаган қисми бўйича қўлланилади. Бунда қисқа муддатли жазолар (бир йилгача) кўпроқ ўрин эгаллайди.

Одам ўлдирганлик учун ўлим жазоси 1954 йилда бекор қилинган. Аммо хоинлик учун (Исроил Жиноят Кодексининг 97-моддаси), уруш пайтида содир этилган жиноятлар (1950 йилги “Нацистларни ва нацистлар билан ҳамкорлик қилганлик учун жазолаш тўғрисида” ги Қонун ҳамда 1950 йилги “Геноцид учун огоҳлантириш ва жазолаш тўғрисида” ги Қонун), террористик жиноятлар, террористик жиноятларни содир этишга ҳаракат қилиш, саботаж, шунингдек, қурол ишлатганлик ва уни ноқонуний олиб юрганлик (1945 йилги “Фавқулодда ҳолат пайтида ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Регламентнинг 58-моддаси) учун ўлим жазоси сақланиб қолган. Исроил қонун ҳужжатлари фуқаролар учун ўзбошимчалик билан қамоққа олиш ва қамоқда сақлашга қарши етарли кафолатларни назарда тутди. Жумладан, мамлакатда қамоққа олишнинг қонунийлигини текшириш тартиби (хабеас корпус) қўлланилади. Ҳар қандай ушлаб турилган шахс гаров эвазига озод қилиниши мумкин, ўлим ҳукми ёки қамоқда умрбод сақлаш жазосини назарда тутадиган жиноятларда айбланаётганлар бундан мустасно. Қамоқда сақланаётган ҳар қандай шахс, агар суд процесси олтмиш кун ичида бошланмаган бўлса ёки айблов ҳулосаси рўйхатга олинган санадан бошлаб бир йил мобайнида тугамаган бўлса, сўзсиз озод этилиши шарт. Фақат Олий суд судьяси ушбу муддатларни узайтириши мумкин.

1984 йилги “Суд ҳокимияти тўғрисида” ги Қонунга мувофиқ Исроил давлатининг суд тизими дунёвий ва диний судлардан ташкил топган. Дунёвий судлар тизими муроса судлари, округ, олий ва алоҳида судлардан иборат. Диний судлар тизими эса раввинат судлари (яхудийлар учун), шариат судлари (мусулмонлар учун) ва черков судлари (христианлар учун) дан иборат.

Муроса судлари бир нафар судья таркибида жазо муддати 7 йилдан ошмайдиган жиноят ишларини, фуқаролик ишларини ва оилавий ишларни кўради.

Округ судлари бир ёки уч нафар судья таркибида муроса суди қарорлари устидан апелляцияларни ва жиддийроқ ҳисобланган фуқаролик ҳамда жиноят ишларини кўради. Бундан ташқари округ судларининг ваколат доирасига иқтисодий низолар, банкротлик, маҳбусларнинг шикоятлари, солиқлар бўйича апелляциялар ва парламент сайловида иштирок этиш учун номзодларни рўйхатга олиш билан боғлиқ масалалар ҳам киради.

Исроил Олий суди ёки “Энг юқори адолат суди” юқори суд инстанцияси бўлиб, унинг қарорлари нафақат барча суд органлари учун, балки ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимият учун ҳам мажбурий ҳисобланади. Олий суд таркибига 12 нафар судья киради. Олий суд раиси Исроил давлатидаги бутун суд ҳокимиятини бошқаради. Олий суд жиноят, фуқаролик, интизомий ва сайлов ишлари бўйича сўнги апелляция инстанциясидир. Адолат нуқтаи-назаридан у судда ишларни юритишга аралашиш, ноқонуний қамоққа олинган ёки айбсиз ҳукм қилинганларни озод қилиш ваколатига эга. Олий суд ҳукумат, унинг муассасалари ва расмий шахслар устидан шикоят ва даъволарни биринчи ва охириги суд инстанцияси сифатида кўради. Олий суд фуқаролик ва диний судлар ўртасидаги юрисдикцияга оид низоларни ҳал қилади.

Алоҳида судлар бир нафар судьядан иборат бўлиб, аниқ юрисдикцияси бўлган – транспорт, меҳнат, ҳарбий, муниципал, маъмурий, вояга етмаганлар ишлари бўйича судлардир.

Судларнинг ҳар бир тури ташкилий жиҳатдан маълум бир вазирлик тасарруфига киради, яъни фуқаролик судлари Адлия вазирлигининг, диний судлар Диний ишлар вазирлигининг, ҳарбий судлар эса Мудофаа вазирлигининг тасарруфидадир. Одил судловни амалга оширишда уларнинг барчаси тўлиқ мустақилдир.

Исроилда Давлат назоратчиси олий назорат органи ҳисобланади. Ушбу лавозим давлат аппаратининг жамоатчилик олдидаги жавобгарлигини таъминлаш мақсадида 1949 йилда таъсис этилган. У беш йил муддатга Кнессет депутатларининг ёпиқ овоз бериши йўли билан сайланади ва фақат унга ҳисоб беради. Давлат назоратчиси маъмурий тузилмалар ва мансабдор шахслар хатти-ҳаракатининг қонунийлиги, тежамкорлиги, самарадорлиги ва ахлоқий томонларининг текширувини амалга оширади. 1971 йилдан бошлаб

давлат назоратчиси ўз назорати остидаги давлат ва ҳукумат тузилмаларининг фаолияти устидан фуқароларнинг шикоятларини кўриб чиқувчи жамоатчилик омбудсмани вазифасини ҳам бажариб келади. Бундан ташқари, у вазирликлар, давлат муассасалари, муҳофаа инфратузилмаси, маҳаллий ҳокимият органлари, ҳукумат корпорациялари, давлат корхоналари ва ваколати доирасидаги бошқа органларнинг фаолиятини ҳам назорат қилади. У Кнессетдаги сиёсий партияларнинг молиявий фаолияти ҳамда сайлов компанияларининг молиявий ҳисоботларини текширишга ва қоидабузарларга жарима жазоларини қўллашга ҳақлидир.

Жанубий Африка Республикасининг ҳуқуқий тизими

Мамлакат Конституциясига мувофиқ Жанубий Африка Республикаси федерализм элементлари мавжуд бўлган унитар республикадир. Мамлакатни ташкил этган 9 та провинцияга кенг ваколат ва қонун чиқарувчи мухторият ҳуқуқи берилган. 1996 йил 8 майдаги Конституция бўйича, Жанубий Африка Республикасида сиёсий бошқарувнинг жаҳонда ўхшаши бўлмаган шакли ўрнатилган. Унга “ўта парламентар республика” деб тавсиф бериш мумкин.

Қонун чиқарувчи ҳокимият умуммиллий даражада провинцияларнинг Миллий Кенгаши (юқори палата, ҳар бир провинциал қонун чиқарувчи органдан 10 нафардан сайланадиган 90 та аъзо) ва Миллий Мажлис (қуйи палата, провинциал вакиллик асосида сайланадиган 400 та аъзо)дан ташкил топган икки палатали парламентга тегишли. Парламент иккала палатасининг қўшма мажлислари Конституциявий Ассамблеяни ташкил этади.

Палаталарнинг қонун чиқариш борасидаги ваколатлари тенг эмас. Қонун лойиҳалари палаталарнинг исталганига, лекин молиявий қонун лойиҳалари фақат Миллий Мажлисга киритилади. Провинциялар Миллий Кенгаши томонидан қабул қилинган қонун лойиҳалари тасдиқлаш учун Миллий Мажлисга берилади. Провинциялар Миллий Кенгаши унга қуйи палатадан келган қонун лойиҳасини ўзгартирмаган ҳолда тузатишлар билан тасдиқлаши ёки қайтариши мумкин. Охириги икки ҳолда Миллий Мажлис қайта кўриб чиқиши шарт, шу билан бирга, у лойиҳани аввалги таҳрирда ёки тузатишларни ҳисобга олиб қабул қилиши ёхуд қонун лойиҳасини қабул қилишни рад этиши мумкин.

Парламент қабул қилган қонун лойиҳаси Президентга санкция бериш ва имзо чекиш учун тақдим этилади. Агар Президент қонун лойиҳасининг бирон-бир қоидасини конституциявий эмас деб ҳисобласа, уни парламентдан қайта кўриб чиқишни талаб қилиши мумкин. Такроран тасдиқланган қонун лойиҳасини Президент кўриб чиқиш учун Конституциявий судга топширди. Агар Конституциявий суд

қонун лойиҳасининг конституциявийлигини тасдиқласа, Президент унга имзо чекади.

Жанубий Африка Республикасида давлат ва ҳукумат бошлиғи, шунингдек, қуrolли кучлар бош қўмондони Президентдир. У Миллий Мажлис томонидан унинг аъзолари орасидан беш йил муддатга сайланади.

Конституцияни ҳимоя қилиш ва миллат бирлигини таъминлаш Президентнинг асосий вазифаси қилиб белгиланган. Президент Парламент томонидан қабул қилинган қонунларга имзо чекади, Парламент палаталарини навбатдан ташқари, фавқулодда мажлислар чақиради, референдум эълон қилади, афв этиш институтини амалга оширади, давлат мукофотларини беради, Жанубий Африка Республикасининг дипломатик вакиллари тайинлайди ва чақириб олади, хорижий давлат ваколатхоналаридан ишонч ва чақириқ ёрлиқларини қабул қилади.

Жанубий Африка Республикаси аралаш ҳуқуқий тизимга мансуб давлат ҳисобланади. Жанубий Африка Республикаси рим-голланд ҳуқуқи ва инглиз ҳуқуқи элементларини ўзида мужассамлаштирган аралаш ҳуқуқий тизимга эга. Қора танли африкаликлар орасида одат ҳуқуқи ҳам амал қилади.

XIX ва XX асрлар давомида Жанубий Африка ҳуқуқи ижтимоий-иқтисодий ривожланиш нуқтаи назаридан инглиз ҳуқуқий маданияти таъсири остида шаклланган. Англия ҳуқуқига мувофиқ, жиноят ва фуқаролик процесси, жиноят, конституциявий, маъмурий ва савдо ҳуқуқи деярли тўлалигича тубдан ўзгартирилди. Англия ҳуқуқи анъаналари суд қурилишини, судьянинг ҳуқуқий мақомини, прецедент билан боғлиқ принципларни, юристларнинг фаолиятини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Рим-голланд ҳуқуқида ҳозирги замон товар-пул муносабатларини тартибга солишга қаратилган нормалар деярли йўқлиги сабабли, қимматли қоғозлар айланмаси, банкротлик, денгиз савдоси, суғурта ва савдо ширкатларининг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солиш масалаларида Англия ҳуқуқ нормаларидан фойдаланилади.

Мулкка, шахсларга, мерос масаласига ва (кам даражада) шартномаларга тегишли қонунлар ҳамон рим-голланд ҳуқуқи таъсири остида. Жанубий Африка Республикаси ҳуқуқ тизимининг бошқа давлатлар ҳуқуқ тизимларидан ажратиб турувчи ўзига хос хусусиятларидан бири-бу Рим ҳуқуқининг ҳозир ҳам ўз кучини сақлаб қолганлигидир. VI асрдаги машҳур Юстиниан тўплами матнларига ҳамон ҳуқуқ манбаи сифатида мурожаат қилинади, уларнинг талқини эса Гуго Гроций асарлари асосида берилади.

Жанубий Африка ҳуқуқи кодификация қилинмаган. Ҳуқуқнинг иккита асосий манбаси мавжуд, яъни қонун ҳужжатлари ва прецедент ҳуқуқи. Ҳар бир суд юқори турувчи суд қарорлари билан боғланган. Магистрат судларининг қарори прецедентни ташкил этмайди. Ҳуқуқ

манбаи сифатида урф-одатлар кенг доирада қўлланилмайди. Қонун ҳужжатлари Конституцияни ва парламент ҳужжатлари (қонунлар)ни, провинцияларнинг конституция ва қонун ҳужжатларини, шунингдек, ҳукумат ва муниципал қонуности ҳужжатларни ўз ичига қамраб олади. Конституция республика ва провинцияларнинг қонунчилик ваколатларини чеклаш ҳамда миллий ва провинция қонун ҳужжатлари ўртасидаги зиддиятларни ҳал этишнинг мураккаб қоидаларини ўз ичига олган.

Жанубий Африка Республикаси ратификация қилган халқаро битимлар устувор кучга эга эмас. Конституцияга мувофиқ, ҳар қандай халқаро битим Республикада тегишли миллий қонунни қабул қилиш йўли билан умуммажбурий характерга эга бўлади. Фақат парламент томонидан маъқулланган, нормалари тўғридан-тўғри таъсир этувчи битимлар, агар улар Конституция ва парламент ҳужжатида зид бўлмаса, бевосита қонун ҳисобланади.

Ўтган асрнинг 90 йилларида Жанубий Африка Республикаси ҳуқуқий тизимида туб ўзгаришлар юз берди. Ҳуқуқий ислохотлар натижасида янги демократик институтлар ташкил этилди. 1994 йилда Конституциявий суд, Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия ва Суд хизмати комиссияси таъсис этилди. Оммавий ҳимоячи хизмати тузилди. Янги демократик давлатчилик ва ҳуқуқий тизим асослари 1996 йилги Конституцияда мустаҳкамланди. Янги Конституциянинг Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид қисми нафақат халқаро андозаларга тўлиқ мос келади, балки бошқа демократик мамлакатларга қараганда маълум янгиликлари билан ҳам ажралиб туради.

Жанубий Африка Республикасида хусусий ҳуқуқ ҳам мамлакатнинг бутун ҳуқуқий тизими сингари аралаш кўринишга эга. Оила, мерос ва ашёвий ҳуқуқларда англо-саксон ҳуқуқига нисбатан рим-голланд ҳуқуқи устивор мавқега эга. Аммо савдо ҳуқуқининг кўпгина махсус институтларида инглиз ҳуқуқининг таъсири катта. Жанубий Африка Республикасининг хусусий ҳуқуқи роман-герман ҳуқуқи сингари анъанавий тарзда шахслар ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, мулк ҳуқуқи, мажбурият ҳуқуқи ва мерос ҳуқуқига бўлинади. Жанубий Африка Республикаси Фуқаролик процесси эса Англия ҳуқуқи намунаси асосида тузилган. Суднинг ягона қоидалари (Government Notice R 48 of 1965) ва Апелляция бўлими қоидалари (кейинги ўзгартиришлар билан Government Notice R 1207 of 1961) билан тўлдирилган “Олий суд тўғрисида”ги ва “Магистратлар судлари тўғрисида”ги қонунлар (1944, кейинги ўзгартиришлар билан) унинг асосий манбалари ҳисобланади.

Жанубий Африка Республикаси жиноят ҳуқуқи Англия ҳуқуқи таъсири остида шаклланган. Жанубий Африка Республикаси жиноят қонун ҳужжатлари кодификация қилинмаган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Мамлакатнинг банту аҳолиси жойлашган ҳудудларида 1860 йилда ҳинд Жиноят кодекси намунасида тузилган, 1886 йилда

чиқарилган “Маҳаллий ҳудудлар учун Жиноят кодекси” амал қилади. Хозирги пайтда Жанубий Африка Республикаси жиноят ҳуқуқи жазонинг қамоқ (умрбод қамоқ), жарималар ва савалаш сингари жазо турларини, қамоқхона кўринишида бўлмаган муассасага жойлаштириш кабиларни назарда тутди.

Савалаш кўпинча безорилик қилган вояга етмаганларни жазолаш учун қўлланилади, ушбу жазо тури фақат 13 ёшгача бўлган болаларга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Жанубий Африка Республикаси суд ҳокимияти ўзига хос кўринишига эга. Давлатнинг суд тизими Конституциявий суд, Олий Апелляция суди, Юқори судлар, магистратлар судларидан иборат.

Барча конституциявий масалаларда юқори суд Конституциявий суд ҳисобланади. Парламент ва провинция ассамблеялари томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг конституцияга мос ёки зид эканлигини фақат Конституциявий суд эътироф этади. Конституциявий суд Президент, унинг ўринбосари ва 9 нафар судьядан иборат таркибда ташкил этилади.

Олий Апелляция суди давлат олий суди ҳисобланиб, ўз мажлисларини Жанубий Африка Республикаси “суд пойтахти” – Блумфонтейнда ўтказди. Олий суд Апелляция бўлими бош судья ва сони Президент қарори билан ўзгартириб туриладиган апелляция судларидан таркиб топади. Олий Апелляция суди судьялари фақат хулқ-атворининг бузуқлиги ёки мажбуриятларини бажаришга имкон мавжуд эмаслиги сабабли лавозимидан озод этилиши мумкин.

Юқори судлар провинция чегараси доирасида ҳудудий юрисдикцияга эга. Улар қуйи судларга нисбатан апелляция инстанцияси ҳисобланади ҳамда ҳар қандай фуқаролик ва жиноят ишларини кўради.

Магистратлар судлари умумий судлар тизимининг қуйи бўғини ҳисобланиб, фуқаролик ҳамда жиноят ишларининг асосий қисмини кўради. Ўта оғир жиноятларни кўриб чиқиш (одам ўлдирганлик, номусга тегиш, давлатга хоинлик қилиш кабилар) уларнинг ваколатига кирмайди. Магистратлар судьялардан фарқли равишда Адлия департаменти хизматчилари ҳисобланади ва улар университет дипломига эга бўлишлари шарт эмас.

Бундан ташқари, мамлакатда 3000 ранддан ортиқ бўлмаган суммадаги фуқаролик даъволарни кўрадиган алоҳида майда даъволар судлари (small claims court) тизими ҳам мавжуд. Уларда ишлар одатда ҳақ олинмайдиган асосда бир мурсага келтирувчи судья (commissioner) томонидан кўрилади. Унинг қарорлари қатъий ҳисобланади.

Юқоридагилар билан бирга, ихтисослашган меҳнат судлари, солиқ судлари ҳамда 1993 йилда Олий суднинг учта провинциал бўлими (Йоханесбург, Претория, Уитуотерсренд)да экспериментал Тижорат суди ташкил этилган.

Анъанавий судларнинг айримлари африка одат ҳуқуқини ҳам қўллайдилар. Улар анъанавий етакчилар, яъни йўлбошчилар ёки оқсоқоллар томонидан бошқарилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

“Давлат ва ҳуқуқ назарияси” кафедраси

11-МАЪРУЗА МАТНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМИ

Тайёрлади: доц. М.К.НАЖИМОВ, доц. Ф.П.ҲАЙИТБОЕВ

ТОШКЕНТ -2010/2011 й/й.

11-мавзу. Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тизими

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг тавсифи, ўзига хос хусусиятлари ва ҳуқуқнинг манбалари.

Ўзбекистон миллий ҳуқуқий тизими ва роман-герман ҳуқуқи.

Ўзбекистон миллий ҳуқуқий тизими ва халқаро ҳуқуқ.

Мавзу бўйича фойдаланиш тавсия этиладиган адабиётлар

1. Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Масъул муҳаррирлар: Ҳ. Б. Бобоев, Ҳ. Т. Одилқориев. – Т., 2000. – Б. 313.
2. Давид Р., Жоффре-Спинози К. Основные правовые системы современности. – М.: Междунар. отношения, 1996. – 400 с.
3. Жаҳон мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари: Қомусий луғат / Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2006. –720 б.
4. Ермолович В. И., Шелкопляс В. А. Правовые системы: история и современность: Материалы межвузовской научно–практической конференции. – Минск, 5–6 января 2001 г. – Мн.: БГЭУ, 2001. – 176 с.
5. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. –Т.: Адолат, 2007. - 916 б.
6. Марченко М. Н. Правовые системы современного мира. – М: Зерцало, 2001. – 400 с.
7. Маткаримова Г. А. Международное право и правовая система Республики Узбекистан: взаимосвязь и взаимовлияние. 12.00.10: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т.: ТГЮИ, 1999. – 26 с.
8. Одилқориев Ҳ. Ҳокимиятлар тақсимланиши назарияси ва Ўзбекистон давлат органлари тизимининг такомиллашуви // Ўзбекистон Республикаси – мустақил давлат. – Т.: Адолат, 1995. – 232 б.
9. Одилқориев Ҳ. Т. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 208 б.
10. Одилқориев Ҳ. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т.: Шарқ, 2002. – 320 б.
11. Правовые системы стран мира: Энциклопедический справочник / Отв. ред. А. Я. Сухарев. – М.: Норма, 2003. – 976 с.
12. Правовая система социализма. В 2 кн. Кн. 1. Правовая система: Понятие, структура, социальные связи. – М.: Юрид. лит., 1986. – 366 с.

13. Правовая система социализма. В. 2 кн. Кн. 2. Правовая система социализма: функционирование и развитие. – М.: Юрид. лит., 1987. – 246 с.

14. Саидов А. Х. Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари -Т., 2004.-434б.

15. Саидов А. Х. Жаҳон конституциявий амалиёти ва Ўзбекистон Республикасининг асосий қонуни. – Т., 1992. – 46 б.

16. Синюков В. Н. Правовые системы и правовые семьи // Теория государства и права: Курс лекций / Под ред. Н. М. Матузова и А. В. Малько. – М., 1999. – С. 17–19.

17. *Hayitboev F.P., Najimov M.K.* Hozirgi zamon asosiy huquqiy tizimlari / Mas'ul muharrir: yu.f.d., prof. Z.M.Islomov. O`quv qo'llanma – T.:TDYuI, 2010. -246 b.

18. Уразаев Ш. З. Независимость и формирование правовой системы // Общественные науки в Узбекистане. – 1992. – № 7–8. – С. 20–24.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг тавсифи, ўзига хос хусусиятлари ва ҳуқуқнинг манбалари

Ҳуқуқий тизим кишилик жамиятининг муҳим бир қисми бўлиб, жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, маданий ва мафкуравий тизимлари билан чамбарчас боғлиқдир. Шу маънода жамиятнинг ҳуқуқий тизими мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий, мафкуравий ва ҳуқуқий тараққиёти, тарихий анъаналари ва ҳозирги замон халқаро-ҳуқуқий тажрибасининг ўзаро таъсири натижасидир.

Мамлакатимиз миллий ҳуқуқий тизимининг шаклланишини қуйидаги босқичларга бўлиб кўрсатиш мумкин:

Биринчи давр миллий ҳуқуқнинг қадимги даври – ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида (Қадимги Хоразм ва Бақтрия) давлат ва ҳуқуқ пайдо бўлишидан то мусулмон ҳуқуқи ўрнатилгунига қадар (мил. ав. биринчи минг йиллик бошларидан милоднинг VII асригача) бўлган даврни ўз ичига олади. Бу “Турон ҳуқуқий цивилизацияси” давридир. Мазкур даврдаги ҳуқуқий тизимни анъанавий ҳуқуқ оиласи ҳукмронлик қилган давр деб тавсифлаш мумкин.

Иккинчи давр мусулмон ҳуқуқи ўрнатилганидан то Ўрта Осиёнинг Россия империяси томонидан босиб олингунига қадар ўтган вақтни ўз ичига олади ва “мусулмон ҳуқуқий цивилизацияси” даври деб аталади.

Учинчи даврда миллий ҳуқуқий тизим Россия империяси мустамлакачилиги таъсирида ривожланган бўлиб, у Ўрта Осиё Россия

империяси томонидан босиб олинганидан то ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари ҳамда Туркистон АССР эълон қилингунигача бўлган даврни ўз ичига олади. Ушбу даврда мусулмон ҳуқуқи амал қилиши билан бирга, Россия империяси қонунчилигининг (роман-герман ҳуқуқ оиласига мансуб ҳуқуқий тизим ва ғояларнинг) кириб келиши бошланган.

Тўртинчи давр Хоразм ва Бухоро Халқ Совет Республикалари ва Туркистон АССР эълон қилинганидан Ўзбекистон ССР ташкил топгунигача бўлган вақтни ўз ичига олади. Бу аралаш ҳуқуқий тизимлар давридир.

Бешинчи давр 1924 йилда ЎзССР ташкил топганидан 1991 йилда мустақил Ўзбекистон Республикаси эълон қилингунига қадар ўтган вақтни ўз ичига олади. Бу даврда миллий ҳуқуқий тизим Совет мустамлакачилиги шароитида ривожланган, Иттифоқ таркибида бўлган Ўзбекистон ССРнинг ҳуқуқий тизими шаклланган. Мазмун ва моҳиятига кўра бу тизим социалистик ҳуқуқ оиласига мансуб бўлган.

Олтинчи давр ўзбек миллий ҳуқуқий тизими ривожланишининг ҳозирги даври бўлиб, 1991 йил сентябрдан, яъни дунё сиёсий харитасида янги суверен давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлган вақтдан бошланади. Бу – мустақил ўзбек ҳуқуқининг тикланиш ва ривожланиш даври.

Миллий ҳуқуқий тизим тараққиётининг ҳар бир даврида унинг ривожланишига оид муайян ҳуқуқий норма ва институтлар Ўзбекистоннинг замонавий ҳуқуқий тизимида ўз ўрнини эгаллаган. Албатта, тизимлар (анъанавий, мусулмон, роман-герман ҳуқуқ оилалари) аралашуви турли келишмовчилик ва муаммоларга олиб келиши табиий. Аммо бу миллий ҳуқуқий тизимимизнинг бойлигидир. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, давлатимиз олдида турган ижтимоий ва сиёсий муаммоларни самарали ҳал этиш учун Ўзбекистон ҳуқуқий тизимида роман-герман ҳуқуқ оиласининг энг муҳим жиҳатларини тўлиқ акс эттириш зарур. Бу ҳозирги кунда давр талаби бўлиб қолмоқда.

Мустақилликни қўлга киритган ҳар бир давлат ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият қуришга, миллий ҳуқуқий тизимини шакллантиришга интилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов таъкидлаб ўтганидек, “мустақиллик йилларида республикада халқаро амалиётда қабул қилинган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий қоидалар ва нормаларга асосланган кенг ҳуқуқий макон вужудга келтирилди. Биз тоталитар тузумнинг ўз ҳукмини ўтказиш ва бошбошдоқлигидан воз кечдик. Одамларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан, шунингдек, мулкчиликнинг ҳамма шаклларидаги маъмурий-хўжалик

тузилмалари билан хилма-хил муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий нормалари сари дадил қадам ташладик”¹.

Истиқлол йилларида бозор иқтисодиётига асосланган муносабатларни шакллантирувчи, демократик сиёсий тизимнинг таркибий тузилмаларини ҳамда фуқаролик жамиятининг асосларини яратувчи, инсон ҳуқуқлари кафолатларининг тизимини қарор топтирувчи, хуллас, бутун ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг ҳуқуқий негизини барпо этувчи Конституция, конституциявий қонунлар, кодекслар ва кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

1992 йилда Ўзбекистон Собиқ Иттифоқ ҳудудида биринчилардан бўлиб янги демократик Конституция қабул қилди. Бу Конституцияда мафкуравий ва сиёсий плюрализм, ҳокимиятларнинг бўлиниши, шахс ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари устуворлиги, мулкчилик шаклининг хилмахиллиги принциплари, конституциявий назорат институти ҳамда замонавий ҳуқуқий давлат моҳиятини ташкил қилувчи бошқа кўплаб принциплар ва институтлар мустаҳкамлаб қўйилди.

1990йиллар охирига келиб Ўзбекистон советлардан кейинги кодекслар тўла туркумини қабул қилишни якунлаб, бошқа барча собиқ иттифоқдош республикалардан илгарилаб кетди. Булар: ЖК (1994), ЖПК (1994), Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (1994), ФК (1996), ФПК (1997), Меҳнат, (1995), Жиноят ижроия (1997), Солиқ (2007 йил, янги таҳрирда), Божхона (1997), Хўжалик-процессуал (1997), Ер (1998), Оила (1998), Уй жой (1998), Шаҳар қурилиши (2002), кодексларидир.

Ўзбекистоннинг янги ҳуқуқий тизими дунёвий асосга таянади, роман-герман анъаналарини ҳамда халқаро тан олинган принциплар, нормалар ва стандартларни, шу жумладан, инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳам, назарда тутди. Айни вақтда Ўзбекистоннинг янги қонунчилиги умуман совет даврида юзага келган ва МДХ ҳуқуқий макони учун кўп жиҳатдан умумий бўлган таркибни, тизимни ҳамда юридик техникани сақлаб қолган. Ўзбекистоннинг замонавий суд тизими тўғрисида ҳам шундай фикр айтиш мумкин.

Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқий онги ўтмишдан мерос қилиб олинган анъаналар, одатлар ва ахлоқий нормаларга бой. Ўзбек турмуш тарзига жамоавийлик ва давлат патернализми хосдир. Бу ерда жамоавий асос, жамоа манфаатлари доимо шахсий, индивидуал манфаатлардан устун турган.

Ўзбекистонда асосий ҳуқуқ манбаи қонунлардир. Мамлакатда норматив ҳуқуқий ҳужжатларининг қатъий иерархияси мавжуд. Бу - Конституция, конституциявий қонунлар, одатдаги қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, марказий ва маҳаллий ҳокимият ҳамда бошқарув органлари чиқарадиган норматив-

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 201.

ҳуқуқий ҳужжатлар. Қорақалпоғистон Республикаси ўз Конституциясига ва қонунларига эга. Улар ҳам Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ бўлиши керак.

Ҳуқуқнинг қўшимча манбаи сифатида тадбиркорлик муомаласи одатлари, фуқаролик қонунларида кўрсатилмаган ҳолларда эса маҳаллий урф-одатлар ва анъаналар хизмат қилади (Ўзбекистон ФК бмодда).

Маълумки, олий судлар амалиёти ҳуқуқ манбаи сифатида муайян аҳамият касб этади. Ўзбекистон Олий суди асосий қарорлар, алоҳида ишлар бўйича амал қилиниши лозим бўлган изоҳлар ва қарорлар ёки алсримлар матни берилган даврий бюллетенларни чоп этади.

Ўзбекистоннинг белгиланган тартибда расмий ратификация қилинган халқаро шартномалари ички қонунлардан устун туради.

Ўзбекистон миллий ҳуқуқий тизими ва роман-герман ҳуқуқи

Роман-герман ҳуқуқи Рим ҳуқуқини XII-XIII асрлардан бошлаб Италия, Франция ва Германия университетларида ўқитиш натижасида шаклланган. Бу ҳуқуқ оиласига Европа қитъасида Рим каноник ҳуқуқи ва маҳаллий анъаналар асосида юзага келган ҳуқуқ тизимлари киритилади. Роман-герман ҳуқуқ оиласига ёзма ҳуқуқнинг мавжудлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг иерархик тизими, ҳуқуқнинг оммавий ва хусусий ҳуқуқ соҳаларига бўлиниши хосдир. Мазкур ҳуқуқ оиласига мансуб мамлакатларнинг барчасида ёзма конституциялар мавжуд бўлиб, улар олий юридик кучга эга. Роман-герман ҳуқуқ оиласининг бошқа бир ўзига хос жиҳати шундаки, унда амалдаги қонунчилик нормалари муайян бир тизимга солинган, яъни кодекслаштирилгандир.

Роман-герман ҳуқуқ оиласи иккита ҳуқуқий гуруҳдан иборат: 1) роман ҳуқуқи гуруҳи; 2) герман ҳуқуқи гуруҳи. Ҳозир роман ҳуқуқи – Франция, Италия, Испания, Португалия, Голландия, Бельгия каби мамлакатларда; герман ҳуқуқи эса ГФР, Австрия ва Швейцарияда амал қилмоқда¹.

Собиқ Иттифоқ инқирозга юз тутгандан сўнг юзага келган давлатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам мустақил миллий ҳуқуқий тизимни шакллантириш юзасидан демократик ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Маъмурий буйруқбозлик ва режали иқтисодиёт ўрнини эркин рақобат асосида шаклланувчи бозор муносабатлари қарор топмоқда. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ушбу жараёнда юзага келадиган ижтимоий

¹ Қаранг: Давид Р. Основные правовые системы современности. – М., 1988; Цвайгерт К., Кётец Х. Введение в сравнительное правоведение в сфере частного права. Т. I. – М., 1998; Саидов А. Х. Сравнительное правоведение (основные правовые системы современности). – М., 2000; Марченко М. Н. Понятие сравнительного права (сравнительного правоведения) // Вестник МГУ: Сер. Право. – 1999. – № 1, 2.

муносабатларни тартибга солишнинг тамомила янгича мазмундаги ҳуқуқий асослари яратилган. Бунда албатта, ривожланган давлатлар, айниқса роман-герман ҳуқуқий оиласига мансуб мамлакатларнинг тажрибаси муайян даражада миллий ҳуқуқий тизимга сингдирилди. Шу жиҳатдан олганда, мамлакатимиз миллий ҳуқуқий тизимининг роман-герман ҳуқуқий оиласига яқинлигини тавсифловчи бир қатор жиҳатларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари кодификация қилинган мамлакатдир. Республикада ҳуқуқнинг асосий манбаи давлатнинг олий органлари томонидан қабул қилинувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардир. Мамлакатимизда ҳуқуқнинг асосий тармоқлари кодификация қилинган.

Иккинчидан, ҳуқуқ манбаларининг қатъий иерархияси мавжуд. Ўзбекистонда ҳуқуқ манбаларининг тизими Конституция, конституциявий қонунлар, жорий қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ўз ичига олади.

Учинчидан, қонуннинг устунлиги принципи ҳуқуқ манбалари иерархиясининг муҳим таркибий қисмидир. Бунда Конституциянинг устунлиги принципи алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу принцип қуйидагиларни англатади:

–Конституцияга зид бўлган ҳар қандай фаолият, хусусан қонун ижодкорлиги фаолияти ҳам ман этилиши;

–анъанавий мезонларга, яъни қонунларни шарҳлаш ва қўллашга нисбатан конституциявий нормаларнинг асосий ҳисобланиши;

–барча ҳуқуқ ижодкорлиги субъектларининг конституциявий нормалар ривожланишига мос равишда ҳаракат қилишга мажбур эканлиги;

–Конституцияни қабул қилишнинг ўзига хослиги ва қайта кўриб чиқишнинг мураккаб тартиби;

–Конституциянинг алоҳида муҳофаза этилиши, яъни конституциявий назоратнинг мавжудлиги.

Тўртинчидан, одил судлов ва суд тизимини ташкил этишнинг асосий принциплари. Суд ҳокимияти ягона суд тизимини ташкил этувчи Конституциявий суд, Олий суд ва Олий ҳужалик суди орқали амалга оширилади.

Давлат суверенитетининг эълон қилиниши, бозор иқтисодиёти йўлининг танланиши, сиёсий ва мафкуравий кўп фикрлиликка эришиш учун ҳаракат қилиш ўзбек ҳуқуқининг ҳам шаклан, ҳам мазмунан роман-герман ҳуқуқи оиласига яқинлашишига кенг имкониятлар очиб бермоқда.

Ушбу ҳолат ҳуқуқий давлатнинг асосий мезонлари – ҳокимият ваколатларининг бўлиниши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бирламчилиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги,

конституциявий назорат ва бошқаларда ўз аксини топмоқда. Демак, ҳозирги кунда Ўзбекистонда роман-герман ҳуқуқи оиласига хос ҳуқуқ манбалари ва қонунчилик тизими шаклланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ва Европа мамлакатларининг ҳуқуқ манбалари тизими қанчалик бир-бирига яқин бўлмасин, улар бир қатор жиҳатлари билан фарқланиши мумкин.

Роман-герман ҳуқуқ оиласининг хусусиятларидан бири ҳуқуқнинг оммавий ва хусусий ҳуқуққа бўлинишидир. Хусусий ҳуқуқ алоҳида шахсларнинг эҳтиёжини қондириш ва манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган бўлса, оммавий ҳуқуқ давлатнинг умумий манфаатларини муҳофаза этади. Хусусий ва оммавий ҳуқуқнинг шаклланиши қадимги Рим ҳуқуқига бориб тақалади. Унда *Jus publicum* ва *jus privatum* ажратилган бўлиб, уларга Рим юристлари тавсиф берганлар. Масалан, Ульпианнинг фикрига кўра, оммавий ҳуқуқ – Рим давлатининг мавқеи ва мақомига («*ad statum rei Romanae spectat*»); хусусий ҳуқуқ эса алоҳида шахслар манфаатига тааллуқлидир («*ad Singulorum utilitatem*»)¹.

Ҳозирги кунда ўзбекистонлик олимлар ҳуқуқнинг оммавий ва хусусий ҳуқуққа бўлинишини эътироф этадилар². Бу эса Ўзбекистоннинг миллий ҳуқуқи роман-герман ҳуқуқ оиласига киришини яна бир қарра тасдиқлайди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш ва хусусий мулк турларининг кўпайиши хусусий ҳуқуқнинг ривожланишига олиб келган бўлса, ҳуқуқий давлатни қуриш борасидаги ҳаракатлар ва сиёсий плюрализм оммавий ҳуқуқнинг ривожланишига катта туртки бўлди.

Ўзбекистонда хусусий ва оммавий ҳуқуқнинг ривожланиши жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий ривожланиши билан боғлиқ. Бу эса хусусий ҳуқуққа қуйидаги йўналишларда таъсир кўрсатмоқда:

биринчидан, Ўзбекистонда мулкчиликнинг барча шакллари эътироф этиш мамлакатимизда хусусий мулкчилик муносабатларининг, хусусий мулк ҳуқуқининг ривожланишига олиб келди;

иккинчидан, эркин тадбиркорлик учун юридик асосларнинг яратилиши ва ривожланиши ҳам хусусий ҳуқуқнинг янада ривожланишига сабаб бўлди. Бозор муносабатлари, товар-пул, меҳнат, молиявий ва ижтимоий муносабатлар ва бошқа ҳуқуқлар хусусий ҳуқуқнинг ташқи манбаи ҳисобланади;

учинчидан, савдо ҳуқуқида илгари бўлмаган баъзи институтлар вужудга келди.

¹ Қаранг: Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Масъул муҳаррирлар Ҳ. Б. Бобоев ва Ҳ. Т. Одилқориев. – Т., 2000. – Б. 317; Исламов З. Общество. Государство. Право (Вопросы теории). – Т., 2001. – С. 513–514.

² Қаранг: Саидов А., Таджиханов У. Ҳуқуқ назарияси. – Т., 2001. – Б. 162–164.

Ўзбекистонда оммавий ҳуқуқ демократик ҳуқуқий давлатнинг қуйидаги хусусиятларини ўз ичига олади:

- 1) ҳокимият бўлинишининг конституциявий асослари;
- 2) фуқароларнинг эркинлиги ва оммавий ҳуқуқларининг асосий ҳуқуқлар деб тан олиниши;
- 3) Конституциявий суд назоратининг тан олиниши ва ривожланиши.

Оммавий ҳуқуқ – сиёсий инқилоблар пайтида, хусусий ҳуқуқ эса кўпроқ тадрижий тараққиёт даврида ўзгариши мумкин.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларида оммавий ҳуқуқ ривожланган эди. Ҳозирда эса хусусий ҳуқуққа оид бозор муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик анча ривожланмоқда.

Оммавий ҳуқуқнинг конституциявий, маъмурий, ҳўжалик, одил судлов қонунчилиги соҳаларида кенг миқёсли кодификация ишлари амалга оширилмоқда.

Қонунчилиكنинг оммавий ҳуқуқий тизими давлатнинг иқтисодий сиёсатини акс эттиради ва фуқаролик, меҳнат ҳуқуқий муносабатларига ҳамда табиий ресурслардан фойдаланиш кабиларга таъсир кўрсатади.

Бозор муносабатларини тартибга солиш хусусий ҳуқуққа тегишли соҳа ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи хусусий ҳуқуққа тааллуқли бўлиб, тадбиркорлик муносабатлари ва фаолиятини қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистонда фуқаролик ҳуқуқидан меҳнат ва оила ҳуқуқи ажралиб чиққан бўлиб, улар Меҳнат ва Оила кодекси билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни ҳуқуқий тартибга солиш жараёнига катта эътибор берилмоқда. Аҳолининг иқтисодий ночор қатламларига тўлов ва имтиёзлар беришга доир бир қанча қонун ҳужжатларининг қабул қилинганлиги бунинг яққол мисолидир. Ўзбекистонда олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсат мамлакатимизда ижтимоий ҳуқуқнинг ривожланишига олиб келади. Ижтимоий ҳуқуқ аҳолининг иқтисодий ночор қатламини ҳимоя қилиш, таълим соҳасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш каби масалаларни қамраб олади. Хорижда эса ижтимоий ҳуқуқ ҳозирги кунда давлат бошқаруви билан боғлиқ ҳолда Франция, Германия, Швеция ва Европанинг бошқа давлатларида ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон миллий ҳуқуқий тизими ва халқаро ҳуқуқ

Турли давлатларнинг қонунчилиги ва ҳуқуқий тизимлари, албатта, бир-бирига таъсир қилади. Бу - муқаррар қонуният. Ҳеч бир давлатнинг қонунчилиги бошқа давлатлар қонунчилигидан ва ўз мамлакатининг ҳуқуқий ўтмишидан ажралган ҳолда юзага келмайди. Норматив ҳужжатлар мутлақо ўзига хос бўла олмайди. Улар,

шубҳасиз, турли хил таъсирларга учрайди, баъзида илгари қўлланилган қоидаларни янгича талқин қилади¹.

Юридик фанда “миллий ҳуқуқ” тушунчаси мавжуд. Миллий ҳуқуқ – у ёки бу миллатнинг ҳуқуқи эмас. Бунда муайян давлатнинг ҳуқуқий тизими назарда тутилади. Миллий ҳуқуқ давлатнинг ички қонунлари асосида ички ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солади. У бир бутун ҳуқуқий тизимни намоён этади².

Ҳеч бир давлатнинг ҳуқуқий тизимини бошқа миллий ҳуқуқий тизимлар ва халқаро ҳуқуқдан ажратган ҳолда ўрганиб бўлмайди. Бундай “ҳуқуқий учбурчак” турли норматив-ҳуқуқий массивлар ўзаро алоқада бўлган, тўқнашадиган, бирга мавжуд бўлган ҳуқуқий макон хизматини ўтайди. Ушбу боғлиқликда барқарор ва қонуний, қарама-қарши ва тасодифий жиҳатлар кўп. Улар асосида давлатларнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигини мустақкамловчи умумий интегратив жараёнлар ётади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида халқаро ҳуқуқ учун муҳим ўрин ажратилгани ҳолда (17-модда) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг халқаро ҳуқуқ билан чамбарчас боғлиқлиги белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Конституциясининг 109-моддасига мувофиқ, мамлакат Конституциявий суди Конституция ва давлатлараро шартномалар ўртасидаги мувофиқликни аниқлайди. Конституциявий суд амалиётида халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормалари судда муҳокама этиладиган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлашда муҳим мезон вазифасини бажаради.

Ўзбекистон истиқлолга эришгач, мустақил ички ва ташқи сиёсат юрита бошлади. Бу масала Конституциянинг “Ташқи сиёсат” деб номланган IV бобининг 17-моддасида қуйидагича ифодаланди: “Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин”³.

¹ Қаранг: Одилқориев Х., Маткаримова Г. Халқаро ва миллий ҳуқуқ: ўзаро муносабат ҳамда таъсир // Давлат ва ҳуқуқ. – 2000. – № 1. – Б. 62.

² Ўша жойда.

³ Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. – Т., 2001. – Б. 60–81.

Ўзбекистон Республикаси ўз қонунчилигини халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган нормалари асосида ишлаб чиқиб, халқаро ҳуқуқда муайян ютуқларга эришиш учун салмоқли замин яратди.

Халқаро ҳуқуқ алоҳида кишилар (синфлар, гуруҳлар) хоҳишига кўра эмас, балки реал ижтимоий жараёнлар натижасида юзага келган. Агар “халқаро ҳуқуқ” тушунчаси том маънода халқлар ўртасидаги алоқа, муносабатларни англатишидан келиб чиқадиган бўлсак, оддий ҳуқуқнинг дастлабки нормалари ибтидоий жамоа тузуми даврида, давлат пайдо бўлгунига қадар юзага келган, деган хулосага келишимиз мумкин.

Бутун дунёда минтақалараро, давлатлараро ташқи иқтисодий ва ташқи савдо муносабатларини тартибга солувчи дунё миқёсидаги ҳуқуқий тизим, яъни халқаро ҳуқуқ мавжуд. Халқаро ҳуқуқ ҳам, миллий ҳуқуқ ҳам бир-бирисиз мавжуд бўла олмайди. Кўпгина халқаро ҳуқуқ нормалари миллий ҳуқуқ нормаларига айланади ёки миллий ҳуқуқ нормалари халқаро ҳуқуқ нормаларининг шаклланишига таъсир кўрсатади¹.

Юридик адабиётда халқаро ва миллий ҳуқуқнинг ўзаро муносабати ва таъсири тўғрисида турли хил фикрлар илгари сурилган. Суверенитет ва миллий ҳуқуқни ҳурмат қилиш – ҳозирги даврдаги халқаро муносабатларнинг асосий принципи. Давлатлар суверенитетини ҳурмат қилиш ва тан олиш принципи БМТнинг Устави ва бошқа халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилган.

Суверен Ўзбекистон ҳуқуқий тизимининг ривожланиши Республиканинг халқаро ҳамжамиятга кириши ва халқаро ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган соҳаларнинг кенгайиши шароитида юз бермоқда. Халқаро ҳуқуқ Ўзбекистоннинг қонунлар яратиши ва бошқа давлатлар билан халқаро ҳуқуқий шартномалар тузишига янада кўпроқ таъсир кўрсатмоқда. Халқаро ҳуқуқнинг бевосита амал қилиши Конституциямизда белгилаб қўйилган. Унга кўра Ўзбекистон умум эътироф этган халқаро ҳуқуқ нормаларининг устунлигини тан олади².

“Халқаро ҳуқуқ” тушунчасини давлатлараро ҳуқуқ сифатида тушунадиган бўлсак, у давлат билан бирга пайдо бўлган деган хулосага келамиз. “Халқаро ҳуқуқ ғоят кенг ва турли тармоқларни ўз ичига олувчи алоҳида ҳуқуқлар тизимидир”³.

Халқаро ҳуқуқ – ижтимоий амалиёт натижаси. У доимий ўзгарувчан халқаро муносабатлар жараёнида инсонларнинг ўз моддий манфаатини англаш усули сифатида юзага келиб, давлатлар ва халқлар ривожига катта таъсир кўрсатди ва кўрсатиб келмоқда.

¹ Қаранг: Одилқориев Х., Маткаримова Г. Халқаро ва миллий ҳуқуқ: ўзаро муносабат ҳамда таъсир // Давлат ва ҳуқуқ. – 2000. – № 1. – Б. 63.

² Одилқориев Х., Маткаримова Г. Халқаро ва миллий ҳуқуқ: ўзаро муносабат ҳамда таъсир // Давлат ва ҳуқуқ. – 2000. – № 1. – Б. 63.

³ Маматқулов А. Халқаро ҳуқуқ. – Т., 1997. – Б. 7.

Ҳар бир янги давлат халқаро муносабатларга киришар экан, унча яратилган халқаро ҳуқуқ нормалари ва принципларига дуч келади. Бу унинг халқаро фаолияти йўналишини маълум даражада олдиндан белгилаб қўяди ва қонунчилигига ўз таъсирини ўтказди.

Миллий ҳуқуқ ва халқаро ҳуқуқ мустақил ҳуқуқ тизимлари саналса-да, ўзаро алоқасиз мавжуд бўлмайди. Халқаро ҳуқуқда норма яратиш жараёнига миллий ҳуқуқ тизимлари катта таъсир кўрсатади ва бу таъсирларни давлатлар дипломатия ва ташқи сиёсатда ҳисобга оладилар. Ўз навбатида, халқаро ҳуқуқ ҳам миллий қонунчиликка таъсир кўрсатади.

Халқаро ҳуқуқ нормалари фақат ўз субъектлари, яъни аввало давлатлар учун ҳуқуқ ва мажбуриятлар туғдиради. Давлатнинг расмий органлари, юридик ва жисмоний шахслари халқаро ҳуқуқ нормаларига бевосита бўйсунмайди. Давлатнинг ичида халқаро мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш учун миллий қонун-қоидаларга халқаро ҳуқуқ нормаларини трансформация қилишга доир чоралар кўрилади. Ушбу масала Ўзбекистон Республикасида ҳам ижобий ҳал қилинган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган норма ва принципларига асосланиб ишлаб чиқилган. Ўз навбатида, Ўзбекистон қонунчилиги Конституцияга асосланади. Бу эса Ўзбекистондаги барча қонун ва қоидалар халқаро ҳуқуқ принципларига асосланган, деган хулосага олиб келади.

Халқаро ҳуқуқ субъектлари ўзларининг халқаро мажбуриятларини бажармаётганликларига ички қонунчилик йўл қўймаётганлигини сабаб қилиб кўрсата олмайдилар. Давлатлар қабул қилган халқаро мажбуриятларни виждонан бажаришлари шарт.

Қатор мамлакатларда ратификация қилинган халқаро шартномалар ўз-ўзидан миллий қонунчиликнинг таркибий қисмига айланади. Кўпгина давлатларнинг қонунларида белгиланган қоидага кўра, ички қонун ва халқаро мажбурият ўртасида зиддият юзага келса, халқаро мажбуриятлар устун мавқега эга бўлади.

Халқаро муносабатлар фақат давлатлар ва ҳукуматлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар билан чекланиб қолмайди. Турли давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари ўртасида, халқаро ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар доирасида доимий алоқалар бўлиб туради. Бу муносабатлар ё муайян давлат ҳуқуқи, ё халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади.

Шунингдек, халқаро оммавий ҳуқуқ ва халқаро хусусий ҳуқуқ ўртасида мустаҳкам алоқа мавжудлиги кузатилади. Ҳуқуқнинг бу соҳалари, кенг маънода, халқаро муносабатларни тартибга солади. Халқаро хусусий ҳуқуқ халқаро аҳамиятга эга фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи нормалар мажмуидан иборат бўлиб, бу нормалар халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принципларига зид бўлиши мумкин эмас.

Юртимизда миллий қонунчиликни такомиллаштириш борасида улкан ишлар амалга оширилаётган ҳозирги даврда ички давлат усуллари ҳамда халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш усулларидан фойдаланиш талаб этилади. Ҳозирги пайтда қонунчиликнинг ҳар қандай соҳаси халқаро шартномалар билан боғлиқ. Давлат ташқи сиёсатнинг конституциявий асослари, давлат ҳокимияти органларининг халқаро муносабатлар соҳасидаги ваколатлари, фуқаролик, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини белгилаш билан шуғулланади. Фуқаролик ва оила ҳуқуқи, фуқаролик жараёнида – бу халқаро хусусий ҳуқуқнинг анъанавий масалалари, фуқаролик ва оилавий ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалалари, алоҳида аҳамиятга эга бўлган ташқи алоқаларни ривожлантириш масалалари; жиноят ҳуқуқи ва жиноят процесси – жиноятчиликка қарши курашдаги ҳамкорликнинг кўп томонлама жиҳатлари, жиноят ишларини очишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатишдан иборат.

Ўзбекистон Конституцияси БМТнинг Устави, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа халқаро пактлар, Хельсинки якуний ҳужжати, Париж ва Мадрид хартияларидан халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларини қабул қилган. Бундай ёндашув Конституциянинг нафақат IV – “Ташқи сиёсат” бобида, балки Муқаддимасида, иккинчи – “Инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқ, эркинликлари ва мажбуриятлари” бўлимида, учинчи – “Жамият ва шахс” бўлимида, XXIII – “Сайлов тизими” бобида, XXII – “Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти” бобида, XXVI – “Мудофаа ва хавфсизлик” бобида яққол намоён бўлади¹.

Ўзбек ҳуқуқи тарихида биринчи марта Ўзбекистон Конституциясида халқаро ҳуқуқ нормаларининг ички давлат ҳуқуқи нормаларидан устунлиги эълон қилинди. Давлатнинг ички ҳуқуқи ва халқаро ҳуқуқнинг нисбати тўғрисидаги масаланинг бундай ечими дунёдаги умумий тамойилга мос келади.

Маълумки, халқаро ҳуқуқ миллий ҳуқуқий тизимнинг шаклланиши ва ривожланишига ҳам катта таъсир кўрсатади. Халқаро ҳуқуқ нормалари миллий ҳуқуқ нормаларининг ўзгаришига, янгисининг пайдо бўлишига, эскиларининг бекор бўлишига ёки халқаро ҳуқуқ нормасининг миллий ҳуқуққа тўлиқ сингдирилишига олиб келиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, юридик адабиётда трансформациянинг беш тури фарқланади: 1) тўғридан-тўғри инкорпорация; 2) ҳавола қилиш; 3) индивидуал инкорпорация; 4) мослаштириш (адаптация); 5) легитимация².

Халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш давлатлардан ўз миллий қонунчилигини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини халқаро меъёрларга мослаштиришни талаб қилади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. – Т., 2001. – Б. 11.

² Қаранг: Мюллерсон Р. А. Соотношение международного и национального права. – М., 1982. – С. 75.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг муҳим концепциялари, ривожланган демократик давлатларнинг ҳуқуқий тартибга солиш тажрибаси республикаимиз қонунларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда замин бўлиб хизмат қилмоқда. Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон қонунчилигини замон талабига мослаштириш масаласини халқаро ҳуқуқ ва бошқа давлатлар ҳуқуқий тажрибасига таянган ҳолда тўлиқ ва самарали ҳал қилиш мумкин. Халқаро ҳуқуқ тажрибани ҳисобга олиш, ривожланган давлатлар билан ҳуқуқий соҳаларда муносабатлар ўрнатиш ва ҳамкорлик қилиш қонунларимизнинг такомиллашувига ёрдам беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

I. Раҳбарий адабиёт

- 1.1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
- 1.2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
- 1.3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
- 1.4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 394 б.
- 1.5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.
- 1.6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
- 1.7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 413 б.
- 1.8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 525 б.
- 1.9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 439 б.
- 1.10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
- 1.11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
- 1.12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.
- 1.13. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмади. Т. 13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
- 1.14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т. 14. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.
- 1.15. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т. 15. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 320 б.
- 1.16. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 48 б.
- 1.17. Каримов И.А. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 48 б.
- 1.18. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. – 174 б.

II. Махсус адабиёт

- 2.1. Абдулаев М. И. Теория государства и права: Учебник. – СПб.: Питер, 2003. – 397 с.
- 2.2. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи: (Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар) / Масъул муҳаррир: Б. Аҳмедов. – Т.: Шарқ, 2000. – 386 б.
- 2.3. Алексеев С. С. Теория права. – М.: Бек, 1995. – 320 с.
- 2.4. Алексеев С. С. Избранное: наука права, общесоциальные проблемы, публицистика. – М.: Статут, 2003. – 480 с.
- 2.5. Антонов И. П. Основы правовой системы федеративной Республики Германия. (Теоретический и историко-правовой аспекты). – М.: Академия управления МВД России, 2003. – 147 с.
- 2.6. Боботов С. В., Жигачев И. Ю. Введение в правовую систему США. – М.: Норма, 1997. – 333 с.
- 2.7. Введение в шведское право. – М.: Прогресс, 1986. – 387 с.
- 2.8. Давид Р., Жоффре-Спинози К. Основные правовые системы современности. – М.: Междунар. отношения, 1996. – 400 с.
- 2.9. Давид Р. Основные правовые системы современности. – М.: Международные отношения, 1986. – 380с.
- 2.10. Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Масъул муҳаррирлар Ҳ. Б. Бобоев, Ҳ. Т. Одилқориев. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000. – 528 б.
- 2.11. Ермолович В. И., Шелкопляс В. А. Правовые системы: история и современность: Материалы межвузовской научно-практической конференции. – Минск, 5–6 января 2001 г. – Мн.: БГЭУ, 2001. – 176 с.
- 2.12. Ислотов З. Общество. Государство. Право. – Т.: Адолат, 2001. – 696 с.
- 2.13. Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро билль. – Т.: Адолат, 1992. – 64 б.
- 2.14. Инсон ҳуқуқлари / Масъул муҳаррирлар: Ҳ. Б. Бобоев, И. Р. Рамазонов. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 260 б.
- 2.15. Инако Ц. Современное право Японии / Отв. ред. В. А. Туманов. – М.: Прогресс, 1981. – 291 с.
- 2.16. Карбонье Ж. Ж. Юридическая социология. – М.: Прогресс, 1986. – 302 с.
- 2.17. Книпер Р., Назарян В. Очерки к проблеме законодательной техники. – Эшборн, 1999. – 62 с.
- 2.18. Маматкулов А. Халқаро ҳуқуқ. – Т.: Адолат, 1997. – 319 б.
- 2.19. Марченко М. Н. Правовые системы современного мира: Учеб. пособие. – М.: Зерцало, 2001. – 400 с.
- 2.20. арченко М. Н. Правовые системы современного мира. – М.: Зерцало, 2001. – 400 с.

- 2.21. Малько А. В. Экзамен по теории государства и права: 100 ответов на 100 возможных вопросов: Учебно-методическое пособие. – М.: Гардарики, 1996. – 128 с.
- 2.22. Маткаримова Г. Халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон ҳуқуқий тизими. – Т.: Адолат, 2002. – 90 б.
- 2.23. Мюллерсон Р. А. Соотношение международного и национального права. – М.: Международные отношения, 1982. – 285 с.
- 2.24. Международное право: Учебник / Отв. ред. Ю. М. Колосов, В. И. Кузнецов. – М.: Международные отношения, 1995. – 608 с.
- 2.25. Общая теория государства и права: Академический курс в 2-х томах. Том 2. Теория права. / Под ред. М. Н. Марченко. – М.: Зерцало, 1998. – 640 с.
- 2.26. Одилқориев Ҳ. Ҳокимиятлар тақсимланиши назарияси ва Ўзбекистон давлат органлари тизимининг такомиллашуви // Ўзбекистон Республикаси – мустақил давлат. – Т.: Адолат, 1995. – 232 б.
- 2.27. Одилқориев Ҳ. Т. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 208 б.
- 2.28. Одилқориев Ҳ. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т.: Шарқ, 2002. – 320 б.
- 2.29. Общая теория права / Под общ. ред. А. С. Пиголкина. – М.: МГТУ, 1995. – 384 с.
- 2.30. Пашуканис Е. Б. Избранные произведения по общей теории права и государства. – М.: Наука, 1980. – С. 32–181.
- 2.31. Правовые системы стран мира: Энциклопедический справочник / Отв. ред. А. Я. Сухарев. – М.: Норма, 2003. – 976 с.
- 2.32. Правовая система Нидерландов / Отв. ред. В. В. Бойцова, Л. В. Бойцова. – М.: Норма, 1998. – 348 с.
- 2.33. Правовая система социализма. В 2 кн. Кн. 1. Правовая система: Понятие, структура, социальные связи. – М.: Юрид. лит., 1986. – 366 с.
- 2.34. Правовая система социализма. В. 2 кн. Кн. 2. Правовая система социализма: функционирование и развитие. – М.: Юрид. лит., 1987. – 246 с.
- 2.35. Право XX века: Идеи и ценности: Сб. обзоров и рефератов / РАН. ИНИОН; Отв. ред. Ю. С. Пивоваров. – М., 2001. – 328 с.
- 2.36. Раянов Ф. М. Проблемы теории государства и права (юриспруденции): Учебный курс. – М.: Право и государство, 2003. – 304 с.
- 2.37. Решетников Ф. М. Правовые системы стран мира. – М.: Юрид. лит., 1993.
- 2.38. Романов А. К. Правовая система Англии: Учеб. пособие. – М.: Дело, 2000. – 344 с.
- 2.39. Саидов А. Х. Введение в основные правовые системы современности. – Т.: Фан, 1988. – 217 с.

- 2.40. Саидов А. Х. Сравнительное правоведение: Учеб. пособие / Отв. ред. В. А. Туманов. – Т.: Адолат, 1999. – 480 с.
- 2.41. Саидов А. Х. Жаҳон конституциявий амалиёти ва Ўзбекистон Республикасининг асосий қонуни. – Т., 1992. – 46 б.
- 2.42. Саидов А., Таджиханов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. I жилд. Давлат назарияси. – Т.: Адолат, 2001. – 336 б.
- 2.43. Саидов А., Таджиханов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. II жилд. Ҳуқуқ назарияси. – Т.: Адолат, 2001. – 560 б.
- 2.44. Саидов А. Х. Кўчимов Ш. Н. Қонунчилик техникаси асослари. – Т.: Адолат, 2001. – 279 б.
- 2.45. Семитько А. П. Российская правовая система // Теория государства и права / Под ред. В. М. Корельского и В. Д. Перевалова. – М., 1998. – 493 с.
- 2.46. Синюков В. Н. Российская правовая система: Введение в общую теорию. – Саратов: Саратовский юрид. инс-т, 1994. – 473 с.
- 2.47. Синюков В. Н. Правовые системы и правовые семьи // Теория государства и права: Курс лекций / Под ред. Н. М. Матузова и А. В. Малько. – М., 1999. – С. 17–19.
- 2.48. Теория государства и права: Курс лекций / Под. ред. Н. И. Матузова, А. В. Малько. – М.: Юристъ, 1999. – 672 с.
- 2.49. Теория государства и права: Учебник / Под. ред. В. К. Бабаева. – М.: Юристъ, 1999. – 592 с.
- 2.50. Теория государства и права: Учебник / Под ред. В. М. Корельского и В. Д. Перевалова. – М.: Норма-Инфра, 1998. – 570 с.
- 2.51. Темнов Е. М. Теория государства и права: Учебное пособие для вузов. – М.: Экзамен, 2003. – 320 с.
- 2.52. Тихомиров Ю. А. Курс сравнительного правоведения. – М.: Норма, 1996. – 432 с.
- 2.53. Турсунов Й., Усмонова М. Меҳнат ҳуқуқи. – Т.: Молия, 2001. – 228 б.
- 2.54. Уразаев Ш. З. Перестройка и правовая культура. – Т.: Фан, 1988. – С. 43.
- 2.55. Уразаев Ш. З. Модель закона: Какой ей быть? – Т.: Фан, 1990. – 48 с.
- 2.56. Уразаев Ш. З. Власть и закон. – Т.: Фан, 1992. – 52 с.
- 2.57. Файзиев М. М. Ўзбекистон Конституцияси – мустақиллик қомуси. – Т., 1995. – 67 б.
- 2.58. Фридмэн Л. Введение в американское право. – М.: Прогрес, 1993. – 256 с.
- 2.59. Цвайгерт К., Кетц Х. Введение в сравнительное правоведение в сфере частного права. Т. 1. – М.: Юристъ, 1998. – 480 с.
- 2.60. Шумилов В. М. Правовая система США: Учеб. пособие. – М.: ДеКА, 2003. – 400 с.

2.61. Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи / Масъул муҳаррир А. Азизхўжаев. – Т.: Шарқ, 2001. – 128 б.

2.62. Ҳамроев С. Халқаро хусусий ҳуқуқ: Ўқув қўлланма. – Т.: Адолат, 2000. – 84 б.

2.63. Ҳайитбоев Ф.П., Нажимов М.К. Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. З.М.Исломов. Ўқув қўлланма –Т.:ТДЮИ, 2008. -246 б.

2.64. Hayitboev F.P., Najimov M.K. Hozirgi zamon asosiy huquqiy tizimlari / Mas'ul muharrir: yu.f.d., prof. Z.M.Islomov. O`quv qo`llanma – Т.:TDYuI, 2010. -246 b.

III. Даврий адабиёт

3.1. Абдурахмонов Ғ. Қонун ижодкорлиги ва қонун тили услуги // Ҳуқуқ–Право–Law. – 2003. – № 1. – Б. 10–14.

3.2. Азимова Г. Қонун ижодкорлиги // Ҳаёт ва қонун. – 2003. – № 1. – Б. 73.

3.3. Ефременко Е. М. Правосознание как фактор и условия совершенствования правовой системы Республики Беларусь // Правовые системы: история и современность: Материалы межвузовской научно-практической конференции. Минск, 5–6 января 2001 г. – Мн: БГЭУ, 2001. – С. 149–150.

3.4. Зорченко Е. А. Правовая культура человека как элемент правовой системы // Правовые системы: история и современность Материалы межвузовской научно-практической конференции. Минск, 5–6 января 2001 г. – Мн: БГЭУ, 2001. – С. 18–22.

3.5. Крюкова Е. А. Некоторые аспекты исследования языка и стиля законодательных актов // Правовая политика и правовая жизнь. – 2001. – № 3. – С. 191–192.

3.6. Марченко М. Н. Является ли правовая система России составной частью романо-германской правовой семьи? // Правовая политика и правовая жизнь. – 2001. – № 1. – С. 66–76.

3.7. Марченко М. Н. Понятие сравнительного права (сравнительного правоведения) // Вести МГУ: Ср. Право. – 1999. – № 1, 2.

3.8. Одилқориев Ҳ., Маткаримова Г. Халқаро ва миллий ҳуқуқ: ўзаро муносабат ҳамда таъсир // Давлат ва ҳуқуқ. – 2000. – № 1. – Б. 62–65.

3.9. Оқилов О. Давлатимиз ҳуқуқий тизимини такомиллаштиришда қиёсий ҳуқуқшуносликнинг ўрни // Қонун ҳимоясида. – 1998. – № 2. – Б. 27–28.

3.10. Поленина С. В. Российская правовая система и международное право: Современные проблемы взаимодействия // Государство и право. – 1996. – № 2. – С. 10–12.

3.11. Раҳмонқулов Ҳ. Ўзбекистонда халқаро хусусий ҳуқуқнинг аҳамияти ва вазифалари // Давлат ва ҳуқуқ. – 2000. – № 2. – Б. 3–6.

3.12. Тихомиров Ю. А. Правовая сфера общества и правовая система // Журнал российского права. – 1998. – № 4–5. – С. 9.

3.13. Уразаев Ш. З. Независимость и формирование правовой системы // Общественные науки в Узбекистане. – 1992. – № 7–8. – С. 20–24.

IV. Авторефератлар

4.1. Гайдеров А. А. Традиционные и религиозные факторы в формировании правовой системы России. 12.00.01: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2002. – 24 с.

4.2. Дзыбова С. Г. Теоретические аспекты формирования современной правовой системы (на примере стран-членов СНГ): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2001. – 23 с.

4.3. Колосова Н. М. Интегративная функция правовой системы. 12.00.01: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 1990. – 22 с.

4.4. Маткаримова Г. А. Международное право и правовая система Республики Узбекистан: взаимосвязь и взаимовлияние. 12.00.10: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т.: ТГЮИ, 1999. – 26 с.

4.5. Мукимов З. Основные исторические источники права в Узбекистане (VIII–XIX в. в.). 12.00.01: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Т., 1997. – 34 с.

4.6. Синюков В. Н. Российская правовая система (вопросы теории). 12.00.01: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Саратов: Государственная академия права. – 1995. – 37 с.

Мундарижа

Кириш	2
1. Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари фанининг предмети ва услублари.....	4
2. Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари ва оилалари.....	13
3. Роман-герман (континентал) ҳуқуқ оиласи	24
4. Умумий (англо-саксон) ҳуқуқ оиласи	58
5. Скандинавия мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари.....	84
6. Лотин Америкаси мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари	106
7. Узоқ Шарқ мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари.....	134
8. Диний-анъанавий ҳуқуқ оиласи	155
9. Социалистик ҳуқуқ оиласи	166
10. Аралаш ҳуқуқий тизимлар.....	187
11. Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тизими	198
12. Фойдаланилган адабиётлар	212